

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

У. Холиқов

УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА
Фанидан маъruzalар матни

Гулестон 2019

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг бундан кейинги ривожланиши бевосита таълим-тарбия натижасига боғлиқлиги барчага аён. Таълим-тарбияни такомиллаштирмай маънавий бой баркамол инсонни тарбиялаш мушкул. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар тайёrlаш миллий дастури белгилаб берилган ижтимоий вазифалардан келиб чиқиб ёш авлод таълим-тарбиясини ташкил этиши қундалик ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Хурматли Президентимиз Каримов И.А. «Баркамол авлод орзуси» асарида «Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устивор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-автори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз». Ва яна «Юқори малакали, замонавий фикрлайдиган одамларнинг етишмаслиги бизнинг олға силжишимизда ҳамон катта тўсиқ бўлиб турибди. Бундай кадрларни, авваломбор, ёш кадрларни топиш, ўстириш, тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланмоқда», деб жуда ўринли таъкидланган. Ҳақиқатан ҳам бундай фазилатларга эга бўлган кишини шакллантириш педагогика фани ва шу соҳада ишлайдиган мутахассислари зиммасига юклатилган.

Савол туғилади: улар таълим-тарбия борасида нима қилишлари, қандай йўл тутишлари лозим? Бу ва бошқа саволларга маълум даражада педагогика фани жавоб беради. Педагогика фани нима ва у қачон пайдо бўлган? Мазкур саволга жавоб беришдан олдин тарихий манбаларга мурожаат этайлик. Манбаларда ёзилишича, кишилий жамияти пайдо бўлгач, ижтимоий ҳаётда орттирилган тажрибаларни қўйи авлодга ўргатиш эҳтиёжи туғилади. Тажрибаларнинг тўпланиши натижасида таълим-тарбиянинг дастлабки тамоиллари вужудга келди. Бу ҳақда машхур мутафаккир А.Р.Берунийнинг «Вақт пиллапояси чексиздир, бирбирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан зинагагина кўтарилидилар холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган навбатдаги авлодга етказиб беради», - деб билдирган фикри бағоят ўринлидир.

Табиат, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги барча тажрибалар асосида муайян билимлар ортиб борди. Таълим-тарбия ишлари билан шуғулланувчи тарбиячилар касб-хунар вакиллари сифатида ажралиб чиқа бօгшлади. Уларнинг таълим-тарбия борасидаги фаолиятлари ва тўпланган тажрибаларидан ўринли фойдаланишлари педагогика фанининг вужудга келишига олиб келади. Шу аснода дастлабки мактаб кўринишидаги муассасалар вужудга келди, тараққий этди. Шундай қилиб, педагогика таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмуни, усуслари ҳамда ташкил этиш шакллари ҳақида маълумот берувчи фанга айланди. Демак, педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон этиб тарбиялашда ижтимоий аҳамият касб этади.

Бўлажак малакали педагог ва психолог бакалавр мутахассисларни тайёрлашда педагогика фанининг умумий асослари ва дидактика масалалари ҳақидаги маъулмот муҳим ўрин тутади. Шунинг учун бўлажак педагог-психолог бакалавр мутахассислар педагогика назариясининг мавзулари ҳақида атрофлича илмий, назарий билим олишлари бағоят муҳим. Чунки бўлажак бакалаврлар мазкур лекциялар курсини давлат таълим стандарти, ўқув дастури талаблари асосида изчили, тизимли ўрганиши педагогик фаолият учун зарур бўлган кўникма ва тажрибаларни таркиб топтиришга бевосита ёрдам беради. Бу эса бўлажак бакалавр, магистр педагог ва психологларни педагогик тизимга тайёрлашга замин яратади.

Мавзу: ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

P E Ж A:

1. Педагогика фани нима ҳақида баҳс қиласди.
2. Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши.
3. Тарбиянинг тарихий ва ижтимоий характери.
4. Нима учун биз педагогика фанини ўрганамиз.

Таянч сўз ва иборалар

Пайдагогос, педагогия, бола етаклаш, инсон, шахс, камолот, шакллантириш, уйғун, ижтимоий, индивидуал, таълим-тарбия, қонуният, тажриба, маҳоратни жалб қиласди, объектив, зарурий шарт, ҳаётга тайёрлаш, маълумот, маънавий камолот, қайта тарбиялаш, миллий дастур, ўз-ўзини тарбиялаш ва ҳоказо.

ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

“Педагогия” - яъни бола тарбияси ҳақидаги фандир деб таърифлайди А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ асарида.

Педагогика “пайдагогос-грекча” “бола” ва “етаклаш” маъносини билдиради. Инсонни шакллантиришга қаратилган муайян тизимли фаолият ҳамда таълим-тарбиянинг мазмuni, шакли ва усуслари ҳақидаги фан. У ёш авлодни ва катталарни тарбиялаш ҳақида баҳс қиласди. У таълим-тарбиянинг умумий қонунларини ишлаб чиқиб, ҳаётга тадбиқ қилиш масаласини ўрганадиган фан деб таърифлаш мумкин. Кишилик жамиятининг пайдо бўлиши билан одамларда меҳнат қуролларини ишлата билиш қобилияти, меҳнат малакалари, нутқ ва тафаккур ўсиб, камол топиб боради.

Педагогика аввал табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонуниятларини ўрганадиган фалсафа фани таркибидан ажралиб чиқиб фан сифатида танилади.

Хозирги даврда инсон фаолияти билан шу қўлланадиган фанлар жуда кўп. Педагогика фанининг ўзи ўрганадиган мавзу яъни инсон, одам, бола ва унинг шаклланиши ҳақида тадқиқ қиласди, ҳамда фан сифатида тан олинди ва ривожланиб бормоқда. Жуда қадимги даврда жамиятнинг инсон зотини қўллаб - қувватлаш ва

сақлаб қолиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тарбиялаш жараёни аввало у ижтимоий- тарихий тажриба жараёнида тўпланган ва тўпланаётган ижтимоий тажрибани бир-бирининг ўрнига келиб турадиган авлодларга етказиб бериши билан характерланади.

Янги авлод ўзидан олдинги кекса аждоднинг ижтимоий турмушдаги тажрибасини (фан, санъат, аҳлоқ) хулқ, автор соҳаларини ўзлаштира бориб уни бойитади. Бу ҳақда А.Р.Беруний “жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган навбатдаги авлодга етказиб беради” деб ўринли таъкидлаган. Ижтимоий тажриба, табиат, жамият, техника ва воқеаларни қайта ўзгартириш учун зарур бўлган фаолият усуслари ҳақидаги билимлар, қўникма ва малакалар: инсоннинг дунёга, одамларга, ўзига нисбатан муносабатининг алоҳида тизими сифатидаги тарбияланганликлари таркиб топгандир. Ижтимоий тажриба моддий ва маънавий қадрияtlарнинг йигиндиси сифатида ижтимоий онгнинг турли шаклларида шунингдек, ижтимоий муносабатлар, хулқ автор тизимида мужассамлашган тарбия муайян ижтимоий функцияларни бажаришга тайёр бўлган шахсни вояга етказади.

Инсон эгаллаб олиши лозим бўлган ижтимоий тажриба қанчалик мураккаб бўлгани сари, бу тажрибани етказиш юзасидан маҳсус ташкил этилган фаолиятга яъни (бирор ишлаб чиқаришни ўргатишга) эҳтиёжи пайдо бўла бошлади. Тарбия моҳирлик ва ишнинг қўзини билишни талаб эта бошлади. Тарбияни амалга ошириш, англаш ва бу соҳадаги тажрибаларни ўрганишга эҳтиёж тутилиши натижасида педагогика фани юзага келди. Агар инсоният тарихининг илк босқичларида болалар ва катталар билан биргалиқда меҳнат қилиш жараёнида тарбия олган бўлса, жамиятнинг, ҳаётнинг ривожланиб бориши билан билим ва тажрибани ўрганишнинг бундай йўли ҳаёт талабларига жавоб бермай келди. Булар эса ўз навбатида ўқитишни, тарбиялашни тақозо этар эди. Бу вазифа педагогика фанининг алоҳида бир фан сифатида шаклланишига имкон берди. Бу ҳаётнинг объектив талаби натижасида рўй берди. “Тараққиёт тасодиф эмас, балки заруратдир” деб таъкидлаган француз олими Виктор Гюго.

Ҳаётнинг барча йўналишларида тажрибалар мактабнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Мактаб сўзи юон тилида “дам олиш, меҳнатдан сўнг ҳордиқ чиқариш” деган маънени анлатади. ЈҚадимги Гречияда мактаб деб тажрибалироқ, билағонроқ одамларнинг болалари ва усмирлар билан сухбатлашишини айтишган.

Кейинчалик “мактаб” термини маҳсус ўқув-тарбия муассасалари сифатида ишлатила бошлаган ва ҳозирги вақтда ҳам шу маънода ишлатилади. Тарбиянинг такомиллаша бориши натижасида жамият тузилишида фаолиятнинг янги тури юзага чиқдики, у ёшларни маҳсус ижтимоий педагогик дастурлар асосида ҳаётга онгли ва мақсадга мувофиқ тайёрлашга мўлжаллангандир. Бу масала педагогик касбнинг бўлишини тақозо этарди. Уни амалга ошириш учун маҳсус тайёрланган мутахассисларга эҳтиёж түғдирди. Педагогик билимлар инсон фаолиятининг маҳсус йўналишларида ёш авлодни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда ва тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам педагогика фани жамиятнинг ривожланишида, одамларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва

маънавий тажрибаларини кейинги авлодга етказишини ҳал қилувчи ва жамиятнинг ривожланишини таъминловчи фан дейиш мумкин. Бу ҳақда АҚШнинг буюк педагоги Бенджамин Спок “Менинг олдимда икки асосий вазифа аниқ бўла бошлади. Бу бир томондан, педагогикани асримизнинг маънавий даражасига кўтариш бўлса, иккинчи томондан мен тарбиянинг психологик-педагогик қонуниятларини фалсафий англаб етиш билан бирга ота-оналарга аниқ тавсиялар бериш, уларнинг саволларига аниқ жавоб беришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим” - деган эди. Ҳақиқатан ҳам педагогика фани инсон шахсини маънавий камолотини таъминлайдиган фан бўлмоғи даркор.

Тарбия жараёнининг можияти

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини руёбга чиқаришнинг шароитлари ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳулқ атворнинг андозаларини ўзгартириш мамлекатимиизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралмоқда.

Авваломбор, тарбия назарияси Марказий Осиё файласуфларининг ва ҳалқ педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига сужнади. Тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, социология, этика, эстетика, хуқуқшунослик, психология фанлари маълумотига асосланади.

Ҳозирги замон педагогикасида тарбия тарбиячининг тарбияланувчи шахсига оддий шунчалик таъсир кўрсатиш эмас, балки тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг аниқ бир мақсадга қаратилган, бир-бири билан ҳамкорликда қиласидиган муносабатлари ва ўзаро таъсир кўрсатиши эканлиги алоҳида таъкидланади.

Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури “Таълим тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ тайёрланган бўлиб, унинг “асосий мақсади- таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар таёrlаш”, зарурлиги (39 бет) ва “Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши учун шарт-шароитлар яратади” (43 бет) деб, таъкидланиши бежиз эмас албатта.

Тарбия жараёнида кишининг турли қобилиятлари ривожланади, ғоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик хислари шаклланади, табиатга, жамиятга илмий қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч-қувватлари мустаҳкамланади.

Ҳамма даврларнинг илғор кишилари табиатга юқори баҳо берганлар. Ҳалқ донишманлари ва мутафаккирларидан Зардўшт, Муҳаммад ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Қошғарий, Шайх Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Бурҳониддин Зарнуджий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур, Завқий, Фурқат, Аваз Ўтар, Ҳамза, Абдулла Авлоний инсон камолотини илм фан ва тарбияда деб билдилар.

Тарбия жараёни шахснинг ижтимоий қимматли фазилатларини шакллантиришга унинг атрофдаги дунёга, жамиятга, одамларга, ўзига нисбатан муносабатлари доирасини вужудга келтиришга ва кенгайтиришга қаратилгандир.

Шахснинг турмушдаги турли жиҳатларга муносабатлари тизими қанчалик кенг, хилма-хил ва чуқур бўлса, унинг маънавий дунёси шунчалик бой бўлади. Тарбия шахсни ижтимоийлаштириш унинг аниқ ҳаётий мавқеини шакллантириш жараёнидир. Тарбия шахснинг онглилиги, фаоллиги, доимийлиги, ватанпарварлиги, инсонпарварлиги ва бошқа фазилатларини шакллантирадиган жараёндир. Тарбия ўз табиатига қўра кўп факторли, характерга эга. Бунинг маъноси шуки, бола шахснинг қарор топиши мактаб, оила, жамоатчилик, ижтимоий муҳит ва яқин атрофдаги вазиятнинг бевосита ёки билвосита таъсири остида руй беради. Ҳамма нарса: одамлар, ашёлар, ҳодисалар, воқеалар аввало ота-оналар ва педагоглар тарбиялайдилар. (А.С.Макаренко)

Тарбия жараёнини машхур педагог Абдулла Авлоний “Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт, - ё мамот, - ё нажот, - ё ҳалокат, - ё саодат, - ё фалокат масаласидир” деб таърифлаган. Ҳ.Ҳ.Ниёзий: “Агар яхши тарбия кишининг қимматбаҳо бойлиги бўлса, ёмон тарбия унинг учун ҳақиқий баҳтсизлик ҳисобланади ва кўпинча уни ҳалок этади”, - деб тушунган.

Таълим орқали назарий камолотга эришилади. Тарбия эса Форобий фикрича бу кишилар мулоқотда этник қадр-қимматни ва амалий фаолиятни яратишга олиб борадиган йўлдир деб таъриф берган, ҳамда “инсоний мақсад-олий баҳт-саодатта эришувни ўзига ғоя ва олий мақсад қилиб олиши керак”.

А.С.Макаренко: “Тарбия бу нисбатан кексароқ авлоднинг ўз тажрибаси, ўз эҳтироси, ўз эътиқодини ёш авлодга топшириш демакдир” - деб таърифлаган. В.А.Сухомлинский “Тарбия - аввало ўқитувчи билан болалар доимий маънавий муносабатлариидир” - деб таърифлаган.

Юқоридаги таърифларнинг барчаси шахс тарбиясининг у ёки бу қирраларини илмий жиҳатдан асослашга қаратилгандир.

Пировард натижа ҳар томонлама камол топган, етук, баркамол шахсни шакллантиришга қаратилгандир. Тарбия жараёнининг энг асосий мақсади ҳар томонлама ва уйғун камол топган, янгича фикрлайдиган шахсни шакллантиришдир. Бу қийин жараён икки томонлама бўлиб, уюштиришни ва раҳбарликни бошқаришни ҳам, тарбияланувчи шахснинг фаоллик кўрсатишни ҳам тақоза қиласди. Аммо бу жараёнда педагог етакчи роль ўйнайди ва тарбиянинг умумий мақсадини амалга оширади.

Тарбия жараёнининг моҳияти тартибга комплекс ёндашишни талаб этади. Тарбияни қурилишга қиёслаш мумкин. Комплекс ёндашиш объектив равишда ақлий, ғоявий, аҳлоқий, меҳнат, эстетик, жисмоний, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, маънавий ва ҳакозоларнинг бирлигини, тарбия жараёнини ташкил этишининг: индивидуал, гуруҳли ва оммавий шаклларини қўшиб олиб боришини, усуслари ҳамда воситаларини мақсаддан келиб чиқиб олиб борилишини таъминлайдиган педагогик тизимни келтиришни ва уларни амалда қўллашни талаб этади.

Тарбия узоқ давом этадиган ва аслида узлуксиз жараён бўлиб бу жараён бола мактабга келишидан илгарироқ бошланади ва бутун умр бўйи давом этади.

Тарбия қўпгина сабабларга, ўқувчиларнинг индивидуал- топологик тафовутларига, уларнинг ҳаётий ва маънавий тажрибасига, шахсий фаоллигига боғлиқ.

Қадимги шарқ мақолларидан бирида шундай дейилган: “Агар ўзингни бир йилга таъминламоқчи бўлсанг - шоли эқ, ўн йилга таъминламоқчи бўлсанг - дарахт эқ, юз йилга таъминламоқчи бўлсанг - одам тарбияла”.

Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин (мақол). Бола ўқишини ўрганишдан олдин, тақлид қилишини ўрганади деган Каменский.

“Ўзи яхши қўрадиган нарсасини ўзгаларга ҳам раво кўрмагунча киши мўмин комил бўла олмайди” - деган экан Ал-Бухорий, Ал-жомеъ-ас-Саҳиҳ аса-рида.

“Юқори малакали, замонавий фикрлайдиган одамларнинг етишмаслиги бизнинг олға силжишимизда ҳамон тўсиқ бўлиб турибди. Бундай кадрларни, аввалом бор ёш кадрларни топиш, ўстириш, тарбиялаш бугунги куннинг энг муҳим масаласига айланмоқда” - деб таъкидлайди И.А.Каримов (83 - бет) ва яна “Комил инсон деганда биз аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган ҳулқ атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз” - деган (81 - бет). Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъоддога, илмга, машққа деган эди Арасту (107 - бет).

Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муҳим ва ижтимоий аҳамиятга эга. Бу борада қуидаги хикматга риоя зарур. “Боланинг 1-6 ёш даврида у ҳоким - ота эса тебе, 7-18 ёшида ота ҳоким бола эса тебе, 18 дан сўнг эса албатта дўст ва ҳамкор бўлиш керак” каби тушунча ҳалқ педагогикасидан бизгача етиб келган.

Тарбиянинг тарихий ва ижтимоий характери

Тарбия кишилик жамиятининг пайдо бўлиши билан вужудга келди у билан бирга тараққий этди. Жамиятнинг ўзгариши билан ўзгариб борди. Тарбия турли хил даврларда ва турли хил жамиятларда ўзгармас бир нарса бўлиб қолмайди. Ижтимоий тузум ўзгариши билан у ҳам ўзгариб боради. Тарбиянинг мақсадлари, мазмуни, шакли ва усуслари билан ҳар бир тарихий даврда ўзига хос хусусиятларга эга. Шу маънода биз тарбияни тарихий категориялари деб атаемиз, чунки одамлар ҳаёти қачон пайдо бўлган бўлса, тарбия ҳам ўша вақтдан буён олиб борилмоқда. Шунинг учун тарбия тарихий характерга эга. Агар тарбия олиб борилмаганда эди ҳаёт ҳам давом этмас эди. Бу фикрни кундалик ҳаётимиз исботлаб турибди. Педагогик ғоялар ва тарбиявий ишни ривожлантиришида муайян даражада алоқа ва маълум бир давомийлик мавжуд. Жумладан, асрлар давомида дарс мактабда ўқув машғулотларини ташкил этишининг асосий шакли бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ҳозирги даврда ўқувчиларга билим беришининг дарс шаклидан ташқари бошқа шакллари пайдо бўлди. Масалан, саёҳат, баҳс, конференция, семинар, амалий машғулот, лаборатория ва ҳоказо

Айни чоғда тарбияда ва таълим беришда мафкуравий жиҳатдан бетараф қоладиган лаҳзалар ҳам борлигини унутмаслик керак. Тарбия ва таълимнинг ташкилий иш шаклларини аниқ тўлдириш мактаб ишининг у ёки бу масалаларини изоҳлашга ёндашув ҳар даврда турлича характерга эгадир.

Тарбиянинг ижтимоий характери деганда бир кишининг бир неча кишиларнинг хоҳиши, иродасидан қатъи назар ижтимоий ҳаёт бор экан у кўпчиликнинг яъни жамият аъзоларининг ҳаётини давом эттириш учун олиб борилиши шарт

бўлган ижтимоий жараёндир. Шунинг учун биз тарбияни ижтимоий жараён деб ҳисоблаймиз. Жамиятда инсонлар мавжуд экан демак ҳаёт давом этиши шарт.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Педагогика фани нимани ўрганади?
2. Педагогика фани нима учун фан сифатида шаклланади ва уни асосланг.
3. Педагогика фанининг мақсади ва вазифалари қандай муаммоларни ҳал этишдан иборат?
4. Тарбиянинг тарихий ва ижтимоий характеристи нималардан иборат?
Уни асосланг?

Мавзу: ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ

P E Ж A:

1. Илм, билим, кўникма ва таълим педагогика фани тушунчаси.
2. Тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш, қайта тарбиялаш педагогиканинг асосий тушунчаси.
3. Маълумот – инсонга маълумот берадиган ва шахсини шакллантирадиган асосий тушунча.
4. Педагогика категорияларини билиш – баркамол инсонни тарбиялашнинг зарурний шарти.

Таянч сўз ва иборалар

Категория, таълим, кўникма, малака, тарбия, маълумот, шакллантириш, тилакка етади, автоматлашган, таркибий қисм, етакчи, ижтимоий тараққиёт, баҳтсаодат, юксак поғона ўз-ўзини тарбиялаш, қайта тарбиялаш ва ҳоказо.

Педагогиканинг асосий категориялари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги

Педагогика назарияси ва амалиётида педагогика фанининг асосий тушунчалари ўзаро ўзвий боғланган бўлиб, ягона педагогик жараённи ташкил этади. Улар асосан қуидагилардан ташкил топади: билим, кўникма, малака, тарбия, маълумот ва шахсни шакллантириши сингарилардан иборат. Буларнинг ҳар бирiga алоҳида тухталамиз:

Билим – одамларнинг ижтимоий тарихий амалиёт жараёнида тўпланган, умумлашган тажрибасидир. Ёки билимлар бу ижтимоий тарихий онг, инсониятнинг ижтимоий тарихий амалиёти ҳосиласидир. Билимлар инсоният томонидан ишлаб чиқариш фаолиятини фаол ўзлаштириши жараёнида тўпланган, амалда синовдан ўтган ва объектив дунёни чуқурроқ англашга ҳамда ўзлаштиришга йўналтирилган табиат, жамият, тафаккур ва фаолият усуслари қонуниятлари ҳақидаги илмий тушунчаларнинг яхлит асосланган мажмуасидир.

Таълим жараёнида ўқувчилар билимлар тизимини эгаллабгина қолмайдилар, балки бир қанча кўникма ва малакаларни ҳосил қиласидилар. (Давидов В.В)

Кўникма – мактаб ўқувчиларининг олган билимларига асосланиб, қуийдаги вазифаларни ва шартларга биноан, бажариладиган ҳаракатларнинг йиғиндишидир. Кўникмалар:

1. Ўқув кўникмалари
2. Нутқий фаолиятта оид кўникмалар
3. Бадий фаолиятта оид кўникмалар
4. Муомила ва ўзини тутиш кўникмалари
5. Мехнат кўникмалари
6. Касбга оид кўникмаларга бўлинади.

Малака – онгли, хатти-ҳаракатнинг автоматлаштирилган таркибий қисми. Ёки малака – фаолият жараёнида унинг бирор бир элементини (онгнинг энг кам назорати остида) бажариш қобилиятидир. Кўникма, малакалар мақсадга йўналтирилган фаолият жараёнида шакланади.

Таълим жараёнида билимлар, кўникма ва малакалар боғлансада, аввалгида билимлар етакчи рол уйнайверади. Чунки ўқувчилар билимлар асосидагина кўникма ва малакаларининг маълум даражасини эгаллайдилар.

Инсон иши билим билан бошланса,
Наинки иш қиласа тилакка етади

деган Ю.Х.Хожиб

Муқаддас “Авесто” да: одамларга ва уларнинг авлодларига баҳт-саодат келтирадиган таълимни амалга оширсинглар деб таъкидланган. Демак жамиятни ёш авлодга таълим бериш илгаридан ҳал қилувчи омил ҳисобланган.

“Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас фазилатдир”. Илмсиз инсон мева-сиз дарахт кабидир деб таъкидлайди А.Авлоний. “Бешикдан қабргача илм изла”, “Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир” дейилган ҳадисларда. Илмни аввал ўрганиб, сўнг бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йигиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан баробардир.

Таълим – маҳсус тайёрланган кишилар раҳбарлигига ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма, малакалар билан қуроллантириладиган, шунинг билан уларнинг билиш қобилиятларини ўстирадиган, дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир. Тарбия эса бола туғилган вақтдан бошланиб, мактабни битиргандан кейин ҳам давом этадиган адабий жараёндир. Тарбия деганда олинган билимлар, ҳаётий тажрибалар асосида кишида дунёқарааш ва шу асосда хулқатворнинг таркиб топишига тушунилади.

Маълумот – таълим-тарбия натижасида олинган ва системалаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараашлар мажмуи.

Шундай қилиб, инсон ҳақидаги фанлар тизимида педагогиканинг тутган ўрни шу билан белгиланадики, у шахсни ривожлантириш, шакллантириш, тарбиялаш, маъдумотли қилиш ва ўқитиш қонуниятларини тадбиқ қиласиган фан деб таърифлаш тўғри бўлади.

Педагогика фанидаги асосий тушунчалар, уларда акс этадиган ҳодисалар каби, бир-биридан ажралмасдир, улар бир-бири билан чирмашиб кетган, қисман бир-бирига мос келади ҳамда ягона ва бир бутун педагогик жараёнда ўзаро

боғланган бўлади. Ҳар қандай фаннинг ажралиб туриши ва нормал фаолият кўрсатиши учун унинг ўзида хусусий тушуниши аппарати мавжудлиги, муқаррар шарт бўлиб ҳисобланади. Тарбия, таълим ва ўқитиш фани сифатидаги педагогиканинг асосий тушунчаларидир. Тарбия ижтимоий муносабатнинг шундай бир турики, унда шахсни йўналтирилган ҳолда шакллантириш мақсадида бир хил тоифадаги бошқа бирорларга таъсир ўтказади.

Педагогика – тарбия назарияси ва санъати ҳақидаги фан. Янги кишининг дунёга келиши фақат туғилишдан иборат. Жисмоний ҳодиса эмас. Бола туғилгандан кейин ўз замонасининг ижтимоий тараққиёт даражасига кўтарилиши, мавжуд ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллаши, ижтимоий муносабатлар тизимида ўз ўрнини белгилаб олиши, тарихий жараённинг фаол иштирокчисига айланиши, яъни тарбия олиши керак. Демак, тарбия ҳамма вақт мавжуд бўлган жамиятнинг (ҳаётнинг) доимий ва энг зарур функциясиdir. У қийин ва мураккаб мақсадга фақат тарбия билангина эришиш мумкин. Мазкур муаммони илмий ҳал қилиш учун шу давргача яшаб ижод этган буюк педагогларнинг шу соҳадаги илмий меросига таянишимиз шарт. Тарбиянинг жамият ва ҳар бир инсон ҳаётидаги ижтимоий аҳамияти ҳақида буюк ўзбек педагоги А.Авлоний “Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун – ё ҳаёт, - ё мамот, - ё нажот, - ё ҳалокат, - ё саодат, - ё фалокат масаласидир” тарзида таърифланган. Демак, тарбия биз учун ҳамма нарсага эришишини таъминловчи қудратли куч экан. Бунда тарбиячининг ўз олдига қўйган мақсади ҳал қилувчини англаш даркор. “Тарбия ишида ўз-ўзини такомиллаштириш жараённига катта ўрин берилмоғи лозим. Инсоният фақат мустақил ўрганиш туфайлигина тараққий этган” – деган Г.Спенсер. “Тарбия аввало ўқитувчи билан болаларнинг доимий маънавий муносабатидир” – деган Сухомлинский.

Қадимги шарқ мақолларидан бирида шундай дейилган: “Агар ўзингни бир йилга таъминламоқчи бўлсанг шоли эк, ўн йилга таъминламоқчи бўлсанг дарахт эк, юз йилга таъминламоқчи бўлсанг одам тарбияла”

Машҳур педагог К.Д.Ушинский “Тарбия санъати шундай хусусиятта эгаки, деярли барчага таниш ва тушунарли, баъзиларга эса жуда осон иш бўлиб туюлади – одам бу иш билан назарий ва амалий жиҳатдан қанчалик кам таниш бўлса, унга бу шунчалик тушунарли ва осон бўлиб кўринади. Деярли ҳамма тарбия сабртоқатни талаб этишни эътироф қилишади, айримлар бунинг учун туғма қобилият ва малака яъни қўникма керак деб уйлайдилар: лекин жуда кам одам сабртоқат туғма қобилият ва малакадан ташқари яна маҳсус билимлар кераклиги ҳақида ишонч ҳосил қилишади” – деб жуда ўринли таъриф берган эди. Ҳақиқатан ҳам тарбия жараёни сабр-тоқат, баъзилар туғма қобилият, қўникма ва малакадан ташқари маҳсус билимлар кераклигини қўпчилик билишмайди. Бунинг учун олийгоҳда ана шу маҳсус билимларни эгалаш ниҳоятда муҳимдир. “Инсони инсон қилиб этиштирувчи нарса тарбиядир” – деган Демокрит.

Тарбия шахсни шакллантириш омилларидан биридир. У шундан иборатки, кишилар турли воситалар билан маълум бир мақсадга ўз тарбияланувчиларида маълум ҳолатни ҳосил қилиш ва ривожлантиришни ҳохлайди. Тарбия шахсни шакллантиришнинг бошқа омилларидан сифат жиҳатдан шу билан фарқ қилалики, тарбиячи ўз олдига онгли суратда маълум бир мақсад қўяди ва шу мақсадидаги эришиши учун интилиб, уни амалга ошириш воситаларини топади. Шундай

қилиб, тарбия шахснинг муайян йўналишида шакллантириш мақсади билан турли одамлар бир-бирига таъсир кўрсатадиган ижтимоий муносабатлардир.

Тарбиянинг негизини ташкил этадиган қонуниятларни билиш бугунги кунда одамлар билан (яшайдиган) ишлайдиган ҳар қандай мутахассиснинг ишчанлик малакасини билдирадиган белгиларидан бўлиб қолмоқда.

Тарбия ҳамма нарса тарбиячининг шахсига асосланиши керак. “Шахснинг ривожланиши ва шаклланишига фақат шахс таъсир кўрсата олади, характерни фақат характер воситаси билан вужудга келтириш мумкин” – деган эди Ушинский. Ҳақиқатни ҳам одам одамга қўйган мақсад асосида ўқувчиларга, ёшларга ўз характеристери билан, характерни шакллантиради.

Юқорида асосланган педагогика фанининг асосий категориялари ўзаро узвий боғлиқ ҳолда олиб борилиб баркамол инсони шакллантириради. Демак, тарбия жараёни умуминсоний милий ва ҳар бир шахснининг ўзига хос қобилияtlарини ривожлантирувчи ижтимоий жараёнлардир деб холоса чиқариш мумкин.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Педагогика фанининг асосий категориялари (тушунча) нималардан ташкил топган? Уларнинг ҳар бири фанда қандай таърифланади?
2. Нима учун ўқитувчи педагогиканинг категорияларини илмий ва амалий билиши зарур?
3. Педагогиканинг категорияларини билиш касбда қандай муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради?
4. Асосий категориялар нима учун ўзаро узвий боғланган ва ягона педагогик жараён деб ҳисобланади?
5. Педагогик касбни ўрганишда асосий тушунчаларнинг қандай аҳамиятлари мавжуд?
6. Сизнингча педагогиканинг яна қандай тушунчалари бўлиши мумкин ва уларни ҳал этишининг қандай йўллари мавжуд?

Мавзу: ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ТИЗИМИ.

P E Ж A:

1. Педагогика фанлари тизимни тавсифлаш.
2. Педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқаси ва унинг мазмуни.

Таянч сўз ва иборалар.

Тизим, система, педагогика фанлари тармоқлари, мактабгача тарбия педагогикаси, маҳсус педагогика, мактаб педагогикаси, ёшлар педагогикаси, умумий педагогикаси, ижтимоий педагогика, оила педагогикаси, ҳарбий педагогика, методика, ишлаб чиқариш педагогикаси, қасб педагогикаси, раҳбарлик педагогикаси, меҳнат педагогика, олий мактаб педагогикаси, ва ҳоказо.

Педагогика фанлар тизими

Педагогика фанининг тадқиқ қилиш обьекти, ва у ўрганадиган соҳалари ийлдан-йилга ортиб, кенгайиб ва ривожланиб бормоқда. Натижада унинг тармоқлари ҳам бир неча гуруҳларга ажралмоқда ва мустақил соҳа сифатида ўрганилмоқда. Улар педагогика фанлари тизими деб номланади.

Педагогика фанини улкан катта дараҳтга қиёслаш мумкин. Ҳар бир фан ўз ривожланишида, ўз назарияларини бойитади, ўзининг ички амалий йўналашларига таяниб такомиллашиб боради. Ҳозирги вақтда педагогика фани ўз фанлари тизимиға эга. Улар:

1. **Умумий педагогика** (инсонга, шахсга таълим тарбия, маълумот бериш шакли, мазмуни, усуллари ва уларни шакллантиришнинг, тарбиялашнинг умумий қонуниятларини тадқиқ қиласи ва амалиётда қўллашга ўргатадиган);
2. **Ёшлар педагогикаси** (турли ёшдаги кишиларга таълим тарбия бериш, шахсни шакллантиришнинг ўзига хос томонларини ўрганади);
3. **Мактаб педагогикаси** (мактаб ёшдаги ўқувчилар таълим тарбия соҳасининг ўзига хос томонларини ўрганади);
4. **Мактабгача тарбия педагогикаси** (мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш, тарбиялашнинг ўзига хос томонларини);
5. **Педагогика тарихи** (турли тарихий даврларда мактаблар таълим тарбияси, педагогик ғояларнинг мазмуни, ривожланиш масалаларини);
6. **Маҳсус педагогика** (Дефектология) бу ҳам қуйидаги гуруҳларга бўлинади: карсоқов болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан сурдопедагогика; кўзи кўр ва хира кўрадиган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масаласи билан типлопедагогика; аҳлоқан жиҳатдан қолоқ болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан олигофреннопедагогика; дудуқ ва тили ясси болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан эса логопедия шугулланади;
7. **Методика** (таълимнинг умумий қонуниятларини муайян предметларидан (яъни она тили, адабиёт, тарих, физика, химия, математика, жисмоний тарбия) дарс беришда қўллашнинг ўзига хос хусусиятларни, усулларини тадқиқи қилувчи соҳаси);

- 8. Оила педагогикаси** (оила муҳити, аъзолари, шароити, таълим тарбиясининг умумий масалаларини);
- 9. Касб педагогикаси** (ишлаб чиқариш), (турли касбларнинг ўрганишнинг умумий масалаларини);
- 10. Қиёсий педагогика** (Фояларни таққослаб хulosса чиқариш масалалари);
- 11. Ҳалқ педагогикаси** (мазкур ҳалқи таълим тарбияси, мактаби, ижтимоий турмуш тарзи, маданияти, маънавияти, ахлоқ одоби сингариларни);
- 12. Ижтимоий педагогика** (барча ёшдаги фуқароларни тарбиялашнинг замаънавий имкониятлари, воситалари ва манбаларини);
- 13. Тиббиёт педагогикаси;**
- 14. Ҳарбий педагогика;**
- 15. Раҳбарлик педагогикаси;**
- 16. Меҳнат педагогикаси сингари тармоқлари мавжуд.**

Педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқаси

Тарбиянинг моҳиятини илмий асосда тушуниш учун аниқ тарихий шаридатда унинг тараққий этиши қонуниятларини билиш зарур. Шунинг учун педагогика ижтимоий фанлардан бири сифатида ижтимоий фанлар билан яқин алоқада ривожланиб боради. Тарбия мақсад ва вазифаларини инсон шахсининг ҳар томонлама ривожланиш қонуниятларини ишлаб чиқариш жараёнида тарих, фалсафа, иқтисод, социология, этика, эстетика, умумий психология, ёш психологияси, педагогик психология, касб психологияси, оила психологияси, ижтимоий психология, одам психологияси, ҳарбий психология ва физиологияси болалар гигиенаси, педиатрия, медицина, кибернетика ва бошқа фанлар билан алоқа қиласди. Психология фани билан алоқасини таҳлил қиласмиз. Педагог ўқувчиларга таълимтарбия беришда уларни сезгиси, идроки, тасаввур, диққат, тафаккур ва хотираси каби психик жараёнларни билиш даркор. Шунинг учун педагогика фани психология фани билан алоҳида иш олиб боради. Ҳар бир фан ўз ривожланишида ўз назарияларини бойитишда ўзининг ички илмий йўналишларига таяниб, такомиллашиб боради. Ҳозирги даврда умуминсоният томонидан яратилган билимлар ва келажак ҳақида ахборот, маълумот берувчи турли фанлар муайян даражада педагогика фани учун манба бўлади. Бошқа фанлар каби педагогика ҳар бир инсоннинг умумий камолатига хизмат қиласди. Табиат ва жамият ривожланиши қоидалари тўғрисидаги маълумотларга асосланади ва ўзи ҳам ижтимоий фан сифатида ривожланиб боради.

Ҳар бир ўқитувчи, ўқувчи ўз она юрти тарихини билиши, ватанпарвар бўлиши лозим. Агар ўқитувчи ўз ўқувчисида ҳақиқий ватанпарварни тарбиялаш учун ўз ҳалқини тарихини, турмуш тарзини, маданиятини, маънавиятини қолаверса унинг удум-анъаналари, урф-одатлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи фақат билимгагина эга бўлмасдан уни ҳозирги қундалик ҳаётга қўлланилишини ҳам уddaрайдиган бўлмоғи керак. Бу ҳақда муҳтарам президентимиз И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида, “Тарихий хотираси бор инсон - иродали инсон”, “Инсон учун тарихдан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир”, “Ҳақиқий тарихни билмасдан ту-

риб эса ўзликни англаш мумкин эмас" каби фикрлари ниҳоятда муҳимдир. Юқоридаги фикрлар ўқитувчилар олдига тарихни билиш вазифасини қўндаланг қилиб қўймоқда. Масалан, ўтмишда аждодларимизнинг қилган ишлари, фан соҳаларига қўшган улкан хиссаларини тарих фанини уларнинг ҳаёти ва фаолият орқали маълумот оламиз. Мисол учун бобомиз А.Темурнинг "миллат дардига дармон бўлмоқ лозим" сўзининг маъносини англаш бугунги ҳаётимиизда талаб қилмоқда.

Фалсафа фани эса педагогика фани учун методологик асос бўлиб хизмат қиласди. Чунки, ҳозирги таълим-тарбия назрияси ва амалиёти ютуқлари фалсафий фикрлар кураши ва тарқиётининг маҳсулидир, фалсафа педагогикани илмий усуллар билан қуроллантиришни, таълим-тарбиянинг объектив қонун қоидаларини ишлаб чиқаришга манба бўлади.

Этика ва эстетика фанлари педагогиканинг тарбия назрияси бўйича маълумот беради. Бу фан ўқувчининг хуқуқи, одоби меъёрларини аниқлаш, белгилаш ҳамда гўзалликни ҳақиқий тушунтириш ва қундалик оиласи, ижтимоий қўллашга ўргатади. Шунинг учун ҳам педагогика, этика ва эстетика фанлари билан яқин алоқада ишлайди.

Одам анатомияси ва физиологияси, мактаб гигиенаси сингари фанлар билан шунинг учун алоқа қиласди, ўқитувчи ва ўқувчи организмнинг анатомияси-ни яъни тузилишини, ҳар бир органнинг бажарадиган функцияларини илмий асосда билиш шарт. Анатомия ва физиология ана шу маълумотларни ўқитувчига беради. Ўқитувчи эса ўқувчиларнинг бош мияси иш фаолиятида ва унга тушадиган ақлий зўриқишиларни билиши даркор. Мактаб гигиенаси фани эса болага ўқиши, ёзиши учун синф хоналарида ёруғлик миқдори, парталарнинг размери ва ҳоказоларни ўқувчиларга ўргатади. Бу эса ўз навбатида педагогика фанининг гигиена фани билан узвий алоқада бўлишини тақоза этади.

Умуман, педагогика фани ўз олдидаги мақсад ва вазифаларни ҳал этишда бошқа фанлар ютуқларидан фойдаланмасдан иш олиб бориш мумкин эмас деган хulosага келиш мумкин.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Педагогика фанлари тизими нима ва у қандай тармоқлардан ташкил топган?
2. Нима учун педагогика фанлари тармоқларга бўлинади ва мутахассислар уларни нега ўрганади?
3. Ҳар бир тармоғи нимани ўрганади ва унинг мақсади қандай белгиланади?
4. Педагогика бошқа тармоқлардан қайси хусусиятлари ва мазмуни билан фарқланади?
5. Педагогика фани қайси фанлар билан алоқа қиласди, нима учун ва қандай муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам беради?
6. Ҳар қайси фанлар билан алоқа қилиш сабабларини педагогик жиҳатдан асослаб кўрсатинг?
7. Педагогика фанлари тармоқларини ўрганишда қандай муаммолар мавжуд ва Сизнингча уларни қандай ҳал этиш мумкин?

Мавзу: ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ.

P E Ж A:

1. Фаннинг илмий тадқиқот методлари ҳақида тушунча ва уларга қўйиладиган талаблар.
2. Илмий тадқиқот методларига тавсиф бериш.

Таянч сўз ва иборалар.

Метод, усул, йўл, тадқиқ этиш, ўрганиш, тажриба ўтказиш, синаш, таълимтарбия, маълумот, кўникма, малака, ўзлаштириш, тадбиқ этиш, назария, ўқувчи, шахс, фаолият, сухбат, кузатиш, эксперимент, анкета, тест, мактаб хужжатлари, ижодни ўрганиш, статистика, кибернетика, социология ва ҳоказо.

Илмий тадқиқот методалари.

Ҳар бир предмет унинг методлари билан чамбарчас боғланган.

Педагогика ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишининг реал жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларини текшириш ҳамда билиш усуслари ва воситалари мажмуини тушунамиз.

Фан методлари унинг методологиясига моҳияти ва принципларига боғлиқ бўлади.

Педагогиканинг бундай мустаҳкам ва ишончли фалсафий асоси диалектик методдир.

Педагогиканинг ҳодисаларини ўрганиш ва уларнинг қонуниятларини аниқлаш масаласида бир-бираига қарама-қарши иккита йўналиш метофизик ва диалектик йўналиш мавжуддир.

Метофизиклар педагогиканинг ҳодисалари ва фактларини ўзгармас, вакт, жой ва конкрет шароитлардан ташқари бошقا ижтимоий ҳодисалар билан алоқаси бўлмаган ҳодиса сифатида олиб қарайдилар.

Диалектик метод эса метофизика талқинига қарама-қарши ўлароқ, ўқитищ, билим бериш, тарбиялаш жараёнларини ва уларнинг моҳиятларини қуидагича ўрганишни талаб этади:

1. Уларнинг умумий алоқаси бир-бирини тақоза этиши ва ўзаро таъсир жараёнида болаларни тарбиялаш, ўқитишининг турмуш, сиёsat, идеология, маданият, фан, аҳлоқ, санъат, таълим-тарбия муассасаси тармоқларининг ва ижтимоий, мактаб ва оиласий тарбияларини ўзаро боғлиқлиги ва бошқа.
2. Уларнинг тўхтовсиз ҳаракати, ўзгариши ва тарақкий этиши жараёнида ижтимоий ва илмий вазифаларининг туғилиши натижасида келиб чиқадиган ўқитишиш ва тарбиялаш вазифалари, форма ва методларининг ўзгариши; тарбиялаш қисқа муддатли ва тез олиб бориладиган иш эмас, балки қийин ва мураккаб жараёндир, болаларни андоза, универсал схема асосида ўқитишиш ва тарбиялаш мумкин эмас.
3. Болаларнинг ўсишида миқдор ва сифат ўзгаришлари жараёнида ҳар бир мактаб ёшининг ўзига хослиги, тарбия ва таълим бола шахсининг сифат жиҳатидан

ўсиш ва таркиб топиши эканлиги, онг ва аҳлоқнинг, сўз ва ишнинг бирлиги ва бошқа мезонлар.

4. Қарама-қарши томонларни, анъаналарни, қарашларни ва фикрларни аниқлаш ва очиш жараёнида тарбия ва таълимда турмуш диалектикасида, янги ва эски ўртасидаги кураш, шахс ва жамоа ўртасидаги қарама-қаршиликлар ва ҳоказо.
5. Педагогиканинг қонуниятларини объектив ўрганишда диалектика категориялари ҳодиса ва моҳият, сабаб ва натижа, зарурият ва тасодиф, мазмун ва шакл, тарихий ва мантиқий, умумий ва шахсий, асосий ва хусусий, аниқ ва абстрак каби категориялар муҳим аҳамиятта эгадир.

Диалектиканинг юқорида кўрсатилган принциплари асосидаги педагогика ҳодисалари, фактлари ва жараёнларини илмий текшириш, уларнинг тараққий этиш қонуниятларини билиш мумкин.

Бинобарин, педагогик тадқиқот методларига объективлик ўқитувчилик педагогик фаолиятини оширишга қаратилган тадқиқот вазифаларининг аниқлиги, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, болалар психологияси қонуниятларини ҳисобга олиш каби талаблар қўйилади. Лекин, болаларни ўқитиши ва тарбиялаш амалиётининг ўзи ҳамма вақт педагогик тадқиқотларнинг манбаи ҳисобланади. Фақат мактаб тажрибаларигина ҳар бир илмий назариянинг ҳаққонийлиги ҳисболанади.

Тадқиқот методларининг танлаш фаннинг ўзи учун муҳим аҳамиятта эгадир, унинг методлари қанчалик мукаммал бўлса, шу фан олдида турган актуал вазифалар шунчалик муваффақиятли ҳал этилади. Ҳозирги педагогик тадқиқотларнинг методлар тизимини тўла ҳал этилга деб бўлмайди.

“Педагогика тажрибасини ўрганишда қўйидаги методлар: кузатиш, эксперимент, сухбат, ўқувчилар ижодини ўрганиш, тарбия муассасаларини хужжатларини ўрганиш турли хилда қўшиб олиб борилиши мумкин”.

1. “Илмий - педагогик тадқиқотнинг асосий методлари кузатиш, сухбат, текшириш, эксперимент методлари сингари фаолият натижаларини ўрганишдан иборат”
2. Ҳозирги вақтда қўйидаги методлар асосида ишлайди. Булар: педагогик кузатиш, сўраш, ўқувчилар фаолияти натижалари ва ўқув -тарбия муассасалари хужжатларини ўрганиш, педагогик эксперимент, моделлаштириш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш, социологик, математика ва статистика материалларини ишлаш кибернетика, анкета, интервью олиш ва тасвирга олиш сингари методлардан фойдаланилади.

Педагогик кузатиш мураккаб ва маҳсус хусусиятта эгадир. Бунда кузатилаётган педагогик ҳодисанинг моҳиятини кўра билиш, ўқитувчи ва ўқувчи ҳаракатларининг ўзаро алоқаси диалектикасини, улардан ҳар бирининг индивидуаллигини аниқлай олиш лозим. Ҳар педагог кузатувчан бўлиши айrim ҳодиса ва далилларнинг тавсилотларини пайқай олиш, уларни таҳлил қила билиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Кузатишлар бирор мақсадга қаратилган ҳолда амалий ва системали йўлга қўйилган бўлса, энг керакли далилларни, мазкур кузатишдан ўз вақтида чиқарилган педагогик - психологик хуносаларни ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинса, самарали бўлади. Кузатиш таълим-тарбия жараёнини яхшилаш ва такомиллаштириш мақсадида олиб борилиши мумкин. Масалан, ўқитиши жа-

раёнида болаларнинг қандай ўсаётганлиги, дарслар жараёнларида билим бериш ва тарбиялаш вазифалари бирлиги қандай амалга оширилаётганлиги; фан асосларини ўрганишда ўқувчиларниг тафаккури қандай фаоллашаётганлигини ва бошқалар аниқланади.

Илмий қузатишида баъзан тадқиқотчи чидамсиз, шошқалоқ ва системали иш кўрмаслиги сингари ҳолатларга йўл қуйилса унинг самарадорлиги пасаяди.

Суҳбат методи. Илмий мақсадда олиб бориладиган суҳбатнинг аниқ мақсади, вазифаси, шакли ва уларни ўтказиш методикаси мавжуд. Суҳбатлар индивидуал, гуруҳли ва жамоа турлари бор. Тадқиқотчи суҳбат олиб боришни ва уни керакли мақсадли томонга йўналтира олиши ғоят муҳимдир. Суҳбат олиб борувчи қуидаги педагогик қоидаларга риоя қилиши шарт:

- а) суҳбат саволларини олдиндан белгилаш;
- б) вақти ва жойини белгилаш;
- в) суҳбат иштирокчиларини белгилаш (сони, миқдори);
- г) қулай шароит яратиб очиқ суҳбатлашиш;
- д) суҳбатдошга ўз фикрини айтишга имкон бериш;
- е) сергак ва бачкана бўлмаслик;
- ж) суҳбатдош ҳақида биографик маълумотга эга бўлиш;
- з) олинган материални ўз вақтида ишлаб чиқиш ва қўшимчалар қилиш.

Суҳбатдан илмий холоса чиқариш.

Мактаб хужжатларини таҳлил қилиш методи. Мактаб хужжатларини таҳлил қилиш давлат қонунларининг амалда бажарилиш даражасини, ҳар бир ходимнинг фаоллигини аниқлаш, уларнинг амалий ҳаётдаги фаолиятидаги камчилик ва хатоларни аниқлашга ва уларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишга имкон беради. Мактаб хужжатларини; режалаштиришнинг барча турлари; умумий таълимга доир ҳисоб ва ҳисобот; дарс жадвали; ўқувчилар таркиби сони; сифати; таълим-тарбия ишларини тақсимлаш; ўқувчиларнинг делолари; синф журнallари; ўқувчининг кундалик дафтарлари; буйруқлар дафтарлари; педагоглар кенгаши қарорлари дафтари; мактаб сметаси; мактаб паспорти; инвентарлар дафтари ва ҳоказолар.

Хужжатларни таҳлил қилишда ўқувчилар контингентининг ўсиши ва камайиши тавсифига, болаларнинг мактабга кетиб қолишига, уларнинг айримлари ва синф бўйича ўзлаштириш даражасига, рағбатлантириш ва жазолаш чораларини тўғри ташкил қилинишига, мактаб педагоглар таркибига ва мактабнинг ўқув - моддий базасига алоҳида эътибор берилади.

Болалар ижодини ўрганиш методи. Ўқувчилар ижодини ҳамда уларнинг турли фаолиятини (хатлари, кундаликлари, иншо, баён солган суратлари, бажарган амалий ишлари, намуналари, ражалари ва ҳисоботларини) ўрганиши ва таҳлил қилиш педагогик тадқиқотнинг самарали методларидан биридир. Болалар ижодининг аҳамияти шундаки, унда ёш авлоднинг типик лаёқати ва хусусиятлари аниқ очиб берилади.

Бу методни қўллашдан асосий мақсад ҳозирги ёш авлод ижодининг манбалари ва факторларини чуқур бўлишига ҳамда ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг тўғри йўлларини кўрсатиб беришга қаратилгандир. Бизда болалар ижоди шакллари турличадир: олимпиадалар, тематик конкурслар, мактаб

кўргазмалари, турли хил мусобақалар, походлар, қувноқ стартлар, зийраклар ва топқирилар, истеъдодлар ва ҳоказолар.

Эксперимент метод. Бу сўз лотинча синааб текшириб кўриш, илмий мақсадга қаратилган тажриба маъносини англатади. Таълим-тарбия ишларида қўлланиладиган бирор шакл, метод ва воситанинг фойдалилигини аниқлаш ва текшириш учун ўқув юртларида ўтказилади.

Эксперимент методлари шароитига қараб турли хил қўлланилади.

1. Табиий эксперимент (яратувчи, ихтиро қилувчи экспериментлар. Асл ҳолича таълим-тарбия муаммолари маълум, сухбат, кузатиш ва анкета асосида ўқувчинг ўқиши жараёнида, ўз-ўзини назорат қилиш сингарилар) аниқланади
2. Ўқувчиларнинг онглилигини яратувчи эксперимент. (тадқиқотчи бирор маъно бўйича тахминий режа асосида ўқувчи фаолиятининг ўқув жараёнида ўзини-ўзи назорат қилиш усулларини, йўллари текширилиб маълум бир илмий педагогик хulosса чиқариладиган тажриба дейиш мумкин). Бу методдан чиқарилган хulosалар бошқа ҳамма мактаблар ҳаётига тадбиқ қилиниши учун назорат экспериментидан ўтказдирилади. Чиқарилган педагогик хulosса эса ўз навбатида мазкур масалани ҳал қилишнинг назарияси ва методологияси бўлиб педагогика ютуғи ҳисобланади.
3. Табиий эксперимент бунинг асосчиси рус психологи А..Ф.Лазурский ҳисобланади. Бу методда мактаб фаолияти асл ҳолда ўрганилади. Масалан, мактаб интернатининг тарбиячилари ўқувчиларнинг ўзлари ҳақидаги ғамхурлигини табиий текширища печда ёқадиган хўл ва қуруқ ўтина воситасида аниқланган. Болалар яшайдиган бинода яқин жойда хўл ўтина борлиги, узоқроқ жойда қуруқ ўтиндан фойдаланишнинг самарасини текширишни кўрсатиш мумкин. Шундай қилинса натижка ҳақиқий бўлади.

Эксперимент методлари ўз мазмуни, тури ва характеристига қўра қўйидаги турларга бўлинниш мумкин: дидактиқ, тарбиявий, мактабшунослиқ, ҷоғиштирма педагогика ва ҳоказо.

Илғор тажрибани ўрганиш ва ёйиш методи. Мактаб таълим-тарбиясида назарий асосланиб, тажрибада илғор ўқитувчилар фаолиятида синалиб ўрганишга тавсия қилинган педагогик хulosса дейиш мумкин. Буюк рус педагоги К.Д.Ушинский бу метод ҳақида “ўтказилган, хulosса қилинган асл тажриба тўҚхғрисида эмас, балки келинган, узатилган, қилинган фикрдадир” - деган эди. “Передается мысль, выведенная из опыта, -но не самый опыт”.

Статистика маълумотларини анализ ва синтез қилиши методи.

Педагогик тадқиқот керакли статистика маълумотларини маълум бир мақсад билан системали ўрганиш ва умумлаштиришсиз амалга ошмайди. Чунки бу маълумотлар жамиятимизда маданият, фан, тарбия ва таълимнинг барқ уриб тараққий этиш қонунларининг ривожланишида муҳимдир. Ҳалқ маорифи бюджетининг ошиши, ўқув юртларида болалар сонининг кўпайиши, мактабдан ташқари тармоқларнинг кенгайиши, дарслеклар, кўргазмали қуроллар, техника воситалариниг ортиши, ўқитувчи кадрлар тайёрлаши кабилар статистика маълумотлари билан исботланади.

Анкета методи. Анкета французча сўз бўлиб, текшириш деган маънони англатади. Анкета методи ўқувчилардан сўраш методи бўлиб, у ўқувчилар тарки-

бининг сифати тўғрисида керакли маълумотларни олиш учун, уларнинг фикрлари ва қарашларини аниқлаш учун, шунингдек касбга йўллашни белгилаш учун маълум бир шаклда ўтказилади. Бу методни қўллашда қўйидаги талабларга амал қилиш керак:

1. Анкеталар ўқувчиларнинг педагогик ва руҳий тавсифини тузишнинг манбаи ва универсал воситасига айлантирмаслиги керак.
2. Анкеталар жуда катта ва ноаниқ бўймаслиги керак.
3. Анкетани ўтказишида болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ва вақт нормада берилиши керак ва ҳоказо.

Кибернетика методи. Кибернетика грекча сўз бўлиб, ролни бошқараман, идора этаман, бошқариш санъати деган маънони анлатади. Кибернетика ишлаб чиқаришни, техникани, тирик организмларни, кишилик фаолиятини бошқаришнинг умумий принцип ва воситаларини ишлаб чиқади. Кибернетика мазмунини информация, дастурлаштириш, бошқарувчи тизимлар, модел ясаш сингари асосий назариялар ташкил этади.

Педагогика кибернетика ўқув жараёнини, ўқитиш ва билим бериш жараёнларини бошқаришнинг алоҳида шакли сифатида ўзига хос хусусиятга эга, чунки педагогик жараён билан ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ўргасида жуда катта фарқ бор.

Социологик метод. Юқоридаги санаб кўрсатилган методлар қўллашда тадқиқ қилинаётган ўқувчилар сони чегараланган уларнинг камчилиги ҳам шундай эканлигини билишимиз даркор. Бундай пайтда ўқувчиларнинг кўпчилиги билан оммавий равишида педагогика фанининг у ёки бу муаммосини ҳал этишида социологик методини қўллаш талаб қилинади. Мисол учун мактаб ўқувчилари ўзларининг бўш вақтлардини қандай ўтказишини аниқлаш учун тезлиқда анкета саволлари асосида сўраш кўплаб ўқувчилардан ўтказилади ва аниқ бир хуносага келинади.

Кейинги йилларда педагогика фанида математик метод ва хусусан статистика материyllарини ишлаш методлари кенг қўлланилмоқда. Масалан; мактабларнинг бирида математика фани бўйича ўқувчиларнинг уй ишларини баражилиши ўрганилганда IV синфда уй вазифаларини мустақил бажариш -80%, VI синфда-75%, VIII синфда-55% ташкил қилганлиги аниқланган. Бунинг асосий сабаби нималиги аниқлаш даркор. Бунинг сабаби икки томонлама юз бериши мумкин. Биринчидан, мазкур математика фанининг ўқуя дастури мураккаблашганлигидан ёки шу фанни ўқитиш сифати пастлигидан излаш керак .

Педагогика илмий текширишлари методларидан бири назарий педагогик ғояларни таҳлил қилиш методидир. (Метод теоретического анализа педагогических идей). Бу метод таълим-тарбиянинг чуқур муҳим масалаларини илмий умумлаштириш билан эмас. Балки уни амалга оширишда янги қонуниятларни тажрибага асосланган(эмприк метод) ёрдамида амалга оширилади. Буни қўйидаги мисол билан исботлаш мумкин. Шахсни умумий мақсадли ривожлантириш, шахсни ҳар томонлама ривожлантириш билан ўзаро алоқадорликда амалга ошади. А.С.Макаренко таъкидлаганидек, одам организми алоҳида-алоҳида ҳолда ривожланмайди, балки барчалари ўзаро узвий боғлиқликда бир вақтда ривожланади деган хуносага келган.

Бундан шундай хулоса чиқариш түгри бўлади. Тарбия жараёни шахсни ҳар томонлама ривожлантиришини таъминламоғи керак.

Моделлаштириш - бу реал мавжуд педагогика тизимига айнан ўхшаш маҳсус андоза (модел) ни яратиб, унда бу тизимни ташкил қилиш ва фаолият қўрса-тиш принципларини такрорлаган ҳолда унинг моддий ёки ҳаёлий таразда ишлаб кўриш демакдир. Моделлаштириш ёрдамида тизимнинг ушбу аниқ ҳолатда муҳим бўлмаган хусусиятларидан четга чиқиш мумкин. Тадқиқотчи педагог бу методдан фойдаланаркан, айрим хусусиятлар, шакллари ва жараёнларни анали-тик тарзда ўрганиш ўрнига назорт қиласидаги шароитлардаги яхлит тизимларни синтетик тарзда билиш имкониятига эга бўлади.

Турли фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар ўқувчилар билан ишлашда ўз мақсадларига эришишда ўзига хос илмий тадқиқот методларидан фойдала-нишди. Масалан, математика ўқитувчиси кибернетика методидан, физика ўқитувчиси ўқувчилар ижодини ўрганиш методидан, химия ўқитувчиси анкета методидан бошланғич синф ўқитувчиси сухбат методидан фойдаланиб ўз мақса-дига эришди.

1. Вазиятни таҳдил қилинг ва уларнинг иш усуllibарига баҳо беринг?
2. Сиз мутахассис сифатида ўз мақсадингизга қандай илмий тадқиқот ме-тодларидан фойдаланган ҳолда эришмоқчисиз?
3. Сиз бу муаммони қандай ижодий ҳал қиласиз?

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Мутахассислар нима учун илмий тадқиқот методларини билишлари керак?
2. Педагогика фани нима учун илмий тадқиқот методларидан фойдаланади ва у қандай муаммоларни ҳал этади? Унинг қандай методологик асоси мавжуд?
3. Фаннинг қандай илмий тадқиқот методлари мавжуд ва уларни педагогик асо-слаб таҳдил қилинг?
4. Ҳар бир илмий тадқиқот методи қандай мақсадни назарда тутади ва унинг бошқа методлардан фарқи нимада?
5. Илмий тадқиқот методларидан қандай фойдаланилади ва уларга қўйиладиган талабларни асосланг?
6. Илмий тадқиқот методларининг педагогиканинг ривожланишдаги амалий аҳамияти қандай?

Мавзу: ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.

P E Ж A:

1. Ёш авлодни тарбиясига қўйиладиган талаблар.
2. Ақлий тарбиянинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти.

Таянч сўз ва иборалар.

Баркамол инсон, ёш авлод, аждодлар мероси, таълимот, жамият тараққиёти, миллий дастур мақсади, давлат манфаатлари, право кўрмагунча, комил инсон, онгти, мустақил фикрлайдиган, маърифатли, маънавий-аҳлоқий талаблар, номи ўлик, мевасиз дарахт, муқаддас бир фазилат, бебаҳра, миллатпарвар, фаол инсон ва ҳоказо.

Ёши авлод тарбиясининг мақсад ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикализнинг ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиқболи ҳамда мустақиллигининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, хуқуқий, маданий-маънавий замин ва қадрияларини мустаҳкамлаш учун ёш авлодга дунё стандартлари даражасида билим беришимиз ҳамда миллий руҳда тарбиялашимиз шартдир. Бу вазифаларсиз ижтимоий тараққиётни таъминлай олмаймиз. Чунки жамият манфаати йўлида ўзидағи барча билим, қобилият ва истеъодини баҳшида этадиган етук инсонлар, уддабурон ёшлиар, фидойилар бўлмаса, Ўзбекистонни дунёдаги энг илгор давлатлар сафига қўшиши қийин.

Ёшлиарни тарбиялаш учун биринчи галда шарқ мутафаккирларининг, маънавий мерослари дастури амал бўла олади. Абу Наср Фаробий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Исломал Ал Бухорий, А.Р.Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фирдавсий, Амир Темур, А.Навоий ва Бобур сингари жаҳонга таниқли ва шулар сингари бошқа ақл эгаларининг ижтимоий сиёсий, фалсафий ва таълим-тарбия соҳасидаги таълимотларига таяниб иш кўрилса тарбия таъсирчанлиги янада мукаммалликни касб этади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ёшлиарни тарбиялаб етиштириш - муқаддас бурчимиз, ор-номусимиз. Лекин, маънавий-аҳлоқий хислатларни шакллантириш оддий иш эмас. У кунлар, ойлар ва ҳатто ўн йиллаб олий мақсад йўлида сабр-тоқат, чидам ва қаътиятилиқ, иродали бўлишимизни талаб этади.

Ҳозирги пайтда жумхуриятимиз раҳбарияти ёшлиар орасидан энг иқтидорлиларини танлаб, саралаб олиб, уларнинг илмий, маданий-маънавий жиҳатдан камолатга эришишлари, замонавий фан-техника асосларини чуқур ўзлаштириб олишлари учун бевосита ғамхўрлик қилмоқда.

Жумхуриятимизда таълим тўғрисидаги Конунини ҳаётга жорий этиш, таълим-тарбияни, соғликни сақлаш ишларини, мактабларни миллийлаштириш, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини тест усулида ўтказиш борасидаги ишлар ҳам ёшларнинг маданий-маънавий тараққиётида ва шахсининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этәтири.

Жамият тараққиёти ва шахс камолоти учун бўлган маънавий ва аҳлоқий покланиш иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат, кексаларга ҳурмат сингари миллий фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди.

Ҳаммасининг заминида ёш авлодга оилада, мактабларда, халқ таълим мининг бошқа тармоқларида олиб бориладиган таълим-тарбия ётади.

Умуман олганда юқоридаги барча тадбирлар Ўзбекистон ёшлиарини баркамол, етук инсонлар қилиб тарбиялаш ва шакллантиришга қаратилган. Шахсни баркамол шакллантириш миллий тарбиянинг бош мақсади этиб белгиланган. Бунга шубҳа қилиш асло мумкин эмас.

Умуман, ёш авлодни ҳозирги турмушимиз, замон руҳига мос, етук инсон бўлиб этишишларини шаклланиши учун, тарбиянинг таркибий қисмлари (ақлий, аҳлоқий, сиёсий, мағкуравий, меҳнат, жисмоний, эстетик, ҳуқуқий, идеологик, иқтисодий, экологик ва политехник таълим) га мос йўналишларига таяниб иш олиб боришни кундалик ҳаётнинг ўзи тақоза этмоқда.

Шахсни ҳар томонлама камол топтириш ҳақидаги буюк мутафаккир Ю.Х.Хожиб “Инсон фақат жамиятдагина, бошқа кишилар билан мулоқотда ва ўзаро муносабатда, ижтимоий фойдали меҳнатдагина чинакам камолотга эришади” деган ғояни илгари сурган. Машҳур рус олими Д.И.Менделеев “Инсон ижтимоий давлат манфаатларига қанчалик кенг наф келтирса, у шунчалик камолотта этишган бўлади” деб ҳисобланган. “Комил инсон деганда биз, аввало онгти юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-автори билан ўзгаларга ибрат, бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз” - деб таъкидлаган. И.А.Каримов. “Болаларимизга яхшиликни сингдириб ўстиринг, уларга баҳтни фақаттинга шу фазилат беради” - деган машҳур мусиқашунос Бетховен.

В.А.Сухомленский: “Биз тарбиячиларнинг вазифамиз - улуғ ва фахрли, ҳар бир тарбияланувчининг қалбига юксак идеалларни сингдириб илҳомлаштириш. Шундай қилишимиз керакки, уларнинг қалбларига кичкинагина шаклда халқ қиёфаси акс этсин. Буни амалга оширган киши ишонч билан: мен тарбиявий мақсадга эришдим дея олади” - дея таъкидлаган.

Буюк соҳибқиран Амир Темур “Ҳар бир киши миллиатнинг дардига дармон бўл” - деган тезисни илгар сурган.

Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида “Дастурнинг мақсади - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мағкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юқасак маънавиф ва аҳлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш” - деб белгиланган. Бундай кадрлар ўзларида баркамол инсон учун зарур бўлган ақлий, аҳлоқий, меҳнат, эстетик, жисмоний, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий тарбия сифатларини шакллантирмоғи даркор. Энг муҳими бундан кадрлар ҳалол, ҳақгўй, адолатли, сўз ва иш бирлиги таъминлайдиган маънавий камолотга эга бўлган, фаол, ижодкор ва ватанпарвар бўлмоғи даркор. Ал-Бухорий комил инсонни шундай таърифлайди “Ўзи яхши кўрадиган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўрмагунча, киши мўмин комил бўла олмайди”.

Ақлий тарбия

Ақлий тарбия баркамол инсон тарбиясининг етакчи таркибий қисми бўлиб, ўқувчи ёшларни табиат, жамият, киши тафаккури ҳақидаги билимлар тизимини эгаллаб олиши, уларда илмий дунёқараш, юқори даражада онглиликни таъминлаш барча фан асосларидан хабардор қилиш, тафаккур, нутқ қобилияти ҳамда турмуш, қўникма одатларини шакллантиришни мақсад қилиб қўяди. Ақлий тарбияни шундай ташкил этиш зарурки, токи ёшлар ақл-заковатли, борлиқ дунёни илмий идрок этадиган, ўз олдида турган барча вазифаларни онгли бажара олдиган, инсоний қадр-қимматни улуғлайлигиган бўлсин. Инсон камолатида илм эгаллаш эзгу фазилатлардан бири ҳисобланган ва бугун, эрта ҳам шундай бўлаверади. Бу ҳақда Ал-Бухорий “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай” - деган.

Ақлоқ - одобга оид ҳадислардан бирида “Бешикдан қабргача илм изла” деган ҳадиси - шариф фикримиз исботидир.

А.Югнакийнинг “Хийботул ҳақойик” асарида (42-бет). “Билимсиз киши эса соғлом бўлса ҳам, унинг номи ўлиқдир” - деган.

А.Авлоний “Илм инсон учун ғоят ва муқаддас бир фазилатдир, илмсиз инсон - мевасиз дараҳт қабидир”. А.Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида илм орқали Фарҳоднинг ақл-идрокли, иродали ва эътиқодли, билимдон, хунарманд, камтар, инсонпарвар инсон бўлганлигини кўрсатади. Демак, юқорида айтилганидек, ёшлар ақлини ривожлантириш учун биринчи навбатда илм олишга даъват этилишини англашимиз шарт.

“Рухий кўтаринкилик ва илҳом қанчалик кучли бўлса, онга шунчалик кўпроқ билим беради” - дегн В.А.Сухомленский. “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур” - деб эътироф қилган Махмудхўжа Беҳбудий.

Муҳтаррам президентимиз И.А.Каримов тарбиянинг вазифаси ҳақида шундай деган эди: “Билимга чанқоқ, истеъододли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифамиздир”.

Хуқуқий тарбия

Ёш авлод тарбиясида хуқуқий тарбия асосий ўринни эгаллайди. Ҳозирги даврда Ўзбекистон республикасининг хуқуқий демократик жамият қураётган бир шароитда хуқуқий тарбия бениҳоят катта аҳамият касб этади.

Бу ҳақда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурининг узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишларида “таълимнинг барча даражаларида таълим олувчи-ларнинг хуқуқий таълим - тарбиясини такомиллаштириш” зарурлиги таъкидланган. Демак таълимнинг барча турларида хуқуқий - таълим-тарбия бериш ҳозирги даврнинг долзарб вазифасидир. Баркамол инсон хуқуқий тарбиясиз шаклланмайди. Бу ҳақда бобомиз соҳибқирон Амир Темур “Қонун хукмрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади” деган доно сўзларни олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйишга амир берган эди. Ҳақиқатан ҳам ҳозир ёшларни эркин ва обод, озод яшаши учун барча хуқуқий асослар яратилмоқда. Фуқароларнинг турмуш даражасини кўтариш учун энг аввало уларнинг хуқуқий савиясини ошириш даркор. Бу ҳақда 2001 йил январда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг Ўзбеки-

стон Республикаси Конституциясини ўрнатишни ташкил этиш" тўғрисидаги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон - мустақил демократик, хуқуқий давлат, миллати, дини, ижтиёмий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлат.

Ўқувчи ва ёшларга тарбия беришда уларда юксак фуқаролик ҳисстуйғуларини, сифат ва хислатларини таркиб топтиришда таълим-тарбия муҳим бирлиги муҳим роль ўйнайди. Таълимий ва тарбиявий воситалар ва омиллар кўп. Ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир ёш Ўзбекистон республикасининг Қомусини билиши ва унга амал қилиши керак. Бунинг учун мактаб ўқувчиларида хуқуқий билим, тасаввур, тушунча, маълумот, онг ва маданиятни таркиб топтириш зарур. Ёшлар онгига жамият манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилиш, ҳақткӣ бўлиш, адолатсизликка, текинхўрликка, таъмагирликка қарши муросасиз бўлиш, қонун меъёрларига ҳурмат назари билан қарашни тарбиялаш ниҳоятда муҳимдир. Ёшлар онгига хуқуқий сифатларни сингдиришда тарбиянинг барча омил ва воситалари, усуllibаридан оқилона фойдаланиш, ҳеч шубҳасиз ўзининг самарали натижаларини беради.

Экологик тарбия

Баркамол инсонни тарбиялашда экологик таълим-тарбия ҳам асосий ўринни эгаллайди. Баркамол инсон ўз саломатлигини, ҳаётини она заминсиз, ўсимлик, ҳайвонот оламисиз, ҳаво, сув ва жонсиз нарсаларсиз тасаввур қилиш қийин. Инсоннинг табиат билан боғланишини ва унинг мусаффолиги ҳақида тарбия олиш даркор. Бу ҳақда президентимиз "Ўзбекистон буюк келажак сари" асарида: "Кенг кўламдаги экологик танглик таҳдидни барҳам топтириш республика аҳолиси учун, жисмоний соғлом ёш авлоднинг дунёга келиши ва ривожланиши учун зарур шароитлар ҳамда экология жиҳатидан мусаффо ҳаётий муҳит яратиш имконини беради", - деб таъкидлаган. Ҳақиқатан ҳам инсоннинг баркамол шаклланишида экологик муҳитнинг таъсири кучли. Шунинг учун ёшлар онгига экологик тушунча, маълумот, онг, маданиятни ва одатни тарбиялаш ҳозирги даврнинг долзарб масаласидир.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ёш авлод тарбиясининг мақсади ҳақида шарқ мутафаккирлари қандай ғояларни илгари сурган?
2. Ҳозирги даврда ёш авлод тарбияси бўйича қандай педагогик муаммолар қўйилмоқда?
3. Ёш авлод тарбияси қандай таркибий элеменлардан ташкил топган?
4. Ақлий, хуқуқий ва экологик тарбиялар ёш авлод тарбиясида қандай ўрин тутади ва унинг аҳамиятини асослаб қўрсатинг?
5. Ёш авлодни тарбиялашда қандай педагогик муаммолар мавжуд ва сиз уларни қандай ҳал этиш мумкин деб ўйлайсиз?

Мавзу: АХЛОҚИЙ МЕҲНАТ ВА ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАРНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

P E Ж A:

1. Ёш авлод тарбиясида ахлоқий тарбия.
2. Ёш авлод тарбиясида меҳнат тарбияси.
3. Ёш авлод тарбиясида эстетик тарбия.
4. Ёш авлод тарбиясида иқтисодий, жисмоний тарбияларнинг ўрни.

Таянч сўз ва иборалар

Ижтимоий онг, хулқ-атвор қонун-қоидалари, табиатга, яхшиликка чақирувчи, ёмонлиқдан қайтарувчи, ҳалол ҳақгўй инсон, ўзини ҳурмат қилиши, жисмоний ривожланиш, маданият, меҳнатта тайёрлаш, мудофаа, бир жойда истиқомат қилиш, атрофни муҳофаза қилиш, экологик мувозанат, экологик маданият, тежамкорлик, ҳисоб-китоб.

Ахлоқий тарбия

Ахлоқ - ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, инсонларнинг ўзига, оиласига, дўст-биродарларига, жамоат аъзоларига ва табиатга бўлган муносабатларини тартибга солувчи хулқ-одоб, қонун-қоидалари мажмуисидир. Мусурмон ахлоқининг асослари мазмунан бой ва ранг баранг ўзлигини намоён қиласди.

Қуръони каримдаги ва Ҳадиси шарифдаги ахлоққа оид ибратли маслаҳатлар, ҳикоятлар, ҳикматлар, мақоллар асрлар давомида ота-боболаримиз ҳаётида таркиб топган миллий урф-одатлар, маънавиятимиз дурдоналари - Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Жомий, Навоий, Саъдий Шерозий ва бошқа сиймолар, ёзувчиларнинг ахлоқ ҳақидаги фикр мулоҳазаларни ҳозир ҳам қимматини йўқотмаган ва ёшлар тарбиясида манба бўлиб хизмат қиласди.

А.Темур оқил ва тадбирли саркарда сифатида одамларни ишга тайинлашда ҳам, вазифасидан озод қилишда ҳам, шошма-шошарлик ва адолатсизликка йўл қўймаган, балки етти ўлчаб бир кесган. Бобомизнинг бундай қимматли фикрлари ҳозир ҳам қадр-қимматини йўқотмаган.

Имом Ал-Бухорий “Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик - мана шу тўрт хислатни Оллоҳ Таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам зарари йўқдир” - деган эди.

А.Авлоний “инсонларни яхшиликка чақирувчи ёмонлардан қайтарувчи бир илмидир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиласурғон китобни ахлоқ дейилур.”

Ю.Х.Хожиб “Кимнинг одоби яхши, ва ахлоқи тўғри бўлса, у киши ўз мақсадига етади ва баҳт унга кулиб боқади, Зоро, “Яхши ахлоқ жамиятнинг яхшиликларнинг заминидир” ва яна “Ҳалол, ҳақгўй, ахлоқ-одобли киши ҳар қандай қимматбаҳо нарсадан қимматлидир,”-деб бежиз таъкидламаган.

Ахлоқ кишининг хулқ-атворида, эътиқодида, юриш-туришида, фикр-мулоҳазасида, мушоҳида ва мулоқотида кўринади. Ахлоқли одам ўзини қаттиқ ҳурмат қиласди, унда ички интизом кучли бўлади.

Юқоридағи фикрлар шундан далолат берадики, жамиятимизнинг қучли, фан-техника тараққиёти, моддий бойлигимиз ва маънавий ўсишимиз, ахлоқий камолатдандир.

Меҳнат тарбияси.

Меҳнат тарбияси инсон камолотининг асоси, ҳаёт манбаидир. Меҳнат тарбиясидан кўзланган мақсад, меҳнатнинг моҳияти, мазмунини англашдан иборатдир. Меҳнат қилган киши, ўзи бажараётган меҳнатнинг натижаларини кўрса, ундан қониқса, роҳатлансанагина меҳнат тарбиявий аҳамиятга эга бўлади. Ҳалол меҳнат-киши ҳаётининг мазмунини ташкил қиласди. “Инсоннинг тилак ва хоҳишлари меҳнат туфайлигини амалга оширилиши мумкин”- деб таъкидлаган А. Р. Беруний.

Доноларимиз: “Меҳнат-меҳнатнинг таги роҳат”, “Дарё сувини баҳор тошипар, одам қадрини меҳнат оширап”, “Олтин ўтда билинар, одам меҳнатда”, “Ҳалол меҳнат-яхши одат, берур сенга саодат” деб бежиз айтишмаган.

“Буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дилбаёру даст бакор” бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмаган. У киши талабаларни мадрасага қабул қилиш пайтида “Бирор касбинг борми?” деб сўрар экан.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, меҳнатсиз келган бойлик ҳар қандай кишини, ҳар қандай оилани бузади, ҳар қандай муқаддас нарсани қадрсизлантиради. Меҳнат жараёнида кишида дўстлик, биродарлик, жамоа бўлиб, ишлаш, маданият, маънавият, барча тарбиявий сифатлар шаклланади. Энг муҳими, меҳнат муҳтожлиқдан, юрган сиқилишдан, ахлоқий бузилишдан сақлайди.

“Инсоннинг тилак ва хоҳишлари меҳнат туфайлигина амалга оширилиши мумкин” деб таъкидланган А. Р. Беруний.

Эстетик тарбия

Эстетика лотинча “эстезо - гўзалликни ҳис этаман” маъносини билдиради. Унинг мақсади ва вазифаси ўқувчиларнинг табиат ва жамиятдаги гўзалликни идрор қилиш, уни тўғри тушуниш ва фаҳмлаш, қадрига етишга ва шу тарзда шахсий ҳаётнинг барча йўналишларида гўзалликка ўргатишдан иборатдир. Эстетик тарбия ахлоқий қиёфа, ижобий хулқ-атвор нормаларини таркиб топдиришга катта таъсир кўрсатади. Мактабдаги мусиқа, расм, ашула дарслари, адабиёт ва бошқа фанлар эстетик тарбиянинг воситаси ҳисобланади.

Эстетик тарбия бола туғилгандан бошлаб умрининг охиригача олиб борилади. Шу сабабли, нафақат мактабда, балки турли хил тадбирларда ўз таъсир кучини намоён қилувчи, ёш авлодга гўзалликни, тушинтирувчи, тарбияловчи воситадир. Доно ҳалқимиз “Оқ бўлмаса бўлмасин, пок бўлсин”, “Поклигинг - соғлигинг”, “Соғ юрай десанг, озода бўл”, “Соғлигим - бойлигим” каби мақоллар билан ёшларни табиат ва жамият гўзалликларини қўра билишга, уларни қадрлашга ўргатиб келган.

Инсоннинг гўзаллик ақл, бурч, иймон, инсоф, камтарлик, латофат, лафз, меҳмондўстлик, меҳр, поклик, яхшилик ва ҳоказо сифатларда ўзини акс эттиради. А. Дониш ўз фарзандларига насиҳат қилиб, “Суратларингни эмас, ғайратларин-

гизни тузатинглар” деган эди. Инсоннинг ташқи томони ҳар қанча гўзал ва чиройли бўлмасин, унинг ахлоқи бузук бўлса, у эл эътиборини қозона олмайди.

“Жиддий меҳнатсиз гўзаллик яратмайди” - деб таъкидланган А. П. Чехов. Ҳақиқатан инсон учун барча гўзаллик меҳнат замирида ҳосил бўлади. Комил инсон ҳамма вақт ўз ҳаётига гўзаллик киритишга интилади. Бажараётган ишида, хулқ-авторида, кийинишида, муомаласида гўзаллик қонун-қоидаларига риоя қиласди.

А. П. Чеховнинг “Одамнинг юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам пок бўлмоғи лозим” - деб жуда ўринли таъкидланган.

Жисмоний тарбия

Жисмоний тарбия ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом ўсишларини, бақувват бўлишларини ва Ватанимиз ҳимояси учун қўрқмас, жасур, ҳарбий ишлар, қурол-аслахалардан фойдаланишини биладиган қилиб тарбиялашни ўзининг олий мақсади деб билади.

Ўқувчиларга жисмоний тарбия мактабда ҳаракатли ўйинлар, гимнастика, спорт, тизим ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари спорт машғулотлари турлари воситасида олиб борилади.

Жисмоний тарбия воситасида ўқувчиларга одам анатомияси, физиологијасида ва гигиенага оид билимлар тизими берилади, қўникма ва малакалар шаклантирилади.

Жисмоний тарбия ахлоқий тарбия билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бирбирини тўлдиради. Жумладан бўшанглик, ўз кучига ишонмаслик, дангасалик ва бошқа ахлоқий камчиликлар кишини қўрқоқ қилиб қўйиши мумкин.

Мард, жисмоний чиниққан киши меҳнатда ҳам ўзини қўрсата олади. Бундай сифатга эга бўлган кишида ҳақиқат, қаноат, сабр, эзгулик, виждон, адолат, диёнат, инсофни; номардларда эса ёмонлик, ожизлик, маккорлик, хасад, адоват, разиллик, юзсизлик, хиёнат, тубанлик, ноинсофлик сингари иллатларни учратиш мумкин.

Мард билан номард орасидаги тафовутни А.Навоий қуидагича ифодайди: “Мард - “лаъл тож ила” бонг урадиган хўroz. ғаразгўй вайсақи, номард макиён. Хурус маълум вақтда “нидо” тортгандек, мард ҳам ўз (вақтида) пайтида гапини айтади, заруратга қараб муносабатини билдиради, мард - майдон одами, у курашиб яшайди”.

Жисмоний тарбиянинг мақсади ёш авлодни жисмонин тетик, хушчақчак, меҳнатсевар, жасур, ватанпарвар, ахлоқан пок, маънавиятнинг гўзал бўлишини таъминлашдир. Айрим Европалик сафсатабозларнинг “Марказий Осий халқлари спортда, қурол -аслахани энг яхши технологиялар асосида лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва зарур бўлганда ундан моҳирона фойдаланиши соҳасида ожиздирлар” деган bemaza фикрларига қарши ўлароқ, дунё миқёсида ўзимизни намоён этишимиз керак.

Буюк соҳибқирон А.Темур “Баққувват, тадбиркор шиҷоатли бир киши, минг кишидан афзал” - деган.

Ибн Сино “Жисмоний машқ кишини кетма-кет чуқур “нафас олишга мажбур қиласиган ихтиёрий ҳаракатдир”, -деб жисмоний машғулотга таъриф берган

эди. Ибн Сино қуидаги 7 та фактордан түғри фойдаланиш соғлиқни сақлайды ва мустахкамлайды деган эди:

1. Мижозни мұтадил сақлаш;
2. Ейиладиган ва ичиладиган нарсаларни танлаш;
3. Баданни туклардан тозалаш;
4. Бурунга тортиладиган ҳавони етарли ва яхши қилиши;
5. Қадди қоматини түғри тутиш;
6. Кийимларни қулай қилиш;
7. Жисмоний ва рухий ҳаракатларни нормал қилишдан иборатдир”

Политехник таълим

Ишлаб чиқариш жараёнлари қонун-қоидалари билан таништирадиган, ёш авлодга ишлаб чиқариш қуролларидан фойдаланиш йўлларини ўргатадиган таълимга политехник таълим дейилади. Политехника “лотинча - кўп техника (поле - кўп) политехник таълим - кўп техникиали таълим” деган маънони билдиради. Ёки у кўп техникадан хабардор қиласидиган фан ҳам эмас. Аммо, политехник таълим ҳар қандай ихтисосдаги киши учун зарур бўлган минимум билимлар билан қуроллантиришни назарда тутади.

Политехник таълим фан сифатида ўқитилмайди, лекн барча фанлар мажмуида ўз ифодасини топади. Политехник таълим вазифаларини амалга оширишнинг асосий шарти - фан асосларининг пухта эгаллашдир. Табиат, физика, кимё, математиканинг асосларини, ҳозирги замон индустриясини билиб бўлмайди.

Ўтмишда ота-боболаримиз политехник таълим мақсадларига бефарқ қарашмаган. Улар бу сўзни ишлатмасаларда, политехник таълим мақсадларини турли панд, насиҳат, масал, эртак ва достонлар, халқ оғзаки ижод намуналарида ёритиб берган. Масалан, ҳозирги хамон ишлаб чиқариш (қуролларини) жараёнларининг энг оддий иш қуроллари билан таништириш иборасини “Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз”, “Режасиз иш, қолипсиз ғишт”, “Сариштали уй - фариштали уй”, “Сепли қизим бўлгунча, эпли қизим бўлсин”, “Қаловини топсанг, қор ёғар”, “Қош қўяман деб, кўз чиқарма” 281 бет, “Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ” 277 бет, “Уддасидан чиқмасанг, уринма” (мақол 275 бет).

Иқтисодий тарбия (тежамкорлик).

Иқтисодий тарбия ҳам шахснинг баркамол шакланишининг зарур шартидир. Ёшларга иқтисодий тарбиялаш педагогикасининг асосий муаммоларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Бозор иқтисодига ўтаётган бир шароитда ва кейинги ривожланишда ҳам ёшларда иқтисодий тафаккурни шакллантириш айниқса мухимдир. Бу соҳада ҳукуматимиз ғамхўрлик кўрсатмоқда., педагогларимиз тадқиқотлар олиб бормоқда.

Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик, ишбилармонлиқ, иқтисодий ҳисоб-китоб қилиш қобилиятини шакллантиради. Иқтисодий тарбия мазмуни шарқ мутафаккирлари томонидан мунтазам бойитиб, илмий асослаб келинган. Чунонки, Ал-Хоразмий математика фани инсон ҳаётида асосий ўрин тутишини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, киши ҳисоб илмини билиши ва ўз ишига

пухта бўлиши керак. Шунда у ўз меҳнатининг (ўзгаларнинг ҳам) натижаларини ўлчовлар орқали аниқлай олиши мумкин.

А.Н.Фаробий “Баҳт-саодатга эришув ҳақида” асарида шундай ёзади: “Инсон ўз маблағини тўғри сарфлашини билиши керак. Пул сарфлашда қизғаничиқлик қилиш хасисликка олиб келади. Пулларни режасиз ишлатиш эса инсонни бебошликка етаклайди”.

А.Авлоний “Иқтисод деб пул ва мол қаби неъматларнинг қадрини билмакка айтилур” яна “Ҳозирги замонда мақсадга етмоқ, ҳалқа мақбул бўлмоқ учун илм ва мол лозимдир” қаби қимматли ғояларни олға сурган. Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари, мол ва бойликлари ила ўлчанадур. Ал-Фаробий. Социаль-этические тракты. Алма-Ата, 1973 йил, с 17-18. А.Авлоний. туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, 1992 йил, 33-34 бетлар. “Иқтисод бўлими”. Мол топмақнинг энг баракатли йўллари: ҳунармандчилик, экинчилик, чорвачилик, савдогарчилик. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонамида билим лозимдур. Боболаримизнинг “бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар” замонлари ўтуб, ўрнига “билган битар, билмаган етар” замони келди.

Америкаликлар бир дона буғдой экиб, йигирма қадоқ буғдой олурлар, европаликлар ўзимиздан олган 5 тийинлик пахтамизни ўзимизга 25 тийинга сотурлар. Аммо биз осиёликлар, хусусан, туркистонликлар, думба сотиб, чандир чайнаймиз: қаймоқ беруб, нон ўрнига кесак тишлаймиз, сўзнинг қисқаси, ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф тутамас саъи, битмас ғайрат лозимдир”.

Ахмад Юғнакий “Ҳиббатул ҳақойик”да: “Мол-мулксиз киши учун билим - битмас туганмас мулқидир, камбағал учун билим ҳисоб - хатосиз ҳисобдир”. Бу фикрдан шуни англаш зарурки, инсон ўзининг илми билан ижтимоий ҳаётга тежамкорлик кўникмаларини шакллантиради ва ўз ҳаётини оқилона ташкил қиласди.

Педагогик машқ

Ўқитувчи она тили дарсининг бир қисми билан танишинг.

Ўқитувчи «Сўз туркумлари» мавзусига доир машқларни бажаришда ўқитувчиларнинг фан юзасидан ақлий ривожланишига асосий эътиборни қаратди. Натижада ўқувчиларнинг ақлий таълим-тарбиясида ўзгаришлар содир бўлди. Баъзан ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларга ахлоқий тарбияга доир тушунчаларни таркиб топтиришга ҳаракат қиласди.

Вазиятни таҳдил қилинг: 1. Ўқитувчининг дарс жараёнидаги иш услубини қандай баҳолайсиз? 2. Сиз ўз мутахассислигиниздан дарс бериш жараёнида тарбиянинг қайси жиҳатларига асосий эътиборни қаратган бўлардингиз? 3. Умуман фан ўқитувчиси баркамол авлод тарбиясини қандай ташкил этмоғи даркор?

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ёш авлод тарбиясида ахлоқий тарбия ўрнини эгаллайди ва шахс шакланишидаги аҳамияти қандай?
2. Мехнат тарбияси шахсни шакллантиришда қандай рол ўйнайди ва унинг мазмунини асосланг?
3. Баркамол шахс нима учун эстетик тарбияланиши даркор? Унинг шахс шакланишидаги аҳамиятини асосланг?
4. Ёш авлод тарбиясида жисмоний тарбия қандай аҳамиятга эга ва унинг мазмунини асосланг?
5. Шахс шакланишида иқтисодий тарбиянинг ўрни қандай, унинг мақсад ва вазифаси нимадан иборат?
6. Ёш авлодни ахлоқий меҳнат, эстетик, жисмоний ва иқтисодий тарбиялашда қандай муаммолар мавжуд?
7. Сизнингча бу муаммоларни қандай ҳал этса бўлади?

Мавзу: ЎҚУВЧИ ШАХСИНинг РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРБИЯ.

P E Ж A:

1. Шахс ривожланишининг педагогик асослари ҳақида умумий тушунча.
2. Индивид, шахс ва шахснинг(табиати) ўзига хос хусусиятларининг фарқланиши.
3. Шахс ривожланишига таъсир этувчи биологик ва ижтимоий омиллар.

Таянч сўз ва иборалар

Инсон, шахс, индивид, шахснинг индивидуаллиги, ўз хусусияти ва сифатлари, фарқ қилмоғи, рухий жиҳатдан тараққий этиши, ўзини онгли зот деб ҳисоб қилмоғи, қизиқиши, лаёқат, характеристики, муносабат, ижтимоий-иқтисод, тарбия, ривожланиш, камолот, ўсиш, тирик биологик мавжудод, ўзгариш, шаклланиш, вазннинг ошиши, суюқ-мускул тизими, нерв функционал фаолият, ақд-заковат, шароит, характеристики, табиати, омил-фактор ва ҳоказо.

Одам шахс бўлмоғи учун рухий жиҳатдан тараққий этган ўз хусусият ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилмоғи лозим. Ҳар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг характеристики, қизиқиши ва қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи ва меҳнат фаолиятига муносабати билан фарқланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ана шу рухий хусусиятлар ривожланиб маълум бир босқичга етсагина у мукаммал, камол топган инсон бўлади. Шахснинг ижтимоий воқеликка, меҳнатга, кишиларга, жамиятга бўлган муносабати турлича. Шахс бўлиши учун нималар зарур? Одам ижтимоий мавжудод сифатида шахс номини олиш учун унга ижтимоий иқтисодий ҳаёт ва жамият керак.

Ривожланиш нима? Инсон тирик биологик мавжудодdir. Демак, унинг ривожланишида табиат, биологик ва ижтимоий иқтисодий қонуниятлар ўзвий таъсир этади, инсонни камол топтиради. Одамнинг мукаммал инсон бўлиб етишувига ўзининг мақсад асосидаги хатти-ҳаракати муҳимлигини эсдан чиқармаслик зарур.

Инсон ҳаёт фаолияти давомида ўзгариб, шаклланиб, ривожланиб боради. Болалик, ўсмирлик ва ўспириилик даврларида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади. Инсон бўлиб туғилган ҳар қандай одам ҳам шахс бўла оладими? Шахс бўлиши учун нималар керак? Одамнинг ижтимоий мавжудод сифатида шахста айланishi учун ижтимоий ҳаёт шароитлари ва мақсадга қаратилган тарбия керак бўлади. Ана шулар таъсири остида одам инсон сифатида ривожланиб боради ва шахста айланади.

Одам боласининг шахс сифатида ривожланиши, унинг ҳар томонлама камолга етишишининг самарали бўлишини таъминлаш учун педагогика фани шахс ривожланишининг умумий қонуниятларини, унга таъсир этувчи омилларини, ривожланиш жараёнига тааллуқли даврларни аниқлаш даркор. Шунингдек, бола шахснинг ривожланишида таълим-тарбия ва бола фаоллигини ролини ҳам аниқлаш лозим.

Шахснинг фазилатларини тўғри кўриш ва бехато баҳолаш учун уни турли муносабатлар тизимиға қўйиб қузатиш зарур. Ана шундагина шахснинг ижтимоий ҳулқи, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари руёбга чиқади. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал қилиш учун унинг ҳулқига таъсир этувчи омилларининг (фактор) табиатини, шахснинг хусусиятини яхши билмоқ керак.

Юқоридаги омилларга асосланиб ривожланишга қуйидагичи таъриф бериш мумкин: *Ривожланиши деб бола вазнининг ошиши, суюк ва мускул тизимининг, жинсий таносил аъзоларининг, нерв-функционал фаолиятининг камол топиши, ақлзаковатини шаклланишига айтилади.*

“Дунёда мавжуд бўлган жами борлик - деб ёзган эди Ибн Сино, - ўз табиатига кўра камолот сари интилади. Камолот сари интилиш эса ўз моҳияти эътиборила яхшилиқdir”. Айниқса инсон тирик мавжудод сифатида камолотга етишга доимо интилади.

Мутафаккир А.Р.Берунийнинг даъвосича, ҳамма одамлар ўз қиёфаси жиҳатидан бир-бирига ўхшайди, аммо айни чоқда улар бир-биридан фарқ қилиб туради. Бу тафовут “улар темпераментининг табиат хусусиятлари ва ҳоказоларининг зиддиятли бўлиши туфайли уларнинг инстентлари замирида ётади”, деб изоҳланган. Ҳақиқатан ҳам инсонлар бир-бирларига умумий ҳолда ухшайди, аммо табиати, табиий хусусиятлари, характеристи билан бир-бирларидан фарқ қиади.

“Одам - дейди Беруний -табиати жиҳатидан бир-бирига зид аъзолар қўшилмасидан таркиб топган муракқаб танага эга”... ва шу боисдан “унинг ҳолати ўз характеристига кўра хилма-хил ва турли-туман бўлади”. Ҳақиқатан ҳам хатто эгизак туғилган чақалоқларнинг ҳам бир-биридан фарқ қиласиган хусусиятлари, сифатлари ҳаётда исботланган. Айниқса уларнинг характеристи бир-бирларидан тубдан фарқ қиласиди.

Индивиднинг шахс даражасига кўтарилиши учун унга кўрсатиладиган таъсирлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Унинг ривожланиши учун энг аввало инсон сифатида туғилиши, шароит, тарбия сингари таъсирлар мавжуд бўлмоғи зарур. Агар бундай таъсирлар кўрсатилмаса у нобуд бўлади. Унинг ривожланиши учун вакт, табиий қулай шароит ва унга кўрсатиладиган тарбия зарур бўлади.

Шахснинг камол топишида ва унинг ҳулқида ижтимоий ва биологик омилларнинг кучи доимо ҳам бир хил бўлавермайди. Чунки унинг ҳулқига муносабатларига, алоқаларига, ёши, билими, одатлари, тажрибаси ва ниҳоят, вазият ҳам таъсир этади. Масалан, бир хилдаги таъсирга турли бола турлича муносабатда бўлади, бу айни пайтда, боланинг эҳтиёжи қандайлигига ҳам боғлиқ. Берилиб шахмат уйнаётган болага энди бўлди қилинглар деган таъсир уларга таъсир қиласиги мумкин.

Хўш, болалардаги ўзига хосликни, улар руҳий жараёнларинг турлича бўлишини, ҳулқидаги фарқларини қайси омиллар белгилайди? Биологик омилми?, Ижтимоий омилми?, Таълим-тарбия омилими?

Шахс ривожланишига таъсир этувчи омиллар.

Педагогика фани шахснинг камолатига етишнинг муракқаб ва зиддиятли жараён деб беради. Шахснинг камолга етишишида насл - ирсият (биологик), ижти-

моий мұхит ҳам, мақсадға мувофиқ амалға ошириладиган таълим-тарбия ва ніхоят ўзининг мустақил фаолияти ҳам мұхим аҳамиятта әга.

Шахс қандай жамиятда яшаса ўша жамият ҳаётидаги қонун-қоидаларга ассоциация камол топади. Агар шу жамиятнинг моддий ва маънавий бойликлари юксак бўлса, у шахсга шу қадар катта таъсир кўрсатади ёки аксинча. Иккинчи томондан эса, шахс фаолияти давомида меҳнат орқали ўз моддий ва маънавий бойлигини яратиш жараёнида онгини, ҳаётини, турмуш шароитини ҳам яхшилаб боради.

Одам атрофни объектив борлиқни кўпроқ билгани сари онглилик дарајаси ўсади, фикрлаш доираси кенгаяди, янги онг ва қўниқмаларни эгаллайди ва ўзини такомиллаштириб боради.

Демак, шахснинг камолга етишуви жамият ривожига чамбарчас боғлиқ.

Ирсият

Ирсият деганда, болага ота-она ва умуман яқин аждодлардан яъни наслдан-наслга ўтадиган биологик хусусият ва ўхшашликлар тушунилади.

XVI аср фалсафасида преформизм оқими намоёндаларининг фикрича, одам боласи она пуштидалигиде ёқ инсонга хос барча хусусиятларга эга бўлади, ривожланиши эса шу хусусиятларнинг миқдорий кўпайиб боришидан иборатдир.

XX асрда **бихевиоризм** назариясини АҚШ педагоги ва руҳшуноси Э.Тридайк ассоциацияни. Унинг фикрича, шахснинг барча хусусиятлари, хусусан онг ва ақлий қобилияти ҳам наслдан-наслга ўтади, гўё одамнинг қўзи, тишлари ва бармоқлари каби ақлий қобилият ҳам табиатан берилганadir. Уларнинг фикри тўғри бўлса, одам ҳам дараҳт сингари ўсиши ёки табиий ҳолда тарбияланиши лозим эди.

Америкалик pragmatist педагогикасининг отахони Д.Дюн ва ҳозирги давомчиси А.Комбас ва бошқалар ҳам шахснинг ривожланишини биологик нуқтаи назардан асосладилар.

“Ҳақиқий тарбия ташқаридан киритиладиган нарса эмас, у одам билан дунёга келган хусусият ва қобилиятни ўстиради”, дейди Д.Дюн.

Биогенетиклар (Болдуин, Чемберлин, Стенли Холл ва бошқалар) XX аср бошларида боланинг руҳий жиҳатдан ўсишини, зоологлар Ф.Мюллер ва Э.Геккеллар томонидан кашф қилинган биогенетик қонун асосида боради, деган фикрни илгари сурадилар. Биогенетик қонун “Онтогенез филогенезни тақрорлайди” деб таърифланади. Маъноси -ҳар бир организм ўзининг эмбрионал тараққиётида ўзидан (олдинги) аввалги барча босқичларни тақрорлайди, яъни индивидуал организм ўзининг тухум хўжайра ҳолатидан мукаммал ҳолатга етгунча бошидан кечирадиган қатор шаклларни шу организм аждодлари босиб ўтган жуда кўп шаклларининг қисқа, ихчам тақрорланиши демақдир.

Австралиялик руҳшунос К.Бюллэр ҳатто боланинг ақлий жиҳатдан ўсишини ҳам ирсиятга боягайди. Бошқа чет эл руҳшунослари боланинг руҳий тараққиётида тана тизилмаларида эндокрин аппарати (ички секреция безлари) даги ўзгаришлар ва ҳоказолар катта аҳамиятта әга деб биладилар.

Айрим педагог ва руҳшунослар орасида болага бошқача қараш ҳам мавжуд. Уларнинг фикрича, инсоннинг камолати икки омилга - ирсият ва ижти-

моий мұхиттә боғлиқдир. Ирсият ўзгармайды, ижтимоий мұхит ҳамма даврлар үчүн ўзгармасадир.

Педалогия таълимотига күра болани камол этиши ҳатто келажаги фақат ирсиятта ва ўзгармас мұхиттә боғлиқ.

Антрапология фани ютуқларига асосланадиган бўлсак, тарихий, ижтимоий тараққиёт натижасида одамнинг анатомик, физиологик белгилар (одамнинг калла сүяги, қўли, оёқлари, ақлий қобилияtlари ҳам) ўзгариши мумкин.

Демак, бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири деганда, ота-онага, авлод-аждодларга ўхшашликни ифодоловчи биологик белгиларнинг тақрорланишини тушунмоқ керак.

Ҳар бола ота-онасидан мерос сифатида биологик кўринишларга (тананинг тузилиши, сочининг, кўзининг, терисининг ранги, бўйи-басти) эга бўлиб дунёга келади. Булар жисмоний хусусиятлардир. Бу ҳақда И.А.Каримов “Одам табиий омилларга - кўра ўзи мансуб бўладиган ирқ ва эллатни танлай олмайди. Ота-онани танлай олмайди. Лекин дунёқарашни, ахлоқи, маънавиятини ўзи, хеч кимнинг тазиикимиз ва айникса зўравонликсиз танлаб олиши мумкин ва лозим” - деган эди (36 бет). XXI аср. Шунингдек, олий нерв фаолиятининг кўринишлар (холерик, сангвеник, флегматик, меланхолик) ҳам туғма бўлиб ўтади, бу физиологик хусусиятлардир.

Айни вақтда болага, инсонларга хос хусусиятлар ҳам ирсият йўли билан туғма ўтади. (Масалан, ақлий ёки жимсоний меҳнат қилиши ва нутқнинг ривожланиши ва ҳоказо). Аммо булар туғма имкониятлар бўлиб, уларнинг ривожланиши учун инсон боласи инсоний мұхит, одамлар орасида яшаб, улар билан алоқа қилиши, ижтимоий меҳнатда иштирок этмоғи лозим. Чунки инсон биологик мавжудод сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудод сифатида ривожланади ва камолга етади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Педагогика шахс ривожланиши муаммоси қандай асосланган?
2. Шахс ривожланиши нима? Уни педагогик жиҳатдан таҳлил қилинг ва шахс камолатининг сифатларини санаб кўрсатинг?
3. Индивид, шахс ва шахснинг индивидуал хусусиятлари ва уларнинг мазмунини асослаб кўрсатинг?
4. Шахс ривожланишида қандай омиллар мавжуд? Уларнинг мазмунини қандай тушунасиз?
5. Ирсият шахснинг шаклланишида қандай роль ўйнайди?

**Мавзу: ШАХС РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР
ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА ЎҚУВЧИ ШАХСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИ.**

P E Ж A:

1. Шахс ривожланишида мухит.
2. Шахс ривожланишида таълим тарбиянинг таъсири.
3. Шахсий фаолликнинг аҳамияти.
4. Шахс ривожланишининг даврларга ажратилиши ва уларнинг мазмуни.

Таян сўз ва иборалар

Табиий мухит (географик), ижтимоий, оилавий мухит, “мудрок” лигича қолади, ирсий белгилар, яшаш шароити, тарбия, ҳайвонлар мухити, ҳал қилувчи омил, фактор, таълим-тарбия, шахсий фаоллик, карта ўйнаш, сўкниш, чекиш, тиббиёт, анатомия, физиология, руҳшунослиқ, ёш хусусият, гўдак, ўсмир, ўспиринлик даврлари, жўшқинлик, тақлид, интеллектуал билиш, мантиқий фикрлаш, фойдали инсон бўлиш ва ҳакозо.

Мухит

Физиология ва руҳшунослик фанининг кўрсатишича, инсон боласи тайёр қобилият билан эмас, балки бирор - бир қобилиятнинг рӯёбга чиқиши ва ривожланиши манбаи - лаёқат билан туғилади. Лаёқат ўзича ривожлана олмайди, ривожланиши учун қулай мухит керак.

Мухит деганда кишига таъсир этадиган ташқи воқеаларнинг йиғиндисини тушунамиз.

Саъдийнинг фикрича қобилияти ва кам қобилияти болалар бўлади. Аммо қобилият ўз-ўзидан ривожланмайди. Унинг ривожланиши учун болани тарбиялаш керак, тарбия бўлмаса, боладаги бор қобилият ҳам йўқолади. Унинг камол топиши учун камолатга асос бўладиган қобилият негиз бўлиши керак. Саъдий ўз фикрини исботи учун “Гулистон” асарида “Бир вазирнинг такасалтанг ўғли бор эди. Вазир ўғлини бир донишманд ҳузурига элтиб: “Шуни тарбия қил, шояд ақли кириб, одам бўлса” - дейди. Донишманд вазирзодани узоқ муддат тарбия қилди, фойдаси бўлмади. Боланинг отасига бир одам орқали: “Ўғлинг одам бўлмади, мени ҳам ақлдан оздирди” - деб хабар қилди. У бу воқеадан шундай хулоса чиқаради:”

Қобилият бўлса аслида,
Тарбия унга қиласи асар.
Қанча уринса бўлмас сайқали,
Темир аслида бўлмас гавҳари (143 бет)

“Қобилияти одамни тарбия қилмаслик - зулмкорлик ва ноқобил одамга тарбия ҳайфдир. Тарбиянгни аяб унисини нобуд қилма, тарбиянгни бунистига зое кетказма”, - деб таъкидлаган А.Навоий. Бундан тарбиянинг натижаси одамни қобиятилийк даражасига бевосита боғлиқлиги асосланаяпти. Масалан, қобилияти бўлмаган инсонни ақлли меҳнат қилишга йўллаш ижобий натижага бермаслигини таъкидлаш керак. Ёки бирор касбларни эгаллашга ҳам бу ғояни тадбиқ этиш мумкин.

Бунга табиий мухит (географик), ижтимоий мухит, оила мухити (микромухит) ва бошқалар киради ва улар боланинг ривожланишига алоҳида таъсир кўрсатади.

Агар бола ўз туғма лаёқатига мос шароитда ўсиб, зарур фаолият билан шугулланса, лаёқат эрта кўриниб ривожланиши, аксинча, бундай мухит бўлмаса, йўқ бўлиши ёки “мудроқ” лигича қолиб кетииши мумкин.

Демак, боладаги ирсий белгиларнинг ўсиши, камол топиши инсонлар мухити, яшаш шароити ва тарбияга боғлиқ десак бўлади. Бунга тарихда мисоллар жуда қўп. А.Навоий онасидан-шоир, Эйнштейн-физик, Улугбек-астроном, Ибн Сино-табиб бўлиб туғилмаган албатта.

Инсон боласи, агар ижтимоий мухитга эмас, бошқа мухит, айтайлик ҳайвонлар мухитига тушиб қолса, одамларга хос сифатлар шаклланмаслиги мумкин.

Масалан: 1920 йили ҳиндиostonlik доктор Синг Калькуттанинг жанубий-Қарбидаги Миднапур шаҳри яқинида бўри уясидан иккита бўри боласи билан иккита қизчани топиб олган. Уларнинг бири 7-8 ёнда, иккинчиси 2 ёнлар чамасида эди.

Амала (кичиғи) бир йилдан сўнг вафот этди. Камола эса 1930 йилгача яшади.

Одоб, ахлоқ, хулқий сифатлар- шахснинг барча руҳий сифатлари фақат мухит ва тарбиянинг ўзаро таъсири асосида вужудга келади. Шунинг учун ирсият ривожланишига таъсир этади, аммо ҳал қилувчи омил бўла олмайди.

Таълим-тарбиянинг таъсири.

Жамиятнинг болалар онгига таъсир ўтказиши асосан таълим-тарбия орқали амалга оширилади. Инсон камолотида таълим-тарбия етакчи роль ўйнайди. Чунки:

1. Таълим-тарбия жараёнида киши организмининг ўсиши ва мухитнинг стихияли таъсири бера олмайдиган нарсаларни ўрганиб олади. Масалан, тилни одамларнинг таъсирида ўрганиб олиш мумкин. Лекин ўқиш, ёзишни маҳсус таълим орқали ўрганади.

2. Таълим-тарбия ёрдамида ҳатто кишининг баъзи туғма камчиликлари ҳам керакли томонга ўзгартириш мумкин. (кўр, кар, соқов).

3. Таълим-тарбия ёрдамида мухитнинг салбий таъсири натижасида юз берадиган камчиликларини ҳам тутатиш мумкин. (Болаларнинг карта ўйнаши, сўкиши, чекиши).

4. Таълим-тарбия натижасида болада билимлар, кўнирма ва масалалар ҳосил бўлибгина қолмай, балки дунё қараш ҳам шаклланади, камолотга етиб боради. Билмларнинг эгалланиши унинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан ўсишига ёрдам беради. Масалан, Саримсоқов 29 ёшида академик, Н. И. Лобачевский 14 ёшида Қозон университетига ўқишга кирган, 23 ёшида профессор даражасига эришган. Ўзбек олимларидан Шавкат Алимов, Шавкат Аюпов, ва Раҳим Ҳайитовлар ҳам шу ёшларда профессорлик насиб этган.

Шахсий фаолликнинг аҳамияти.

Қобилият ва истеъоддининг рўёбга чиқишида инсоннинг муайян фаолиятига қизиқиб қарши билан бир қаторда унинг ўз уида тинмай ишлашлари, меҳнат

қилишлари шарт. Албатта бола бунинг моҳиятини дастлаб ёшли пайтида англаб етмайди, шунинг учун уни йўналтириш бевосита тарбия натижасида олиб борилади. Масалан, машхур грек нотиги - Демосфеннинг (эрамиёдан олдинги IV аср) омма орасидаги дастлабки нутқлари муваффақиятсизликка учраган, уни ҳатто масқара қилишган. У дудук, овози хаста, қисқа-қисқа нафас оладиган киши эди. Лекин у актёр сатирнинг маслаҳати билан ўз нутқидаги камчиликларни тузатди. У ўз камчиликларини тугатишда иродалилик ва қатъиятсизлик кўрсатди: у оғзига майда тошлар ва сопол парчаларни солиб, сўзларни талаффуз қилишни машқ қилди, денгиз бўйида тўлқинлар шовқинини нутқ сўзлади, ойна олдида туриб юз ҳаракатларини бир маромга келтириди. Уй шифтига қилчини осиб қўйди, у одати бўйича елкасини ҳар учирганда, қилич санчиларди. У ҳафталаб уйдан чиқмай нотиқликни ўрганди. Уйдан чиқмаслик учун сочининг яримини қирдириб ташлади. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Алишер Навоий, Ибн Сино қунд билан китоб мутолла қилганлари, А. В. Суворов, Амир Темурнинг ҳарбий санъатини эгаллаш борасидаги меҳнатлари фикримизнинг далилидир.

Болаларнинг ёш даврлари хусусиятлари тавсифи.

Болаларни тўғри тарбиялаш, самарали ўқитиши учун бола ривожланишига доир ўзгаришларни, ёш даврларига хос хусусиятларни билиш ва ҳисобга олиш лозим. Чунки уларнинг ўсиши, ривожланиши, руҳий жиҳатдан тараққий этиши турли ёш даврларида турлича бўлади. Агар ўқитувчи, тарбиячи болани ҳар томонлама тарбиялашни мақсад қилган бўлса, у ҳолда болани ҳам, ҳар томонлама билиши лозим. Ўқитувчи болани яхши билса, унга педагогик таъсир кўрсатиш усуllibарини ҳам билади.

Педагогика, тиббиёт, болалар анатомияси ва физиологияси, психология фанлари ютуқлари ва уларнинг тавсияларига қўра болаларнинг ёш даврларини куйидагича гурӯхлантириш қабул қилинган.

1. Гўдаклик даври – чақалоқлик даври (туғилгандан то бир ёшгача бўлган давр).
2. Ясли даври – 1 ёшдан 3 ёшгача.
3. Мактабгача тарбия ёши – 3 ёшдан 11-12 ёшгача.
4. Мактаб ёшидаги кичик ўқувчилар 6-7 ёшдан 11-12 ёшгача.
5. Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар (ўсмирлар) – 12 ёшдан 15-16 ёшгача.
6. Ўспиринлик даври. (Ўрта маҳсус касб-хунар ёшидаги) 15-16 ёшдан 18-19 ёшгача.

Маълум бир ёш даврита хос бўлган анатомик, физиологик ва руҳий хусусиятлари ёш хусусиятлар деб аталади. Юқорида таъкидланганидек, ёш хусусиятлари ва даврини иккинчи бир хусусиятларидан ажратувчи чегара йўқ. Биз фақат боладаги ўзгаришларга нисбатан қиёслаб даврларга ажратамиз. Уларга қисқача изоҳ берамиз. Бундан мақсад бўлажак мутахассислар ҳар бир даврлар ҳақида илмий педагогик маълумотга эга бўлиши ва тажрибада қўллашдан иборат.

1. Гўдаклик даври.

Бола туғилган пайтда таъомни (мазани) билади, иссиқ ва совуқни сезади. Аста-секин унинг бошқа сезгилари ҳам ўса боради. З ойлик бўлганда буюмларни

фарқлайди., ўзига яқин кишиларни қўрса хурсанд бўлади. 6-8 ойлик бўлганда ранг ва шаклларни ҳам фарқлайди. Ранги ўйинчоқларни хуш кўради.

11-12 ойлигидаёқ атрофдаги кишиларни танишдан ташқари, айтилиши осон бўлган сўзларни талаффуз қиласи, нутқи ўса бошлайди.

2. Ясли даври.

Бу давр жисмоний ўсиш, йўлга кириш-юриш даври ҳам дейилади. 2 ёшида анча мураккаб ўйинларни ҳам қизиқиб кузатади. Болалар ўйин орқали бир-бирлари билан алоқа боғлайдилар, тасаввур, фикрлаш кучаяди, нутқи ўсади. Энди у жумла ва ундан гап тузади. Болаларни тарбия қилувчи катта кишиларнинг юриш-туриши ва одоби болалар руҳиятига таъсир қиласи. Болани лозим бўлган вақтда мақташ, диққати ижобий фаолиятга тортиш, ёмон ишлардан эҳтиёт қилиш, ёмон сўзларни эшлишидан узоқлаштириш, уришмаслик йўлларини ўргатиш, уларга таъсир қўрсатиш усуllibаридан ҳисобланади.

3. Мактабгача тарбия ёши.

Бу давр боланинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан тез ўсиши, дунёни билиш, атроф мухитга ўз муносабатини билдириш истаги қучайиб бораётгандаврdir. Шу сабабли ҳам ота-оналар ва тарбиячиларнинг болаларни тўғри камолга етказишига алоҳида эътибор беришлари лозим. Уларни тарбиялашда:

- а) соғлиғи ҳақида, тартиб ва гигиена талабларига;
- б) ўйин машғулотлари, сўз, мусиқа, экспурсия, бадиий ва жисмоний тарбияга;
- в) ўзини тута билиш, дўстлик-биродарликни ўрнига қўйиш, катталарга ҳурмат, ўйин қоидаларини бузмаслик, буюмларни асраш ва бошқаларга ўргатиш мухимдир.

Бу даврда болаларнинг бўйи ҳар йили ўртача 6 см, оғирлиги 1-2 кг ўсади. Суяқ, мускул тизими юмшоқ, эгилувчан бўлади. Шу сабабли уларни толиқтирмаслик керак. Уларнинг асосий фаолияти ўйин ҳисобланади. Ўйинлар ранг-баранг бўлиши ва жамият мақсадларидан келиб чиқиб ташкил этилиши жуда мухим.

4. Мактаб ёшидаги кичик ўқувчилар.

Болани қачондан бошлаб мактабга бериш муаммоси педагогиканинг энг мухим масалаларидандир. Ота-оналар ва ўқитувчилар мактабга келадиган болаларни яхши ўрганишлари ва тўғри хulosага келиши бағоят мухимдир. Энди боғчадаги ўйин фаолияти ўрни тизимли мажбурий вақт билан боғлиқ ўқиш фаолияти эгаллайди. Бу ёщдаги ўғил ва қиз болалар жисмоний жиҳатдан текис ўсади. Бўйи ўртача 120 см, оғирлиги 25 кг бўлади. Кўкрак қафаси ва умуртқа погоначлари суяклари қотмаганлиги учун, улар тез шикастланадилар. Улар тез ўсади. Уларнинг бош мияси катталарникига тенглашса ҳам, тузилиши жиҳатдан фарқланади. Нафас йўли ва диафрагмаси бўш ривожланаган бўлади, шу туфайли, улар ҳаракатсиз қолсалар нафас олиш суст бўлиб, тана аъзоларининг кислород билан таъминланиши ёмонлашади. Улар юраги икки баровар қон чиқаради. Юрак уриши минутига 90-92 мартаға тўғри келади.

Ўқиш меҳнатининг таъсири остида боланинг барча руҳий фаолияти ихтиёрий диққат, ихтиёрий хотира, ихтиёрий идрок (маълум мақсад асосида воқеа ва

ходисаларни кузатиши), тафаккурни ихтиёрий идора этиш ва у билан боғлиқ бўлган нутқ, хис-туйғу, ирода каби руҳий жараёнлар ривожланади.

Болаларнинг хоҳишини 2 соатдан ёки 3 ойдан кейин бажаришни ваъда берсангиз улар кўнаверади. Болаларни вақтнинг қадрига етишига, вақтни аниқлаш ва уни бекор ўтказмасликка ва дарсдан кечикмасликка ўргатиш маъқул. Кейинчалик қунлик режимга ўргатиш керак. Болаларни кузатувчаникка ўргатиш орқали билиш қобилиятини ўстиришга интилиш керак. Уларнинг тасаввuri ўқиганларини қўпинча ҳарфма-ҳарф, тўппа-тўғри манода англайдилар. Бу ёшдаги болаларнинг хотираси жуда кучли тараққий этган, хотирага олиш, ўқиб олиш анча ўсган бўлади. 1-4 синф ўқувчиларининг талаб ва қизиқишлари, одат ва сезгилари, тасаввур ва тушунчалари, ҳаёлий фаолиятлари, дикқат-эътиборлари, тиришқоқликла-ри бир-биридан фарқ қиласидар.

Шу билан бирга улар орасида дудук, қўзи яхши қўрмайдиган, қулоғи яхши эшитмайдиган, овози хаста, хотираси паст ўқувчилар ҳам учрайди. ўқитувчиининг вазифаси болалар ҳамма ижобий интилишларини ўз вақтида англаш, уларни камол топтиришдан иборатдир.

5. Мактаб ёшидаги ўрта ўқувчилар (ўсмирлар) даври.

Бу даврда боланинг жисмоний ва руҳий тараққиётида кескин ўзгаришлар руй бериши сабабли бу давр ўтиш даври деб аталади. Бу ёш балоғотта етиш даври деб ҳам аталади. Қиз болалар 13-15 ёшда, ўғиллар 16-17 ёшида балоғотта етадилар. Ўсмирлар ҳулқида бир-бирига зид ҳолатлар: гоҳ жўшқинлик, гоҳ бўшанглик, гоҳо ишга кучли ҳавас пайсалга солиш, ўжарлик ҳолатлари учрайди.

Ўсмир руҳий ривожи аввалгига нисбатан яъни кичик ўқувчиларга нисбатан илгарилаб кетади. Ўқиш таъсирида ўсмирнинг умумий, абстраг тушунчаларни тобора кўпроқ тушуниб ва билиши тезлашади.

Ўсмир ўзида катта кишиларнинг сифатлари пайдо бўлаётганини сезади. Ички секреция безларининг қайта қурилишига боғлиқ. Жинсий етилиш даври бошланади. Уларда эркаклик ва аёлликнинг ташқи белгилари - овозининг ўзгариши (дурнлаш, муйлов чиқиши, кўкрак қафаси ўғил ва қизлар нафас олиши-даги фарқлар) пайдо бўла бошлайди.

Ўсмирлар руҳиятида қаҳрамонона ишларга, романтика, ўзини қаҳрамонлар қаторида тасаввур этиш кабилар жуда кучли бўлади. Уларда дўстлик ва биродарлик хислари, сирдош дўстлар топиш жуда кучли.

У нима қилиб бўлса ҳам жамоада обрў қозонишга, маълум мавқени эгалашга интилади. Бунга яхшилик билан эришмаса, шўхлик, баъзан тартиб бузиш, ўқитувчининг талабига тескари иш тутишга ҳам боради.

Демак, ўсмир билан муносабатда сабр-тоқат, вазминлик, маълум ҳолда унга мустақиллик бериш, жамоа ҳаётига доир ишлар юзасидан маслаҳатлашиши, унинг ташаббусидан, интилиши ва имкониятларидан фойдаланиши-буларни тўғри тарбиялашнинг гарови. Энг муҳими, улар шахсини хурмат қилиш, камсит-маслик, катта бўлиб қолганини тан олишдир.

Ўсмирлик даври айрим педагог ва психологлар, врачлар таъкидлаганидек тарбияга бериilmайдиган давр эмас. Ўз вақтида Жан Жак Руссо бу даврни “Иккинчи марта туғилиши” деб атаган эди.

6. Мактаб ёшидаги катта ўқувчилар (ўспириналар).

Ўспириналар ёшидаги ўқувчиларда узоқ муддатли ва тизимли таълим натижасини фикрлаш, танқидий фикрлаш ривожланади, интеллектуал қизиқиши ўсади, дунёқарааш шаклланади. Унинг тасаввур ва *тафаккур доираси* деярли нихоясига етган ва ижтимоий ҳайтнинг бирор соҳасига йўналтирилган бўлади. Энди гавда, қовматлари тўлишиб, гўзаллашиб боради. Мускулларнинг қучи ва иши, қобилияти ортади. Жинсий етилиш асосан тугайди. Умуман, ўспириналар жисмоний ўсишнинг тинч даври бўлиб, киши аъзоларининг ўсиши, такомиллашуви нихоясига етади. Улар жисмоний кучли, хушбичим ва соглом бўлганликлари түфайли *тематик ва хўйичақчоқ*, ҳар ишга қодир, мустақил бўладилар. Улар фаолиятининг асосий тури ўқиш бўлиб, мантикий фикр юритадилар ва билимларини англаб, тушуниб эсда қолдирадилар.

Яна бир хусусияти ўспирин ўзининг маданий-маънавий оширишга, ўзи устида қунт билан ишлайди, радио, телевидения, барча информация воситаларидан фойдаланади. Улар ҳаёт ҳақида (шахсий турмуш, севги, ахлоқ-одоб, ҳаётий гўзаллик каби масалалар юзасидан) фикр алмашишига иштиёқманд бўлади. Ўзларининг ақлий ва жисмоний етуклигини баҳолашади, шунга асосланиб аниқ бир касб-корни эгаллаш режасини тузади.

Характерли хусусиятлардан яна бири шундаки - ўспирин ўзига ўзи баҳо беришга интилади, унда хушмумомалик, одоблилик ва вазминлик каби ахлоқий сифатлар қарор топади. Улар Ватанга, халқقا, жамиятга, инсониятга хизмат қилиш ва фойдали инсон бўлишни ҳаётининг олий мақсади деб билади.

Педагогик машқ

Педагогнинг иш тажрибасидаги баъзи жиҳатлари билан танишинг.

Педагог синф ўқувчиларига таълим-тарбия беришда уларнинг ривожланишини ҳисобга олиб иш тутди. Масалан, ўсмир Мирқосим берилган уй вазифаларни бажаришда лоқайдлик, сусткашлиқ, масъулиятсизлик билан ёндошишини билади. Аммо педагог Мирқосим кейинчалик ўзгариб ўзининг бу нуқсонларини йўқотади деган фикрда иш тутди. Вакт ўтиши билан Мирқосимнинг уй вазифаларни бажармаслиқдаги масъулиятсизлиги унинг ўқишига бўлган қизиқиши ва ҳаракатларига зиён етказа бошлади. Оқибатда Мирқосим дарс машғулотларига келмаслик, кўчадаги ўртоқлари билан биргалиқда ўзларича иш тутиш каби одатларга ўрганди. Педагог энди Мирқосимнинг ўқищдаги ва тарбиясидаги нуқсонларни бартараф этишга ота-оналарни жалб қилди. Фан ўқитувчисининг ота-оналар билан ҳамкорлиги аста-секин ўз натижасини қўрсата бошлади. Мирқосимнинг ўқишида ижобий силжиши ва хулқ-атворида ўзгариш содир бўлди.

Вазиятни таҳлил қилинг.

1. Педагогнинг ўсмир Мирқосим ўқищдаги муносабатига бефарқлий билан иш тутишини Сиз қандай изоҳлайсиз?
2. Фан ўқитувчи дастлаб ўсмир Мирқосим ривожланишининг қандай омилларига таяниб ишлости зарур?
3. Сиз ўз тажрибангизда ўсмир Мирқосимдан ўқувчи билан қандай иш тутган бўлардингиз?

4. Сиз бундай педагогик муаммоларни амалий ҳал этишнинг қандай омилларини ишга соласиз?

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Мухит шахснинг шаклланишида қандай роль ўйнайди?
2. Шахс шаклланишида таълим-тарбия қандай роль ўйнайди?
3. Нима учун ўкувчи шахсининг ривожланиши даврларга бўлинади ва уни ўрганишда қандай педагогик муаммолар мавжуд?
4. Даврларга бўлишнинг қандай асослари мавжуд ва ўқитувчилар уни билишадими?
5. Ўқувчининг ривожланиши қандай даврларга бўлинади?
6. Мактаб ёшидаги кичик ўқувчилар қандай хусусиятларга эга?
7. Ўсмирилик даврининг хусусиятлари нималардан иборат?
8. Ўспиринлик даврининг хусусиятларини санаб кўрсатинг?
9. Ўқувчи ривожланишининг хусусиятларини ўқитувчи нима учун билиши даркор ва бу соҳада қандай муаммоларни амалий ҳал этиши керак?

Мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ.

P E Ж A:

1. Халқ таълим тизими ҳақида тушунча.
2. Ўзбекистонда таълим тизими тарихи ҳақида маълумот.
3. Таълим тизимининг тузлиши ва унинг иш мазмуни.
4. Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари.

Таянч сўз ва иборалар

Таълим-тарбия, тизим, тармоқ, тузилиш, ички ва ташқи сиёсат, маълум қоидалар асосида, муассасалар, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланиш, Конституция, барча фуқаролар, жинси, миллати, ирқи, тили, эътиқодидан қатъи назар, Марко Поло, Нур шарқдан таралади, Цзянь, 5 ёшга тўлгач, одат, мактаб, мадраса, масжид, қорихона, диний ва дунёвий билимлар, давлат стандарти, давлат ва нодавлат, фаолият кўрсатиши, илмий педагогик муассасалар, бошқарув органдари, корхона, узлуксиз, ягона, принциплар, дунёвий характери, мажбурийлиги, истеъдодни рағбатлантириш ва ҳакозо.

Халқ таълими тизими деб муайян мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир кўрсатувчи ҳамда маълум бир қоидалар асосида ташкил этилган барча таълим-тарбия муассасаларининг тузилишига айтилади. Халқ таълими тизими республиканизни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланишининг устивор соҳаси ҳисобланади. У Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонунга мувофиқ ташкил этилди ва назорат қилинади. Конституциянинг 18, 41-моддаларида таъкидланганидек жумхуриятимизда яшовчи барча фуқоролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар билим олиш хуқуқига эга.

Шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқи қадимдан илмга, маърифатга чанқоқ эканлиги маълум. Буни ўзбек халқининг тарихи билан қизиқкан тарихшуносларнинг эсадаликлари, илмий мулоҳазаларида ҳам яқол кўриш мумкин. Жумладан: “Хитой таърифчиси (Сюань, Цзян, 630 йил) нинг маълумотига кўра ўша замонда Ўрта Осиёда бола беш тўлгач, уни ўқищ, ёзишга ва ҳисобга ўргатганлар. Эронда саводлилар камдан-кам бўлгани ҳолда, Ўрта Осиёда ҳамма ёшларни саводга ўргатиш одат бўлган” (40 бет. Ўзбекистон халқ педагогикаси. 1973 йил).

Умумий таълим мактаблари, ўрта ва олий таълимда ўқувчиларга давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатилади.

Юқорида асосланган барча хуқуқлар ёшлардан Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги “Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлитини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрули ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин”, - фикри асосида фаолиятларини ташкил этмоқликларини талаб этади. Ўзбекистон республикаси таълим тизими ана шу ғояни амалга тадбиқ этишга қаратмоғи даркор.

Таниқли Венециялик сайёҳ Марко Поло узоқ вақт ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва қўшни вилоятлар худудида яшаган халқларнинг анъаналарини, урф-одатларини ўрганади. У ўз эсдаликларида ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўлланилган усул ва воситаларга таянган ҳолда “Нур Шарқдан таралади” деган эди. Қадимги Оврўпада кенг тарқалган мазкур хикматда Шарқ халқларининг инсоният маданият пойдеворини яратишдаги улкан ҳиссаси ғарб халқлари томонидан тан олингани ифодасидир.

Ота-боболаримизнинг “Ўтмишни унутганнинг келажаги бўлмайди” деган ҳикматли гапи бор. Биз тарихимизни қанчалик чуқур ўргансак, маданий меросимизга, қадрият ва анъаналаримизга қаратсак, келажак авлодга шунчалик тўғри таълим берган бўламиз. Шарқда, хусусан Ўзбекистонда таълим-тарбияга жуда катта эътибор берилган эди. Болаларни кичик ёшидан илмга қизиқтириш, ахлоқан пок, виждонли, меҳр-шафқатли қилиб вояга етказиш, эл-юртга нафи тегадиган фарзанд қилиб ўстириш масалаларига ота-боболаримиз жиддий эътибор қилишган.

Тарихий манбалардан маълумки, Марказий Осиё худудидаги мадраса ва масжидларда, эски усулдаги мактабларда диний таълим-тарбия, етакчи ўринни эгаллаган. Бу бежиз эмас албатта. Инсон, айниқса, ёш бола юксак ахлоқ ва одоб мезонини билмай ва уни пухта эгалламай туриб, бошқа илмларни эгаллаши қийин. Бу асрлар давомида ота-боболаримиз томонидан қанча-қанча тажрибалар асосида синалган ҳақиқатдир. Шу ўринда эски ўқув юртларида тиллар ўрганишга бўлган эътиборни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ал-Хоразмий, Ал-Замахшарий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, А.Навоий, Муҳаммад Солих, Огоҳий каби улуғ зотлар араб, форс ва бошқа тилларни қунт билан ўрганишган ва ўша тилларда эркин ижод қилишган.

Мусулмон мактабларида таълим-тарбия тизими икки босқичдан иборат бўлгани қўпгина манбаларда қайд этилган. Чунончи: ибтидоий ва ўрта асрлар даври мадрасалар таълими. Шу ўринда ўз устида тинмай ишлаган иқтидорли пешқадам муллаваччалар тенгдошларидан ўзиб кетиб, илм чўққиларини эгаллаганини ва юқори даражага эришганликларини таъкидлаш лозим.

Ўтмишда мактабга қабул қилинадиган ўқувчиларнинг ёши аниқ белгиланмас, баъзи ота-оналар фарзандларини 5 ёшда, айримлари эса 6-8 ёшда, шаҳарларда ўғил болалар 15-17 ёшгача, қишлоқ жойларда эса 13-15 ёшгача ўқитиларди.

Ўқув дастурлари ва дарс жадвали мунтазам бўлмасдан, ўқувчилар синфларга ажратилмас, эди. Ўқувчилар ўқитилаётган фаннинг характеристи ва соҳасига қараб турухланади. Масалан: “тахтахонлар” домла томонидан тахтачага ёзилган ҳарфларни ёзишни ўрганар эди ва ҳоказо.

VII-VIII асрларда Марказий Осиёни араблар фатҳ этгач, ислом дини асосидаги сифат жиҳатидан янги тизимга эга бўлган таълим-тарбия муассасалари вужудга келди. Араб бўлмаган болаларга ислом дини асосларини ўрганиш мақсадида Марказий Осиё мактабларида “Ҳафтияқ”, “Чор китоб” каби дарсликлар кенг тарқалди. XII асрдан бошлаб ислом динини туркий тилларда ёзилган асарларда ҳам оммалаштириш бошланди. Масалан, А.Яссавийнинг “Ҳикмат” асари.

Мактаб, мадраса, масжидлар фақат ибодатхона эмас, тарбия ўчоги вазифасини бажарган. У даврда савод чиқариш ҳарф ва сўзларни ёзишни ўрганишдан

бошланар эди. Мактаб сўзи арабча “ёзув ўргатадиган фан” деб номланиши ҳам ана шундандири.

Мактабларда болаларга ёзиш ва ҳисоблаш ўргатилган, яна ўсмирларга савдо санъати, араб тили, мантиқ, номақлик, ҳусни хат ва арифметикадан савод берилган. Ҳар бир мактабда талабалар сони 30-40 тадан ошмаган, бундан ташқари масжид қошидаги мактабларда ҳам 15-20 талаба ўқиган.

Мактаб, мадрасалар билан бирга қорихоналар ҳам мавжуд бўлиб, уларда ёзув ўргатилмаган. “Қуръон” ни ёд олишган холос.

“Мадраса” сўзи - арабча “дарс ўқитиладиган жой”, “маъруза тингланадиган жой” маъносини билдиради. “Мударрис” - дарс берувчи ўқитувчидир.

Мадрасалар 15-20, 30-40 ва хатто 100-150 талабани ўқитган бўлиб, диний билимлар билан бирга дунёвий билимлар ҳам берилган. Қобилияти, қизиқиши бўлмаган болалар шогирдликка тушиш, дехқончилик билан шуғулланишини маслаҳат берган.

1917 йилгача ҳар бир мусулмон фарзандини саводли қилишни савод деб билган.

Архив маълумотларига қараганда, 1885 йилда қўқон хонлигида (ўша даврда тахминан 1 миллионга яқин аҳоли яшаган) мадраса, мактаб, қорихоналар ва уларда ўқийдиганлар талабалар, шунингдек масжидлар сони қуидагича бўлган.

Мадраса ва талабалар сони

	мадраса ва талабалар со-ни	мактаб ва ўқувчилар сони	қорихона ва ўқувчи-лар сони	жами қорихона	ўқувчи
Марғилон	57-838	428-7340	21-395	229	1701
Қўқон	45-6929	301-4210	100-604		
Наманган	40-1324	371-7121	50-306		
Андижон	30-996	428-6756	44-320		
Ўш вилоя-тида	10-304	176-2851	14-76		

Булардан ташқари 6154 масjid мавжуд эди. Бизнинг халқнинг 2% гина саводли деган фикр бўхтондан бошқа нарса эмас. Фикримизнинг исботи учун Туркистон ўлкасидағи халқ билим юртлари З-инспектори В.Навкиннинг чор хукуматининг маориф вазири Д.А.Толстойга 1896 йил 8 майда йўллаган мактубдан айрим сатрларини келтирамиз: “Эътиборингиз учун ушбу хабарни етказишни лозим деб биламанки, айни пайтда Туркистон ўлкасидағи олий мактаб мадрасаларгина халқ билим юртлари З-инспекторнинг раҳбарлигидадир. Қуий мактаблар бу инспекторнинг раҳбарлиги доирасидан ташқарида, уларнинг ниҳоятда кўплиги сабабли ҳали сонини олишга муваффақ бўлинмади, менга топширилган инспекция ишларида мактабларнинг сони ҳақида аниқ маълумот йўқдигининг боиси шунда”. С.Граменицкий таъкидлаганидек: “Ўлка босиб олингач руслар бу ерда

жуда кўп мактаблар китоблар борлигини кўрдилар, уларда араб алфавитида она тили ўқитилишига, хат-саводни эгаллаш мусулмон дини билан уйғунашиб кетишига гувоҳ бўлдилар”

Таълим тизими деб муайян мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир кўрсатувчи ҳамда маълум бир қоидалар асосида ташкил этилган барча таълимтарбия муассасаларининг тузилишига айтилади. Ўзбекистонда таълим тизими мамлакатнинг барча фуқароларига таълим, тарбия бериш касб-хунар ўргатишнинг асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий хуқуқларини таъминлашга қаратилган.

Таълим тизими асосида барча фуқаролар ўзларининг хоҳишлирига қараб, умумий, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим ва мутахассисликларни эгалашлари учун кенг имкониятлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими қуийдагиларни ўз ичига олади:

Давлат таълими стандартларига мувофиқ таълим дастурини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

Таълим тизимининг фаолият кўрсатишини ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий педагогик муассасалар;

Таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ягона ва узлуксизdir.

I. Барча таълим муассасалари давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилади ва назорат қилинади. Таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат муассасалари шаклида олиб борилади. Давлат муассасалари Ўзбекистон хукуматининг маблағи ҳисобидан ташкил қилинади яъни барча амалга ошириладиган ўқув ишлари, амалиётлар, ўқув-моддий база, кадрларга туланадиган ва бошқа маблағлар давлат томонидан таъминланади. Ўқийдиган ўқувчи талabalарга стипендия, ётоқхона ва бошқа томондан ижтимоий ҳимояланади.

Нодавлат таълим муассасалари эса нодавлат ташкилотлар, хўжаликлар, дехқон-фермер, қўшма корхоналар, фуқаро, ҳомийлар ёки хорижий ташкилотлари томонидан ташкил эталади. Барча ўқув-тарбиявий ишлар, кадрлар тайёрлаш ўша ҳомийларнинг маблағи ҳисобидан ташкил қилинади. Амма таълим мазмани давлат таълим стандартлари талabalарига жавоб бериши талаб этилади.

II. Таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасаларга эса қуийдагилар: таълим тизимининг ривожланишини таъминловчи илмий тадқиқот институтлари, лабораториялар, олий ўқув юртларининг илмий ишларини муовофиқловчи ходимлар, илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи педагоглар, профессорлар ва бошқалар киради. Масалан, Педагогика, психология, кимё, математика, физика ва ҳоказо. Бу муассасалархалқ хўжалигининг қайси соҳалари бўлишидан қатъий назар шу соҳалар бўйича тадқиқот ишлари билан шуғулланади. Оқибатда таълим тизими ривожланади ва давлатга, жамиятга наф келтиради.

III. Таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга эса қуийдагилар киради: Тармоқ соҳаларидағи вазирликлар, вилоят ҳокимият бошқарув органлари, туман халқ таъли-

ми бўлими, мактабларнинг раҳбарлари, мактаблар, болалар боғчалари, уйлари, дам олиш санаториялар, кутубхона, техниклар, табиатшунослар, темирийўл станциялар ва ҳоказо.

IV. Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир талаби эса Ўзбекистонда таълим тизими битта, ўзига хос, мос шунинг учун у ягона деган маъно тушунилиши керак. Ўзбекистон таълим тизими бошқа давлатлардан нусха олмасдан, ўз тажрибаси ва бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ва ҳаётда қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг узлуксизлиги дейилганда барча фуқароларга маълумот ихтисослик берилишида узлуксизлик, ўзаро боғликлек сақланган бўлиб у дараҷасига қараб бирор мутахассисликни тайёрлашни назарда тутади. Барча таълим муассасалари ўзаро узвий уйғунликда боғланган. Масалан, Умумий ўрта таълим билан ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг боғланишини кўрсатиш мумкин. Ўқувчи аввал умумий ўрта таълимни олади, сўнг эса ўрта махсус касб-хунар таълимида давом эттиради ва ҳоказо.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида уствор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуидагилардан иборат:

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;

ўрта махсус касб-хунар таълими йўналишини: академик лицей ёки касб-хунар коллежда ўқиши танлашнинг ихтиёрийлиги;
таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
давлат таълими стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
билимли бўлишни ва истеъоддни рағбатлантириш;
таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғулаштириш.

Ўзбекистонда таълим ҳзбекистоннинг ижтимоий тараққиётини таъминловчи уствор соҳаси деб эълон қилинган. Ҳақиқатан ҳам давлатнинг ривожланишида таълим соҳаси устувордир. Чунки Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжиятида ўз обрўли ўрнини эгаллаш вазифасини фақат таълим соҳаси ҳал этади. Халқ хўжалигининг қайси йўналишида фаолият кўрсатувчи кадр таълим олмоғи шарт. Шунинг учун у ким, қаерда, қандай соҳада ишлашидан қатъий назар таълим олиш орқалигина шундай мутахассисликни эгаллаши мумкин. Шунинг учун ҳукуматимиз таълим тизимида миллий даромаднинг 10% ни сарфламоқда. Бу ҳақда бобомиз М. Беҳбудийнинг “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга паймол бўлур”, - деб айтган сўzlари бағоят қимматли. Таълимнинг инсон, жамият ривожланишидаги аҳамияти ҳақида Имом

Ал-Бухорий “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай”, - деб бежиз таъкидламаган.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳар бир принципи баркамол инсонни шакллантиришда таълим ходимлари, муассасалар олдига оширилган талаблар қуйилади, оқибатда малакали кадрлар тайёрлаш мақсади учун хизмат қилади. Уларнинг ҳар бирини қисқача таҳлил қилиб ўрганамиз.

Биринчи принципда таълм-тарбияда инсонпарварлик яъни у одамнинг манфаати учун ташкил қилинади, унинг ҳуқуқларини демократик қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилиш назарда тутилади.

Иккинчи принципда барча таълим турларининг узлуксизлиги ва изчил олиб борилиши назарда тутилган. Таълимда мақсад асосида ўзи танлаган соҳани у ёки бу даражага эришишда бу принципга амал қилиб эришиш мумкинлиги назард тутилган.

Учинчи принципда ҳар бир фуқаронинг умумий ўрта, ўрта маҳсус, касбхунар таълими олишда мажбурийлиги қонун билан асосланган ва уни бажариши таъминланган.

Тўртингчи принципда юқоридаги таълимда таълим олишни танлашнинг ихтиёрийлиги белгиланган. Ҳеч ким бироннинг қистови билан эмас, балки ўз ихтиёри билан танлаш ҳуқуқи кафолатланган.

Бешинчи принципда таълим тизимининг дунёвий билимларни ўқитиши, ўргатиш ғояси илгари сурилган. Фақат инсон манфаати учун керакли дунёвий билимлар ўқувчиларг ўқитилиши асосланган.

Олтинчии принципда ўргатиладиган таълим давлат стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги ҳуқуқий кафолатланган. Фуқароларга фойдаси тегмайдиган билимлар ўқитиши чекланган.

Еттинчи принципда ўқувчиларга таълим беришда дастурларни танлашга ягона ёндашув назарда тутилган. Масалан, умумий ўрта таълим ёки олий таълим дастурлари бир ягона мақсадни назарда тутади, яъни ўқиши вақти, мазмуни, соатлари, ягона тарзда белгиланган. Яна мазкур таълимни амалга оширишда табақалаштирилган ёндашув дейилганда баъзан ўқувчиларнинг хоҳишлари ҳисобга олиниб кучайтириб ўқитиладиган муассасалар фаолияти асосланиб шундай имконият яратиш назарда тутилган. Юқоридаги ҳар икки талаб Ўзбекистоннинг барча шу типдаги муассасаларида ягона тартибда амалга ошириши таъминланади.

Саккизинчи принципда таълим олишда қатнашувчи ўқувчиларнинг билимли бўлиши ва истеъодини тарақкий эттириши, рағбатлантириши назарда тутилган. Масалан, аъло баҳога ўқийдиган ўқувчилар, талабалар ҳукумат томонидан моддий ва маънавий рағбатлантириши амалга оширилиши белгилаб берилган. Стипендия, йўлланмалар ва бошқа мукофот шакллари асослаб кўрсатилган. Уни бажариши давлат сиёсатлиги белгиланган.

Тўққизинчи принципда тизимини бошқарувининг давлат ва жамоат тажрибаси уйгун узвий боғлиқ ҳолда жорий этилиши назарда тутилган. Бу принцип ўз навбатида давлатни демократик тамойиллар асосида ҳуқуқий бошқаришга фуқароларни тайёрлашни назарда тутади.

Умуман, таълим соҳасидаги барча принциплар инсон, жамият, умумбашарий манфаатларини бирлаштириб, баркамол малакали мутахассиларни тайёрлашни назарда тутган. Бундай кадрлар Ўзбекистоннинг бундан кейинги ижтиёмоий, иқтисодий ва маданий ривожланишини таъминлашга йўналтирилган деб хуносалаш мумкин.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1. Таълим тизими нима?**
- 2. Ўзбекистонда таълим тизими қайси муассасалардан ташкил топган?**
- 3. Таълим тизими қандай мақсад ва вазифаларни амалга оширади ва у соҳада қандай педагогик муаммолар мавжуд?**
- 4. Илгари Ўзбекистон худудида таълим тизими қандай йўлга қўйилган ва унинг мазмунини педагогик асослаб қўрсатинг? Ўзбекистон аҳолиси саводсиз бўлганми?**
- 5. Таълим тўғрисидаги Конунда таълим тизими нималардан иборат?**
- 6. Давлат ва нодавлат таълим муассасаларини қандай тушунасиз ва улар фаолиятида қандай муаммолар ҳал этилиши даркор?**
- 7. Таълим тизимининг ривожланишини таъминловчи илмий-педагогик муассасаларга қайсилари киради ва улар фаолиятида қанақа муаммолар мавжуд?**
- 8. Бошқарув органлари қайси муассасалардан ташкил топган?**
- 9. Нима учун таълим тизими ягона ва узлуксиз?**
- 10. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг қандай асосий принциплари мавжуд ва уларни қандай тушунасиз?**

**Мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ
ТИЗИМИ, ТУРЛАРИ ВА ИШ МАЗМУНИ.**

P E Ж A:

1. Мактабгача ва умумий ўрта таълим.
2. Ўрта маҳсус касб-хунар таълими.

Таянч сўз ва иборалар.

Таълим турлари (хиллари), узлуксиз таълим, мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар, олий, мактабдан ташқари, бошланғич таълим, билимлар ҳажмини беради, касбга йўналтириш, ихтиёрий, мажбурий, касб-хунарга мойиллиги, уч йиллик. Ишлаш хуқуқи, интеллектуал қобилияtlари, фанни чуқур ўрганиш, меҳнат фаолиятида руёбга чиқариш.

Узлуксиз таълим тизими ва турлари.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, тури даражадаги таълим дастурларининг изчилиги асосида таъминланади ва қўйидаги турларини ўз ичига олади:

Мактабгача таълим;
Умумий ўрта таълим;
Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими;
Олий таълим;
Олий ўқув юртидан кейинги таълим;
Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
Мактабдан ташқари таълим;

Биз фақат таълим турларинигина билиб қолмасдан, балки ҳар бир тури нинг мазмуни, мақсади ва вазифалари ҳақида илмий педагогик маълумотга эта бўлишимиз даркор.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўртамаҳсус, касб-хунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий ўрта таълим дастуридан ўрта маҳсус, касб-хунар дастурларига изчилишини таъминлайди. Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим (I-IV синфлар), умумий ўрта таълим (I-IX синфлар), ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини қамраб олади.

Касб-хунар таълими дастурлари ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, олий (бакалавриант, магистратура) таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни қамраб олади.

Мактабгача таълим.

Мазкур таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишига тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. У ўқувчиликка интилиш ҳиси уйғотилади ва уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълимга оиласа, болалар боғчасида, мулк шаклидан қатъий назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади. Мактабгача таълимнинг мақсади ва вазифаларини руёбга

чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва ҳайрия ташкилотлари, халқаро фондлар ва ҳар қандай жисмоний шахслар фаол иштирок этиши мумкин.

Мактабгача таълими яхшилаш учун тарбиячи, педагог кадрларни тайёрлаш, мактабгача таълимнинг самарали педагогик - психологик услубларини излаш, болани оиласда тарбиялашда психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш; замонавий ўқув услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар майдонлар яратиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш; мактабгача ёшдаги болаларни ҳалқнинг бой маданий - тарихий мероси асосида тарбиялашга шарт-шароит яратиш ҳамда уларнинг соғлигини таъминлаш ва чиниқтириш бўйича қулай шароит яратиш кабиларни назарда тутади. Энг асосий вазифаси болаларнинг ҳаётини режимга солиш, ахлоқ-одоб хулқ-атвор тарбиялаш, расм чизиш, ҳарф элементларини машқ қилиш, санаш, ҳисоблаш, нутқ, организмни чиниқтириш, дам олишларни ташкил этиш каби вазифалар амалга оширилади. Улардан маданий хулқ-атвор, содда меҳнат қўникмалари, гигиена қоидалари ўргатилади.

Умумий ўрта таълим.

Умумий ўрта таълим босқичлари қуидагилар:

Бошланғич таълим(I-IV синфлар). Умумий ўрта таълим(I-IX синфлар). Бу таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган билим, қўникма асосларини, саводхонлик тартиб топтиришга қаратилгандир. Бошланғич таълимга болалар 6-7 ёшдан қабул қилинади. Бу масалани тиббиёт, рухшунос ва ўқитувчилардан ташкил топган ҳайъат ҳал қиласди. Агар боланинг жисмоний, ақлий ва руҳий томондан ривожланиши ўқиши фоалиятини давом эттиришга имкони бўлса, ундан болани 6 ёшдан қабул қилинади. Бошланғич таълим ўқувчиларни мактабда ўқишининг илк тайёргарлигини амалга оширади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини (бошланғич таълимда ўқиши, ёзиш, ҳисоблаш, ҳикоя қилиш, расм чизиш, қўникмаларини бажаришга ўргатиш билан умумий таълимда ўқишига тайёрлайди) беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба қўникмаларини ривожлантиради, дастабки тарзда касбга йўналтиришда ва талимнинг навбатдаги ўрта маҳсус, касб-хунар босқичини танлашга ёрдам беради. Тўққиз йилик (I-IX синфлар) ўқишидан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир.

Болаларнинг қобилиятини ривожлантириш учун ихтисослаштирган мактаблар ташкил этилиши мумкин. Масалан: спорт, санъат, мусиқа ва бошқа фанлар бўйича ҳам мактаблар ташкил этилиш мумкин.

Умумий ўрта таълимнинг вазифалари:

Ўқувчилар томонидан мунтазам билимлар олинишини таъминлаш, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантириш, тарбиялаш, касб танлашга ва атрофоламга онгли муносабат ҳосил қилиш;

миллий ва умубашарий қадриятларни узвий бирлаштириш асосида ўқувчиларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, ўз Ватанига ва ҳалқига содик фуқароларни шакллантириш;

таълимнинг узлуксизлигини ва изчилигини, мактаб ўқув дастурининг кейинги босқичдаги ўқув дастурлари билан узвий ўзаро боғланишни таъминлаш ва ҳоказо.

Давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда шахснинг таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш умумий ўрта таълимнинг мақсади ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим билимлар зарур ҳажмига асос солади, ўқувчиларда ташкилотчилик қобилиятлари ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки касб йўналишини таълимнинг кейинги босқичини танлашга кўмаклашади. Умумий ўрта таълим туталлагандан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Умумий ўрта таълимнинг янги тизими ва мазмунини шакллантириш учун қуийдагилар зарур:

юқори малакали педагогик ва кадрлар тайёрлаш;

худудларнинг жўғрофий ва демографик хусусиятларига мос таълим муассалари тармоқларини ривожлантириш;

ўқувчиларнинг қобилият имкониятларига мувофиқ равища табақалаштирилган ёндошувни жорий қилиш;

илғор педагог технологияларини, ўқув-услубий мажмуаларни дидақтик таблаблар асосида яратиш;

ўқувчилар касб-хунар танлайдиган ва психолого-педагогик маслаҳатлар оладиган марказлар тармоғини ташкил этиш ва ҳоказо.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-хунар коллекида ўқишининг йўналишини ихтиёрий равища танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллеклари эгалланган касб-хунар бўйича ишилаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимнинг навбатдаги босқичида давом эттириш учун асос бўладиган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ўстирши, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта маҳсус юртидир.

Касб-хунар коллеки ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танлаган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишини таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўқув юртидир. Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта маҳсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлигини ҳисобга олиб, уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаган йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган маҳсус касб-хунар қўникмаларини ўзларида ша-

кллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқиши майян олий таълим муассаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлири мумкин.

Касб-хунар коллежи давлат таълим стандартлари доирасида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими беради.

Касб-хунар коллажлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибининг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг вазифалари қуидагилардан иборат:

давлат таълим стандартлари доирасида умумтаълим ва касб-хунар дастурларини бажариш;

ўқувчиларнинг узлуксиз таълимининг кейинги босқичида ўқиши давом эттириши таълимининг мутахассисликлар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланниши учун зарур ва етарли бўлган билимлар ҳамда касб тайёргарлиги даражасини чуқурлаштириш;

республика иқтисодиётининг малакали кичик мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш.

Академик лицей ва касб-хунар коллажларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. У таълимининг кейинги босқичларида ўқиши давом эттириш ва эгаллаган касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини беради.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар таълимларини амалга оширишда қандай педагогик муаммолар мавжуд? Сизнингча бу муаммоларни қандай ҳал этиш мумкин?
2. Мактабгача ва умумий ўрта таълими қандай мақсад ва вазифаларни назарда тулади?
3. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мазмунни нималардан иборат ва у қайси шаклларда ҳамда қандай мақсад ва вазифаларни амалга оширади?
4. Умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълимларининг узвийлиги ва алоқадорлигини қандай асослайсиз?

Мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ.

P E Ж A:

1. Олий таълим.
2. Олий ўқув юртидан кейинги таълим.
3. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.
4. Мактабдан ташқари таълим.

Таянч сўз ва иборалар.

Икки босқич, бакалавриат, магистратура, таянч, аспирантура, адюнктура, доктарантура, мустақил тадқиқотчилик, диплом, мутахассисликлар, мутахассис, жамоат бошқаруви, дистанцион таълим, технология, таълим, фан ва ишлаб чиқариш, янгилаш ва чуқурлаштириш, давлат ва нодавлат, якка тартибда, ўқувчилар бўш вактини ташкил этиш, давлат стандартлари, аккредитация, молијлаш ва ҳоказо.

Oлий таълим

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди. Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус касб-хунар таълими асосида амалга оширилади. Олий таълим икки босқичга бўлинади: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалавриат ва магистратурага эга.

Бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган ўқиш муддати камида 4 йил бўлган таянч олий таълимиdir.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида 2 йил давом этадиган олий таълимdir. Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

Олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизида ва пуллик шартномавий асосда амалга оширилади.

Бакалавриат дастури тугаллангандан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси яқунларига биноан касб бўйича “бакалавр” даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш хукуқини берадиган диплом топширилади.

Магистр даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интиҳосидир.

Олий таълимни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак: бакалавр ва магистр даражаси учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш;

профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлашни чет эллардаги етакчи ўқув юртларида ташкил этиш;

олий таълимда таркибий ўзгаришлар ўтказиш;

олий таълим бошқарувини такомиллаштириш, мустақиллигини кучайтириш, жамоат назорат кенгашлари шаклидаги жамоат бошқарувини ташкил этиш;

таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш ва жорий этиш;

ўқишини индивидуаллаштириш ва дистанцион таълим технологияси воситаларини ишлаб чиқиш;

халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш ва ҳоказо.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларни таъминлашга қаратилганdir. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адюнктура, доктарантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

У жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Олий ўқув юртидан кейинга таълим босқичлари (аспирантура, доктарантура) диссертация ҳимояси билан якунланади.

Якуний давлат аттестацияси натижаларига қўра фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунаядаги дипломлар топширилади. Бу ишни такомиллаштириш учун: касб таълими тизими учун олий малакали илмий педагогик кадрларни устивор тайёрлаш; чет эллар тажрибасидан фойдаланишга шароит яратиш; фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан ҳалқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ҳоказо.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимларини ва кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштиришга қаратилган. Уни битирғанларга гувоҳнома ёки сертификат топширилади. Уни ривожлантириш учун:

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янгича таркиб, мазмун ва бошқаришни шакллантириш;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш;

иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторларида кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш бўйича рақобат муҳитини яратиш ва жорий этиш ва ҳоказо.

Мактабдан ташқари таълим

Болалар ва ўсмирлар якка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин. Мактабдан ташқари муассасаларига

болалар ижодиёти саройлари, уйлар, клублар, марказлар, болалар ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибда талаб эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар, маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар. Уни такомиллаштириш учун:

таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизмат турларини кўпайтириш;

ўқувчилар бўш вақтини ташкил этишнинг; оммавий спорт, соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмининг, халқ хунармандчилигининг мавжуд турлари ва шаклларини такомиллаштириш, миллий турлари ва шаклларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий қилиш ва ҳоказо.

Оилада таълим ва мустақил равишда таълим олии.

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга қўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиши ва мустақил равишда таълим тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим оловчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади.

Бўлажак бакалавр ва магистр мутахассислар Ўзбекистонда таълим тизими турлари ва уларнинг иш мазмуни ҳақида илмий маълумотга эга бўлишлари даркор. Чунки бўлажак мутахассислар ҳар бир таълим турининг тузилиши, мазмуни, мақсад ва вазифаларини аниқ тасаввур этишлари шарт. Бундай масъулият эгаллаётган ихтисослиги бўйича касб кўнималарини ўз вақтида таркиб топтиришга йўналтиради. Ўз ихтисосликлари юзасидан чуқур илмий педагог маълумот олишга даъват этади. Энг муҳими ҳар бир таълим тизими ҳақида илмий маълумотга эга бўлмай шу соҳадаги вазифаларни бажариш мумкин эмаслигини тушуниб етмоқлари лозим. Шунинг учун бўлажак мутахассислар таълим тизими ва унинг иш мазмуни тўғрисида ҳам назарий, ҳам амалий билимлар заҳирасини ўзларида шакллантиromoғи зарур бўлади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Олий таълим таълим тизимида қандай ўрин эгаллайди?
2. Олий таълим мазмуни, мақсади ва вазифалари нимадан иборат?
3. Олий таълимдан кейинги кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш нима мақсадда ва нима учун ташкил қилинади?
4. Мактабдан ташқари таълим қандай мақсадда ва нима учун ташкил қилинади?
5. Мутахассислар нима учун узлуксиз таълим тизими турлари ва уларнинг иш мазмунини билишлари даркор?
6. Сизнингча олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим ва мактабдан ташқари таълим соҳаларида қандай педагогик муаммолар мавжуд ҳамда уларни қай тарзда ҳал этиш мумкин?

7. Таълим тизими бошқаруви нима ва у қандай вазифаларни бажаради?

Мавзу: ЎҚИТУВЧИ.

P E Ж A:

1. Ўқитувчининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти.
2. Ўқитувчи ёшларга таъли-тарбия берувчи киши.
3. Ўқитувчининг педагогик фаолияти.

Таянч сўз ва иборалар.

Касбни ва болани севиш, масъулият, таълим-тарбия, шакллантириш, қийин, шарафли, фидоий, муаллимга, муҳтожлиқ, ота-онаси сингари, қобилияти, фаол, ижодкор, педагогик-психологик билимлар, жамият манфаати, маданий бойлиқ, хазиналар, мағкура, маънавият соҳиби, касб маҳорати, педагогик фаолият, тайёргарлик, методик, сиёсий, талабчан, касбий лаёқатлилиқ, тез фикрлай олиш ва ҳоказо.

Республикамиз ҳукумати халқ таълими соҳасида ўртага қўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш шароитида таълим-тарбиядан қўзда тутилаётган мақсадларга эришиш, ўқувчи-ларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, маънавий баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юклатилган. Бу ҳақда И. А. Каримов “Баркамол авлод орзуси” асарида: “Билимга чанқоқ, истеъодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидоий инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифамиздир”, - деб таъкидлангани бағоят ўринли.

Ўзининг фидокорона меҳнати билан ёш авлодни ўқитиши ва тарбиялаш сифатини оширишга катта ҳисса қўшаётган ижодкор ўқитувчилар сони йил сайин ортиб бораяпти. Мактабларда “методист ўқитувчи”, “катта ўқитувчи”, “Ўзбекистонда хизмат қўрсатган ўқитувчи”, “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистон қаҳрамони” унвонларига сазовор бўлган ўқитувчилар сони ортиб бормоқда. Ўқитувчиларнинг шарафли қийин ишининг эътирофи сифатида И. А. Каримовнинг “Ўз-ўзига, эл ишига бағишлигар, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз”, деб билдирган эътирофи, ҳурмати ҳар бир ўқитувчини тўлқинлантиради.

Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлиги, фидойилигига, ёш авлодни ўқитиши ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ.

Сўнгги йилларда педагогика коллежларида ўқитувчилар тайёрлашни та-комиллаштиришига қаратилган кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда.

Чунончи бўлажак ўқитувчиларнинг касб тайёргарлигини кучайтириш, ихтисосига доир фанлар чуқур ўрганиш ва педагогик маҳоратни эгаллаш мақсадида “Педагогик маҳорат” курсини фан сифатида ўрганилиши, назарий билимларни амалиётда қўллашга ўтиш масаласига эътибор кучайди. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларга педагогик, рухшунослик, методикасига доир фанларни ўргатиш кўлами янада кенгаяди.

Ўзбекистон республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастурида узлуксиз таълимни амалга ошириш ғояси ўқитувчи кадрлар тайёрлашга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Шу муносабат билан ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни

қайта тайёрлаш иши давлат сийсати даражасида қутарилади. Бу тадбирлар университет ва педагогик инсититутларнинг маҳсус факультетларида, малака ошириш инсититутларида самарали амалга оширилмоқда.

Ўқитувчилик шарафли, лекин жуда мураккаб касб ҳисобланади. Бу тўғрисида ўқитувчилик касбининг ёш авлодни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятига бобомиз А.Н.Фаробий шундай фикрни “Бахт-саодатга эришув ва туғма қобилияtlарнинг ривожланиши ўз- ўзича бўлавермайди, балки бу масалада қандайдир бир муаллим ёки раҳбарга муҳтоҷлик сезилади.” Ҳақиқатдан ҳам ўқувчилардаги қобилияtlарни ривожлантиришда ва тарбиялашда муаллимнинг хизматлари бекиёсdir. Яхши ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзи етарли эмас. Чунки педагогик назариядан болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қоидалар, умумлаштирилган методлар баён этилади. Бу тўғрида рус машҳур педагоги А.Н.Толстой “Агар ўқитувчи фақат ишига ҳавас қўйган бўлса, у яхши ўқитувчи бўлади. Агар ўқувчи фақат ота, онаси каби ҳавас қўйган бўлса, у олдинги ўқитквидан яхшироқ бўлади. Борди-ю, иккала хислатни ўзида мужассамлаштирса, у ҳолда у мукаммал ўқитувчи бўлади,” деб жуда ўринли таъкидлаб ўтган. Ҳақиқатдан ҳам ана шу икки фазилатни ўзида мужассамлаштира олган ўқитквичи баркамол инсонни тарбиялай олади. Афсуски ҳамма ўқитувчилардан ана шу қимматли сифат баъзан шаклланмаган бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлатининг барча мактабларда ишлайдиган ўқитувчи:

Педагогик фаолиятнинг обрў эътиборини ва ижтимоий мақомини ошириш юзасидан давлат сиёсати рўёбга чиқарилади. Таълим олувчиларнинг ва педагогларнинг ўқиши соғлиғи ва дам олиши зарур шароитлар яратилади;

4.2 Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларнинг қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифати ва барқарор ривожланиши кўзловчи тизими вужудга келтирилди. Педагог кадрларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатбардош даражада уларнинг касб сифатини қўллаб-қувватлаш таъминланади, ва ҳоказо.

Педагог фаолияти.

Ўзбекистон республикасининг таълим тўғрисидаги Қонунида: “Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга”, -деб таъкидланади. Ҳақиқатдан ҳам тегишли маълумотга эга бўлган, касб тайёргарлиги бор, юксак ахлоқий фазилат соҳиби бўлган сабр-тоқатли, меҳнатсевар, тиниб-тинчимас киши педагогик фаолияти билан шуғулланади. Бу ҳақда машҳур педагог К.Д.Ушинскийнинг тарбиячилик санъати шундай хусусиятга эгаки деярли барча таниш ва тушунарли, баъзиларга эса жуда осон иш бўлиб туюлади-одам бу иш билан назарий ва амалий жиҳатдан қанчалик кам таниш бўлса, унга бу шанчалик тушунарли ва осон бўлиб кўринади. Деярли ҳамма тарбия сабр тоқатни талаб этишни эътироф этишади, айримлар бунинг учун туғма қобилият билан малака, яъни кўникма керак деб ўйлайдилар; лекин жуда кам одам сабр-тоқат, туғма қобилият ва малакадан ташқари яна маҳсус билимлар кераклиги ҳақида ишонч

хосил қилишди", - деб таъриф бериши ўқитувчи меҳнатининг машаққатлигидан-лигини анлатади.

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида жавоб берадиган, ўқувчиларга таълим-тарбия беришга маҳсус тайёрланган одамларнинг меҳнат фаолиятидир. Ўқитувчи фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган. Ўқитувчиликни ўрганаётган ёшлар аввало ўқитувчининг ўзига хос хусусиятларини билиши керак. У қуидагилардан ташкил топади:

1. ўқитувчи шахсининг хусусиятлари;
2. ўқитувчининг руҳий педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар;
3. маҳсус тайёргарликнинг мазмуни ва ҳажми (амалий);
4. ихтисосига доир методик тайёргарлик.

Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари:

ғоявий соҳада: мағкура, илмий дунёқарашиб ахлоқий-маънавий бойликни тушуниш; ижтимоий ва фуқароли бурчи ва масъулиятини англаш; ижтимоий-сиёсий-касбий фаоллик.

Педагогик касби соҳасида: ўқувчиларни севиш ва улар билан ишлашга қизиқиши, касбни севиш, руҳий-педагогик билмдонлиқ, зийраклик ва кузатувчаник; педагогик назокатлилик (хушмуомилалик); педагогик тасаввур, тафаккур; ташкилотчилик қобилияти; ҳаққонийлик, ҳалоллик, самимиийлик, ҳаромдан хазар қилишилик, вазминлик, ўзини тута билишилик, касбга лаёқатлилик, қатъийятлилик, мақсадга интигувчанлиқ, курашувчанилик ва меҳнатсеварлик ва ҳоказо.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўқитувчилик касбига қандай вазифалар юклатилган?
2. Нима учун ўқитувчилик касби қийин, мураккаб ва шу билан бирга шарафли?
3. Ўқитувчилик касбини қандай тасаввур қиласиз?
4. Сиз келгусида қандай ўқитувчи бўлмоқчисиз?
5. Педагогик фаолиятни қандай тушунасиз ва уни самарали ташкил этища қандай муаммолар мавжуд ҳамда уларни қай тарзда ҳал этиш мумкин?
6. Нима учун ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия берувчи киши?
7. Педагогик фаолиятнинг самараси нималардан ташкил топади?

ҚОБИЛИЯТИ ВА МАҲОРАТИ

P E Ж A:

1. Педагогик қобилият ва мақсад ҳақида тушунча.
2. Ўқитувчининг касб сифатлари.

Таянч сўз ва иборалар.

Фаолият, қобилият, лаёқат, билиш, ташкилотчилик, нутқ, обру орттириш, таъсир кўрсата олиш, нодир дунё, кўра билиш қобилияти, саҳоватли, ижтимоий масъулият, одоб, жамият манфаати, изланувчан, танқидий назар билан ёндашиш, меҳр, сабр-тоқат. Махсус билимлар, инсонпарварлик, бурчга садоқат, мулоҳазали, ўзига ва бошқаларга талабчан, зиёлилик, бирорларни тинглаш, ички ва ташқи гўзаллик, сўз ва иш бирлиги, фидоийлик ва ҳоказо.

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагог маҳорат әгаси оз меҳнат сарфлаб, катта натижага эришади. Педагогик қобилият фаолият натижасида пайдо бўлади ва ривожланади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланиши учун эса яна истеъодд, лаёқат, зеҳн ва инсон асаб тизимида анатомик-физиологик жиҳатдан уни ташкил қиласидаги бўш мия бўлмоғи зарур. албатта бу ҳар бир инсонда мавжуд. Ана шу табиий борлиқда, заминда қобилият деб деб аталувчи руҳий хусусият тараққий этади. Педагог фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг қўйидаги турлари мавжуд бўлмоғи ва тарбияланмоғи даркор: билиш қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, ташкилотчилик қобилияти, нутқ қобилияти, обру орттириш қобилияти, тўғри муомила қобилияти, келажакни ёки мўлжални ола билиш қобилияти, диққатни тақсимлай олиш, маданиятли ва маънавиятли бўла олиш қобилияти, ўқувчиларни сева олиш қобилияти, таъсир кўрсата олиш қобилияти, ишонтира олиш қобилияти, ўзини тута олиш ва бошқариш қобилияти ва ҳоказо.

Билиш қобилияти - фаннинг тегишли соҳаларига оид (математика, она-тили, кимё ва ҳоказо) қобилият. Бундай қобилиятга эга ўқитувчи фанни ҳажмда эмас, балки анча кенг ва чуқур, мукаммал билади, унга бу фан қизиқ, у илмий тадқиқот ишларини ҳам билади.

Тушунтира олиш қобилияти-ўқитувчининг энг муҳим қобилиятидир. У ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиш, умуман таъсир кўрсата олишдир. Унда ўқувчилар руҳиятини, қизиқишини, ҳаракатини, кечинмаларини, ҳолатини, нима билишини ёки билмаслигини, уни юзага келтирувчи сабабларини, уни бартараф этиш йўлларини, чарчаганганини, дам олишга имкон яратишни ва билишга даъват этиши шошмаслиги каби кўникмаларни вақтида, жойида хатосиз бажара олиши назарда тутилади.

Кузатувчанлик қобилияти-ўқитувчининг ички дунёсига кира олиш қобилиятидир. Бундай ўқитувчининг ўқувчининг психологиясидаги кўз илқамас ўзгаришларни ҳам тез пайқай олади. Бу ҳақда В.А. Сухомлинский “ҳар бир бола-нодир бир дунёдир”, - деганда ҳақ эди.

Нутқ қобилияти - нутқ ёрдамида ўзининг таълим-тарбияси мақсадини ўқувчиларга англатишда ўз фикр ва туйғуларини аниқ, равшан, содда адабий тил-

да (соф) ифодали олиши тушинилади. Ўқитувчи ўргатаётган материални ўзлаштиришда асосан қайси ибораларга, ғояларга, энг мухим қоида ва йўналишларга ўқувчилар эътиборини ўз сўзлари билан ром эта олиш ниҳоятда мухим. Ўқитувчининг нутқи аниқ, жонли образли, таъсирчан, талаффузи ёрқин, ифодали, ҳис-ҳаёжонли, унда стилистик ва фонетик нуқсонлар бўлмаслиги шарт.

Ташкилотчилик қобилияти-биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштира олиш, жипслаштириш, мухим вазифаларини бажаришга руҳлантириш, йўлйўриқ кўрсата олиш, иккинчидан ўз ишини (дарсини, тарбиявий ишини) мақсадга мувофиқ ташкил этишни назарда тутиш. Энг мухим вақтдан унумли фойдалана олиши жуда мухим.

Обрў орттира олиш қобилияти - ўқувчиларга бевосита эмоционал - иродавий таъсир кўрсатишдир. Обрў унинг фанни яхши билиши, тушунтира олиши, рағбатлантира олиши, жазолай олиши(одил), меҳрибонлиги, ўқувчини тушуниши, муомаласи ва меҳнати билан шаклланади. Унинг қалби самимий, пок, ҳалол бўлмоғи шарт.

Тўғри муомала қила олиш қобилияти - ўқувчилар қалбига тўғри йўл топа олишини белгиловчи муомала, муносабатлар йиғиндиси дейиш мумкин. Ундан ўқитувчининг муомаласи самарасини ўқувчи шахсига ҳурмати белгилайди десак тўғри бўлади.

Олдиндан кўра билиш қобилияти - ўз ва ўқувчилар ҳаракатининг, фаолиятининг оқибатини кўра билишни, олдиндан илғай олиши, билиши, яъни педагогик кўра билиши назарда тутилади. Масалан, икки ўқувчи жанжаллашган пайтда қайси бирининг айбордлигини аниқлаш ва ҳоказо.

Диққатни тақсимлай олиш қобилияти-ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари - ҳажми, кучи, кучувчанлиги, сафарбарлиги, тезлиги кабилирнинг тараққий этиши билан изоҳланади. Энг мухими ўқитувчи доимо педагогик фаолиятида ўзи бажараётган (баён қилаётган фикр, сўз, ғоя) ишига ва уни тинглаётган ўқувчиларнинг бутун ҳатти-ҳаракатлари, ҳолатларига ўз диққатини тақсимлай олишга эътиборини қаратмоғи шарт. Бунинг уддасидан чиқа олмаса, ҳақиқий ўқитувчи бўла олмайди. У хоҳлаган вақтда тўхташи ва хоҳлаган вақтда ўз фаолиятини давом этиши шарт.

Таъсир кўрсата олиши қобилияти-бу қобилият ўқитувчининг энг асосий қобилиятидир. У таъсир кўрсатиши учун ўқувчисини ва ўша пайтдаги ўқувчининг ҳолатини, қалбини яхши билмоғи даркор. Ўқитувчи ўқувчига таълимий-тарбиявий таъсир кўрсата олмаса, унинг барча ҳаракатлари зоя кетади. Ўқитувчи иложи борича ижобий томондан ўқувчига таъсир кўрсатсин. Ёмон таъсир кўрсатса, албатта уни йўқотишни кейинчалик амалга ошириши керак бўлади.

Юқоридан таъкидлаб кўрсатилган бошқа қобилияларни ҳам ўқитувчи ўзида шакллантириши унинг педагогик фаолиятини самарали олиб боришни таъминловчи шартлардан саналади. Бу шартларни ўқитувчи назарий жиҳатдан англаши ҳамда амалиётда камчиликларсиз яъни педагогик қоидалар асосида кўллай олиши ниҳоятда мухим.

Тарбиячининг маҳоратини (мукаммаллигини) тубандагилар ташкил этади: Турли педагогик шароитда (вазият) жамоа ва айрим ўқувчилар дунёсида содир бўлган воқеаларни тўғри қабул қилиш кўникмаси; “мақсад-восита-натижা”

ларни таққослаб таҳлил қилиш кўникмаси; талаб қилиш ва ишонтира олиш кўникмаси; тезда мўлжални олиш ва дикқатни йўналтира олиш кўникмаси; болалар билан ўйнай олиш қобилияти; вазиятга ҳар томонлама тўғри баҳо бериш кўникмаси; ранг-баранг педагогик асосларидан (далиллар) энг муҳимларини ажратса олиш кўникмаси; тасодиф далилдан асосийсини аниқлаш кўникмаси; бир ва ҳар хил вазиятларда таъсир кўрсатишнинг тури-туман усулларидан фойдаланиш кўникмаси; ўз кайфияти, ҳиссиёти, гапи (ҳаракатлари), юз (афт), ҳаракатларини аниқ кўрсата олиш малакаси.

Ўқитувчининг касбий сифатлари.

“Эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади”

Эътиқод одоб, фуқаролик бурчини англаш ўқувчининг асосий сифатларидан биридир. Болаларга меҳр-муҳаббат унинг энг муҳим фазилатидир. Унинг муҳим фазилати қўпчилик билан муомила қила олишдир.

Ўқитувчининг одоби, маданияти юксак бўлсагина одамларга нисбатан меҳрибон, саҳоватли бўла олади, уни ҳамма ҳурмат қиласи. У педагогик этиканинг нормаларини ўзлаштириб олиши, тажрибада қўллаши, ўзининг дунёқараши ва ахлоқий тажрибаси билан таққослаш лозим.

Бу ахлоқий эътиқод ўқитувчининг дарс бериш жараёнида, тарбиявий ишларда, ўқувчилар ва бошқалар билан муносабатларда, муомиласида, кундалик турмушда ўзининг шахсий намунаси билан ахлоқий (барча таркиблар бўйича) таъсир ўтказиш кўзга ташланади.

Ахлоқ назариясида яхшилик энг муҳим категория ҳисобланади. Унда ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси манфаатларининг бирлиги, муаллим ва ўқувчи мақсадининг бирлиги акс этади.

Яхшилик фазилати иккала томоннинг ҳам яхши ниятли, хайриҳо, меҳрибон бўлишини тақозо қиласи.

Шахс ахлоқини характерлайдиган белгиларидан бири масъулиятдир. Унинг масъулияти - масъулият тушунчасининг бутун мазмунини сақлаган ҳолда муаллимнинг фаолияти ва таълим-тарбия жараёнининг аниқ вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Ўқитувчи зиммасига бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш масъулияти юкланади.

Муаллим синфда жамиятнинг вакили сифатида ўқувчилар жамоаси билан ёлғиз ўзи иш олиб боради.

Педагогик одобга эга бўлган ўқитувчи, ўқувчилар орасида обрў қозонади. У қанчалик қўп обрў қозонса, таълим-тарбия моҳиятан шунчалик, самарали таъсир кўрсатади.

Хуллас обрў ўқитувчилик фаолияти учун зарур хусусиятдир. Обрў унинг чуқур билими, юксак ахлоқий сифатлари, ҳаёт тажрибаси, илмий тадқиқот ва жамоат ишларида фаол иштирок этиши туфайли орттирилган, қўпчилик томонидан эътироф этилган таъсири, нуфузидир.

В.А.Сухомлинский “...фақат инсонпарварлик, эркалатиш, меҳрибонлик орқалигина... ҳақиқий инсонни тарбиялаш мумкинлигига ишончим комил”, - деган.

Педагогик фаолият ўз моҳиятига қўра ижобий характерга эга. Маълумки, инсон олдида булар муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж туғилади.

Педагогик ижодкорлик манбаи - бу педагогик тажриба ва изланувчаниқдир. У муаммоли вазиятларга бойдир. Илғор педагогик тажриба деганда биз ўқитувчининг ўз педагогик вазифасига ижобий ёндашишни, ўқувчиларнинг таълим-тарбиясида янги, самарали йўл ва воситаларни қидириб топишни тушунамиз. Илғор педагогик тажрибани ўрганиш, унга асосланиб янги педагогик ҳодиса ва қонуниятларни очиш ўқув-тарбия жараёнига яхши сифатли ўзгаришлар киритади.

Хозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиш, фан ютуқларини ўқувчиларга етказа олиши ва ниҳоят ўқувчиларни ҳам ижобий фикрлашга, тадқиқот ишларига ўргата олишини талаб қиласди.

Касб маданиятининг энг зарур сифатлари:

хушмуомилалик, эътиборли бўлиш, меҳрибонлиқ, ўз-ўзига талабчанлик, донолик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ўз қасби ва бурчига садоқат, зиёлилик, мунозарага кириша олиш, мулоҳазали бўлиш, байналминаллик, тежамкорлик, яхши ва ёмонни тез фарқлаш, гўзаллик ва хунуқликни ажратса олиш, мустақиллик, ўзгаларга ғамхўрлик қила олиш, бирорларни тинглаш, фикрини бўлмаслик, иболи, иймонли бўлиш, тўғри, пок, ташқи ва ички гўзаллик, билимдонолик ва ҳоказо.

Педагогик машқ

Мактаб амалиёти тажрибасида педагогик фаолиятдаги баъзи жиҳатларни баҳоланг. Бундай ҳолатни типик ҳол деб ҳисоблаш мумкинми?

Мактаб амалиётида ўқитувчилар меҳнатининг натижаси ўқувчиларга таълим тарбия бериш ва уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш билан ҳал этилади. Аммо мактаб фаолиятида баъзан фақат номигагина ишлайдиган ўқитувчилар мавжудлиги умумий мақсадни амалга оширишга халал беради. Бу тоифадаги ўқитувчилар ўз истеъодод ва қобилияtlарини ишга солишга ҳаракат қилишмайди. Ҳамда уларнинг меҳнат натижалари ҳам шунга яраша бўлади.

Вазиятни таҳлил қилинг

1. Номигагина педагогик фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар иш услуби умумий мақсадни амалга оширишга имкон берадими?
2. Ўқитувчи педагогик фаолиятда самарали натижаларга эришиши учун қандай педагогик қасб сифатларини ўзида шакллантирмоғи зарур?
3. Сиз келажакда қандай иш услубида ишлайдиган ўқитувчи бўлмоқчисиз?
4. Сизнингча номигагина ишлайдиган ўқитувчиларни бартараф этиш муаммосини амалда қандай ҳал этса бўлади?

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Педагогик қобилияят нима ва унинг қандай турлари мавжуд?

2. Педагогик маҳорат қандай элементлардан ташкил топган ва педагогик фаолиятида қандай аҳамият қасб этади?
3. Ўқитувчининг қасб сифатлари нима ва у қайси элементлардан ташкил топади?
4. Қасб сифатлари қандай шаклланади ва уни таркиб топтиришда қанақа муаммолар мавжуд?
5. Сизнингча ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлашда қандай муаммолар бор ва улар қандай ҳал этилиши мумкин?

Мавзу: ДИДАКТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

РЕЖА:

1. Дидактика ҳақида тушунча. Дидактиканинг пайдо бўлиш ва ривожланиши.
2. Умумий ва хусусий дидактикалар ва уларнинг ўзаро алоқалари.
3. Дидактиканинг асосий категориялари: билим, кўникма, малака, таълим, тарбия, маълумот ва шахсни шакллантириш.
4. Ҳозирги даврда таълимнинг долзарб муаммолари.
5. Таълим, ўқитиши ва мустақил билим олиш мактаб ўқувчилар шахсини тарбиялаш ва ривожлантиришга қаратилган бир - бири билан боғлиқ жараён.

Таянч сўз ва иборалар:

дидактика, “didasko”, “didaskaе”, таълим жараёни, сабоқ бериш, ўрганиш, қоида, ривожланиш, ўқувчи, умумий, хусусий, илм, кўникма, таълим ва ҳ.к.

Дидактика педагогиканинг таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганадиган бўлиmdir. Дидактика грекча сўз бўлиб, “didasko”- ўқитиши, “didaskal” - ўргатувчи, деган маънони билдиради. Дидактиканинг сўзма - сўз таржимаси таълим, ўқитиши назариясини англатади. Таълим назарияси қуидаги масалаларни: таълим жараёнининг моҳияти, таълим мазмуни, таълим қоидалари, таълим методлари, таълимни ташкил этиш шакллари ҳамда таълимда ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини ҳисобга олиш ва баҳолаш кабиларни ўз ичига олади. Бу масалаларнинг ҳар бирини алоҳида мавзу сифатида кейинги дарсларда ўрганамиз. Дидактиканинг асосий мақсади, вазифаси ўқитувчини ўқитишига доир маълумот, маҳорат билан, ўқувчиларни эса иллий билимлар кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдан иборатdir.

Дидактика термини қадимги Грецияда Афина ва Спарта шаҳарларида эрамиздан аввалги IV - V асрда пайдо бўлган. Кейинчалик Хитой, Мисир ва Марказий Осиё давлатларида ривож топган.

Ўзбек дидактикасига Ал-Хоразмий, А.Р.Беруний, Ибн Сино, А.Навоий, М.Улуғбек, А.Авлоний, М.Беҳбудий, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Мухаммадрасул Расулий, Қ.Ниёзий ва бошқа мутафаккирлар ҳамда ҳозирги машхур педагоглар, олимлар муносиб ҳисса қўшмоқда.

Дидактикама оид материаллар машхур педагог Я.А.Коменский, Ушинский ва бошқалар томонидан бойитилди.

Дидактиканинг асослари ҳикматлар, ҳадислар ва халқ оғзаки ижодининг бошқа манбаларида ўз аксини топган. Айниқса ватандошимиз Б.Зарнуджийнинг “Ўқувчига таълим йўлида қўлланма” асари бағоят қимматлидир.

Мен ушбу китобни “Ўқувчига билим олиш йўлида қўлланма” деб атаб, уни қуидаги бўлиmlардан иборат деб туздим. Улар: “Билимнинг моҳияти ва уларни такомиллашибдириш ҳақида”, “Таълим йўлида онгли истаклар ҳақида”, “Ўқитувчи, ўртоқ, фанларни танлаш ҳақида”, “Олимлар ва фаннинг шарафи ҳақида”, “Дарс вақти ҳақида қўлланма”, “Билимларни эгаллаш ҳақида”, “Оллоҳдан қўрқиши ва таълим олиш”, “Билимларни хотирада сақлаш, эсдан чиқариш турлари”, “Умрни узайтирувчи ва қисқартирувчи кучлар ҳақида ва бошқалардан иборат”. Инсон тарбиясида ва шаклланишида билим, таълим, маълумот энг муҳим роль ўйнайди. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш қобилияtlари ўқитувчи раҳбарлигидан

зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларини эгаллаш билан уларда илмий дунёқараш ва шахснинг асосий сифатлари: ахлоқ, эстетик қарашлар ҳамда касб - хунарга бўлган қизиқишилар тарбияланади.

Маълумот ва таълим ўзаро яқин алоқада бўлади. Маълумот - бу таълимнинг натижаси таълим эса маълумот олишнинг асосий шартларидан биридир.

Дидактика маълумотнинг илмий асосланиши билан шугулланиш билан бирга юксак даражада билимлар зарур бўлган кўникма, малакаларни тарихий бир жараёнида беради ва ҳозирги фан, техника тараққиёти даврида ўқувчиларни муайян даражада шахсни таркиб топдиради.

Дидактика фақат маълумот мазмунини белгилабгина қолмай, балки қандай ўқитиш кераклигини ҳам белгилайди.

Дидактика педагогиканинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиш билан бирга бошқа бир қанча фанлар билан узвий боғланган: Философия, социология, логика, психология, физиология олий нерв фаолияти, кибернетика, математика ва ҳ.к.

Ҳозирги замон дидактикасининг тараққиёти ижтимоий ҳаёт, фан ва техника-нинг ишлаб чиқариш даражаси билан асосланади. Дидактиканинг ҳозирги даврида вазифаларидан бири олдингидек ҳар томонлама камол топган баркамол шахсни шакллантириш бўлиб қолмоқда ва шундай бўлиб қолаверади.

Дидактика олдидағи энг муҳим вазифалардан бири ўсиб борувчи таълимни кенг ёйиш, шу асосда шахснинг энг асосий сифатларини яъни илмий билишини таъминлаш, ижодий фикрлашга ўргатиш ҳамда доимий равишида ўз маълумотини такомиллаштириб бориш кабиларни талаб этмоқда.

Таълим ва маълумотнинг бирлиги асосида таълимнинг тарбияловчи методикасини такомиллаштириш, билиш қобилияtlарини, дунёқаршни ва юксак маънавий - ахлақий сифатларни таркиб топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Дидактика асосан педагогика фанининг илмий текшириш методларидан фойдаланади.

Булар: 1. Илмий кузатиш:

2. Илгор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш.
3. Дидактик эксперимент.
4. Ўқув хужжатларни ўрганиш ва ҳ.к.

Педагогика фанида дидактика икки турга ажратилиб ўрганилади. Биринчиси умумий дидактика яъни ўқитишнинг умумий қонуниятларини ўрганади. Ана шу ўрганиш асосида ўқитиш жараёнининг янги - янги қирралари очилади ва амалийтга тадбиқ этилади. Масалан ЭҲМ ёки таълимнинг техника воситалари ёрдамида ўқувчиларнинг билиш қобилияtlари ўстирилади. Юқоридаги ўқитиш соҳасида ютуқлар умумий дидактканинг ривожланиб бораёттганлиги кўрсатади.

Шу билан бир қаторда хусусий дидактика яъни бир фанни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганадиган тармоғи ҳисобланади. Фанда хусусий дидактикани методика ҳам деб юритилади. Масалан, она тили ўқитиш методикаси, химия ўқитиш методикаси, бошлангич таълим методикаси сингарилар.

Умумий дидактика билан хусусий дидактикалар ўзаро узвий алоқадорликда, боғлиқликда иш олиб боради. Улар бир - бирларининг ривожланишига таъсир

кўрсатади ва ягона мақсадни яъни баркамол инсонни шакллантириш вазифасини амалга оширади.

Хусусий дидактика ривожланиб қўлга киритган ютуқлари умумий дидактика нинг ҳамда хусусий дидактиканинг, вазифаларини ҳал қилишга йўналтиради. Ёки аксинча. Шунинг учун улар ўзаро ҳамкорликда, алоқадорликда бир - бирига таянган ҳолда иш тутади.

Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай. имом Ал Бухорий. Муҳаммад пайғамбар:

“Илм эгалланг! Илм - саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғизлик дамларида йўлдош, баҳтли дақиқаларда раҳбар, қайғули онлада мададкор, одамлар орасида зебу - зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир”.(Ахлоқ одобга оид ҳадислардан).

Ўқув қайдা бўлса, улуғлик бўлар. Билим қайдা бўлса, буюклиқ бўлар. Юсуф Хос Хожиб.

Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатdir. Идмсиз инсон мева-сиз дарахт кабидир. Абдулло Авлоний.

Дидактиканинг мақсади ва вазифаси ҳақида “Авесто”да: одамларга ва уларнинг авлодларига баҳт - саодат келтирадиган таълимни амалга оширсиналар ҳамда тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги (таянчи) бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш керакки, у аввало яхши ўқишини ва сўнгра эса ёзишини ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилисинг, деб таъкидланган. Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги Қонун 3- моддасида: “Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устивор деб эълон қилинади”. (20 - бет) Барча турдаги таълим муассасаларида ўқувчиларга бериладиган таълим ана шу хужжат асосида ташкил этилади.

Ўқитувчи дидактикани илмий ўзлаштирумасдан, ўқувчиларни талаб дара-жасида ўқита олмайди. Бунинг учун дидактика ҳақида маҳсус илмий дидактика маълумотига эга бўлиши шарт.

Дидактиканинг тушунчаси, категорияси яъни предмети билим, кўникма, ма-лака ва маълумотларни ташкил этади.

Билимлар - одамларнинг ижтимоий - тарихий амалиёти жараёнида тўпланган, умумлашган тажрибасидир. Ёки Билимлар - бу ижтимоий - тарихий онг, ин-сониятнинг ижтимоий - тарихий амалиёти ҳосиласидир. Билимлар, инсоният томонидан ишлаб чиқариш фаолиятини фаол ўзлаштириш жараёнида тўплаган, амалда синовдан ўтган ва объектив дунёни чуқурроқ англашта ҳамда ўзгартиришга йўналтирилган табиат, жамият, инсон тафаккури ва фаолият усуллари қонуниятлари ҳақидаги илмий тушунчаларнинг яхлит ва тизимланган мажмуасидир.

Таълим жараёнида ўқувчилар билимлар тизимини эгаллабгина қолмайди-лар, балки бир қанча кўникма ва малакаларни ҳосил қиласидилар. Кишида билим қанчалик бой ва мунтазам тарзда олинган бўлса, унинг келажакда мустақил би-лими олиш имконияти ҳам шунча катта бўлади. (В.В.Давидов ва бошқалар)

Кўникмалар мактаб ўқувчиларининг олган билимларига асосланиб (қўйилган вазифалар ва шартларга биноан) бажариладиган ҳаракатларнинг йиғиндисидир.

Кўникма билимлар каби ҳаракатда, киши бирор ҳаракатга эришиш учун ҳар хил фаолият турида изчил бажариладиган услублар тизими каби билгиланади. Кўникмаларни киши фаолияти турларига қўра бир неча турларга ажратиб қўрсатиш мумкин.

1. Ўқув фаолиятига оид кўникмалар - булар ўқитувчини тинглаш ва эшитганини тушуниш, унинг кўрсатмаларига қараб ҳаракат қилиш, қузатиш, идроки йўналтирилган нарсаларни қўра олиш: турли масаларни еча олиш; санай, ўқий, ёза олиш ва ҳ.к.

2. Нутқий фаолият кўникмалари - нутқни тинглаш, уни тушуниш, ўз фикрини аниқ баён қилиш, лексик, фонетик ва грамматик нормаларга амал қилиш.

3. Бадиий фаолиятта оид кўникмалар - мусиқий, ранг - тасвир, ҳаракатли.

4. Кишининг жамиятда муомала ва ўзини тутиш кўникмалари.

5. Мехнат кўникмалари.

Малака - онгли хатти - ҳаракатнинг автоматлаштирилган таркибий қисми. Ёки Малака - бу фаолият жараёнида унинг бирор бир элементини (онгнинг энг кам назорати остида) бажариш қобилиятидир.

Кўникма ва малакалар мақсадга йўналтирилган фаолият жараёнида шакилланади. Уларни мутаҳкамлаш учун узоқ вақт билим олиш билан боғлиқ бўлган маҳсус машқлар талаб қилинади.

Таълим мазмунидаги асосий нарса - зарур билим ва кўникмаларни мустақил эгаллаш, эгалланган билимлар ҳақида аввал ҳосил қилинган кўникма ва малакалар асосида вужудга келадиган амалий ва назарий масалаларни ҳал этиш қобилиятини шакллантиришдан иборатdir.

Таълим жараёнида, билимлар, кўникма ва малакалар бир - бири билан ўзаро узвий боғлансада, аввалгидек билимлар етакчи роль ўйнайверади. Чунки ўқувчилар билимлар асосидагина кўникма ва малакаларнинг маълум доирасини эгаллайдилар. Болаларга математиканинг тўрт амалини машқ қилдиришдан олдин уларга саноқни ўргатиш лозим. Лекин кўникма ва малакалар ҳам ўз навбатида билимлар эгаллаш жараёнига катта таъсир кўрсатади.

Маълумот - олинган, ҳосил қилинган билимлар, таркиб топган кўникма, малакалар ҳамда таркиб топган дунёқарашлар мажмуаси. Дидактиканинг долзарб муаммолари:

1. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш.

2. Лотин алифбоси асосида ўзбек тилига ўтиш.

3. Мукаммал ўқув дарслклари яратиш.

4. Таълимнинг техника воситалари. Ўқув - моддий база, компьютер билан таъминлаш, таълимда интернет тизимини жорий этиш.

5. Малакали илмий ва педагогик ходимлар тайёрлаш.

6. Таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мавқени ошириш, телевидения ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашувини таъминлаш.

Ҳақиқатдан ҳам таълим, ўқишиш ва мустақил билим олиш инсон шахсини тарбиялаш ва ривожлантиришга қаратилган бир - бири билан узвий боғлиқ жараёндир. Инсон шахсини шакллантириш учун унга таълим яъни илм, билим, сабоқ

бериш даркор. Илмсиз бу жараённи рўёбга чиқариш мумкин эмас. Инсон шакланиши, ривожланиши учун эса ўқиши, ўрганиши, мустақил ҳаракат қилиши шарт. Бунинг учун ўқитувчи инсоннинг ривожланишини таъминлаш учун унга таълим бериш, ўқитиш, мустақил ҳаракатни амалга ошириш зарур. Бу вазифа педагог томонидан ўқувчининг ривожланиш даврининг маълум йилларида амалга оширилиб унинг ўқишига бўлган иштиёқини ҳосил қилиши, керакли қўникма, малакалар билан қуроллантириши ва ниҳоят унинг мустақил билим олишини ташкил этиши талаб этилади. Бу масъулиятли вазифа ўқитувчи томонидан моҳирона олиб борилади. Шунинг учун таълим, ўқиш ва мустақил билим олиш ўқувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантиришга, камол топтиришга қаратилган ижтимоий жараёндир. Бу ишларни ташкил қилмасдан ҳётни, жамиятни ривожлантириш мумкин эмас. Шунинг учун таълим, ўқиш ва мустақил билим олиш ўқувчи шахсини ривожлантиришнинг объектив зарурий шарти ҳисобланади. Буни ҳар бир ўқитувчи билиши ва амалда қўллаши шартдир.

Педагогик машқ

Мактаб тажрибасида учрайдиган баъзи жиҳатларга баҳо беринг.

Аксарият ўқитувчилар педагогик фаолиятда дидактиканинг умумий асосларини назарий-илмий жиҳатдан пухта ўзлаштиради ва ўз навбатида фанни ўқитишининг усуllibарини мактаб амалиётида ўз ўрнида тадбиқ этади. Натижада ўқувчилар таълим тарбиясида самарали натижаларни қўлга киритади. Баъзи ўқитувчилар эса дидактиканинг умумий асосларини илмий ўзлаштиришига қарамасдан шу фанни ўқитиши усуllibарини яхши тадбиқ қила олишмайди. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши талаб даражасида бўлмайди.

Вазиятни таҳлил қилинг

1. Педагогик фаолиятда самарали натижаларни қўлга киритган ўқитувчилар қандай дидактик талабларга таяниб иш юритган?
2. Ўзлаштириши паст даражада бўлган ўқитувчилар нима сабабларга кўра бундай натижага эришади? Сиз уни қандай изоҳлайсиз?
3. Сизнингча ўқувчилар ўзлаштирмаслигини бартараф қилишининг қандай муаммолари мавжуд ва уларни амалда қанақа шаклда ҳал этса бўлади?

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Дидактика нима ҳақида баҳс қиласи, мақсади ва вазифаси нималардан иборат ҳамда биз дидактикани нега ўрганамиз?
2. Дидактика қачон ва қаерда пайдо бўлган ҳамда қандай ривожланмоқда?
3. Дидактика қандай турларга ажратиб ўрганилади ва уларни изоҳланг.
4. Дидактиканинг асосий категориялари нималардан ташкил топган ва таълимнинг қандай муаммоларини ҳал этишда ёрдам беради?
5. Ҳозирги даврда дидактиканинг қандай долзарб муаммолари мавжуд?
6. Нима учун таълим, ўқитиш, мустақил билим олиш мактаб ўқувчилар шахсини тарбиялаш ва ривожлантиришга қаратилган бир - бири билан боғлиқ жараён?
7. Ўзбек дидактикаси ғояларини дарсликларга киритиш бўйича қандай муаммолар мавжуд ва уларни қандай ҳал этиш мумкин?
8. Нима учун амалиётчи ўқитувчилар дидактика назариясини илмий билишмайди ва бу соҳада қанақа муаммолар мавжуд?

Мавзу: ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ МОҲИЯТИ.

РЕЖА:

1. Таълим жараёни ҳақида тушунча. Таълим инсон билиш фаолияти тури. Нима учун ўқитувчи таълим жараёнининг моҳияти мавзусини ўрганади?
2. Билиш назарияси таълим жараёнининг методологик асоси. А.Н.Фаробий билиш жараёни ҳақида.

3. Таълимнинг икки ёқдама ҳарәтери. Таълим ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнидир.

4. Таълимнинг маълумот берувчи тарбияловчи ва ривожлантирувчи вазифалари. Таълимда зиддиятлар.

Таянч сўз ва иборалар:

Билиш жараёни, назария, амалиёт, методологик асос, босқич, икки томонлама, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи функциялари, билиш қобилияти ва ҳ.к.

“Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур”, деган Аз-Замаҳшарий. XI арсда шарқнинг буюк алломаларидан бир Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу - билиг” достонида шундай деган эди: “Киши икки хил бўлади: бири ўргатувчи, иккинчиси ўрганувчи. Бу иккисифатдан маҳрум бўлган киши ҳайвон қаторидандир. Хоҳласанг буни, хоҳласанг уни қабул қиа”.

“Билимга элтувчи ягона йўл, бу фаолиятдир,” деган Бернард-Шоу.

“Дунёда илмдан бошқа нажод йўқ ва бўлмағай,”-деб таъкидлаган Ал-Бухорий.

Беҳбудий “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга паймол бўлур”, деган.

Билим такрорлаш ва қайтариш мевасидир деган А.Р.Беруний. Такрорлашнинг икки тури мавжуд: қундалик такрорлаш, маҳсус такрорлаш А.Р. Беруний билиш чексиз, узлуксиз давом этадиган жараён, таълим жараёнида ўқувчиларга муайян илмий билимлар бериш, уларни янги-янги билимлар олишга ундаш кепрак деб ҳисоблайди.

А.Н. Фаробий инсон ҳайвондан ақли билан ажралиб туради. “Инсон ақли билан атрофни ўраб турган дунёни англайди, буюм ва ҳодисаларга илмий баҳо беради.”

Билиш жараёни каби таълим жараёнида ҳам ўқувчи билмасликдан билишга, нотўри ва ноаниқ билишдан тобора тўлиқроқ ва аниқроқ, чукурроқ билишгача йўлни босиб ўтади. Бу жараёнда ҳиссий идрок этиш ҳам, абстрант тафаккур ҳам, амалда синаб кўриш ҳам бўлади.

Билиш икки паллага - назария ва амалиётта бўлинади. Назария янги билимни, янгича билишни, ифодоловчи тизимли фикрдир. Назария ҳар хил шаклларда ифодаланади: аксиома, теорема, қонун, рақам ва бошқа. Назарияда ғоя шакилланаиди.

Амалиёт билимларнинг ҳаққонийлигини кўрсатувчи мезондир. Кузатиш, тажриба, ўзгартириш, яратиш-булар амалиёт шаклларига киради.

Амалиёт - ижтимоий ҳаёт ва табиатнинг муракқаб жараёnlарини билиб олишда инсон учун асосий қурол бўлиб хизмат қиласиди.

Илмий билишнинг вазифаси ҳодисаларнинг моҳиятини, уларнинг ривожланиш қануниятларини очишдагина эмас, балки бирон - бир қонуннинг қай тариқа намоён бўлиш сабабларини ҳам кўрсатиб беришдан иборат.

Билиш сезищдан бошланади. Сезиш теварак - атрофдаги воқеа, нарса ва ҳодисаларнинг сезги оргаларига таъсир этувчи айрим сифатларининг онгимизда

акс этишидир. Бунда ҳар бир орган, ҳар бир анализатор, И.П.Павлов таъкидлага-нидек, нарсаларнинг айрим сифатларини идрок қилади. Олимлар илгари фанда маълум бўлмаган янги ҳақиқатларни кашф этадилар. Ўқувчилар эса таълим жараёнида оламни била бориб, ўзлари учун илгари ноъмалум бўлган, бирон фан кашф этган ва одамларнинг ҳаётида текшириб кўрилган янги бир нарсани билиб оладилар. Ўқитувчи ўқувчиларни олимлар томонидан яратилган бу қонунни билишга тўғри, енгиллаштирилган, вақт жиҳатидан қисқа йўлдан олиб боради.

Таълим билиш фаолиятининг тури сифатида бир неча асосий маънони англатади. Яъни бу: ўқувчиларда билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш; уларда дунёқарааш, фикр ва эътиқодларни шакллантириш; ўқувчиларнинг ўқимишли, маданиятли, маънавиятли бўлишга эришиш; уларнинг билиш қобилиятларини ўстирадиган жараёндир иборат.

Таълим жараёнининг икки тоионлама ҳарактери. Ўқитиш жараёни икки фаолиятни яъни ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўз ичига олади. Ўқитувчи фаолияти ўқув материалларини баён қилишдан, ўқувчиларда фанга қизиқиши таркиб топдиришдан, уларнинг мустақил ишларига, кўникмаларни ҳосил қилдириш, уларни текшириш, ўқишга хоҳишини уйғотиш, рағбатлантириш каби бутун фаолиятини холис баҳолашдан иборатdir.

Ўқитиш жараёнининг иккинчи томони ўқувчининг фаолияти бўлиб, у ўқув фани материалларини ўзлаштиришдан иборат. Таълимнинг асосий мақсади ўқувчиларни илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришдан иборатdir. Булар асосан ўқувчиларда кузатувчанлик, тафаккур, хотира каби билиш қобилиялари ўстириб боради, уларда эътиқод тарбияланади.

Мактабда таълими учта функцияни бажаради. Яъни: биринчи функцияси ўқувчиларга бирор-бир фандан тегишли маълумот беради. Бу ҳар бир фаннинг хусусияти ва мазмунидан келиб чиқади. Иккинчи функцияси ўргатаётган, бераётган маълумот мазмунига мос тарзда ўқувчиларни тарбиялайди яъни, илмнинг амалдаги аҳамиятини, унга ўқувчининг муносабатини, кишиларга хос инсоний фазилатларни таркиб топтиради, хуллас инсон шахсини шакллантиради. Учинчи функцияси, таълимнинг маълумот ва тарбияловчи функциялари ўқувчи шахсини ривожлантиради, умуман етук шахсни шакллантиришга йўналтиради.

Мактабларда таълим учта функцияни бажаради: Биринчидан ўқитаётган фандан ўқувчилар учун ҳали номаълум бўлган илмий билимлар билан таништиради. Ҳар бир ўқитувчи ўзи ўқитадиган фан бўйича ўқувчиларни илмий билимлар бериш вазифасини амалга оширади. Ана шу вазифа таълимнинг ўргатувчи функцияси дейилади. Масалан, математика фанидан ҳисоб китобга оид билимлар бериб борилади.

Шу билан бир вақтда дарс жараёнида шу фаннинг илмий билимларига асосланиб ўқувчига тарбиявий таъсир кўрсатади. Масалан, олдинги мисолимиздаги математика фанининг инсон ҳаётидаги аҳамияти, ўрни муҳимлигини тарбиялайди. Ана шу функцияси таълимнинг тарбияловчи вазифасини юзага келтиради.

Юқоридаги функциялар ҳар бир фаннинг мазмуни, ҳарактери ва хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бу функцияларни ҳар қандай мутахассислар билишлари ва амалда тадбиқ этишлари даркор. Бу функциялар таълимда

ўзаро узвий боғлиқликда амалга оширилади. Буни қуидаги қўринища тасаввур қилиш мумкин:

Таълим + тарбия= ривожлантириш.

Таълимнинг ўсиб борувчи функцияси.

Таълим ва тарбия жараёнлари инсон шахсини ўстиради. Шундай экан педагогикада таълимнинг ўсиб бориши тўғрисида гапиrimаслик мумкин эмас. Ҳаёт шу нарсани исбот қиляптики, таълим жараёнининг маҳсус ўсиб борувчи йўналиши самарали бўлгандагина ўқувчилар фаолиятининг ҳиссий идроқ, ҳаракат, интелектуал, иродавий, эмоционал мотивлари сифатларининг ривожланиши мумкин. Шу сабабларга кўра педагогикада 1960 йилларда маҳсус таълимнинг ўсиб борувчи функцияси деган термен пайдо бўлди.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билимларини таркиб топтириб, кўникмаларни шакллантириб, умумий ривожланиши таъминланади.

Таълим жараёнинг ўсиб бориши алоҳида таъкидлаб кўрсатиш керак. Бунда ўқувчиларнинг ўқиши фаолиятларига таълимнинг ўсиб борувчи ижодий элементларини киритиш билан таълим мазмуни ва методларини кенгайтириб боришимиз талаб этилади.

Ўсиб борувчи таълимнинг тури муаммоларини тараққий эттирища, унинг тури - туман принципларини ва воситаларини ривожлантирища дидактлар Л.В.Занков, Н.А.Менчинская, Д.Б.Элконин, В.В.Давидов, М.А. Данилов, М.Н.Скаткин муносиб ҳисса қўщдилар.

Инсон камолоти таффакурсиз бўлмайди. Юқорида биз кўриб ўтганимиздек инсон шахсининг ҳамма томонларини қамраб олмоғи керак. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон дидактикаси таълимнинг ўсиб борувчи функциясини такомиллаштириш йўлларини қидирмоқда. Булар ҳаммаси таълим ва тарбиянинг ҳал этилишига боғлиқ.

Илмий ахборот оқимининг шиддат билан ўсиб бораётганлиги шунга олиб келмоқдаки, йил сайин илмий билимларнинг умумий миқдори билан уларнинг мактаб ёки олий ўқув юртида ўзлаштирилаётган қисми ўртасидаги фарқ ортиб бормоқда. Бирорта ҳам ўқув юрти кишига унинг ишлаши учун зарур бўладиган билимларнинг ҳатто кичик бўлагини ҳам беришга қодир эмас. Ҳаётнинг жўшқин суръатидан орқада қолмаслик учун умр бўйи ўсиш, ўсиб - ўрганиш, ўз билимларини тўлдириб бориш зарур.

Иккинчи вазифа таълимнинг ҳарактерини қайта қуриш билан боғланган.

Таҳлилни таълимни интенсивлаштириш муаммосидан бошлаймиз. Л.В.Занков анча машҳур янги дидактика таълим тизимини (кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар учун) ишлаб чиқган.

Бу тизимида қуидаги принциплар асос қилиб олинган: 1. Таълимни юқори даражадаги қийинчиллик асосида (қийинчиллик мезонига қатъий риоя қилган ҳолда) қуриш. Фақат ана шундай таълим, деб кўрсатиб ўтади Л.В.Занков, жиддий ақлий иш олиб бориш учун озиқ бериши ҳамда ўқувчиларнинг тез ва илдам тез равища ривожланишига кўмаклашуви мумкин; 2. Материални тез суръат билан ўтиш (яна ақлга тўғри келадиган чегарада); таълимнинг билишга таъллуқли томонининг, назарий билимларнинг салмоғини кескин тарзда ошириш. Материални эгаллашга олиб борадиган йўл олинган маълумотларни узвий ўзаро боғлиқ

холда, ўқитувчининг саволларига мустақил равища жавоб излаш, ўз - ўзини назорат қилиш, ўз - ўзини текшириш ёрдамида чуқур анграб олишдир. Кўрсатиб ўтилган принципларга мувофиқ равища ташкил этилган экспрементал таълим шуни кўрсатадики, ўқувчилар анча чуқур ва мазмунли билим олибгина қолмай, балки уларнинг ақлий активлиги ортади, юқори даражадаги интелектуал ривожланиши таъминланади, ўқишига ижобий муносабати тарбияланади.

Педагогик машқ

Мактаб тажрибасида баъзан учрайдиган педагогик жараённи баҳоланг. Бундай ҳолни одатий ҳолат деб изоҳлаш мумкинми?

Баъзан синфда ўқитувчи фаол, ўқувчилар эса фаолсиз бўлишади. Натижада ўқитувчи қўп вақт, куч сарфлайди. Аммо ўқувчиларнинг ўзлаштириши ўртacha даражани ташкил этади. Аксинча баъзи ҳолатларда синф ўқувчилари билимга интилишда ҳаракатчан ўқитувчи эса суст яъни фаолсиз ҳаракат қиласди. Оқибатда ўқувчиларнинг ўзлаштиришида юқори натижаларга эришишида муаммоларга дуч келинади.

Вазиятни таҳлил қилинг.

1. Синфда ўқитувчининг фаол бўлиши ва аксинча ўқувчилар фаолсизлиги қандай педагогик сабабларга кўра содир бўлади?
2. Дарсда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги – ўқувчилар ўзлаштиришининг самарадорлигини белгиловчи омиллигини Сиз қандай изоҳлайсиз?
3. Дарсда ўқувчилар фаоллигини таъминлаш ўқитувчининг асосий вазифаси эканлигини Сиз қандай изоҳлайсиз? Сизнингча уни амалда қандай ҳал этиш мумкин?

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Нима учун таълим инсон билиш фаолиятининг асосий бир тури?
2. Нима учун билиш назарияси таълим жараёнининг методологик асоси?
3. Таълим нима учун икки ёқлама ҳарактерига эга?
4. Таълимнинг қандай функциялари мавжуд ва уларни ўқитувчиларнинг ўзлаштиришда қандай муаммолар бор?
5. Таълимдаги зиддиятларни бартараф этишда қанақа муаммолар мавжуд?

Мавзуу: ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМ ЭГАЛЛАШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ.

РЕЖА:

1. Билим эгаллаш ҳақида умумий тушунча. Билим олишнинг асосий босқичлари: сезги, идрок, тасаввур, ҳиссий билиш, англар (фикрлаш) ва амалда қўллаш. Эсда сақлашнинг асосий йўллари.
2. Таълимда билимга қизиқишнинг ўрни.

3. Ўқувчилар билиш фаоллигини ва мустақиллигини ривожлантириш муаммолари.

Таянч сўз ва иборалар:

босқич, ҳиссий билиш, тафаккур, рухланиш, оғир юқ, қаноатли бўлиш, но-мутаносиблик, вақтни йўқотиш ва ҳ.к.

Ўқитиш кишилий жамиятида унинг ilk ривожланиш босқичларида пайдо бўлади. Болалар катта ёшларга тақлид қилиб, уларнинг иш - ҳаракатларини, меҳнат қуролларини ясаш ва ишлатиш жараёнини такрорлашар, уларнинг хулқ - авторидан андоза олишарди, сўзлашув терминларини ва уларнинг маъноларини эслаб қолишарди.

Ўқитиш ўсиб келаётган авлодга инсоният тажрибасининг айrim жиҳатларини меҳнат, маданият, фан, санъат, ахлоқ ва бошқаларни ўзлаштириш имкониятини таъмин этадиган ва мақсадга йўналтирилган жараёндир.

Ўқитиш дарс ўтиш ва ўқищдан иборат икки томонлама жараён сифатида.

Ўқитиш ўқитувчи билан ўқувчининг биргалиқдаги фаолияти сифатида ўзаро боғлиқ иккита жараёнга - ўқитувчи фаолияти сифатида дарс беришга ва ўқувчининг фаолияти сифатида ўқишига ажralади.

Дарс бериш бир қанча жиҳатлардан: ўқитувчининг ўз фанини билишдан, ўқув - тарбия жараёнини уюштира олишдан, ўқитишнинг замонавий методларини эгаллаб олишидан, ўқувчининг ақлий ривожланишини унинг билиш имкониятларини билишдан, унинг шахсий фазилатларини шакллантириш йўлларини билишдан таркиб топади. Дарс бериш ва ўқиши - мактабда ягона ўқув тарбия жараёнининг икки жиҳатидир. Ўқувчилар тўғрисида ўйламасдан, уларнинг активлигига, ривожланишига, имкониятларига билими ва малакасига таянмасдан ўқитувчилик фаолиятини амалга ошириб бўлмайди.

Ўқитиш киши билиш фаолиятининг бир тури сифатида.

Ўқитиш жараёнининг моҳияти нима? Дарс бериш, бу ўқитувчи учун тафаккур фаолияти ҳамдир. У ўқувчининг маънавий дунёсини, унинг қизиқишиларини, эҳтиёжларини, иштиёқини, имкониятларини йилдан - йилга табора чукурроқ била боради.

Аммо ҳар қандай билиш фаолияти ҳам ўқиши ва дарс беришга тааллуқли бўлавермайди. Масалан, билишнинг фан, санъат, ўйин, меҳнат каби бошқа шакллари ҳам борки, одам улар орқали ҳам, ўзини қуршаб турган оламни билади.

Ўқитиш ўқувчилар учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам ўзини қуршаб турган оламини билишнинг бир тури ҳисобланади. Ўқитиш билиш фаолиятининг бир тури сифатида дастлабки босқич бўлиб, бутун ўқув фаолиятини таърифлайдиган энг муҳим белгиси ҳисобланади. Ўқитиш билишнинг философияда очиб бериладиган умумий қонуниятларига асосланади.

Таққослаништириш - ҳар қандай тушуниш ва ҳар қандай фикирлашнинг асосдир. Оламдаги ҳамма нарсани биз таққослаш орқали биламиз ва бирор янги нарса рўпара келса, уни биз бирор нарсага тенглаштира олмасак, бунда биз шу нарса тўғрисида бирор фикр ҳосил қила олмас эдик ва унинг тўғрисида бирор фикр айта олимас эдик, - деган эди машхур рус педагоги К.Д.Ушинский. "Сезги-

лар бешта бўлиб,...” қулоқ билан эшитиш, кўз билан кўриш, бурун билан ҳидлаш, тил билан таътиш ва тери билан тегизиб билишдан иборатдир... илм ва маърифат фақатгина ўшалар орқали ҳосил бўлади деган А.Р.Беруний.

Билиш жараёни диалектикасини, фикрнинг бир босқичдан иккинчиси томон ҳаракатини очиб берадиган диалектик материализм билиш назарияси ўқитиш жараёнининг методологик, фалсафий негизи ҳисобланади.

Диалектик материализм чексиз дунё моддийдир ва адабий ҳаракатда, ривожланишда, барча ҳодисаларнинг, предметларининг ўзаро боғлиқлигидадир, деб таълим беради.

Одамнинг билиши қатор босқичларда юз беради. Биринчидан; Оддинига ҳиссий билиш рўй беради, у боланинг теварак - атрофида юз берадиган: ҳодисалар, воқеалар, предметлар тўғрисидаги тасаввурларининг ранг - бараглигига олиб келади. Бу ҳиссий образлар қанчалик кўпроқ даражада тизимлаштиrsa ва умумлашса, бола мактабга шу қадар кўпроқ даражада тайёрланган бўлади.

Иккинчи босқич - мавхум билиш, тушунчалар тизимини эгаллаб олиш босқичидир. Бунда мактабда ўқитиш зарур бўлади. У ўзини қуршаб турган оламнинг маълум бир жиҳатларини ўқув предметлари (математика, химия, физика, тарих) мазмуни орқали ўрганади. Сон, таъриф, ифода тушунчалари пайдо бўлади.

Кичик ўқувчи билишнинг конкретлилиқдан мавхумликка ўтиш босқичини бошдан кечираётган бўлади. У фикрлашнинг тушунча тарздаги шаклини эгаллай бошлайди. Талаба билиши ҳам тушунча шаклида бўлади..

Билишнинг олий босқичи ва мавжуд фикрлаш негизида қуршаб турган олам ҳақида нуқтаи назарлар, эътиқодлар, дунёқарашлар шакланишига олиб келувчи умумлашган тасаввурлар ҳосил қиласди.

Мактабдаги таълим болани илмий билимлар, тушунчалар, қонуниятлар оламига олиб киради. Ўқувчи қисқа вақтда инсоният тарихида асрлар давомида ўрганилиши мумкин бўлган нарсаларни билиб олади. Масалан тилнинг граматик шакллари, минглаб йиллар давомида таркиб топади, ўқувчи эса уларни бир неча йиллик ўқиш жараёнидаёқ ўргана олади.

Билимларни эгаллаш босқичлари. Ўқувчиларнинг ўқув ёрдамида билиш фолиятига раҳбарлик қилишга ўргатиш учун ўқувчининг билимларини эгаллашнинг асосий босқичларини яхши билиши керак.

Биринчи босқич - бу идрок этишдир. Психологиядан маълумки, идрок этиш - бу мақсадга йўналтирилган тарздаги билиш жараёни демакдир. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга аввал мавзу ҳақида хабар бериш, яъни улар олийгоҳда ҳам нимани ўрганажагини айтиш зарур. Вазифа қўйиш ва уни тушунтириш шарт. Сўнгра ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида тайёргарлик ишларини бажаради. У реал ёки тасвири тушурилган нарсалар, ҳодисалар, вазиятларни кузатишдан, содда тажрибалар ўтказишдан иборат бўлади.

Иккинчи босқич - бу ўқув материалларини идрок этиш босқичи ҳисоб-ланади. У билимларнинг назарий томонини алоҳида ажратиб кўрсатишдан ва таҳлил қилишдан иборатдир. Асосий фикрни топиш, тушунчаларни ажратиб кўрсатиш, уларнинг белгиларини асослаб бериш, мисоллар ва тушунтирувчи фактлар йиғиндисини ўрганиш керак.

Агар ўқувчилар ўқув вазифасини ҳал этиш усулларини тушуниб етиб ва билимлардаги тизимни англаб олган бўлсалар, у ҳолда мазкур босқични ўтилган деб ҳисоблаш мумкин.

Учинчи босқич - бу ёд олиш (тушуниш А.У) ёки мустаҳкамлашдир. Вазифа олинган билимларни узоқ вақт давомида эсда сақлаб қолишдан иборатдир. Бу борада билиш фаолияти асосан машқлар, мустақил равишда репродуктив (сўзлаб бориш, тушунтириш) ва ижодий иш қилиш тарзида юз беради. Назарий материал тушунчалари, қоидалар, исботлар ҳар хил машқларда такрорланади.

Учунчи босқич якунида ўқувчилар назарий материални биладиган ва уни машқларни бажаришда, масалаларни ечишда, исботлашда ва ҳоказоларда қўллай оладиган бўлишлари керак. Уларда ўқув қўникмалари ва малакаси шакилланган бўлади.

Тўртинчи босқич билимлар, қўникма ва малакаларни амалий фаолиятда, айниқса мактаб қошидаги участкада, ўқув устахоналарида, лабараторияларда ишлатиш чоғида, машиналарда ишлашга ўрганиш жараёнида қўлланишдан иборатдир.

Бурхониддин Зарнуджи “Ўқувчига таълим йўлида қўлланма” асарида шундай ғояни илгари сурган:

“Ҳар бирингиз мурувватни эгаллашга ҳайриҳоҳлик билан интилинг, бироқ булардан энг долзарби, бу кишиларда билимларни такрорламоқдир”. Билимга бўлган қизиқиши шуни талаб этадики, у (ўқувчи) ўқитувчисига ва ўрганаётган фани, китобига нисбатан тўла қаноатли бўлсин, токи муваффақиятсизликни ўзидан иироқлаштирасин, билимнинг маҳсус бўлимига нисбатан ҳам шундай иш тутмоқ керак. Буларнинг акси эса, ўқитувчига нисбатан номуносиблика, вақтни йўқотишга машғулотларнинг тартибсизлигига сабаб бўлади.

Боланинг ўқиши истаги бўлмаса, бизларнинг бутун режаларимиз, изланишларимиз ва мўлжалларимиз ер билан яксон бўлади.

Бундай хоҳиши эса ўқищдаги ютуқ билан бирга ҳосил бўлади... Билим олишдаги муваффақиятдан юзага келадиган руҳланиш бўлган тақдирдагина ўқишига қизиқиши пайдо бўлади; руҳланиш бўлмаса, таълим болалар учун оғир юкка айланиб қолади: - деган машҳур педагог Сухомлинский.

Ўқишига ҳавас қизиқиши уйғотиш.

Агар ҳамма болалар ўз олдиларига қўйилган вазифани уdda қилишса, бир - бирларига ёрдам берган ҳолда берилиб, завқ - шавқ билан ишласа, ўтган ўқув кунидан қўнгиллари тўлиб уйга қайтишса ва эртанги кунни сабрсизлик билан кутса, ўқишига бўлган ҳаваси ортади. Бу эса муаллимлик меҳнатининг ҳам муваффақиятларидан биридир. Биз ўқитувчилар, В.А.Сухомлинскийнинг қуиидаги сўзларини унитмаслигимиз керак: “Меҳнатдаги муваффақият - бу муваффақият қозонган кишининг фахри. Ўз меҳнатидан фахрланмайдиган ҳақиқий инсоннинг ўзи йўқ”, - “Ўқищданги ютуқ - болаларга қийинчилликларни енгиб ўтадиган энергия, таълим олиш истагини ҳосил қиласиган ички қучни берадиган ягона манба”.

Ўқищдаги муваффақиятлар учун курашиш - болаларни ўқишига ўргатиш, ҳар бирини ўз имкониятларига ишонишга ёрдам бериш, уюшқоқлик, мустақиллик масъулиятилийк меҳнат интизомини тарбиялаш демакдир.

Дарсда барчанинг ўқув активлигини сақлаб туриш учун эса ўқитувчи ўз ўқувчиларини яхши билиши, уларга эътиборли (мехрибон) бўлиши, чарчаганини ўз вақтида пайқаши, иш қобилиятини сақлаб қолиш учун диққатини бошқа нарсага кўчириши зарур. Яна билим олиш жараёнида уларга албатта кўмаклашиши лозим: болалар ўз фаолиятини, ўз ўқув меҳнатини ўзлари тартибга солиш йўлларини аста - секин эгаллайдиган қилиб ўқишга етакчилик қилиши керак.

Дарсда ўқувчиларнинг билиш фаоллигини орттириш учун уларнинг ўргана-диган билиш соҳасига қизиқтириш ва мустақиллигини ривожлантириш таълимдаги асосий муаммодир. Бу муаммони амалий ҳал этиш учун ўқувчиларга хушмуомила, ширинсўз, меҳрибон бўлиш ва билишдаги ҳаракатларини қўллаб-куватлаш, керакли қўникмаларни шакллантиришга эришиш ҳамда рағбатлантириш усулларидан ўрнида фойдаланиши таълимнинг самарали ўзлаштирилишини таъминлайди. Ўқитувчи дарсда қатор дидактик муаммоларни ўз ўрнида, вақтида бажаришга эришиши таълимнинг самарали ўзлаштиришига амалий ёрдам беради. Масалан, аввал ўқувчиларга илмий тушунча, билимлар беришни амалга ошириш кейинчалик эса шу билимларни ҳаракатда, вазифани, топширикни, ишни бажаришга ўргатиб бориши ва ниҳоят ҳосил бўлган билимлар асосида бажариладиган ишдаги ҳаракатлар сифатини оширишга интилиши даркор. Шундан кейингина ўқувчиларнинг билишга бўлган фаоллиги ва мустақиллигитаркиб топади. Натижада ўқувчиларнинг билим олишга бўлган интилиши янада ривожлантирилади. Шунинг учун ўқитувчи биринчи муаммони тўғри ҳал этиш билан иккинчи, учинчи ва бошқа муаммоларни босқичма-босқич амалга ошириб бориши даркор. Бундай вазиятда ўқитувчи ўқувчининг билим имкониятини муаммоли таълим асосида ташкил этса, яъни: йўналтирса, хатоларини қўрсатса, тўғри изланиш маъқулласа унинг билишга бўлган фаоллиги ва мустақиллиги янада ортади. Ўқувчи мусақил фикр юритади ва аниқ, тўғри хulosага келади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Ўқувчилар билим олишнинг қандай босқичлари мавжуд ва ўқитувчилар нима учун уларни билишлари керак?
2. Таълимда билимга қизиқишининг ўрни қандай ва уни самарали ташкил қилишда қандай муаммолар мавжуд?
3. Нима учун ўқувчилар билиш фаоллиги ва мустақиллиги ривожлантирилади. Уни қандай изоҳлайсиз?
4. Сизнингча ўқувчилар билиш фаоллиги ва мустақиллигини ривожлантиришда қандай муаммолар мавжуд ҳамда улар қандай ҳал этилиши мумкин?

Мавзу: ТАЪЛИМ МАЗМУНИ.

РЕЖА:

1. Таълим мазмуни ҳақида тушунча ва унинг илмий педагогик асослари.
2. Мактабда умумий, маҳнат ва касб маълумотларининг ўзаро боғлиқлиги ва бирлиги.
3. Мактабнинг ўқув режалари ва унинг иш мазмуни, ўзига хос хусусиятлари.

Таянч сўз ва иборалар:

Таълим конуни, миллий дастур, истиқбол, эҳтиёж, фан, техника, маданият, технология, таълим мазмуни, ижтимоий тараққиёт ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасида миллий дастурнинг мақсади ва вазифаларида:

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунни мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда қайта қуриш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Шунга асосланиб мактаб таълим мининг мазмунни жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг талабалардан келиб чиқсан ҳолда ташкил этилади. Юқоридаги ижтимоий тараққиёт йўналишлари шу жамият учун қандай тарбияланган мутахассисларга бўлган талабларга асосланади. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин: жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, шу жамият аъзоларини тарбиялашнинг мақсадини, тарбиянинг мақсади эса ўз навбатида мактаб таълим мининг мазмунини белгилашга асос бўлади. Буни содда этиб тубандагича изоҳлаш мумкин:

жамиятни ижтимоий ривожлантириш → тарбиянинг мақсад ва вазифасини ва у ўз навбатида → мактаб таълим мазмунини белгилашга асос бўлади.

Ёки бу тузилишнинг акс ҳолда кўз олдимизга келтириб тасаввур этсак янада равшанроқ англаймиз.

мактаб ва таълими (маълумот) мазмуни → тарбиянинг мақсади ва вазифасини у ўз навбатида → жамиятнинг ижтимоий ривожланишини жадаллаштиради, тақомиллаштиради.

Мактаб таълим мининг мазмуни деганда, ўқувчиларнинг ўқиши жараёнида барча ўрганиладиган фанлардан эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда тизимга солинган билимлар, кўникмалар ва дунёқарашларнинг аниқ белгиланган доираси тушиунилади. Бу жараён мактаб ўқув режасида кўрсатилган ҳар бир ўқув дастурида асосланган барча ўрганиладиган фанлари асослари асосида таркиб топади.

Таълим мининг мазмун бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгилана-ди:

а) ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлари ижтимоий тузумнинг хусусиятлари, йўналишлари;

б) давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ва вазифалари;

в) ўқитиши қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларининг имкониятларини (ёш имкониятлари, ривожлиниш даражаси, тарбияланганлиги ва бошқа-

лар) эътиборга олувиши дидактик талаблар. Мактабларда бериладиган таълимнинг мазмунни тарихий ва ижтимоий хусусиятга эгадир. Жамият тарихий тараққиёти-нинг ҳамма босқичларида мактабларда ёшларга бериладиган таълимнинг мазмунни, ҳажми ижтимоий тузумнинг иқтисодий талаб ва эҳтиёжлари фан ва техника тараққиёти даражаси билан белгилаб келинган. Инқилоб тўнтаришгача бўлган даврида Ўзбекистон худудида VII -VIII асрлардан бери келган эски - "усули қадмия", XIX аср охири ва XX аср бошларида пайдо бўлган - "усули савтия" мактаблари, хад - завод ўргатадиган диний мактаблар бўлган. 1905 йилдан сўнг, ўлканнинг баъзи йирик шаҳарларида "жадид" мактаблари пайдо бўлиб унда савдо - сочиқ ишлари учун зарур бўлган айрим фанлар (хисоб, тиббиёт, география ва бошқа) ўқитилар эди.

Ҳозирги бизнинг мактабларимизда ёшларга қуриқ илмий билимлар берилмасдан уларга турмушда зарур бўлган ҳалқ хунарманчилиги табобат асослари, иқтисод асослари, одабнома "Конституцион хуқук асослари, каби фанлари ўқитилиши маъқул".

Ҳозирги бизнинг мактабларимизда таълим мазмунни Ўзбекистон республикасининг Таълим тўғрисидага Конун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури сингари хужжатларида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар билан белгиланади. Булар қуийдагилардир:

7- модда. Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб - хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди. Уни бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир деб қайд этилган.

Юқорида асосланган талаблардан келиб чиқиб умумий ўрта мактабларда ўқувчиларга умумий маълумот амалга оширилади. Албатта у меҳнат таълими, қасб таълими билан узвий алоқадорликда олиб борилади. Бу қоида ўқувчиларни ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишга бевосита ёрдам беради.

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомда Давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда шахснинг таълим олиш хуқуқини рўёбга чиқариш умумий ўрта таълимнинг мақсади хисобланади. Умумий ўрта таълим билимлар зарур ҳажмига асос солади, ўқувчиларда ташкилотчилик қобилияtlари ва амалий тажриба қўникмаларини ривожлантиради, қасб йўналишини ва таълимнинг кейинги босқичини танлашга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлашнинг Миллий Дастиури 4 Кадрлар тайёрлаш тизими ривожлантиришининг асосий йўналишлари 4,3. Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилишда кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш миллий тикланиш принцплари ва мутақииллик ютуқлари, ҳалқнинг бой миллий, маънавий интелектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларига таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмунни давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилинади деб такидланади.

Юқоридаги педагогик ғоялар турли шаклдаги таълим муассасалари таълим мазмунини белгилашнинг асосий йўналишларни белгилаб беради.

Ўқув режа

Мактабларнинг ўқув режаси давлат - хужжатидир. Ўқув режаси - барча типдаги мактабларда амал қилиниши лозим бўладиган давлат хужжатидир. Унда

синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва ўша фанлар учун ажратилган барча ўқув соатлари миқдори кўрсатилган бўлади. Мактабларнинг ўқув режалари халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўқув режаси деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитилиш учун ажратилган ўқув соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатига айтилади. Ўқув режа тузишда қўйидаги омилларга асосланади:

1. Ўқув режаси ўқув - тарбия ишининг мақсад ва вазифаларига асосланади. Мақсад - илмий билимлар бериш, олган билимларини ҳаётда қўллай олишга ва мутахассисликларни мукаммал эгаллашга ўргатишдан иборатdir.

2. Мактабларнинг бирлиги яъни узлуксиз таълим қоидаларига асосланади. Булар: (қуи таълим, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус таълим, касб ҳунар таълим, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим, мактабгача таълим ва оиласда таълимнинг ўзаро боғлиқлиги) тарзда амалга оширишни қўзлайди.

3. Ўқув режасига киритилган фанларнинг ҳажми, қайси синфда ўқитилиши, ажратилган соати, болаларнинг ёш ва билим савиясига қараб белгиланади. Фаннинг ҳажми, оғир - енгиллиги, дидактик аҳамияти ҳам эътиборга олинади. Ўқув режасига киритилган фанлар, биринчи навбатда, умум инсоний, миллий тарбиянинг мақсади ва вазифаларини амалга оширишга қаратилгандир. Унда таълимнинг илмийлиги, ғоявийлиги, амалий қиммати ҳамда Ўзбекистон келажагига муносиб баркамол инсонни тарбиялаб, вояга етказиш назарда тутилади. Шунинг учун ҳам унда табиат ва жамият ҳақидаги илмий билимлар, ишлаб чиқариш асослари, санъат ва жисмоний тарбия, соғлом авлоднинг маънавий қиёфаси асосий ўринни эгаллайди. Ўқув режасида табиий фанлар - табиий жўғрофия, биология, физика, астрономия, химия, математика ва информатика марказий ўринни эгаллайди. Ижтимоий фанлар - тарих, тил ҳақидаги илмий билимлар - она тили, хорижий тиллари, бадиий ва санъат асослари - адабиёт, тасъвирий санъат, мусиқа ва ашуулла; жисмоний тарбия асослари билан бир қаторда меҳнат таълимни ўқитиш учун соатлар ажратилади. Булардан ташқари, ўқув режасида айрим табиий фанлар, айниқса математика, информатика, физика фанлари, айрим гуманитар фанлар бўйича ҳам ўқувчиларнинг қизиқишлигини қониқтириши, қобилияtlарини ривожлантириш мақсадида ўтказиладиган факультатив машғулотлар кўрсатилган бўлади

Ўқув режаси бази бир маҳсус ўқув мактабларида ўзига хос ихтисосликни мукаммал ўргатишга йўналтирилган фанларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ажратилган соатларнинг фақданиши билан ажralиб туради. Ўқув режасида амалий машғулотлар, ишлаб чиқариш амалиёти ва бошқа амалий фаолиятга тайёрлашга йўналтирилган ўқув - тарбиявий ишлар ўз аксини топади. Ўқув режаси ўқув йилини чоракларга бўлади ва улар орасидаги таътил муддатларини белгиловчи ҳужжатдир.

Педагогик машқ

Мактаб тажрибасидаги дарснинг баъзи жиҳатларини баҳоланг.

Бошланғич синф ўқитувчиси ўқиши дарсида «Боғ» мавзусини ўрганишни қуийидаги тарзда ташкил қилди. Боғнинг тасвири тушурилган рангли расмни синф доскасига осиб қўйди. Ўқувчилар мана бу расмда боғ ва унда бажариладиган ишлар тасвирланган. «Боғ» матнини тушунтиришни ўқувчиларга «Боғ» ўз ўзича боғ бўладими? тарзда муаммоли савол билан мурожаат қилди. Ва ўқувчиларга боғдаги мевали, мевасиз дараҳтлар парвариш қилинаётганлиги, мевалар: олма, узум, нок, гилос, шафтоли, беҳи кабилар пишиб етилганлиги, уларни териб олишдан одамларнинг бажараётган юмушлари ва касблари ҳақида атрофлича ҳикоя қилиб, тушунтирди. Боғ бўлиш учун кишилар албатта қаттиқ меҳнат қилиши даркорлигига ўқитувчилар диққатини қаратди. Расмдаги тасвирларга таяниб ўқитувчиларга билишга дори саволлар асосида жавоб олишга ҳаракат қилди. Умуман ўқитувчи дарсдан таълимнинг қайси йўналишлари ҳақида маълумот берди?

Вазиятни таҳлил қилинг.

1. Ўқитувчи дарсдан таълимнинг қайси йўналишлари ҳақида маълумот берди?
2. Нима учун ўқитувчи дарсда ўқувчиларга умумий маълумот, меҳнат ва касб таълим мини узвий боғлаб ўргатишга ҳаракат қилди?
3. Сиз «Боғ» мавзусини ўрганишда таълим мазмунини тарбиянинг мақсади ҳамда жамиятнинг ижтимоий ривожланиши билан қай тарзда боғлаб ўқувчиларга тушунтирадингиз?
4. Сизнингча боғ мавзуси мазмунини қандай ташкил этса дарснинг самардорлиги янада ортади?

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Мактаб таълим мазмуни нима ва у қандай асосларга кўра белгиланади ҳамда амалиётга жорий қилишда қанақа муаммолар мавжуд?
2. Нима учун умумий, меҳнат ва касб таълимлари ўзаро боғлиқ олиб борилади ҳамда уларнинг алоқаларини яхшилаш соҳасида қандай муаммоларни ҳал этиш даркор?
3. Мактабнинг ўқув режаси нима ва унинг мазмунини қандай тушунасиз?
4. Ўқитувчиларнинг ўқув режани ўзлаштиришида қандай муаммолар мавжуд ва улар қандай ҳал этилиши мумкин?

Мавзу: МАКТАБНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ.

РЕЖА:

1. Ўқув дастури ҳақида тушунча. Нима учун ўқитувчилар ўқув дастурини билиш керак.
2. Ўқув дастури мазмуни. Унинг тузилиш принциплари ва унга қўйиладиган педагогик талаблар.
3. Дарсликлар ва уларга қўйиладиган педагогик талаблар ҳамда ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этишдаги ўрни, аҳамияти.
4. Ҳозирги замон дарсликларни ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашдаги муаммолар.

Таянч сўз ва иборалар:

Ўқув дастур, илмий билим, кўникмалар ҳажми, изчилиқ, боғлиқлик, кетмакет, концентрик, (марказлашган), ўқтириш хати, интернет ва х.к.

Ўқув дастури.

Дастурда ўқув йили давомида ҳар бир синфда алоҳида фанлар бўйича ўқувчиларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда ҳар бир фаннинг мазмуни изчилиқ билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади.

Ўқув дастур қуйидаги бир қатор қоидаларга амал қилган ҳолда тузилади.

1. Дастурнинг қатъийлиги. Жамият тараққиётини илмий асослаб берадиган яъни фан, техника, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий муносабатлар соҳасида эришган даражани акс эттирган, узоқ вақтга мўлжалланган дарсликлар яратишни назарда тутади.

2. Ўқув дастурида илмийлик.

3. Ўқув материаллари мазмунини тўғри танлашда унда исбот, мантиқий умумлашмага алоҳида эътибор берилади.

4. Назариянинг амалиёти билна бирлиги қоидаси.

5. Дастур икки усул билан, кетма - кет (мунтазам) концентрик (марказлашган) тарзда жойлаштирилиши мумкин.

Марказлаштирилганда ўқув материали ўқитишнинг кейинги босқичида мурракблашган кўринишда такорланади.

Дастур уч бўлимда иборат:

1. Ўқтириш хати. Йўл - йўриқлар.

2. Ўқув материалларининг мазмуни.

3. Асосий ва қўшимча равшанда ўрганиладиган адабиётлар рўйхати.

Дарслик

Дарслик ўқув жараёнининг зарур қисмидир. У ўқитишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

Дарслик - ўқувчиларнинг иккинчи “муаллими”. Чунки у, аввало, ўқувчи учун зарар қўлланмадир.

Ҳар бир ўқув фанининг мазмуни дарслиқда батафсили ёритилади. Дарслик тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурга ва дидактика талабаларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир.

Дарсликлар билан бир қаторда, айрим ўқув фанлари юзасидан ўқув қўлланмалари ҳам тузилади. Масалалар ва машқлар тўплами, хрестоматиялар, атласлар, лугат китоблари ва ҳ.к.

Ўқувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан ҳам дарсда, ҳам уй шароитларида мустақил иш олиб борадилар. У билан ишлаш ўқувчиларнинг ақлий тарбиясига, уларда илмий дунёқарашнинг, ахлоқ - одобнинг шакилланишига, тафаккури ва нутқининг, ишдаги мустақиллигининг ривожланишига ёрдам беради.

Дарсликка қўйидаги педагогик талаблар қўйилади:

1. Дарслик илмий билимлар тизими ва унинг мазмуни, ҳажми дастур талабларига ва шу синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос келиши.

2. Дарсликка илмий билимларнинг назарий асослари ва гоявий йўналиш тизими изчил бўлиши, далилларнинг ишончли бўлиши, улар тўғри таҳлил этилиши, аниқ таъриф этилиши, тегишли хулосалар чиқарилиши ва шу орқали ўқувчиларда илмий дунёарашиб инсоний фазилатлар тарбияланади.

3. Назарий билимлар ишлаб чиқариш амалиёти билан боғланган бўлиши.

4. Дарсликка баён қилинаётган материалнинг ҳарактерига боғлиқ ҳолда тегишли қоида ва таърифлар берилиши, далиллар келтирилиши, яхши безатилган бўлиши, баъзи материаллар расм, схема, диаграмма ва бошқа иллюстрациялар билан бойитилиши талаб этилади.

5. Дарслик ўқувчилар тушуниши осон бўлган жонли тилда ёзилиши ва фикрлар аниқ ва қисқа бўлиши керак.

6. Дарсликнинг ташқи кўриниши, безаги ўша синф ўқувчилари эстетик дидларига мос келиши лозим.

Дарсликлар билан бир қаторда мактаб таълими жараёнида ўқувчилар ўқув материали устида тизимли, узлуксиз, мақсадли ишлашлари ҳамда ўзларида илмий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда қўйидаги китоб ва қўлланмалардан ҳам фойдаланади. Булар: бадиий, илмий, ижтимоий сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий - оммабоп адабиётлар, лугатлар, атласлар ва карталар, масала ва машқлар тўплами хрестоматиялар, кундалик ахборот, энциклопедия, кинофильмлар ҳамда интернет ахборотлари ва ҳ.к.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар.

Махсус равшандада ўқувчилар учун ёзилган китоб дарслик деб аталади. Унда ўқув дастурининг ҳамма материали батафсили ва изчилилик билан очиб берилади.

Бошқа китобларга қараганда дарсликка оширилган талабалар қўйилади. Дарсликдаги фикрлар лўнда қилиб ифодаланиши, материал эса тушуниш учун осон шаклда баён қилиниши керак. Дарслик ҳар доим яхши қоғозда босилади, унинг шрифти етарлича катта, босмаси аниқ бўлиши лозим. Қўйи синжаларга мўлжалланган дарсликларда рангли иллюстрациялардан фойдаланилади. Эслаб қолиши талаб этиладиган асосий ўринлар ва қоидалар қалин шрифт билан ажратилади ёки рамка ичига олинади. Ҳар бир мавзу ва бобнинг охирида такрорлаш учун саволлари берилади.

Дарсликлар ўқув материалини тезроқ, тўлароқ ва чуқурроқ эгаллаб олишга ёрдам берувчи ўқув қўлланмалари билан тўлдирилади.

Йўналиши ва ҳал қилинадиган вазифаларга кўра ўқув қўлланмаларни кўйидагиларга бўлиш мумкин.

- ўқув материалини чуқурлаштирувчи ва унинг эслаб қолишига ёрдам берувчи қўлланмалар (хрестоматиялар, машқлар тўплами, маълум предмет бўйича ўқиши китоби, контур карталар);

- ўрганилган масалаларни иллюстрацияловчи ва бу билан анча аниқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берувчи қўлланмалар: (муляжлар, расмлар, плакатлар, диограммалар, атласлар),

- қўнишка ва малакаларни ҳосил қилишга ёрдам берувчи қўлланмалар (Босма асосдаги дафтарлар, топшириқлар карточкаси);

- маънони тушунишни енгиллаштирувчи қўлланмалар (луғатлар);

- кўп мақсадда ишлатувчи қўлланмалар: кинофильмлар, энциклопедиялар ва ҳ.к.

Ҳозирги даврда умумий ўрта таълим, академик лицей, касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун дарсликлар тайёрлашда анчагина муаммолар мавжуд. Бу муаммолар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» ҳамда узлуксиз таълим дастури мазмунни тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси талабларидан келиб чиқиб ҳал этишни тақозо этади. Давлат таълим стандартлари асосида илмий, ўқув дарсликлар, ўқув қўлланмалар ҳамда замонавий электрон дарсликлар, масофавий ўқитиш, интернет тизими билан боғлиқ ахборот технологияларини яратиш, тайёрлаш каби педагогик муаммолар амалга оширилиши даркор. Дарсликлар яратища муаллифлараро рақобат соғлом мухитни юзага келтириш уларнинг сифатини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Таълимнинг ўқув моддий, нашриёт базасини ривожлантиришда муаммолар ҳал этилса, дарсликларнинг барқарор тизими яратилади. Оқибатда барча типдаги таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг билим даражаларини такомиллаштириб боришта эришилади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Мактабнинг ўқув дастурини қандай тушунасиз?
2. Дастур тузища қандай қоидаларга амал қилинади?
3. Дастур неча қисмдан ташкил топган?
4. Дарсликларга қандай педагогик талаблар қўйилади?
5. Дарсликлар деб нимага айтилади ва уларни тайёрлашда қандай муаммолар бор?

Мавзу: ТАЪЛИМ ҚОИДАЛАРИ ВА ҚОНУНИЯТЛАРИ.

РЕЖА:

1. Таълим қоидалари, қонуниятлари ҳақида тушунча ва уларнинг педагогик асослари. Нима учун ўқитувчи таълим қоидаларини билиши керак.
2. Таълимнинг илмийлик, изчиллик, онгли, фаол, мустақиллик, таълим - тарбия, ҳамда назариянинг амалиёт билан бирлиги қоидаларини тавсифлаш.

Таянч сўз ва иборалар:

- қоида, қонун, ўқиши, ўқитиш фаолияти, тарбия, таълим мақсади, вазифаси, табиат, жамият, инсон тафаккури, зўрлаб ўқитиш ва ҳ.к.
3. Таълим қоидаларини илмий-назарий ва амалий қўллаш – унинг самародорлигини таъминловчи зарурий шарт.

Таълим қоидалари - ўқитувчининг дарсдаги фаолиятини ва ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштиришини, тегишли қўникма ва малакалар, дунёқараш, мафкура ҳосил қилишнинг асосий қонун ва йўл - йўриқларини ўз ичига олади. Таълим қоидалари ўқитишнинг, ўргатишнинг энг муҳим масалаларини назарий жиҳатдан ҳал қилишнинг асосий қонуниятлариидир. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг билиш эҳтиёжи ва шароитлар ўқув жараёнининг характеристини, мақсади, вазифалари, мазмуни, шакллари, усуслари ва воситаларини белгилаб беради. Ўқитувчи таълим жараёнининг қоидалари, қонуниятларини қанча илмий асосда билса, унинг самараси шунча юкори бўлади. Таълим қоидаларини ҳам назарий билиш, ҳамда амалда қўллай билиш жуда муҳим. Шунинг учун ўқитувчи таълим қоидаларини билиши шарт. Чунки, ўқитувчи таълим қоидаларини билмасдан туриб таълимнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошира олмайди.

Таълим қоидалари деб баркамол инсон таълим - тарбиясиининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиши ва ўқитиш жараёнининг умумий йўналиши, ўқувчилар томонидан илмий билимлар, қўникмалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларининг йиғиндисига айтилади. Содда этиб айтганда таълимнинг самарали натижаларини таъминлайдиган қоидалар мажмууни тушенамиз. Педагогика фанида олимлар, буюк педагоглар томонидан асосланган ва яратилган педагогик адабиётларда дидактик қоидалар турлича гурухланмоқда. Ана шуларга асосланиб таълим қоидаларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

1. Таълимнинг илмий, изчил ва мунтазам бўлиши.
2. Таълимнинг онгли, фаоллик ва мустақиллилик.
3. Таълимда назариянинг амалиёт билан бирлиги.
4. Таълим ва тарбиянинг бирлиги.
5. Таълимда кўрсатмалилик.
6. Таълимни тушунарли, пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш.
7. Таълимда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ҳамда таълимнинг мос бўлиш ва ҳоказо қоидалари мавжуд. Уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталамиз.

Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик қоидаси.

Мактаб таълими тизимида онглилик, фаоллик, мустақиллиллик қоидалари мухум аҳамиятга эга. Таълим жараёнининг муваффакияти кўп жиҳатдан синф ўқувчиларнинг фаоллигига боғлиқ.

“Тарбиячи шуни унитмаслиги керакки, ўқувчиларини қизиқтирмасдан, уларни қуриқ мажбурият ва зўрлаш йўли билангина ўқитишдан ҳеч қандай натижа чиқмайди қоидаси илгари суринган. Бироқ бу ўринда ўқувчилар фаолиятини ўқитувчи томонидан баён қилинаётган тайёр ва яхлит ўқув материалини фаолсиз тингловчи ҳарактердаги фаолият деб тушуниш ярмайди. Таълимда ўқувчиларнинг тафаккурини активлаштириш уларнинг мустақиллигини тарақкий эттиришга ёрдам беради, мустақил ишларининг тўғри йўлга қўйилиши эса уларнинг фикр қилиш фаолиятларини ўстиради ва такомиллаштиради. Таълим жараёнида ўқувчилар фаоллиги, даставвал уларнинг актив фаолияти - тафаккур қилиш фаолиятидир.

Материалларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши уларнинг фикр қилиш фаолиятига таъсир қилиш жараёнида юзага келади. Шунга асосан таълимни онгли ўзлаштириш принципи бир томондан ўқувчиларнинг мустақил, актив фикр қилишларини назарда тутса, иккинчи томонидан уларнинг мустақиллик ва фаоллигини такомиллаштириб боришини ўз ичига олади. Ўқувчилар фаоллиги таълим жараёнидаги эмас, балки ўзлаштирилган илмий билим, ҳосил қилинган қўникма ва малакаларни ҳаётта қўллай олиш фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Тафаккур қилиш фикрлаш операцияларида, яъни таққослаш, анализ, синтез қилиш, абстракция ва умумлаштиришда кўринади. Онгли ўзлаштириш принципи, таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил олиб борадиган ишлари билан бевосита боғлиқдир. Ўқиши жараёнида мустақил ишлар: китоб, газета, журнал материаллари, спавочниклар, таблицалар, карталар устида ишлаш, табиий фанлар яъни математика, физика, биология бўйича мустақил амалий ишлар ва лаборатория машғулотлари ўтказиш мухум аҳамият касб этади.

Таълимнинг илмий, тизимли ва изчил бўлиш қоидаси.

Мактабда ўқувчиларга бериладиган билимлар, ҳозирги замон билимлар дарражасида бўлиши, ўқувчиларга уларни маълум тизимда беришни талаб қиласди. А.Р.Беруний Билиш чексиз, узлуксиз давом этадиган жараён, таълим жараёнида ўқувчишарга муайян илмий билимлар бериш, уларни янги - янги билимлар олишга ундош керак деб хисоблаган.

А.Н.Фаробий “Инсон ҳайвонлардан ақли билан ажралиб туради. Инсон ақли билан атрофни ўраб турган дунёни англайди, буюм ва ҳодисаларга илмий баҳо беради”, - деган.

“Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай”- деган Имом Ал Бухорий

Мактаб таълим - тарбия жараёнининг ҳамма звеносида изчиллик катта аҳамиятга эгадир. Кундалик таълим жараёни ҳам, синф ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ҳам изчиллаик принципига амал қилинган тақдирдагина, кутилган натижани бериши мумкин.

Мактаб ўқув фанлари тизими, бир қанча дидактик қоидаларга асосланади. Бу дидактика қоидаларда, биринчидан, умумий таълим мактабларида ўқитилаётган фанларни маълум фан тизими билан ўзаро мустаҳкам, илмий боғлиқ. Иккинчидан фанлар асосида ўқувчиларнинг билиш қобилияtlари ҳамда ижодий қоби-

лиятларини тарақкий эттириш назарда тутилади. Шунга кўра тизимлилик қоидаси ўрганилган фан асослари ва ўрганилаётган фан асослари билан эгаллаган кўникма ва малакалар бир - бирларининг давоми бўлмоғи керак. Бу боғланиш предметлар ўртасида ҳам тизимлиликнинг бўлишини талаб қилади.

Таълимда назариянинг амалиёт билан бирлиги қоидаси.

Бу қоида таълимнинг илмийлик қоидаси билан мустаҳкам боғлангандир.

Ишга яраб қолса илминг бир муддат,

Яна оширмоққа айлагил шиддат, - деган М.Улуғбек.

Ўқувчилар билим билан қуролланар экан, илмнинг амалий эҳтиёж туфайли бўлганини, ишлаб чиқарувчи кучларининг қандай тарақкий этганини, техника ва иқтисод соҳасидаги янгиликлар, илмнинг борган сари ривожлантира боришни, илм эса ўз навбатида ҳаётни яхшилишга ёрдам беришини биладилар. Илмнинг ривожланишида тажрибанинг роли каттадир. Илмий назарияларнинг ҳаққонийлиги амалиётда саналади: уни тажриба ё тасдиқлайди ё инкор қилади. Мана бу назария билан тажриба ўртасидаги мураккаб муносабатларни ўқувчилар илм асосларини ўрганиш жараёнида фаҳмлаб олишлари лозим. Улуғлик гапда эмас бошдан - оёқ, ярти иш ҳам юзта гапдан яхшироқ деган Абдулқосим Фирдавсий.

Ўқувчилар томонидан математика, физика, биология, химия, астромия ва бошқа табиий фанлардан ўзлаштирилган назарий билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ўқув - тажриба кабинети ва лабораториялари, тажриба ер участкалари ва ишлаб чиқариш меҳнати жараёнида қўлланилади.

Саъдий Шерозийнинг фикрича:" Икки тоифа одам беҳуда ишлаб, беҳуда ҳаракат қилган бўлади: бири мулк йигиб фойдаланмаган ва иккинчиси эса илм олиб, амал қилмаган одам.

Ҳарчанд ўқибсан, билимдонсан,

Агар амал қилмасанг, нодонсан.

Таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси.

"Таълим билан тарбия бир - бири билан боғлиқ бир бутун жараён эканлигини таъкидлайди, А.Авлоний. У яна дарс ва тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам, иккиси бир - биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига боғланган жон илиа тан кабидир".

Мактабда ўқувчи ёлғиз билим, кўникма ва малакаларни эгаллабгина қолмайди, балки ҳар жиҳатдан мукаммал тарбияланади. Мактаб ўқув фанларининг ҳар бир мавзу ва темачалар ҳам шубҳасиз тарбияловчи ҳарактерга эга. Шунга кўра, мактаб таълими умуман ҳар қайси дарс жараёни алоҳида икки муҳим вазифани:

1. Таълим жараёнида ўқувчиларни янги - янги илмий билимлар билан қуролланади.

2. Ўзлаштирилган илмий билимлар асосида ўқувчиларда дунёқараш ва маънавий - ахлоқий тирбия таркиб топишини ўз ичига олади.

Таълим ва тарбиянинг бирлиги: а) ўзлаштирилаётган илмий билимлар орқали ўқувчиларда илмий материаллистик асосда дунёқараш таркиб топтириш;

б) таълимда ўқувчиларга муайян маънавий - ахлоқий сифат нормалларини сингдириш;

в) ўқувчиларнинг ақлий камолоти ҳамда билиш қобилиятларини янада ри-
вожлантириб боришни назарда тутади.

Ўқувчиларда илмий дунёқараш таркиб топтириш мураккаб ва кўп қиррали
жараёнидир. Мактаб таълимида табиий фанларни - математика, физика, химия,
биология ва астрономия каби фанларни ўзлаштириш орқали диалектик материа-
лизм асосида дунёқарашлар таркиб топади.

Педагогик машқ

Мактаб тарбиясида дарснинг баъзи жиҳатларини баҳоланг.

Бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларда математика фанидан илк маълу-
мотни қуидаги мазмунда амалга оширеди. Азиз ўқувчилар биз нима учун мате-
матикани ўрганамиз? Математикасиз ҳаётни тасаввур қилиш мумкинми? Матема-
тика бизнинг ҳаётимизда қўлланадими? каби саволлар билан ўқувчиларга муро-
жаат қилди. Ўқитувчи математика дарсида математика фани ҳақида ўқувчилар-
дан илк математик тасаввур, тушунча ва билимларни таркиб топтириди. Масалан,
математика фани 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 шаклдаги сонларсиз ўрганиб бўлмайди.
Ўқитувчи кириш суҳбатида шу сонларнинг номини, айтилиши, шаклини билмай
ва ёзишда қўлланмасдан ҳамда амалий ҳаётта тадбиқ қилмай туриб инсон ҳаётини
қуриш мумкин эмаслигига кичик ўқувчиларни ишонтириди. Шунинг учун биз
ўқувчилар ҳозирданоқ математик сонларнинг айтилиши, ёзилиш шакли ва улар-
нинг бир-бири билан қўшилиши ҳамда ҳосил бўладиган сонларни илмий били-
шимиз шарт. Чунки ҳар биримиз бажарадиган ишимизнинг натижаларини сон-
лар воситасида ҳисоблаб аниқлаймиз. Шунинг учун математик сонларни онгли,
мустақил равища ўзлаштиришимиз даркор. Бунинг учун математик сонларни
узлуксиз, изчили, тизимли, кетма-кет ўрганишимиз керак. Агар математик сонлар-
ни мустақил ўрганмасак ўзимиз бажарган ишларнинг фойдали бўлганлигини
аниқлай олмаймиз. Яъни, ўз ишимизни, ҳаётимизни режа асосида қура ол-
маймиз. Сонларни илмий билиш, уларни тўғри айтиш, ёзиш ва ҳисоблашни би-
лишни ҳаётнинг ўзи тоқазо этади. Биз сонлар билан муомила қилиш қўнимасига
эга бўлишимиз керак. Мисол учун вақт қанча бўлганлигини, ишни қанча вақтда
бажариш кабиларини билишимиз керак ва ҳ.к.

Вазияти таҳлил қилинг.

1. Сиз ўқитувчининг ўқувчиларда илк математик тасаввур, тушунча, билим-
ларини таркиб топтиришда таълим қоидаларига амал қилишини қандай
изоҳдайсиз?
2. Ўқитувчи ўқувчилардан илк математик тасаввур, тушунча ва билимларни
таркиб топтиришда яна қайси таълим қоидаларига асосланиб ишлаши керак?
3. Сизнингча бу муаммони яна қандай усууллар билан ҳал этса таълим янада
самарали бўлади?

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Таълим қоидалари, қонуниятлари нима ва уларни ўзлаштиришда қанақа муаммолар мавжуд?
2. Нима учун ўқитувчи таълим қоидаларига амал қилиши даркор?
3. Мактаб таълимида таълимнинг қандай қоидалари мавжуд ва уларнинг мазмунини қандай изоҳлайсиз?
4. таълим қоидаларини амалиётта эорий қилишда қандай педагогик муаммолар мавжуд ва уларни қандай бартараф этиш мумкин?
5. Таълим қоидаларини ўзлаштирмасдан ўқувчиларнинг билишини баъминлаш мумкинми?

Мавзу:ТАЪЛИМНИНГ КЎРСАТМАЛИЛИК, ТУШУНАРЛИЛИК, ПУХТА ВА МУСТАҲКАМ ЎЗЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИ.

РЕЖА:

1. Таълимнинг кўрсатмали қоидаси.
2. Таълимнинг тушунарли, пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш қоидаси.
3. Таълимда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва бошқа қоидалари.

Таянч сўз ва иборалар:

Кўрсатмали, тушунарли, пухта, мустаҳкам, ёш. индивидуал, хусусият, класик, дидактик қоидалар, қуруқ ёдлаш, кундалик, маҳсус тақрорлаш ва ҳ.к.

“Хотирада далили бор ҳамма нарсаларни яхшироқ, тезроқ ва ўнгай эслаб қолади” деган А.Р.Беруний.

“Бирданига қўп сезгилар ёрдамида идрок этиш мумкин бўлган нарсаларни иложи борича бир неча сезгилар иштирокида идрок этиш лозим”, деб кўрсатган Я.А. Коменский. Машҳур педагог К.Д.Ушинскийнинг қуидаги фикри таълимда қимматлидир. “Сиз болага қандайдир бир нечта номаълум сўзни ўргатинг, у бу сўзларни билиб олгунча узоқ вақт кетади ва беҳуда бош қотиради, лекин суратлар воситасида ўргатилганда, йигирма сўзни ўқувчи ҳаш-паш дегунча ўрганиб олади”.

Кўрсатмалилик қоидаси таълимнинг етакчи қонун - қоидаларини ҳам амалга оширишда жуда муҳим дидактик масалаларни ўз ичига олади, айниқса:

1. Баён қилаётган теманинг ҳарактерига мос келадиган кўрсатма материалардан тўғри фойдаланиш.

2. Таълимда қўлланилиётган кўрсатма материаллар ўқувчиларнинг яққол ва кокрет образли идрок қилишини таъминлаши.

3. Кўрсатма материаллар орқали ўқувчилар объектив борлиқдаги нарса, ходиса ва воқеалар билан, уларнинг хусусияти, белгилари ва бир - бири билан боғланиш воситалари билан танишадилар.

4. Кўрсатма материалларининг кўрсатмали бўлиши илмий билимларни мустаҳкамлашини таъминлаб қолмай, ўқувчилар диққатининг барқарорлигини оширади, ижодий ташаббусларининг ривожланишига ёрдам беради.

Кўрсатма қуроллар ўтилаётган мавзунинг ҳажми, ҳарактери, мазмуни ва синф ўқувчиларининг савиясига қараб хилма - хил бўлиши мумкин. Мактабда қўлланиладиган кўрсатма материалларни икки гурухга ажратиш мумкин.

1. Буюм ва нарсаларни аслича табиий ҳолиҷа кўрсатувчи материаллар: ўсимликлар, ҳайвонлар, гербарийлар.

2. Тасвирий кўргазма қуроллар: расм, сурат, фотосурат, кинофильм, диафильм.

а) Символик тасвиrlаниши кўрсатувчи материаллар: география ва тарих қарталари.

б) Схематик материаллар: схема, таблица, диаграмма.

Ўқитувчининг таълимни муаммоли ташкил этишда кўрсатмаларининг ўрни ва амалий аҳамияти бекиёсдир. Аммо баъзи ўқитувчилар таълимда кўрсатмали-

ликдан фойдаланишда нуқсонларга йўл қўйишади. Масалан, тайёрланган кўрсатмали қуроллардан аниқ таълимий мақсадни назарда тутмайди. Ёки кўрсатиладиган расм схема ва бошқа тасвирий материаллар кичкина барча ўқувчилар яхши кўриб идрок қила олишмайди. Шунинг учун кўрсатмали материаллар чиройли, чизмалари аниқ ва ўқувчиларнинг билиш қобилиятларини ривожлантиришга ҳамда таълимни муаммоли ўзлаштиришга амалий ёрдам бермоғи даркор. Дарсда таълимнинг кўрсатмали ташкил этилиши ўқувчилар томонидан ўзлаштирилаётган материалларнинг қизиқарли, тез ва онгли ўзлаштиришга ҳамда мустақиллигини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди.

6. Билимни пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш қоидаси.

А.Р.Беруний ўқитиши жараёнида болаларга тушунарли бўлмаган сўзларни қуруқ ёлашга асосланган таълимни қаттиқ қоралийди.

Пухта ўзлаштиришнинг ҳарактерли белгиси билимни мустаҳкам эсга (хотирада) сақлаб қолинишдадир. Пухта ўзлаштириш учун қайтариш (такрорлаш) ва машқ ғоят қатта аҳамиятга эга. Қайтаришда фақат илгари ўзлаштирилган материалларгина эсга тушурилмай, ўзлаштирган билимларнинг ноаниқ, туманили бўлиб қолган томонлари ойдинлашади ва тўлдирилади. Ўтилган материални қайтариш-хотирада қайта тиклаш бир неча йўл билан олиб борилади. Қайтаришнинг аҳамияти ҳақида А.Р.Беруний “Билим такрорлаш ва қайтариш мевасидир”.

Қайтариш турлари дарснинг қайси босқичида қўлланиши мумкинилиги ва ўтилаётган мавзунинг ҳарактерига боғлиқдир.

Ўтилган мавзуларни асосий ва марказий масалалар юзасидан қайтаришнинг аҳамияти катта. Одатда бундай такрорлашлар бир қанча майда темачаларни ўтиб бўлгач, темачалар ўртасидаги боғланишларни аниқлаш, умумлаштириш мақсадида қайтарилади.

Кудалик такрорлаш. Ҳар куни ҳар бир дарс юзасидан олиб бориладиган такрорлашдир.

Такрорлашнинг иккинчи тури махсус такрорлашдир. Одатда бундай такрорлаш катта темаларни ўтиб бўлгач, шунингдек, маълум бир чорак ичида ўтилган материаллар юзасидан олиб борилади. Махсус такрорлашнинг кенг тарқалган тури ўқув йили охирида ажратилган соатларда ўтказилади.

7. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини хисобга олиш ва тушунарли қилиб ўқитиши қоидаси.

Таълим жараёнида ҳар бир синф ўқувчиларига хос умумий хусусиятларни ҳам шу синфдаги ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хусусиятини хисобга олган ҳолда иш қўриш муҳим дидактик аҳамиятга эгадир. Ибн Сино, Беруний ўқитиши жараёнида бўлган тушунарли бўлмаган сўзларни қуруқ ёлашга асосланган таълимни қаттиқ қоралайди. Беруний ёзади: “Тушуниш ёлашдан яхшироқ ва афзалдир”. Беруний педагогик ғояларидан энг муҳими билимни пухта ва мустаҳкам эгаллаш зарурлигидир. “Билимнинг шундай бўлиши керакки, у яланғочлигингда ҳам ўзингда қолсин, билимингни ҳаммомдаги қўллик ҳам юволмасин”. Билимларнинг ўқувчиларга тушунарли бўлиши таълимда самарадор бўлиш учун Беруний қўйидагиларга амал қилишни тавсия этади:

- сезги органларнинг маълумотларига кўра... билишни давом эттириш;
- фанни ўрганаётганда фикрлаш, хотиралаб эста олиш зарур;

- ўрганиётган илмларни тұла билиб олиш учун, ўша илмни ташкил этиб турған элементларини пухта ўрганиб чиқиш;

- билишда оддийдан мураккабга, маълумдан номаълумга, яқындан узоққа, осондан қийинга, далиллардан хulosаларга қараб бориши;

- узоқ ўтмишга оид билимларни ўрганишда шу илм, фан тарихини ўрганиш;

- ҳодисаларни, фан асосларини бир-бирларига таққослаштириб, солишистириб ҳар томонлама чоғиши тириб ўрганиш ва ҳ.к.

Ўқувчиларга таълим берішда баён қилинаётган билим болаларга тушунарли бўлиш керак. Шу билимларнинг тушунарли бўлиши учун уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари хисобга олинади. Ана шунинг учун ҳам янги билимларни баён қилиш, ўтилган материални мустаҳкамлаш, уйга вазифа топтириш ҳам, мустақил иш ва қўшимча машғулотлар ўтказиш пайтида болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларга амал қилинади.

Ўқитишининг болаларга тушунарли бўлиши қоидасида таълимнинг икки томонига эътибор берилади.

1. Ўқув материалларининг ҳарактери-мазмуни ва ҳажми шу синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос бўлиши.

2. Синф учун белгиланган билим ҳажми шу синф ўқувчиларининг савияларига мос бўлиши.

Дарсда берилаётган билимларнинг болалар томонидан пухта ўқиб олинишга эришиш учун мустаҳкам режага амал қилиниши, мазмуни ва ҳажми тўғри белгиланган бўлиши, материаллардан лўнда хulosалар чиқариши материалларнинг ишончли бўлиши учун факт, мисол, далиллар келтириш – кўрсатмали қуроллардан фойдаланиш, нутқнинг равон ва тушунарли бўлиши, материалларнинг турмуш билан, ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари билан боғлаб олиб бориши талаб қилинади.

Таълимни тушунарли бўлиш қоидаси ўқув ишларини осонлаштириб, соддлаштириб юборишни рад этади.

Машхур педагог Бурхониддин Зарнуджий “Ўқувчига таълим йўлида қўлланма” асарида “Ҳар бирингиз мурувватни эгаллашга ҳайриҳоҳлик билан интилинг, бироқ булардан энг долзарби, бу - кишиларда билимларни такрорлаштириб. Сен билимларни фақат мана шу олти ҳолатда, ўзлаштиришининг зарур бўлади”. Булар: ақл - фаросатлилик, кучли истак, чидамлилик, озгина ейимлик ва ичимлик, ўқитувчи таълими ва билим олиш учун етарли вақт.

Классик педагогик намоёндалар таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши юзасидан бир қатор қоидаларни ишлаб чиққанлар. Улар “дидактик қоидалар” деб юритилади:

1. Осондан қийинга қараб бориши.
2. Маълумдан номаълумга бориши.
3. Соддадан мураккабга бориши.
4. Яқындан узоққа қараб бориши.

Я.А.Коменский мазкур қоидага таъраф бериб бундай деб ёзган эди: “Ўқув материалларини шундай тақсимлаб чиқиши лозимки, аввал бола жуда яқин ва аниқ нарсаларни, сўнгра унча узоқ бўлмаган нарсаларни, кейин узокрок ва нихоят, энг узоқ нарсаларни билиб олсин”.

Педагогик машқ

Боғчадаги катта гуруҳда шуғулланаётган тайёрлов синфидағи дарснинг бир қисми билан танишинг.

- Бешни ҳоси қилиш учун қандай сондан түққизни айришимиз керак? – деб сўрайди ўқитувчи. Боладан бошқа ҳамма қўлини кўтаради. Ўқитувчи жойидан турғазади. У ўрнидан турди аммо гапирмасдан жим тураверди. Шунда ўқитувчи шундай иш тутди.

- Болалар, Илҳомга бир қарангизлар – а, - деди ўқитувчи. У қўлини кўтартмаяпти. У ўйлаяпти. Саволнинг жавобини топса албатта қўлини кўтаради. Ҳаммларингиз ундан ўrnak олишингизни сўрайман.

Дарснинг охирида Илҳом қўлини кўтарди. Ўқитувчи ундан жавобни эшитгач синфни бир айланиб, боланинг олдига келиб тўхтади ва унинг қўлини сиқиб: «Раҳмат!» - деди.

1. Вазиятни Илҳом нуқай назаридан, синф нуқтаи назаридан ва ўқитувчи нуқтаидан баҳоланг.

2. Ўқитувчи бундай одатдан ташқари усулни қўллаб, ўқувчининг ўз хоҳиши билан жавоб беришга эришиб қандай тарбиявий муаммони ечди?

3. Агар шунга ўхшаш вазият бошқа синфда содир бўлса, Сиз яна қандай таълим қоидаларидан фойдаланаңыз?

4. Агар шу сингари ўқувчининг билишини таъминлашда кўрсатмалилик, илмийлик, назариянинг амалиёт билан бирлиги қоидаларидан сиз қандай услубда фойдаланаңыз?

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Таълимда кўрсатмалилик қоидасини қандай тушунасиз ва бу ҳақда педагоглар қандай ғояларни илгари сурган? Таълимни муаммоли ташкил этишда кўрсатмаликнинг ўрни ва аҳамиятини қандай тушунасиз?

2. Таълимнинг тушунарли, пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш қоидасини қандай изоҳлайсиз? Уларни жорий этишда қандай муаммолар мавжуд?

3. Таълимда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш қоидасини қандай тушунасиз? У таълимнинг самарадорлигии ташкил қилишда қанақа муаммоларни ҳал этиш мумкин.

6. Таълимнинг яна қандай қоидалари мавжуд ва нима учун улар ўзаро ҳамкорликда, узвийлиқда ишлатилади? Таълим қоидаларининг ҳамкорлиги, узвийлигини таъминламасдан умумий таълим-тарбиявий мақсадга эришиши мумкинми?

6. Таълим қоидаларининг ҳамкорлиги ва узвийлигини таъминлашда қандай муаммолар мавжуд?

Адабиётлар

1. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент, 1997.
3. И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Тошкент, 1999. .
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётйўли. –Тошкент, «Ўзбекистон», 1992.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодий, сиёсий, мафкура. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999 .
7. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.
8. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992.
9. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоилилар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2001.
- 11. Ю.Х.Хожиб.** Қутадғу - билиг. Тошкент, «Фан», 1972.
- 12. А.Авлоний.** Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкент, 1992.
- 13. А.Р.Беруний.** Минералогия. Избр. Соч., Т. 2. Тошкент, 1966.
- 14. А.Р.Беруний.** Танланган асарлар., III жилд, Тошкент, 1966.
- 15. Абу Наср Форобий.** Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, 1993.
- 16. Ал-Фароби.** Социально-этическое тракты. Алма-ата, 1973.
- 17. Абу Али ибн Сино Тиб қонунлари.** 1-китоб, Тошкент, 1945.
- 18. А.Юғнакий.** Ҳийбатул ҳақойиқ. Тошкент, 1945.
- 19. Имом Исмоил Ал-Бухорий.** Ал-адаб ал-муфрад. Тошкент, 1990.
- 20. Амир Темур ўтитлари.** Тошкент. 1992 .
- 21. Саъдий Шерозий.** Гулистон. Тошкент, 1968.
- 22. З.Миртурсунов.** Ўзбек халқ педагогикаси. Тошкент, «Фан», 1973.
- 23. Ўзбек педагогикаси антологияси.** Тузувчилар: Н.Хошимов, С.Очил. Тошкент, 1995 .
23. К.Д.Ушинский. Избр. пед. соч. 1-том. Москва, 1974.
24. К.Д.Ушинский. Избр. пед. соч. 2-том. Москва, 1948 .
24. Аҳлоқ одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент, 1990.
25. Ганчаров Н.К. Метадология и методы педагогики как науки. Москва, 1968.
26. Бабанский Ю.К. Проблемы повышения эффективности педагогических исследований. Москва, 1982.
27. Мунавваров А.К. Педагогика. Тошкент, 1996.
28. Азаров Ю.П. Оила педагогикаси. Тошкент, 1988.
29. Харламов И.Ф. Педагогика. Москва, 1990 йил, 7-25 бетлар.
30. Турсунов И.И. Педагогика курси. Тошкент, 1997 йил, 3-7 бетлар.
31. Божович Л.И. Личность и ее формирование в детском возрасте. Москва, 1968.
32. Миллий қадрияллар ва таълим-тарбия муаммолари. Самарқанд,
33. М.А. Соколова. Қиёсий педагогика. Тошкент, 1983.

34. Умумий ўрта таълим тўғрисида Низом. Халқ таълими журнали. 1998.
 35. Г.А.Засобина. Педагогикадан амалий машқлар. –Тошкент, 1988.

МУНДАРИЖА

КИРИШ -----	3
1. Педагогика фанининг предмети ва илмий тадқиқот методлари -----	5
2. Педагогика фанининг асосий категориялари -----	10
3. Педагогика фанлари тизими -----	14
4. Педагогика фанининг илмий тадқиқот методлари -----	17
5. Ёш авлодни тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари -----	24
6. Ахлоқий, меҳнат, эстетик, жисмоний тарбияларнинг баркамол авлод тарбиясида ўрни ва аҳамияти -----	28
7. Ўқувчи шахсининг ривожланиши ва тарбия -----	34
8. Шахсга таъсир этувчи омиллар ва ўқувчи шахсининг ривожланиш даврлари -----	38
9. Ўзбекистонда таълим тизими ва турлари -----	44
10. Ўзбекистонда таълим тизими турлари ва унингиш мазмуни.-----	51

11. Ўзбекистонда олий ўқув юртидан кейинги таълим. -----	55

12. Ўқитувчи -----	58
13. Ўқитувчининг педагогик қобилияти ва маҳорати -----	61
14. Дидақтиканинг предмети ва вазифалари -----	66
15. Таълим жараёнининг моҳияти -----	72
16. Ўқувчилар билим эгаллашининг асосий босқичлари -----	76
17. Таълим мазмуни -----	80
18. Мактабнинг ўқув дастурлари -----	84
19. Таълим қоидалари, қонуниятлари. -----	87
20. Таълимнинг қўрсатмалилик, тушунарлилик, пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш қоидалари. -----	92
21. Адабиётлар -----	96

МАВЗУ: ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Режа:

1. Таълим методлари ҳақидаги тушунча. Шарқ мутаффаккирлари ва буюк педагоглар таълим методлари ҳақида.
2. Таълим методлариға қўйилидиган педагогик талаблар ва уларни гуруҳлаш.
3. Таълимнинг оғзаки методлари: тушунтириш, ҳикоя қилиш, сухбат, мактаб маъruzаси, китоб билан ишлаш методлари.
4. Таълимнинг кўрсатмали методлари: намойиш этиш, иллюстрация ва экскурсия.
5. Таълимнинг амалий методлари.

Таянч сўз ва иборалар: Метод, усул йўл, икки йўл, илҳомлаштирувчи сўзлар, мажбур этиш, оғзаки, кўргазмали, амалий, мустақил, мантиқий, назорат ва ўз - ўзини назорат қилиш, муаммоли, дастурлаш методлари, Амалий, машқ, лаборатория, тажриба, фронтал, грухли, индивидуал, муаммоли ўқитиши, фикрлаш, қидиришига ўргатиши мустақил ва х.к.

Кенг маънода метод юонча "Методост" сўзидан олинган бўлиб, "йул", "усул" иш услуби деган маънони англатади. Қўлланиладиган (ўқитиши) "метод" - термини кишиларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш, маълум объектни ўзлаштириш борасидаги назарий ва амалий фаолиятлари усуllibарини англатади.

Ўқитиши методи деганда таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кутилган мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги усуллари тушунилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида: "Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб боради. Таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мақсади ошиб боради, телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланади", деб таъкидланган.

Амалий фазилатлар ва амалий санъат (касб - хунар)лар ва уларни бажаришга одатлантириш масалага келганда, бу одатда икки йўл билан ҳосил қилинади: буларда биринчиси - қаноатбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади, одамдаги ғайрат, қасд – интилиш - ҳаракатга айлантирилади.

Иккинчи (усул) йўл - мажбур этиш йўли, бу усул гапга кўнмовчи қайсар шаҳарликлар ва бошқа сахрои халқларга нисбатан ишитилади. Чунки улар ўз истакларича сўз билан ғайратга киришадиганлардан эмас деб таъкидлаган А.Н.Форобий.

Ю.К.Бабинский таҳрири остида нашр қилинган "Хозирги замон умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиши методлари (1990 йил) китобида ўқитиши методлари қуидагича туркумланади".

1. Ўқитишининг оғзаки методлари.
2. Ўқитишининг кўргазмали методлари.
3. Ўқитишининг муаммоли - изланишлар ва репродуктив методлари.
4. Ўқитишининг мантиқий методлари: индуктив, дедиктив ва асослаш мантиқий методлари.
5. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини рағбатлантириш ва асослаш методлари:
 - а) Бўлимга бўлган қизиқиши шакллантараш методлари.
 - б) Билим беришдаги бурч ва масъулиятни рағбатлантириш методлари.
7. Ўқитищдаги назорат ва ўз - ўзини назорат қилиш методлари:
 - а) Оғзаки ва ёзма назорат методлари.
 - б) Ўқувчиларнинг тайёргарликларини лаборатория, лабаратория амалий йўллари билан назорат қилиш методлари.
 - в) Машина воситасида назорат қилиш методлари.
 - г) Ўз - ўзини назорат қилиш методлари ва ҳ.к.

Я.А.Коменский "Ўқитиши методларининг ўчи болада қизиқиши уйғотиши учун уни жонли қизиқарли қилиш зарур, ўқитиши ҳар қанча жиҳдий иш бўлса ҳам, дарсни дўстона, қизиқарли вазиятда, сухбат мусобақа, топшириқларни топшириш шаклида ёки ҳикоя ва масала шаклида ўтиш лозим" 1. Ўқитиши методи санъат даражасига кўтарилиши учун уни шундай пухта асосларга қўйиш керак, "ўқитиши ҳеч оғишмай олға қадам ташласин ва ўз натижаларида алданмасин" - деб ёзганди.

И.Г.Песталоцци методик танлашда боланинг ўз ички табиатини ҳисобга олган ҳолда табиатнинг адабий қонунларига асосланиши керак деб ҳисоблайди.

"Фақат битта метод, яъни табиатнинг абадий қонунларига тўла асосланадиган методгина яхшидир".

А.Дистервег ўқитишининг икки асосий методини баён қилувчи ва ўстирувчи методларини ажратади: "Ташқи томондан фарқ икки метод мавжуддир. Бири шундан иборатки, унда ўқувчиларга предмет айтиб берилади: иккинчиси шундан иборатки, унда ўқувчилар предметнинг ўзини яратишга ва шу билан бир қаторда ўқитишининг дорматик ва ўстирувчи (эвристик) методларини яратишга мажбур қиласди".

У таълим методларига таалуқли икки қоидани, яъни: "Метод танлашда предмет хусусияти билан ҳисоблашмоқ керак" ва Ўқитищ, жетоди ўқитувчи шахсииинг ўзи билан боғланган", - деган қоидаларни ифодалайди. Ҳозир ўқитиши методларининг самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан биридир.

Ўқитиши методларининг муваффақияти, самараси, натижаси кўпроқ, ўқувчилар фаолиятининг фаоллиги ва мустақиллигини таркиб топтиришга қўп жиҳатдан боғлиқ. Бу йўл ўқитиши методларини такомиллаштиришининг энг самарали шаклидир. Метод шундай вақтда самарали бўлиши мумкинки, ўқитувчи дарсда шундай вазият, шароит яратиши керакки, уларнинг мустақиллигини ошириш билан бирга, олаётган билимларни ўзлаштиришда ва фикрлашга ўргатиши зарур.

Ўқитиши методларини такомиллаштириш ўқувчи шахсини, унинг дунё қарашига, унинг педагогик - психологиях методик ва маҳсус илмий жиҳатидан тайёргарлигига боғлиқ. Ана шундай омиллар ўқитиши методларининг самарадорлигини ошириш омиллари ҳисобланади.

Яхши тайёргарлик кўрган ўқитувчида маълум танланган методларнинг устунлигини кўринади. Тайёргарлиги кам ўқитувчида бунинг акси бўлиши мумкин.

Мактаб таълим тизимида ўқитиши методлари билан бирга "методик усул" ва "восита"лар ҳам ишлатилади. Усул - методнинг бир қисми бўлгадидир. Масалан, ўқувчининг билимини ёзма текшириш методига хатоларни тузатиш усули киради.

Восита - маълум бўлган ёрдамчи ўқув материали - асбоб, қурол ва аппаратлардан фойдаланишдир. Ўқитиши методлари дарс характерига қараб турли - туман бўлиши мумкин. Лекин ҳар бир фанни ўқитишида ўзига хос умумий талабларни ҳисобга олиши керак. Масалан, физика, химия, биология фанларини лаборатория машғулотисиз ўқитиши мумкин бўлмаганидек, математика, она тили грамматикасини машқ қилмай, мисол ва масалалар ечмай туриб кутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Аксинча тарих, география дарсларида мисол ва масалалар ечишга ҳеч қандай зарурият йўқ.

Ўқитиши методларига қуйидаги педагогик талаблар қўйилади:

1. Тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширилишга қаратилиши.
2. Методнинг илмийлиги.
3. Методнинг оммабоплиги, метод ўқувчилар ривожланишининг психологик - педагогик имкониятларига мувофиқ бўлиши.
4. Ўқув материалини мустаҳкам әгаллашга қаратилганилиги.

5. Ўз ишида илғор методларни мунтазам ўрганиш, бошқалар тажрибасидан фойдаланиш зарурлигидан иборат.
6. Ўқитишик методлари ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига ва уларнинг самарали ўзлаштира олишларига имкон бериши.
7. Ўқитишик методлари бутун синф ўқувчилар фаоллиги ва мустақиллигини оширишга қаратилмоғи керак ва ҳ.к.

Мактабларда қўлланилаётган ўқитишик методлари хилма - хил бўлиб, уларнинг кенг тарқалганлари қуидагилар:

1. Ўқув материалларини оғзаки баён қилиш методи.

Ўқув материалини оғзаки баён қилиш методи мактаб таълими тизимида энг кўп қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, уни ҳамма фанлардан, ҳамма синфларда қўллаш мумкин. Бу методда ўқитувчи билимларни тўғридан - тўғри жонли нутқи билан баён қиласи ва ўқувчилар эса идрок қилиши билан характерланади.

Ҳикоя қилиш - ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга доир ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит қисмларга бўлиб, изчил баён қилинишидир. Ҳикоя қилиши давомида ўқувчилар фаоллигини ошириш, диққатини бир ерга тўплаш, уларнинг воқеа устида фикр юритиш ва алмашинишларига эришиши учун айрим саволлар бериб бориш кўрсатма материаллардан фойдаланиш керак. Ҳикоя қилишнинг муваффақиятли бўлиши ўқитувчи нутқининг равонлиги, тушунарли ва эмоционал бўлишига боғлиқ.

Тушунтириш - ўқитишининг ўқитувчи томонидан ўтилаётган мавзунинг мазмунини характерлайдиган тушунча, қонун ва қоидаларнинг баён қилинишидир. Ўқувчи маълум бир фаннинг бирор мавзусига доир қонун-қоидаларни қанчалик асосли эканлигини фактлар, мисол ва масалалар ечиш билан исботлаб беради.

Мактаб лекцияси методи - асосан ўрта мактабнинг VII - IX синфларида қўлланилади. Ўқитувчи маъруза методи билан иш кўрар экан, мавзунинг ҳар бир қисм албатта тугалланган бўлиши керак. Бу методда дарс олиб борган ўқитувчи мактаб таълим олдида турган умумий талабларга, тарбиявий қоидаларга, нутқининг тушунарли ҳамда эмоционал бўлишига эътибор бериши керак. Мактабда ўқувчиларни қисқача конспект олишга ўргатиш керак.

Суҳбат методи – бу метод кўп қўлланиладиган самарали методлардан биридир. Бу метод савол – жавоб методи деб ҳам юритилади. Чунки дарс жараёнида саволлар билан бутун синфга мурожаат қиласи, ўқувчилар жавоб қайтарадилар. Ўқитувчи томонидан берилаётган таълим мазмуни ҳажми ва шаклига боғлиқ.

Дарслик ва китоб билан ишлаш методи. Бу метод ҳам мактабда муҳим ўрин тутади. Китобсиз ундан фойдаланиш маданиятига эга бўлмай туриб, фан-техника сирларини эгаллаб бўлмайди. Ўқув амалиёти билан ишлаш психик жараённи ўз ичига олади. Ўқитишик жараёнида ўқитувчининг баён қилаётган билимларини ўқувчилар фақатгина эшитиб қолмасдан, шу билан бирга уни китоб матнидан кўриб, онгли идрок қилиши муҳим рол тутади. Дарслик ва китоб билан ишлаш методи икки шаклда олиб борилади:

1. Дарс жараёнида дарслик ва ўқув адабиёти билан ишлаш;
2. Синф ва мактабдан ташқари дарслик ва ўқув адабиёти билан мустақил ишлаш.

Намойиш қилиш ва иллюстрация ўқувчилар томонидан материалларни аниқ образлар орқали бевосита идрок этиш жиҳатидан муҳим аҳамиятта эга.

Ўқувчилар ўрганаётган буюм ва ҳодисаларни конкрет ва аниқ тасаввур этган тақдирдагина уларнинг олган билимлари чуқур ва пухта бўлади.

Таълимда намойиш қилиш методи кенг қўлланилади. Бу методдан дарсда кўпинча физика, химия, биология фанларига алоҳида табиий нарса ва буюм кўрсатилади. Таълим жараёнида намойиш қилиш методидан фойдаланиш жуда кўп жиҳатдан намойиш қилиш материалларининг характеристига, мазмунига, шакли ва ҳажмига боғлиқдир. Кўрсатма материаллардан ўз мазмуни ва характеристига кўра 2 турга бўлинади:

1. Табиий кўрсатмали материаллар: ўсимлик, ҳайвонлар, фойдали қазилмалар, уларнинг коллекциялари ва бошқалар.
2. Тасвирий кўрсатма материаллар. Тасвирий кўрсатма материаллари ҳам мазмуни ва тизими шаклига қараб 2 турга бўлинади.

а) Буюм, нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг тасвирини ифодаловчи расмлар – расм, сурат, фотосурот, диафильм, кинофильм ва ҳ.к.

б) Буюм, нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг бирор шартли белгиси орқали символик ёки график материаллар – география ва тарих карталари ва чизмалар, жадваллар ва бошқалар. Тасвирий кўрсатма материалларини ҳар икки шакли иллюстрация материаллари деб юритилади.

Ўқувчилар томонидан ўрганилаётган буюм ва ҳодисаларни жонли кузатиб, идрок этиш йўли билан илм асосларини эгаллашга экскурсия методи дейилади. Саъдийнинг “Тулистон” асарида “сафарнинг фойдаси кўпдир: бағри дилинг очилади, фойда топасан, ажойиботларни ткўрасан, ғойиботларни эшитасан, шаҳарларни томоша қиласан, дўстлар билан сұхбатда бўласан, билим орттирасан, молу-мулк, давлатингни кўпайтирасан, дўстларингни яқиндан таниб, тақдирни имтихон қиласан” дейилган. Экскурсия заводларга, фабрика, қўшма корхона кабиларда ўtkазилади. Экскурсия ўtkазишида бир қанча талабларга амал қилиш лозим. Экскурсия тўрт йўналишида бўлмоғи лозим:

1. Табиатни кузатиш ва ўрганиш мақсадида;
2. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига доир;
3. Ижтимоий ва майший мазмундаги;
4. Санъат ва адабиёт материаллари билан танишишига оид экскурсиялар.

Экскурсия қуйидаги тартибда олиб борилади:

1. Экскурсия ҳақида экскурсоводнинг муқаддама сұхбати;
2. Маршрут бўйича объектни кузатиш;
3. Экскурсия давомида ёки охирида зарур материалларни тўплаш.

1. Оғзаки, ёзма машқ ва график ишлари методи.
2. Амалий, лаборатория машғулоти методи.
3. Тажриба ер участкасида машғулот.
4. Муаммоли ўқитиши методи.

Бу методлар мухим аҳамиятта эга бўлиб, ҳамма синфларда, ўқув фанлари бўйича кенг қўлланилади. Машқ методи ўқувчилар ўзлаштирган билим ҳосил қилинган қўникмаларни мустаҳкамлаш ва уларни ҳаётда қўллай олиш қобилиятини ўргатиш мақсадида ташкил этилади. Ўқувчилар мустаҳқил ишларнинг хусусиятлари ва мазмунига қараб оғзаки, ёзма, график ва амалий турларда олиб борилади:

1. оғзаки машқ;
2. ёзма машқ;
3. график ишлар (метод);
4. амалий ишлари.

Ёзма ишлар: она тили ва адабиёт, математика, шунингдек, тарих ва география фанларини ўқитишида қўлланилади. Ўқувчиларнинг ёзма машқлари асосан қўчириб олиш, баён, ёзма иш қоғозлари, математикадан мисол ва масалалар ечиш кабилардан иборат.

График ишлар: ёзма ишлар жумласига кириб, ўқувчиларнинг ўзлаштирган ёки ўзлаштирган, билимларни онгли ва мустаҳкам эсда сақлаб қолишларига ҳамда шу соҳада қўникма, малакалар ҳосил қилишларига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг график ишлари қуйидагиларни ўз ичига олади: расм чизиш (ёки аслига қараб чизиш), география ва тарих фанларидан унчалик мураккаб бўлмаган карталар чизиш, чизма ва схемалар чизиш, жадвал, диаграмма ва графиклар, плакат, альбом, стендлар тайёрлаш ва бошқалар. График ишларни ўқувчилар бажарганда, ўқитувчилар камчиликларни ўз вақтида ўқратишлари керак.

Лаборатория машғулотлари методи. Лаборатория ишлари деб ўқувчилар томонидан мактаб шароитида нарса ва ҳодисаларни маҳсус жиҳозлар воситасида (микроскоп, ўлчов асбоблари, тажриба жиҳозлари ва шунингдек кабиларда) бевосита ўрганишга айтилади. Бу метод асосан V-IX синфларда физика, химия, биология ва табиий география фанларини ўқитишида қўлланилади. Лаборатория машғулотлари маҳсус жиҳозланган лаборатория, кабинет ҳамда тегишли аппарат, микроскоп, лупа, колба, ўлчов асбоблари ёрдамида оддий синф хоналарида, мактабларнинг ер участкаларида олиб борилади. Лаборатория машғулотлари ўқитувчи томонидан илгари баён қилинган материалларни аниқлаш, исбот қилиш ва мустаҳкамлаш мақсадида олиб борилади. Юқори синфларда янги билимларни беришда ҳам ишлатиш мумкин. Лаборатория дарси машғулотлари кўпинча 3 турда бўлади:

1. Кузатиш;
2. Тажриба ёки эксперимент ўтказиш;
3. Тегишли асбоб-ускуналар ёрдамида, воситада маълум объектни ўлчаб, кўришда ишлатилади.

Лаборатория машғулотлари характерига қараб турли типда ташкил қилинади: 1. Синф ўқувчилари билан фронтал равищда олиб бориладиган машғулотлар. 2. Синф ўқувчисининг алоҳида-алоҳида олиб бориладиган тажриба машғулотлари.

Амалий ишлар методи – умумий ўрта таълим мактабларида техника ва меҳнат малакалари билан қуроллантириш мақсадида амалий ишлар олиб борилади. Физика, химия, биология, чизмачилик фанлари ўқувчиларга техника таълим мини беришда муҳим роль ўйнайди. Техник таълими ўқувчилардан бевосита ишлаб чиқаришнинг дастлабки меҳнат кўнижмалари билан қуролланишни ҳам талаб қиласди. Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синфларида ўқув устахонаси ва тажриба ер участкасида бир қанча амалий тажриба ишлари олиб борилади. Масалан: ёғоч ва материаллар билан ишлаш.

Юқори синфларда мактаб ер участкасида амалий тажриба олиб борилади. Амалий машғулотларни олиб боришида шу машғулотларнинг характеристига қараб хилма-хил метод ва усуллар қўлланилади. Амалий ишлар охирида ўқитувчи ўқувчилар ишини текширади, баҳолайди, амалий ишларга якун ясайди.

Тажриба ер участкасида амалий машғулотлар. Ўқувчиларнинг амалий тажриба машғулотлари мактаб жонли бурчаги ва тажриба ер участкасида олиб борилади. Амалий ишлар ўқув фанлари, физика, химия, биология, табиатни ўрганиш дарсларида илмий билимлар асосида олиб борилади. Мактаб ер участкасида ишларни асосан ўқувчилар жамоалари амалга оширади. Мактаб ер участкасида асосан иш тури экин майдонларини ҳайдаш, экиш, ўғитлаш, суғориш кабилар ҳамда оталиқ ташкилотлари иш участкаларида, паррандачилик, суттовор фермаларида ҳам ўтказишлари мумкин.

«Тарбиячи ўз шогирдларининг мустақил ишлашига қўпроқ имконият яратиб бермоғи лозим. Ўқувчини тайёр хulosалар билан қуроллантиришдан кўра унинг ўзига тўғри хulosалар чиқаришни ўргатмоғи лозим», - деб таъкидлаган К.Д.Ушинский. Швейцария педагоги И.Г.Пестоваложка: «Менинг ўқувчиларим янгиликни мендан олмайди: улар бу янгиликни ўзлари кашф этадилар. Менинг асосий вазифам – уларни ўзларини намойиш этишга, мустақил ғояларини ривожлантиришга ёрдам беришдан иборат» деган.

Мактабда таълимнинг муаммоли ўқитишиз тасавуур этиш мушкул. Унинг асосий мақсади ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш орқали билиш қобилятиларини ривожлантиришдан иборат. Ҳар қайси фанни ўқитишида муаммоли таълим шу фаннинг ўзига хос хусусият ва мазмунидан келиб чиқиб ташкил этилади. Муаммоли таълимда муаммоли вазиятни юзага келтириш, ўқувчиларни мазкур вазиятни қидириб топишга, ихтиро қилишга ўргатишини вазифа қилиб олади. Албатта, ўқитувчи йўналтирувчи шахс ҳисобланади. Бунда ўқувчиларнинг ўзлари мавжуд бўлган билимларга таяниб иш тутади. Энг муҳими ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ва уларни амалда қўллашга ўргатади. Масалан, бошланғич синфларда табиатшунослик фанидан қуйидагича ташкил этиш мумкин.

Табиатшуносликдан муаммоли ўқитишини ташкил қилиш

Илдиз, поя, япроқ, гул сингари тушунчалар ўқувчиларга илгаридан маълум. Синфа кўргазмали қуроллар: турли ўсимликларнинг ҳосил ва мевалари бор. Ўқитувчи ўқувчиларга тирик ўсимликларда илгари ўрганиб чиқилган ҳамма қисмларини кўрсатиши талаб талаб этади. Ўқитувчи яна, болалар поя, илдиз, япроқ, гул ва бошқалардан ташқари нимаси бор деб сўрайди.

Ўқувчи: яна помидор ҳам бор (ҳосилни кўрсатади).

Ўқитувчи: бу ўсимликнинг қандай қисми? (болалар билишмайди). Булар ҳосили. Энди стол олдига келиб бодринг ҳосилини кўрсат. Энди бу мевалар қандай рангда эканлигини айт. (Ўқувчи уларни рангини айтади)

Ўқитувчи: бу меваларнинг мазаси бир хилми?

Ўқувчи: ийқ, ҳар хил.

Ўқитувчи: бундан чиқди ҳамма мевалар бир-бирига ўхшамас эканда, нега бўлмаса уларни бир хилда «мевалар» деб аталади?

Эҳтимол, улар ҳар ҳолда бир нарсаси билан бир-бирига ўхшаса керак, эҳтимол уларда бирор бир умумий нарса ҳам бордир?

Ўқувчи: булар мевалар, чунки уларни биз еймиз, уларнинг маъзаси яхши.

Ўқитувчи: конфетни ҳам ейсан, унинг ҳам маъзаси яхши. Сенинг-ча бу ҳам мевами?

Ўқувчи: конфет мева эмас, у ўсмайди. Мевалар ўсимлиқда ўсади.

Ўқитувчи: тўғри, мевалар ўсимлиқда ўсади. Япроқ ва гуллар ҳам ўсимликларда ўсади-ку. Уларни мевалардан қандай фарқлаш керак? (Ўқувчилар жавоб берса олмайди). Майли. Мен сизларга ёрдам бераман. Келинг меваларни кесиб кўрайлик-чи, ичида нимаси бор экан. Бунда умумий муаммо бир қанча якка муаммоларга бўлинади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Таълим методлари нима ва улар қандай туркумланади?
2. Таълим методларига қандай педагогик талаблар қўйилади ва уларни изоҳланг?
3. Таълимнинг оғзаки методлари нима ва уларга қайсилар мансуб?
4. Таълимнинг кўрсатмали методларига қайсилар мансуб ва уларни педагогик асосланг?
5. Таълимнинг амалий методлари нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
6. Муаммоли таълим методи нима ва унинг мазмунини асосланг.
7. Таълимнинг яна қандай методлари мавжуд ва нима учун турли номлар билан айтилади?

МАВЗУ: ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ШАКЛЛАРИ

Режа:

1. Таълим жараёнининг шакллари ҳақида тушунча.
2. Я.А.Каменский синф - дарс тизимининг назарий асослари.
3. Дарс - мактабда таълимни йўлга қўйишининг асосий шакли.
4. Дарсга бўлган ҳозирги замон педагогик талаблар.
5. Мактабда дарсларнинг таълимий, тарбияловчи ва ривожлантирувчи вазифалари.
6. Дарс типлари ва тузилиши.

Таянч сўз ва иборалар:

Таълим шакли, синф - дарс тизими, белланкастр, Далътан - план, Транп - план, лаборатория - бригада, асосий шакли, таълимий, тарбияловчи, ривожланувчи, дарс типлари, ўз мутахассислиги, дарсни режалаштириш, дарс режаси, амалий машгулот, экслеурсиялар, синфдан ташқари ўқиш, мустақил иш ва ҳк.

Кишилик жамиятигининг тарих тараққиётида (дастлабки даврда) ўқитиш иши одамларнинг меҳнат фаолияти билан узвий боғланган эди. Болалар катта ёшдагиларга тақлид қилиб, уларнинг иш усусларидан намуна олиб, қўлларидан

келадиган унумли меҳнатда ва уй ишларида қатнашиб, шу йўл билан катталар тажрибасини ўрганар эдилар.

Меҳнат фаолияти ва билимлар мураккаблаша бориши билан болаларнинг ўтмиш аждодлар тажрибасини ўзлаштириш вазифаси ўқитишининг маҳсус ташкилий шаклларини тақозо қиласди. Натижада мактаб вужудга келди. Болаларни гурӯҳ қилиб ўқитиши (тўплаб) пайдо бўлади. Қадимги Хитой, Миср, Юнонистон мактабларида, ўрта аср мактабларида болалар гурӯхлаб ўқитилади. Бу гурӯхлаб ўқитишининг дастлабки шакли эди. Гурӯхлар ўзгарувчан эди, билим даражаси, ёши ва ақли ҳар хил даражада ўсган болалар бир гурӯхда ўқитилар эди.

Қадимги дунёда ва ўрта асрда ўқитиши кўпроқ индивидуал шакли кенг ривожланган эди. Бу кейинчалик ўзини оқламади.

Мактаб таълим ишлари ҳар хил шаклларда олиб борилади. Мактабнинг тарихий тараққиёти билан таълимни йўлга қўйиш шакллари ҳам ўзгариб боради. Я.А.Каменский тарихда биринчи бўлиб мактаб таълим тизимида синф - дарс тизимини яратди. Левин синф - дарс тизими Ўрта Осиёдаги, жумладан эски ўзбек мактабларига инқиlobгача таъсир қилмади. Бу мактабларда ўқишига ўқувчилар қабул қилишининг маълум вақти йўқ эди. Шунинг учун 20 - 30 ўқувчининг билим даражалари ҳам турлича бўлар эди.

Мактаб барпо қилинишининг дастлабки кунларидан бошлабоқ синф- дарс тизими янги тараққиёт даражасига ўтди. Мактабнинг душманлари XX асрнинг бошларида АҚШда пайдо бўлган Дальтон - план асосидаги таълимни ҳеч ўзгаришсиз, фақат номини ўзгартириб, "лаборатория - биргада методи" деб атаб, уни мактабга тадбиқ қила бошладилар.

Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш

Миллий дастур "Таълим ўз ичига мактабгача тарбия, умумий, ўрта, ўрта маҳсус, касб - хунар таълимини қамраб олуви янги узлуксиз изчил тизими барпо этилади ва яна илғор педагогик технологиялар, таълимнинг янги шакллари ва услублари амалиётга жорий этилади", - деб таъкидланган.

Дарс – ўқув ишларининг асосий ташкилий шаклидир. **Синф** – ёши ва билим жиҳатдан бир хил бўлган, маълум микдордаги ўқувчилар гурӯхи. **Дарс** – ўқитувчининг раҳбарлигида муаймян вақтда синф ўқувчилари билан олиб бориладиган машғулот. Ҳозир мактабларимизда синф - дарс тизими асосан қуйидаги шаклларда олиб борилади:

1. Ёши ва савияси бир хил бўлган болаларнинг доимий гурӯхи билан;
2. Дарс машғулоти 45 дақиқага мўлжалланган бўлиб, қатъий жадвал асосида ўтада;
3. Дарс ўқитувчи ва ўқувчилар активлигида асосланиб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида ўтади;
4. Ўтиладиган материалнинг мазмунига қараб турли методлар қўлланилади. Дарсда бир нарса ҳақида тутал билим берилиши ва навбатдаги билимларни ўзлаштиришга замин яратиши керак.

Бироқ мактабларда ҳозир фақат машғулотлар синф - дарс тизимида олиб борилмайди. Шунинг учун мактабда таълммни йўлга қўйиш шакллари икки турга ажратилади:

1. Синф - дарс тизимида олиб бориладиган машғулотлар;
2. Амалий ва тажриба ишлар шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

Ҳозирги замон дарсига қўйилган талаблар қўйидагилардир:

1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни назарда тутиши ва пухта режадаштирилган бўлиши лозим.

2. Ҳар бир дарсда мустаҳкам ғоявий - сиёсий йўналиш бўлиши лозим. Дарс ўқувчиларни сиёсий тарбиялашни, жамият ва табиатнинг тараққиёт қонуниятларини, билимнинг турлари билан боғланишини таъминлаши даркор.

3. Ҳар бир дарсда хилма - хил метод, методик усул, воситалардан, кенг ва унумли фойдаланиш лозим.

4. Дарсга ажратилган ҳар бир соатни тежаш, ундан самарали фойдаланиш керак.

5. Дарслиқда юксак даражада интизом бўлиши керак.

6. Ҳар бир дарсда ҳалқнинг бой педагогик мероси, урф - одати ва қадрияларидан кенг фойдаланмоқ керак.

7. Дарс назарий билимларни амалиётида тадбиқ қилишга ўргатиши керак.

8. Ҳар бир дарс ўқитувчин ва ўқувчиларнинг актив фаолият бирлигини таъминламоғи керак.

9. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолияти бирлашгандагина қўйилган мақсадга эришиши мумкин. Бунинг учун: ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланган бўлиши билан бирга, уни амалга ошириш учун қандай дарс типи ва ўқитиши методларидан фойдаланишини аниқ белгилаш;

воситаларни тўғрн танлаши ва ишлатиши;

синф жамоаи ва ҳар бир ўқувчи билан мос муамолада бўлиши;

синф ўқувчиларининг дарсдаги активлиги ва мустақиллигини таъминлаш чораларини режалаштириш (оғзаки, ёзма, график шаклидан) унумли ва самарали фойдаланиш ва ҳ.к.

10. Дарс машғулоти бутун бир синф ўқувчилари диққатини, бир ерга тўплаган ҳолда олиб борилиши ва айни вақтда ҳар бир ўқувчининг индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиши керак ва ҳ.к. Ҳозирги мактабларда дарслар учта вазифани бажаради: Биринчи вазифаси қанақа фан бўлишидан қатъий назар ўқувчиларга таълим беради. Яъни мазкур фанга мос илмий билимлар, сабоқлар беради. Иккинчи вазифаси мазкур фаннинг ўз мазмуни ва хусусиятларидан келиб чиқиб ўқувчиларни тарбиялайди. Яъни ўқувчининг мафкураси, дунёқараши, маънавий ахлоқий, ватанпарвар, инсонпарвар каби фазилатларини шакллантирилади. Учинчи вазифаси биринчи ва иккинчи вазифалари натижаси ҳисобланиб ўқувчи шахсини ривожлантириш. Соддороқ қилиб изоҳласак, ўқувчининг олган таълим – тарбияларини амалда қўллашга ўргатиши вазифасидир. Таълимнинг умумий вазифаси ўқувчи шахсини шакллантиришdir.

Дарс типлари ва структураси. Ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда машғулотларнинг асосий қисми дарс типини ташкил қиласди. Мактаб таълими тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс типлари қўйидагилардир:

1. Янги билимларни бериш дарси.

2. Ўтилган материални мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш дарси.
4. Такрорлаш – умумлаштириш дарси.
5. Арадаш дарс (юқоридаги дарс типларининг бир нечтаси бир вақтда қўлланилади).

Мактабдаги энг кўп қўлланиладиган дарс типларидан бири – янги билимлар бериш дарсидир. Одатда бу дарс типи қуйидагича тузилади:

- янги билимларни баён қилиш;
- янги билимларни мустаҳкамлаш;
- янги билимлар устида машқ қилиш;
- янги билимларга боғлиқ ҳолда уй вазифалари топшириш ва ҳ.к.

Ҳар бир синфда ҳар бир фанга оид дарс турлича тузилади. Дарс қанчалик хилма-хил тузилмасин, унда умумийлик шунчалик кўп бўлади. Ўрта мактаблардаги дарснинг тузилиши асосан қуйидагилардир:

1. Ўтган дарсда ўтилган материалларни сўраш, ўқувчилар билимини текшириб кўриш дарслари.
2. Янги материални баён қилиш дарслари.
3. Янги материални мустаҳкамлаш ва такрорлаш.
4. Текшириш дарслари ва ҳ.к.

Дарс типлари. Билимларни мустаҳкамлаш дарсининг тузилиши:

1. Ташкилий қисм.
2. Дарснинг мақсадини белгилаш.
3. Уйга берилган топшириқларнинг бажарилишини текшириш ва ўрганилган материални машқлар, амалий лаборатория ва бошқалар ёрдамида эсда яхши қолдириш.
4. Дарсни якунлаш ва уйга бажариш учун топшириқ бериш.

Текшириш дарсларининг тузилиши:

1. Ташкилий қисм.
2. Дарснинг мақсадини тушунтириш.
3. Назорат ишлари.
4. Дарсни якунлаш.

Дарс жараёни фронтал, гурухли, индивидуал ташкил этилади. Лаборатория ишлари машғулотнинг характеристига қараб турли типда ташкил қилинади:

1. Синф ўқувчилари билан фронтал равишда олиб бориладиган машғулот.
2. Гурух, яъни 6-7 ўқувчи билан олиб борилади.
3. Синф ўқувчиларининг ҳар қайсиси билан алоҳида-алоҳида олиб бориладиган тажриба машғулотлари.

Фронтал равишда олиб бориладиган машғулот типи ўқитувчининг раҳбарлигига синфдаги ҳамма ўқувчиларнинг бир хил асбоблардан фойдаланган ҳолда бир турдаги тажриба устида ишлашдир. Лекин ҳамма вақт ҳам ўқувчиларни зарур бўлган асбоблар билан таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун

ронтал равища олиб бориладиган лаборатория машғулотлари икки шаклда индивидуал ва бригада (гуруҳли) шаклида йўлга қўйилади. Бунда ўқитувчи ўзига ёрдамчилар тайинлаб олиши мумкин. Ўқитувчи тажрибани бошлашдан олдин ўқувчиларга йўл-йўриклар бериши керак.

Юқори сирфларда ўқувчиларнинг индивидуал олиб бориладиган мустақил тажрибалари фаолият тарзда ўтказиладиган машғулотлардан фарқ қиласди. Индивидул машғулотлар экспериментал тажриба масалаларни ечишга қаратилган амалий ишлардан иборат бўлиб, бунда машғулотларда ҳар қандай ўқувчи алоҳида-алоҳида тажриба устида иш олиб боради.

Ўқувчиларнинг индивидуал тажрибаларининг натижалари ёзма равища якунланади.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги. Ўқув машғулотининг муваффақияти асосан ўқитувчиларнинг дарсга тайёргарлигига боғлиқдир. Ўқитувчининг тайёргарлиги асосан икки йўл билан олиб борилади:

1. Ўз мутахассислиги бўйича олиб бориладиган умумий тайёргарлик;
2. Кундалик дарс режаси, яъни дарс конспекти.

Календар режа ҳар бир фан юзасидан ҳар бир ўқитувчи томонидан тузилади. Календар режа биринчи ва икkinchi ярим йиллар учун тузилади. Кундалик дарсга тайёргарлик кўришда дастур билан танишади. Дарсликлар, хрестоматия материаллари, шу мавзуга доир журнал материаллари билан танишиши ва кўрсатма материалларни тайёrlаш керак.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлари. Ўқувчи уй вазифасини бажариш натижасида ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлади. Ўзлаштирган материаллар юзасидан онгли фикр юритишга, ҳосил қилинган кўникма ва малакаларни турмушда кўллай олишга ўргата боради. Мактаб ўқувчиларига бериладиган уй вазифаларнинг турлари жуда ҳам хилма-хилдир. Дарслик ва китоб билан ишлаш, қоида ва қонунларни ёд олиш, ёзма ва оғзаки машқлар бажариш, иншо ва баён ёзиш, мактаб тажриба-ер участкаси ва жонли бурчакларда ўсимлик ва ҳайвонларни кузатиш юзасидан олиб бориладиган мустақил ишлардир. Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, бальзан уй вазифаларини топширишда қўпол ҳолатларга йўл қўйилади. Уй вазифаларининг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан ўқитувчининг пухта ўқтиришига боғлиқ. Уй вазифаларини дарс охирида шошма-шошарлик билан топшириш ярамайди.

Мактабда ўқувчиларнинг меҳнатдан, биологиядан, жисмоний тарбия фанларидан машғулотлар ўқув устахоналарида, ер участкасида, спорт майдончаларида ташкил этилади. Бу машғулотларни ўтказишдан мақсад ўқувчиларни олган назарий билимларини амалиётга қўллаш кўникмасини шакллантиришдан иборат. Бундай машғулотлар ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб ташкил этилади ва маълум педагог талаблар асосида ўтказилади.

Мактабда ўқувчиларни ҳаётга тайёrlашда ва билиш қобилиятларини ривожлантиришда синфдан ташқари ўқишини ташкил этиш муҳим роль ўйнайди. Синфдан ташқари ўқиш барча фан ўқитувчилари ва кутубхоначилар томонидан ташкил этмоқлари зарур. Унда кўзда тутилган мақсад дастурда кўзда

тутилмаган кенг ҳажмдаги қўшимча материаллар ўқувчиларнинг ўзлаштириши учун тавсия этилади. Дарсдан ташқари мунозаралар, конференциялар уюштирилиши ҳам мумкин. Энг асосий ўқувчиларнинг қизиққан соҳалари бўйича билишини ривожлантириш, ўқишга иштиёқини тарбиялаш, китоб билан ишлашга ўргатишдан иборат. “Одамлар ўқищдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар”, - деган Дини Дидро. Таълимни ёдга қўйишининг дарс, лаборатория, экскурсия, амалий машғулот, коллеквиум, уй вазифалари, қўшимча консультация, назорат ишлар, топшириқ ва ҳоказо шакллари мавжуд.

Экскурсияни ташкил қилиш таълимнинг бошқа шакларидан тубдан фарқ қиласди. Экскурсия 4 йўналишда уюштирилади:

1. Табиатни кузатиш ва ўрганиш мақсадида олиб бориладиган экскурсиялар.
2. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид экскурсиялар.
3. Ижтимоий ва майший мазмундаги материаллар билан таништиришга оид экскурсиялар.
4. Санъат ва адабиёт материаллари билан таништиришга қаратилган экскурсиялар.

Экскурсиянинг муваффақиятли чиқиши уни ўтказиш учун кўрилган тайёргарликка боғлиқ. Экскурсия ўқувчиларни режа билан таништириш ҳамда обьект устида қисқача маълумот бериш билан бошланади. Экскурсия қўйидаги тузилишда олиб борилади.

1. Экскурсия ҳақида экскурсияводнинг дастлабки кириш сухбати.
2. Маршрут бўйича обьектни кузатиш.
3. Экскурсиялар давомида керакли материалларни тўплаш.
4. Экскурсияни якунлаш.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Нима учун ўқитувчи таълим жараёнининг шаклларини ўрганаади?
2. Я.А.Каменскийнинг синф - дарс тизими мазмунини изоҳланг?
3. Нима учун дарс таълимни йўлга қўйишининг асосий шакли?
4. Ҳозирги замон дарсига қандай педагогик талаблар қўйилади?
5. Дарс қандай вазифани бажаради?
6. Дарс типлари нима ва унинг қандай типлари мавжуд? Уларни бир-биридан қандай фарқлайсиз?
7. Нима учун ўқитувчи дарста тайёрланади ва унинг қандай турлари мавжуд?
8. Ўқитувчининг қандай режалари мавзу ва улар мазмунини қай тарзда изоҳлайсиз?
9. Амалий машғулотлар ва экскурсиялар нима мақсадда ташкил этилади?
10. Ўқувчилар мустақил ишларининг қандай шакллари мавжуд ва қайси мақсадда ўтказилади?

МАВЗУ: ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ, КЎНИКМА, МАЛАКАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА БАҲОЛАШ

Режа:

1. Ўқувчилар ўқув фаолиятига раҳбарлик, бошқарув ўқув жараёнида назорат эканлиги.
2. Ўқувчилар билим, кўникмаларини текширишнинг мақсади, мазмуни ва турлари.
3. Ўқувчилар билим, кўникмаларининг сифат мезонлари.

Таянч сўз ва иборалар:

Билим, кўникма, малака, баҳолаш тизими, рейтинг, жорий, оралиқ, босқичли, яқуний назорат, сифат мезонлари, давлат таълим стандартлари ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомнинг (1995 йил 5 январ) 4 ўқув тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмунни бўлими 4,4 бандида ўқувчилар билими сифатини ва ўқитиш натижаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини назорат қилишни тъминлаш учун шу қуиидаги назорат тартиботларини ўтказиш назарда тутилади:

Жорий назорат – сўровлар, коллеквиумлар, семинарлар, назорат ишлар, тестлар тарзида ўқувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмалари мунтазам назорат қилинади;

Оралиқ назорат – чорак тамом бўлганда ва ўқув дастурларининг тегишли бўлимлари, малака ва кўникмаларини баҳолаш учун амалга оширилади. У имтиҳонлар, тестлар, синовлар ва малакага доир ишлар шаклида ўтказилади;

Босқичли назорат – ўқув йили тамом бўлганидан кейин имтиҳонлари, тест синовлари шаклида амалга оширилади. Унинг асосида рейтинг аниқланади ва ўқувчини навбатдаги синфга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

Яқуний назорат – ўқиши тугатилганидан кейин давлат аттестацияси шаклида ўтказилади.

4,5 умумий таълим дастурларини давлат таълим стандартларини доирасидан мустақил ўзлаштирган ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Экстернат тўғрисидаги Низом асосида, экстернат тартибида аттестациядан ўтиш хукуқи берилади.

Имтиёзли аттестация 5-9 синфларда ўқиши даврида ўзлаштириш (рейтинг) бўйича фақат аъло кўрсатгичларга эга бўлган битирувчиларга берилади.

Ўрта маҳсус қасб-хунар коллажларида босқичли назорат ўтказилмайди. Оралиқ баҳолашда курс иши ва босқичли назоратда у имтиҳонлар, тестлар, малака ишлар ва диплом ҳимояларини ҳимоя қилиш шаклида амалга оширилади.

Мактабда ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ҳисобга олиш, текшириш ва уларга баҳо қўйиши таълим тарбиянинг зарур ва муҳим қисмидир. Бу ишнинг тўғри йўлга қўйилиши давлат учун, мактаб, ўқувчилар ва ота-оналар учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш асосида давлат таълим-тарбия сифатини, бу соҳада юз берган камчиликларга ўз вақтида барҳам бериш, мактаб, ўқитувчи ва ўқувчи ишини ҳар томонлама яхшилашга керакли тадбирлар белгилайди. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиш, ўқув методларининг ва заиф томонларини ўқувчиларнинг дарс материалларини қандай ўзлаштираётганлигини аниқлаб олишга имкон беради. Ҳар бир ўқувчини ҳар томонлама яхши билишга ёрдам қиласи. Ўқитувчи ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини текшириш асосида ўқувчиларнинг ўқув дастури ҳажмида билим, кўникма, малакаларини пухта ўрганиб олишларини таъмин этиши учун дарс материали устида яна қандай ишлаш кераклигини кўрсатади, дарсдан улгурмаётган ўқувчиларни ўз вақтида тезда тегишли чоралар кўради. Шу билан бирга текшириш ўқитувчининг ҳам ўқучининг ҳам ўзига талабчанлигини кучайтиради. Ҳар бир ўқувчининг ўқишида ўзининг ютуқ ва камчиликларини, ўқув материалининг қайси қисми пухта, қайси қисмини бўш ўзлаштирганигини аниқлашга ёрдам беради. Ўз-ўзини текшириб боришга ўзи ўзини танқид қилишга одатлантиради, интизомликка ва қунт билан ўқишига ўргатади, уларда кучли иродада ҳамда ижобий характер вужудга келтиради ва тарбиялади. Мактаб, ота-оналарни эса давлат олдида ўз масъулияти ва виждан бурчини тушунтиришга ўргатади.

Ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиш ва текшириш ота-оналарнинг ўз болалари қандай ўқиётганликларини, дарсдан улгуриш улгурмасликларидан хабардор бўлиб туришларига ёрдам беради. Уларнинг ўз

болаларининг ўқишилари ва тарбияси учун жавобгарлигини оширади. Масалан, айрим ота-оналар болаларининг ўқишиларидан хабардор бўладилар. Ўқувчиларнинг билим, қўникма ва малакаларини ҳисобга олиш ва текшириш иши аввало ўқувчиларни кунсайин ўрганиб бориш ва уларнинг дарсдан улгуришларини текширишни ўз ичига олади. Ўқитувчи ўқитиш жараёнида ҳар бир ўқувчини диққат билан ўрганиб бориши лозим. Ўқитувчи ана шу ўрганиш асосида ҳар чорак охирида, ҳар бир ўқувчининг маълум бир фанни қанчалик ўзлаштирганлиги ҳақида характеристка беришга мажбур.

1. Ўқитувчи ўқувчиларни режали ва тизимли суратда кузатиш йўли билан ўрганади, ўқитувчи ўқувчиларни дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда кузатиб боради. Кузатиш унга ўқувчининг ишига, ўқишига муносабатини, ўқувчининг қизиқишилари ва нималарга мойил бўлганлигини унинг индивидуал хусусиятларини ва қобилиятини билиб олишга ёрдам беради.

2. Ўқувчилар сухбат йўли билан ҳам ўрганилади. Сухбат синф жамоаси ёки айрим ўқувчилар групхи билан, шунингдек якка-якка ҳам ўтказилиши мумкин. Ўқувчилар ҳақида тўлароқ маълумотга эга бўлиш учун ўқитувчилар, мактаб врачи, айниқса, ота-оналар билан фикр алмашиши катта аҳамиятга эга.

3. Яна уларнинг шахсий ҳужжатларини диққат билан кўриб чиқиш орқали ҳам ўрганилади. Ўқитувчи ўз ўқувчиларини қанча аниқ ва ҳар томонлама яхши билса, таълим-тарбия ишилари шунча муваффақиятли бўлади. Ўқувчиларни билиш ўқитувчининг бутун синфга, ҳар бир ўқувчига таълим ва тарбия беришнинг энг яхши усул ва воситаларини танлаб олиб, улардан самарали фойдаланишга имкон беради. Ўқувчиларнинг заиф томонлари ва нуқсонларини йўқотишга ижобий томонларини ўстириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ўқувчилар билимлари, қўникмаларини ҳисобга олишнинг энг муҳим қисми уларнинг билимни ўзлаштиришларини текширишdir. Мактабда ўқувчиларнинг билимни текширишнинг қўйидаги турлари – дастлабки тахминий текшириш, кундалик текшириш, мавзулар бўйича текшириш ва якуний текширишдан иборат.

I. Дастлабки тахминий текширишнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг янги ўқув материалини онгли идрок қилиши ва муваффақиятли эгаллаш учун керак бўлган тайёргарлик даражасини аниқлашдан иборат. Одатда текширишнинг бу хили ўқув йилининг бошида ёки ўқув дастурининг навбатдаги бобини ўтишига киришиш олдидан ўтказилади.

II. Кундалик текшириш – ҳар куни, ҳар дарса мунтазам равища, режали тарзда ўтказиладиган текширишdir. Бу текширишнинг асосий вазифаси ўтилган материални қайтариш билан бирга, янги ўқув материалини ўзлаштирилиш даражасини аниқлашdir. Кундалик текшириш катта тарбиявий аҳамиятга эга. Дарсда ҳар куни ўтказиладиган бу текшириш, ўқувчиларни тизимли пухта ишишга ўргатади. Шунингдек, бу текшириш ўқувчиларга билим, қўникма ва малакаларни сингдириб боришига ва иродасини ўстиришга ёрдам беради.

III. Якуний текшириш – ўқув чораги ва ўқув йилининг лхирида ўтказилади. Унинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ўқув чорагида ёки ўқув йилидаги материалининг эгаллаш даражасини аниқлашдан иборат. Ўқувчилар билим, қўникма ва

малакаларини текширишда мактабда қўлланиладаиган асосий усуллар – ўқувчиларнинг ишларини кузатиш, дарсда ва дарсдан сўнг кузатиш, оғзаки сўраш, назорат ишлар ўтказишидир.

Оғзаки сўраш текширишнинг энг кўп қўлланиладиган усулларидан биридир, унинг қуидаги турлари бор:

- а) Ўқувчини синф доскаси ёки ўқитувчи столи ёнига чақириб сўраш.
- б) Синфдаги ўқувчиларнинг кўпчиликдан сидиргасига сўраш.
- в) Айрим ўқувчилардан доскага ёки стол ёнига чақирмасдан сўраш.

Айрим ўқитувчилар ўқувчиларнинг билимларини текширишда мавзулар юзасидан текшириш усулини қўллайди. Бу усулнинг яхши томони бунда ҳар бир ўтилган мавзудан шу мавзуни ўзлаштириш даражаси синфдаги ўқувчиларнинг ҳар бирига нисбатан текширилади. Мавзу материалини ўзлаштиргмаган ўқувчилар аниқланади ва улардан шу материални ўзлаштириш талаб қилинади.

Назорат ишлар – ёзма ишлар (диктант, иншо, масалалар ечиш, график ишлар, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини тадбиқ қилишни талаб этадиган ам алий вазифаларни (лабораторияда анализ қилиш, устахонада тегишли буюмлар ясаш) бажариш кабилар киради. Назорат иш бир вақт ичида синфдаги ҳамма ўқувчиларни текширишга имкон беради. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ишлари қуидаги талабларга жавоб бериши лозим. Синфдаги ҳамма ўқувчиларнинг билимларини текшириш керак. Текширишда ўқитувчида режа бўлиши керак. Режа асосида ўрта, кучли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билимлари текширилиши керак. Текширишни шундай олиб бориш керакки, синфдаги ҳамма ўқувчилар ўқитувчи саволига жавоб бера олсин.

Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларига баҳо қўйиш баҳо ўқувчиларнинг ўқув дастурларида кўзда туттан билим, кўникма ва малакаларниңдай эгаллаганилигини кўрсатади. Баҳо қўйиш катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эга, чунки ўқувчиларни у қунт билан ўқишига мажбур этади. Мактаб ўқувчиларга баҳо қўйишида қуидаги асосий талаблар қўйилади.

1. Билимларга объектив ва ҳаққоний баҳо қўйилиши лозим.
2. Баҳолашда кўзбўямачиликка мутлоқа йўл қўймаслик керак.
3. Ўқувчининг билимига ўқув дастурининг талаблари асосида баҳо қўйилиши лозим.

Бу талабларни таъмин этиш учун билимга баҳо беришнинг умумий мезони бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида “Давлат таълим стандартлари умумий ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди”, - деб таъкидланган. Бу талаблар жамиятнинг объектив ривожланишини тамиnlайдиган эҳтиёжлар ва бозор муносабатлари умумий рақобатидан келиб чиқади. Мазкур талаблар умумий ўрта таълим ўқув дастурлари, дарсликларида ўз ифодасини топмоғи даркор. Булар ҳар бир фаннинг ўзига хос таълим мазмуни, хусусиятларидан келиб чиқади. Мактабларда ўқувчилар билими, кўникмаларига баҳо беришнинг қуидаги умумий мезонлари қўлланилади:

1. Билимнинг илмий бўлиши.
2. Билимнинг онгли ўзлаштирилиши.
3. Билимнинг ҳажми.
4. Билимнинг мустаҳкам ўзлаштирилиши.

Ўқувчи нутқининг мазмуни ва бажарган ишининг сифати ва ҳ.к.

Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини текширишда ва баҳолашда ўқувчи ўқув дастури материалини тўла биладими, уларни тушунадими ёки уни қуруқ ёдлаб олганми, билимларни амалий масалаларни ечишга ва ишларни бажаришга тадбиқ қила оладими ва бошқалар.

Ҳамма ўқув фанлари ва барча синфларда ана шу мезон қўлланилади. Бироқ айрим ўқув фанларидан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ва баҳо қўйишида шу фанларнинг хусусиятини ҳисобга олиши керак. Масалан, меҳнат дарсларида ўқувчиларнинг бажарган буюмларни текшириш ва баҳо қўйишида мустақиллик, буюмнинг техник талабларга мувофиқлик даражаси ва сифати ҳисобга олинниши лозим. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига баҳо қўйиш учун умумий таълим мактабларида беш даражали рақамли баҳо тизими қўлланилади.

Ўқувчи дастур материалини тўла ва муфассал билган, уни чуқур тушунган ва пухта эгаллаган, дастурга киритилган ҳамма масалаларни тўғри, онгли ва далиллар билан сўзлаб берган, амалий ишларни бажаришда ва масалалар ечишида эгаллаган билимларни мустақил тадбиқ қилган, оғзаки жавобларда ва ёзиш ишларида тўғри адабий тилдан фойдалана билган ва хатоларга йўл қўймаган ҳолда “5” баҳо қўйилади.

Ўқувчи дастур материалининг ҳаммасини билган, уни яхши тушунган ва пухта эгаллаган, дастур ҳажмидағи саволларга қийналмасдан жавоб берган, билимларни амалий ишда тадбиқ қила билган, оғзаки жавобларда тўғри тилдан фойдалана олган, ёзма ишларда эса кичкина, аҳамиятсиз хатоларгагина йўл қўйган тақдирда “4” баҳо қўйилади.

Ўқув дастурига киритилган асосий ўқув материалини билган, эгаллаган билимларни амалий ишларда бир мунча қийналиб ва ўқитувчининг бир оз ёрдамида бажара олган, оғзаки жавобларида материални баён қилганда, ёзма ишларда бир мунча хатоларга йўл қўйилган тақдирда “3” баҳо қўйилади.

Ўқувчи ўтилаётган ўқув материалининг қўпчилик қисмини билмаган, ўқитувчининг ёрдамчи саволлари орқалигина жавоб берган, ёзма ишларида қўп ва қўпол хатоларга йўл қўйган тақдирда “2” баҳо қўйилади.

Ўқувчи ўтилган материални бутунлай билмаган тақдирда “1” баҳо қўйилади.

Ўқувчиларга қўйилган баҳоларни уларга изоҳлаб тушунириш керак. Бу эса билимга баҳо қўйишининг аҳамиятини ошириш ҳамда ўқувчининг ўқишидаги ютуқ ва камчиликларини билиб олишга ёрдам беради. Ҳар бир чоракда ўқувчига бир нечта баҳо қўйилиши керак. Акс ҳолда чорак охирида ўқитувчи қийналиб қолади. Чорак ва йиллик баҳони қўйишида ўрта арифметик усул биалн баҳо қўйиш мутлақо ярамайди, чунки бундай якуний баҳо ўқувчининг билим, кўникма ва малакаларини тўғри акс эттиrmайди.

Баъзи бир ўқитувчилар дарсга тартиб-интизом бузган ўқувчиларга ўз фанларидан ёмон баҳо қўядилар. Бундай баҳолаш бутунлай ярамайди, чунки баҳо ўқувчининг билим, қўникма ва малакаларига қўйилади, шунинг учун уни ўқувчининг хулқига қўйиладиган баҳога аралаштириш нотўғридир.

Машхур рус педагоги Острогорский шундай ёзади “Жавобга балл олган инсон аввало ўзидан-ўзи унга ҳаққоний баҳо қўйишдими деб сўрайди, агар у бунга ноҳақдек туюлса, у ранжийди, гўё унга тегишли нарса тортиб олингандек ёки берилмагандек бўлади.

Дангаса хафа бўлмайди, у меҳнат қилгани йўқ, меҳнат қилган эса меҳнатнинг қадрини билади ва меҳнатнинг натижаларини истайди”.

Шунинг учун барча ўқитувчилар ўқувчиларнинг билим, қўникма ва малакаларини баҳолашда, уларнинг рейтингини аниқлашда объектив асосларга таяниши шарт. Сир эмас баъзи ўқитувчилар баҳолашнинг моҳияти, мазмунини ўзлари яхши ўзлаштиргмаганлар. Ўқитувчининг бундай нуқсонлари мактаб амалиётида ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ўқитувчилар рейтинг тизимини мукаммал ўзлаштириб, амалиётда хатоларсиз тадбиқ этишлари баркамол ўқувчиларни тайёрлашнинг зарур шарти эканлигини англашлари жуда муҳим.

Хозирги даврда ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштиришда тест усули қўлланилмоқда. “Тест” инглизча сўз бўлиб, “топшириқ”, “тажриба” деган маъноларни англатади. Билиш хусусиятини ўлчаш усули сифатида унга инглиз психологи Д.Каттел асос солган. Бошқача айтганда тест қисқа муддат ичида билимни синашнинг энг мақбул усули бўлиб, бир қатор ривожланган давлатларда ҳалқ таълими билан бир қаторда турли соҳаларда ҳам тест синовидан фойдаланган.

Жумхуриятимизда илк бор 1992 йилда бир қатор олий ўқув юртларига қабул имтиҳонлари шу асосда ўтказилди. Эндиликда тест синови таълим-тарбия тизимининг барча соҳаларига кириб бормоқда.

“Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг билим даражаларини назорат қилишининг рейтинг усули тўғрисидаги Низом” лойиҳасида алоҳида ўқтирганидек, бу усул давлат таълим стандартларининг таркибий қисми бўлиб, уни барча таълим муассасаларида (мактабларда) бажариши мажбурийдир.

Хозирда фанлар бўйича рейтинг баллари қуйидаги тартибда белгиланади:

1. Кундалик назорат (КН) – 50 балл. Жумладан, а) кундалик сўров (КС) – 40 балл, б) эркин фаолият (ЭФ) – 10 балл.
2. Оралиқ назорат (ОН) – 20 балл.
3. Яқуний назорат (ЯН) – 30 балл.

Рейтинг натижаси беш балли баҳога кўчирилганда қуйидагича бўлади:

- | | |
|-----------------|-----------------|
| 100 – 85 балл | - “аъло”; |
| 84 – 75 балл | - “яхши”; |
| 74 – 55 балл | - “қониқарли”; |
| 54 баллдан паст | - “қониқарсиз”. |

1. Нима учун ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳисобга олиб баҳолаб борилади?
2. Ҳозирги даврда ўқувчилар билим, кўникмаларини рейтинг тизимида баҳолашнинг қандай йўналишлари мавжуд?
3. Ўқувчилар билим, кўникмаларини назорат қилишнинг қандай турлари ва шакллари мавжуд ва уларни қандай изоҳлайсиз?
4. Мактабларда ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг қандай мезонлари мавжуд?
5. Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларининг мезонларини қандай изоҳлайси?
6. Мактабда баҳолашнинг қандай тизими мавжуд?
7. Баҳонинг таълим-тарбиявий, амалий аҳамиятини қандай тушунасиз?
8. Ўқувчилар ўзлаштиришининг рейтинг тизими ҳақида нималарни биласиз?

МАВЗУ: ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ МОҲИЯТИ

Режа:

1. Тарбия ўқувчи шахсини шаклланишини бошқариш жараёнидир. Тарбиянинг ижтимоий воқеаликни ўзлаштиришга йўналтирилганлиги.
2. Тарбай жараёнидаги зиддиятлар ва унинг ҳаракатлантирувчи кучлари.
3. Мактаб ўқувчисини тарбиялаш жараёнининг ўзига хослиги, тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш масалалари.
4. Тарбия жараёнининг қоидалари ва қонуниятлари.

Таянч сўз ва иборалар:

Асосий мақсад, баркамол, шарқона ахлоқ, одоб, маънавий камалот, нажод, халокат, ҳаёт, янгича фикрлайдиган, узок, узлуксиз жараён, ҳоким, тобе, ички ташқи зиддиятга, ўз-ўзини тарбиялаш, қайта тарбиялаш, ақл кучи моддий манфаат кучи, ташкилотчи, қоида, қонуният, талаблар, мажмуи, миллий тарбия, миллий онг, ўзликни англаш, инсонпарварлик, демократия, инсон шахсини хурматлаш, миллий, умуммиллий қадрият, жамоа, меҳнат ва ҳоказо.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топтириш ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рӯёбга чиқаришнинг шароитлари ва таъсирчан маханизмларини яратиш эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралмоқда.

Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги (таянчи) бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқишини ва сўнгра эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилисин! (Авесто).

Аввалом бор, тарбия назарияси Марказий Осиё файласуфларининг ва халқ педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади, тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, социология, этика, эстетика хуқуқшунослик, психология фанлари маълумотларидан фойдаланади. (Тарбия назарияси ўз навбатида педагогика фанининг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, педагогика тарихи, таълим назарияси, мактабшунослик билан узвий боғлангандир).

Ҳозирги замон педагогикасида тарбия тарбиячининг тарбияланувчи шахсига оддий шунчалик таъсир кўрсатиши эмас, балки тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг аниқ бир мақсадга қаратилган, бир-бири билан ҳамкорлиқда қиласидан муносабатлари ва ўзаро таъсир кўрсатиши эканлиги алоҳида таъкидланади.

Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури "Таълим тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ тайёрланган бўлиб, унинг "Асосий мақсади - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш юксак маънавий ва ахлоқий тарбияларга жавоб берувчи малакали кадрлар тайёрлаш", зарурлиги (39 бет) ва "Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши учун шарт-шароитлар яратади" (43 бет) деб, таъкидланиши бежиз эмас албатта.

"Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак" - деб таъкидлайди И.Каримов - соғлом киши деганда, фақат жисмоний соғликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар камол топган инсонни тушунамиз".

Бугунги кунда XXI аср бўсағасида шунчаки билим эгаси бўлган инсонни эмас, балки ижодкор, ўз истеъоди билан ажralиб турувчи инсоннин тарбиялаш замон тақозосидир.

Тарбия жараёнида кишининг қобилиятлари ривожланади, ғоявий-ахлоқий, иродавий, эстетик ҳислатлари шаклланади, табиатга, жамиятга илмий қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч-қудратлари мустаҳкамланади.

Ҳамма даврнинг илғор кишилари тарбияга юқори баҳо берганлар. Халқ донишманлари ва мутафаккирларидан Зардушт, Муҳаммад ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Яссавий, Махмуд Кошғарий, Шайх Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Бурхониддин Зарнужий, Бурхониддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захириддин Бобур, Завқий, Фурқат, Аваз Ўтар, Ҳамза, Абдулла Авлонийлар инсон камолотини илм-фан ва тарбаяда деб билганлар.

Тарбия жараёни шахснинг ижтимоий қимматли фазилатларини шакллантиришга, унинг атрофдаги дунёга, жамиятга, одамларга, ўзига нисбатан муносабатлари доирасинн вужудга келтиришга ва кенгайтиришга қаратилган.

Шахснинг турмушдаги турли жиҳатларга муносабатлари тизими кенг, хилма-хил ва чуқур бўлса, унинг маънавий дунёси шунчалик бой бўлади. Тарбия шахсни ижтимоийлаштириш, унинг аниқ ҳаётий мавқенини шакллантириш жараёнидир. Тарбая шахснинг онглилиги, фаоллиги, фидоийлиги, ватанпарварлиги, инсонпарварлиги ва бошқа фазилатларини шакллантирадиган жараёндир. Тарбия ўз табиатига кўра кўп факторли характерга эга. Бунинг маъноси шуки, бола шахсининг қарор топиши мактаб, оила, жамоатчилик, ижтимоий муҳит ва яқин атрофдаги вазиятга бевосита ёки билвосита таъсири остида рўй беради. Ҳамма нарса: одамлар, ашёлар, ҳодисалар, воқеалар, аввало ота-оналар ва педагоглар тарбиялайлилар. (А.С.Макаренко)

Тарбия жараёнини машхур педагог А.Авлоний "Ал-хосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт, - ё мамот, ё нажот, - ё ҳалокат, ё саодат, - ё фалокат масаласидир" деб таърифлаган ва яна "Ҳар мамлакатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиячига боғлиқ" Х.Х.Ниёзий "Агар яхши тарбия кишининг қимматбаҳо бойлиги бўлса, ёмон тарбия унинг учун ҳаққоний баҳтсизлик ҳисобланади ва қўшимча уни ҳалоҳ этади", - деб тушунган.

Таълим орқали назарий камолотга эришилади. Тарбия эса Фаробий фикрича "бу кишилар мулоқотда этник қадр-қимматни ва амалий фаолиятни яратишга олиб борадиган йўлдир", деб таърифлайди ҳамда "Инсоний мақсад - олий баҳт саодатга эрищувни ўзига ғоя ва олий мақсад қилиб олиш керак".

А.С.Макаренко "Тарбия бу нисбатан кексароқ авлоднинг ўз тажрибаси, ўз эҳтироси, ўз эътиқодини ёш авлодга топшириш демакдир", деб таърифлаган.

Юқоридаги таърифларнинг барчаси шахс тарбиясининг у ёки бу кирраларини илмий жиҳатдан асослашга қаратилгандир.

Пировард натижада ҳар томонлама камол топган, етук, баркамол шахсни шакллантиришга қаратилгандир. Тарбия жараёнининг энг асосий мақсади ҳар томонлама ва уйғун камол топган янгича фикрлайдиган шахсни шакллантиришдир. Бу қийин жараён икки томонлама бўлиб, уюштиришни ва раҳбарликни, бошқаришни ҳам, тарбияланувчи шахснинг фаоллик қўрсатишини ҳам талаб қиласиди. Аммо бу жараёнда педагог етакчи роль ўйнайди ва тарбиянинг умумий мақсадини амалга оширади.

Тарбия узоқ давом этадиган ва аслида узлуксиз жараён бўлиб, бу жараён бола мактабга келишидан илгарироқ бошланади ва бутун умр бўйи давом этади. Тарбия кўпгина сабабларга, ўқувчиларнинг индивидуал-типологик тафоввутларга, уларнинг ҳаётий ва маънавий тажрибасига, шахсий фаоллигига боқлиқ.

Тарбия жараёнидаги зиддиятлар ва уни ҳаракатлантирувчи кучлар.

Ички қарама-қаршиликлар, масалан: ўқувчига қўйиладиган талаблар билан унинг етуклилиги, боодобилилиги ўртасидаги қарама-қаршиликлар ёки ташқи таъсиrlар билан тарбияланувчининг ички позицияси, яъни унинг бу таъсиrlарга бўлган муносабати ўртасидаги қарама-қаршилик тарбия жараёнининг манбай, ҳаракатлантирувчи кучи бўлади. Масалан: агар тарбиячи болаларга янги фаолият турини тавсия қилган тақдирда унинг одобилилиги, бу ишга киришиб кетишига тайёргарлигини ҳисобга олмаган бўлса, у қанчалик кўп

ҳаракат қилмасин, тарбияланувчилар пассив бўладилар, шунинг учун бу ишнинг ўқувчиларга таъсир этиш даражаси самарали бўлмайди.

Тарбия жараёнининг диалектикаси унинг зиддиятли эканлигига намоён бўлади. Аслида бу нарса тарбияланувчиларга нисбатан қўйиладиган талаблар билан уларнинг тайёргарлик даражаси, ривожланиш даражаси ўртасидаги қарама-қаршиликни ҳал этишга қаратилгандир.

Ташқи зиддиятлар объектив мавжуд бўлган нормалар билан атрофдаги кишилар юриш-туриши ўртасидаги номувофиқликда тафоввутда намоён бўлади. Ташқи зиддиятлардан бири - ташқи талаблар билан ўқувчининг хулқ-автори ўртасидаги зиддиятдир.

Мактаб ўқувчиларининг даъволари билан унинг шахсий имкониятлари ўртасидаги зиддият ҳам ички зиддиятлар жумласига киради. Бу зиддиятлар хулқ-авторда равshan ифодаланади. Ваъда бериб - ваъдасини бажармайди, бирор ишни бошлаб қўйиб, охирига етказмайди.

Инсоннинг шахс сифатида камол топишидаги асосий манбалардан бири: талаблар билан уларни қондириш усуллари (шароитлари) ўртасидаги зиддиятлардир. Агар мактаб ўқувчисининг талаблари тегишли ашё ёки ҳаракат билан ва зарур хажмда кондирилса, зиддият илк босқичдаёқ бартараф этилади.

Ёш авлодни тарбиялаш кишилик жамиятининг яшashi ва давом этишининг энг зарур шартидир. Жамиятнинг одамга тарбивий таъсири унинг илк болалик давридан бошланади. Бу таъсир оила, мактаб, жамоатчилик ва халқ таълими тизими орқали амалга оширилади. Тарбая жараёни тарбиячиларининг системали ва режали таъсирини ҳамда тарбияланувчиларнинг хилма-хил фаолиятини ўз ичига олади. Тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёт ва фаолиятини педагогик жихатдан тўғри уюштириш жуда муҳимдир.

Тарбия жараёнининг муҳим хусусиятларидан бири унинг системали олиб борилиши ва бир мақсадга қаратилганлипдир. Масалан: мамлакатимизда комил инсонни тарбиялаш учун барча имконият ва шароит вужудга келтирилган бўлиб, ёш авлод илк болаликдан то вояга етгунгача ясли, боғча ҳамда мактабларда моҳир тарбиячи ва ўқитувчилар қўлида тарбияланади. Тарбия жараёнининг самараси ҳам тарбиячига, ҳам тарбияланувчига боғлиқдир.

Тарбиянинг хусусиятлари

Шуни назарда тутиш керакки таълим ва тарбия ягона жараёндир. Аммо уларни айнан бир жараён деб ўйлаш мумкин эмас.

Чунки ҳар бир инсоннинг ўзига хос хусусиятлари ва белгилари бор. А.С.Макренконинг фикрича тарбия мантиқи таълим мантиқини такрорламайди.

Болаларни тарбиялаш ишлари (ижтимоий муҳит, оила, болалар доимо дуч келадиган хилма - хил одамлар, болалар ва ўсмирлар ташкилотларидағи ишлар, радио, телевидение, адабиёт ва санъат) каби таъсирлар билан қўшилиб кетади. Шунинг учун ҳам тарбияни кўп қиррали жараён дейиш мумкин. Таълимда эса ўқитувчига ҳеч ким қаршилик кўрсатмайди. Тарбая жараёнининг биринчи хусусияти - унинг кўп қиррали жараён эканлигидир. Тарбия жараёнининг иккинчи хусусияти - унинг узоқ муддат давом этишидир. Бунинг учун ойлар ва ийиллар мобайнида қунт билан ишлаш талаб этилади.

Тарбия масаласи мураккаб, қийин масала эканини, у мактаб доираси билан чекланиб қолмаганини, балки болаларни тарбиялаш учун ҳамма масъулдир. Унда болалар узлуксиз тарбияланиб борадилар.

Тарбиянинг таълимдан фарқлантирувчи яна бир хусусияти шундаки, у яхлит ҳолда ва концентрик асосда амалга оширилади. Тарбиянинг турли томонлари бир-бири билан узвий боғлангандир. Таълимда бирор предметга доир билимлар, бўлимлар, мавзулар, дастурларга бўлиниб, маълум бир вақтда берилади.

Тарбия жараёнида эса доимо тақрорланишга дуч келамиз. Мактабдаги бошланғич, ўрта ва юқори синфларда: жамоатчилик, дўстлик, ўртоқлик, меҳнатта ва ижтимоий муҳитга онгли муносабат ва бошқа сифатларни тарбиялаш қўзда тутилади. Лекин уларнинг мазмуни болаларнинг ёши ва ҳаётий тажрибасига мувофиқ кенгайиб ва чуқурлашиб боради.

Тарбиянинг яна бир хусусияти шундаки, бу жараён икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, унда боланинг ўзи ҳам фаол иштирок этади. Ўқувчи тарбиянинг фақат объектигина эмас, балки атрофдаги воқеаларга таъсири этувчи субъект ҳамдир. Шунинг учун тарбиячи боланинг имкониятларини, истак ва хоҳишларини, интилишларини, унга бўлаётган бошқа таъсиirlарни ташқи ахборотлар манбанини ҳисобга олиши лозим. Агар булар унутиб қуйилса тарбиялаш қийинлашади. Мана шулардан тарбия жараёнининг яна бир асосий хусусияти - тарбияда қарама-қаршиликлар ғоят кўплиги келиб чиқади. Бу қарама-қаршиликлар болаларда ўз тушунчаларига мувофиқ дастлабки пайдо бўлган сифатлар балан тарбиячи томонидан таркиб топтириладиган сифатлар ўртасида, яъни қўйиладиган талаблар билан уни бажариш имкониятлари ўртасидаги курашда намоён бўлади. Ундан ташқари, бундай қарама-қаршиликлар кўпинча боланинг онги билан хулқи бир-бири билан мувофиқ бўлмаслигига, ўқитувчининг болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, феълатвори, қизиқиши ва интилишларини яхши билмасдан муносабатда бўлишида содир бўлади.

Агар тарбияланувчи суст бўлса, фаолиятсиз бўлса, ҳар қандай тарбиянинг таъсири кучсиз бўлади, ўқитувчиларнинг урушишлари етарли даражада самара бермайди.

Тарбиянинг яна бир хусусияти - яъни унинг натижаси келажакка қаратилганлигини кўрсатади. Шунинг учун болаларнинг тарбияланганлик даражасини дарҳол тезда аниқлаш қийин. Тарбиячи ўз фаолиятида келажак мақсадларни қўзда тутиб иш қуриши керак. Тария жараёнида шу кун талабининг келажах мақсадлар билан уйғунлаштирилиши ишимизнинг муваффақиятини таъминлайди. "Эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади" - деган хитойлих Конфуций.

Тарбия қоидалари ва қонуниятлари

Тарбия қоидалари ўқитувчи, тарбиячиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи қоидалар йиғиндиси ҳисобланади. Етук, баркамол инсонни шаклантириш вазифалари ва мақсади билан белгиланади. Буни янада тушунарлироқ тарзда ифодалаш мумкин.

Тарбия жараёнлари ўқитувчининг, ўқувчины ҳозирги замон учун фойдали фазилатларни шакллантиришга, тарбиянинг мазмуни, шакли, методларига қўйиладиган талабларни белгилаб берадиган қоидалар йифиндисига айтилади. Тарбия қонунлари Шарқ, Ғарб, Марказий Осиё ва бошқа халқлар файласуфлари, донишманлари фикрлари ҳамда миллий педагогикада эришган ютуқларига асосланган. Тарбиянинг ҳар бир қоидаси мустақил бир педагогик мақсадни назарда тутмоги, бошқа қоидалар билан ўзаро алоқада ягона умумий педагогик мақсадни амалга оширишга, яъни баркамол, етук инсонни шакллантириши даркор. Бу вазифани рўёбга чиқаришда тарбиянинг хусусиятларини ҳисобга олиш ва қонуниятларига риоя қилиши талаб этилади. Тарбия жараёнида бу қоидаларга амал қилиш унинг самарасини оширади. Тарбиянинг мазмуни, ташкил этилиши, усуллари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар тарбия қонунларида ўз аксини топади.

Тарбиянинг моҳияти, мазмуни, қоидалари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талабларидан келиб чиқади. Ана шу кадрлар сифати, маҳорати, миллий ва умумбашарий фазилатларини шакллантиришга қаратилган.

Тарбия қонунлари қўйидагилардан ташкил топади: тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганилиги, тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги, меҳнат асосида тарбиялаш, жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш, ўқувчи шахсини хурмат қилиш ва талабчанлик, ўқувчига қўйиладиган талабларнинг бирлиги, тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик ғояларда амалга ошириоishi, тарбияни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ташкил қилиш, тарбияда ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш, тарбияда тизимлилик, изчиллик ва юошқалар.

Инсонпарварлик ва демократия қоидалари “Таълим тўғрисида”ги Қонунда “Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик демократик характерда эканлиги” алоҳида таъкидланган (20 бет). Ўқитувчининг билим савияси, маънавияти жамиятни ҳаракатга келтирувчи етакчи омиллардан бири саналади. Шунинг учун тарбияни амалга оширувчи ўқитувчининг инсонпарварлик ва демократия моҳиятини билиши ҳамда шу қоида асосида кишини тарбиялаши муҳим. Тарбияни демократиялаш - бу тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасида ўзаро ишонч, ҳамкорлих асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. Бу тарбия ишига жамоатчиликни жалб қилим унинг ривожланишига жамоат омилларини киритиши демакдир.

Ўқитувчи педагогик фаолиятда инсонпарварлик ғояларига риоя қилиб иш тутиши даркор. Ўқитувчи ўқувчига аввалгилик, тарбия обьекти эмас, балки ўзи каби субъект деб қараши даркор. Яъни ўқувчига фақат унинг буйругини бажарувчи эмас, балки менинг ўзим билан тенг хуқуқли, бирга ишловчи, ишончли, ҳамкорлик қилувчи деб қараши лозим.

Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигида ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш муҳим. Шунинг учун уларга қадриятларнинг моҳияти, мазмуни ва шакли билан таништириб, уларда миллий онг, ғурур, ўзликни англаш, миллий ифтихор туйнуларини шакллантириш керак. Бунинг учун халқнинг кўп йиллик маданий ва маънавий

меъросини ўрганиш қодасига риоя этиш катта фойда беради. Маънавий меърос халқ оғзаки ижодида, мутафаккирлар қарашларида ва халқ тажрибаси каби йўналишлар орқали амалга оширилади.

Меҳнатда тарбиялаш қоидалари.

Инсонни меҳнат қоидалари асосида тарбиялаш тарбиянинг асосий қоидаларидандир. Ўқувчини меҳнат қоидаси асосида тарбиялашнинг мақсади меҳнатнинг мазмуни, моҳиятини англатишдан иборатdir. Ўқувчи ўзи бажараётган меҳнатнинг натижаларини кўрса, ундан манфаат олса, ундан қониқса, роҳатлансагина меҳнат тарбиялайди. Меҳнат жараёнида одамда дўстлик, ахиллик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, жамоа бўлиб ишлаш, маданият, маънавият сингари сифатлар шаклланади. А.Н.Фаробий "Ҳар бир ўқувчига бекитилган маълум бир иш бўлиши керак, токи у киши ўзига бекитилган ишни кечиктирмасдан ўз вақтида бажарсин" деган талабни қўяди (Рисолалар 117-бет). Энг муҳими меҳнат кишини муҳтожлиқдан, бекорчилиқдан, юрак сиқилишидан ва ахлоқнинг бузулишидан сақлайди. А.Р.Беруний "Ҳар бир инсоннинг қадркиммати унинг бажарадиган меҳнати билан ўлчанади", деб таъкидлаган.

Жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш қоидаси

Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да "таълим оловчиларни меҳнат жамоаларида тарбиялаш" зарурлиги алоҳида таъкидланган. А.Навоий фақат "Махбуб-ул-қулуб" асарида эмас, балки бошқа асарларида ҳам "инсон фақат жамиятдагина камолотга етиши мумкин, бошқалардан ажralган эса, қисмати қоридир... дунёда у роҳат-фарогат кўрмайди", зеро "замон кишиларни тарбиялайди ва яратади" деган аниқ ва равшан фикри ўтказиб келган (313-319 бет).

А.С.Макаренко педагогик тажрибаларидан баъзи бир хulosалар номли мақоласида "Тарбиянинг асосий мақсади колективчилар қилиб тарбиялашдан иборатdir", дуб таъкидлаган. Жамоада тарбиялаш ўз шахсий манфаатларини ва орзуларини жамоанинг умумий манфаатлари билан боғлаш билан аввало инсон бирга ўқиши ва меҳнат қилиш жараёнида ўсади, улғаяди, камол топади. Энг муҳими ўқувчиларда ижтимоий бурчни англаш топширилган ишга масъулиятни тарбиялайди.

Ўқувчиларни ҳурмат қилиш ва талабчанлик қоидаси

Ўқувчиларни тарбиялашнинг муҳим қоидаларидан бири болаларга нисбатан қаттақ талабчан бўлиш ва улар шахсини ҳурмат қилишдир. Ажойиб педагог А.С.Макаренко: "Менинг асосий педагогик принципим ҳамиша одамга мумкин қадар қўпроқ талаб қўйиш, шу билан бирга уни мумкин қадар қўпроқ ҳурмат қилиш бўлиб қолсин" – деб таъкидлаган.

Ўқувчилар ғамхўр, меҳрибон ва талабчан ўқитувчини севадилар, ҳурмат қиладилар ва унга тўлиқ ишонадилар. Мана шундай ўқитувчиларнинг болаларга тарбиявий таъсири қўпроқ бўлади. Ўқитувчи ўқувчига нисбатан қаттиқ талабчан бўлиши ва қўйган талабларининг ўқувчилар томонидан сўзсиз бажарилишига эришилмоғи лозим.

Тарбияда тизимлилик қоидаси

Болаларга билим берішдә маълум тартиб, мунтазамлилик қанчалик мұхим бўлса, тарбия ишларида ҳам шунчалик мұхимдир. Болаларга инсонийлик фазилатларининг ҳаммасини бирданига, бир йўла ва бир вақтда сингдириб бўлмайди. Шунинг учун болаларда инсонийлик фазилатларини тарбиялаш ишида мунтазамлилик жуда мұхимдир. Мактабнинг бир синфида дўстлик, иккинчи бир синфда бошқа тарбия амалга оширилмайди.

Ўқувчиларни тарбиялашда уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш қоидаси

Ўқувчиларни тарбиялашда уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш мұхим аҳамиятта ага. Тарбиянинг мазмуни, шакли ҳамма ёшдаги болалар учун бир хилда бўлавермайди. Турли синфдаги болаларнинг ёши ва савиясини ҳисобга олиш асосида тарбиянинг вазифалари амалга оширилиб борилади. Болаларга бериладиган тарбия мазмуни уларнинг ёшига, кучига, тушунчасига ва имкониятларига мос бўлиши лозим. Тарбияда болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишдан ташқари уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Чунки маълум ёшдаги болалар хусусиятида умумийлик бўлиши билан бирга ҳар қайси боланинг ўзига хос хусусияти ҳам бор.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Инсонни шакллантиришда тарбиянинг ўрни қандай? Тарбия нима?
2. Тарбия жараёнидаги зиддиятлар ва ҳаракатлантирувчи кучларни ўқитувчи нима учун билиши даркор?
3. Тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялашни қандай тушунасиз?
4. Тарбия қандай хусусиятларга эга?
5. Тарбия қоидалари ва қонуниятлари деб нимага айтилади?
6. Тарбиянинг қандай қоидалари мавжуд ва улар мазмунини сиз қандай тушунасиз?
7. Бўлажак ўқитувчи нима учун тарбия қоидаларини ўрганади?
8. Сизнингча тарбияда яна қандай қоидалар бўлиши мумкин?
9. Тарбия қоидаларининг ўзаро алоқадорлиги ва бирлигини қандай тушунасиз?

МАВЗУ: ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИ

Режа:

1. Тарбия методлари ҳақида тушунча. Марказий Осиё халқлари томонидан қўлланиладиган тарбиявий таъсир усуллари, уларнинг хусусиятлари, Тарбиявий ишни ташкил этишда улардан фойдаланиш.
2. Тарбия методларининг таснифи. Ижтимоий онтни шакллантириш методлари: тушунтириш, ҳикоя, сұхбат, ўгит-насиҳат, маъруза, конференция, наъмуна тарбия усули сифатида.
3. Ижтимоий хулқ-атвор тажрибасини шакллантириш усуллари.
4. Рағбатлантириш, жазолаш ва унинг турлари.
5. Ўз-ўзини тарбиялаш. Мактаб ёшидаги ўқувчилар ўз-ўзини тарбиялашнинг хусусиятлари.
6. Тарбия методларининг ўзаро алоқадорлиги ва бирлиги.

Таянч сўз ва иборалар.

Метод, таъсир этиш қуроли, онтни шакллантириш, хулқ-атвор, тажриба, ривожлантириш, жазолаш, ўз-ўзини тарбиялаш, наъмуна, ибрат, тақлид ва ҳоказо.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида “ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий, тарихий анъаналарига, урфодатларига ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалар ишлаб чиқилиб, амалиётта тадбиқ этилади”, - (55-бет) деб алоҳида таъкидланган. “Ноқобил адамни тарбия қиласлиқ – зулмкор ва ноқобил одамга тарбияни беҳуда сарф қилиш хайфдир. Тарбиянгни аяб унисини нобуд қилма, тарбиянгни бунисига зоя кеткизма”, - деб таъкидлайди А.Навоий.

“Қаерда рағбатлантириш бўлса, умид шу томонга йўл олади, қаерга дон сепилса, шу ерга қуш қўнади”, - деган Ал-Бухорий (Ал-жомъе ас-саҳих 114-бет).

Фаробий дейди: Муаллим шогирдига нисбатан ўта ҳокимликка ҳам йўл қўймаслиги лозим, чунки ўта ҳокимлик шогирдда муаллимга нисбатан нафрат уйғотади. Агар шогирд муаллимнинг бўшлиғини сезса, унда муаллимга ва унинг ўқиётган илмига нисбатан совиш ва менсимаслик пайдо бўлади, - деб таъкидлайди.

Ж.Ж.Руссо “Агар сиз болалардаги ўлдирсангиз, ҳеч қачон доно одамларни вояга етказа олмайсиз”, - деган фикрни билдирган.

А.С.Макаренко “...Мен таъсир қилишнинг жисмоний методига қаршиман... Умуман жисмоний жазони метод сифатида тан олмайман. Мен жисмоний жазо фойда келтирган бирор бир оилани кўрмадим”, - деган.

Тарбия методларида инсонни ҳар томонлама камол топтириш мақсадида бола онги, ҳис-туйғулари, иродаси ва хулқ-авторига таъсир қўрсатишга айтилади. А.С.Макаренко тарбия методларини инсонга таъсир қўрсатишни қуроли деб таърифлаган.

Қимматбаҳо марварид доначасини охиригача пармалашда ҳадиксираб, усталар унинг баҳосини тушуниб етмаган шогирдларига беришади. Шогирдлари бутун борлиғи билан ишга киришиб кетади. Бунда улар қўллари қалтирамай, қўрқмасдан пармалашни давом эттирган. Агар бу ишда хавфсираш бўлса, пармалаш давомида бирон бир тасодиф билан дур майдаланиб кетса, уста шогирдини шапалоқ билан тушурган. Тарсаки зарби уларни яхшироқ, сифатлироқ ишлашга кўниктирган. Дур тирмаланиб бўлгандан сўнг хавфли вазият ўтиб кетган.

А.Р.Беруний тарбиячи болаларга фақат насиҳатгўйлик қилмай, балки ўз ҳатти-ҳаракати билан наъмуна бўлиб таъсир қўрсатиши зарур", деб ҳисобланган.

Тарбия методлари асосан қўйидагилардан ташкил топади.

Рағбатлантириш.

Ўқувчиларни тарбиялашда рағбатлантиришнинг ўрни катта. Рағбатлантириш ўқувчининг рухини, кайфиятини қўтаради, уларни тетиклантиради, ғайратига ғайратига қўшади, ўз кучига ишончини орттиради. Мактаб тажрибасида рағбатлантиришнинг турли шакллари қўлланилади: маъқуллаш, кўнгилни қўтариш, ишонч билдириш, мақташ, ёзма ташаккур, мукофотлаш. Бундан ташқари жамоат ташкилотлари фаолиятида рақбатлантириш шакллари мавжуд,

Маъқуллаш: бошни қимиirlатиб маъқуллаш юв ва қўл ҳаракатлари билан "балли", "баракалло", "раҳмат", "жуда соз" каби сўзлар орқали.

Кўнгилни қўтариш, далда бериш баъзан ўқишида ва ишда муваффақиятсизликка учраган пайтда ўқувчилар кўнглини қўтариш ва далда бериш керак бўлади.

Ишонч билдириш. Ўқувчи кучи етадиган бирор вазифани топшириш. Масалан, назорат ишини йиғишириш ва ҳ.к.

Қайд этиши. Ўқувчилар хулқининг яхшиланиб бораётганлигини қайд этиш. Деворий газета, мактаб узелида ва ҳ.к.

Мақташ. Кишини мақташ жуда фойдали дейди М.Горький, - чунки бу нарса унинг ўзига бўлган хурматини оширади, ўз кучига ишончни орттиради. Синф йиғилиши, хурмат дафтариға, мактаб хурмат тахтасига ёзиш, расмини қўйиш шакллари ҳам мавжуд.

Мукофотлаш. Ёшма ташаккур ва миннатдорчилик хатлари.

Жазолаш

Ўқувчиларни тарбиялаш методлари орқали мажбур этиш, жазолаш тадбирлари ҳам мавжуд. Турли одобсизлик, жаҳолатлардан ўзини тийиш, ўзини тута билиш фақат ишонтириш йўли билан эмас, балки мажбур этиш ва турли жазо чораларини қўллаш йўли билан ҳам тарбияланади.

Мактабда қўлланадиган жазо чоралари: ўқитувчи, синф раҳбари, мактаб директори ва ўринбосарларининг танбеҳи, парта синф доскаси ёнига тикка

туркизиб қўйиш, бажарилмаган топшириқ ёки уй ишини дарсдан сўнг бажартириш учун олиб қолиш, педагогика кенгашига чиқариш хулқига қўйилган баҳони пасайтириш, синфни ифлос қилгани учун уни тозалашга мажбур этиш, бир синфдан бошқа синфга ва мактабга ўтказиш ва ҳ.к.

Бундан ташқари дўқ-пўписа қилиш, уялтириш-қизартириш, қоралаш йуллари ҳам қўлланилади.

Ўз-ўзини тарбиялаш методлари

Педагогика дарслигидан 1990 йил олимларидан В.А.Сластёнин, С.П.Баранов, Л.Р.Болотиналар ўз-ўзини тарбиялаш методлари таркибига ўқувчиларнинг шахсий мажбурият олишлари, ўз ишлари ҳақида ҳисобот беришлари, ўз ҳаракатларини таҳлил эта билишлари, ўз-ўзини назорат эта олишлари ҳамда ўз-ўзига баҳо бера олиш каби усусларни тавсия этганлар.

Инсон инсонни ва инсонийликни қанчалик кўп тушунса, шунча қўп даражада ўз-ўзининг тарбиячиси бўлиб етишади. Ўз-ўзини тарбиялашга ундовчи тарбия ишончим комилки - деган эди моҳир педагог В.А.Сухомлинский - бу ҳақиқий тарбиядир.

Ўқувчида ўз-ўзини тарбиялашга, яъни ўзи устида онгли, батартиб ишлашга эҳтиёж пайдо бўлгандагина тарбия жараёнини самарали деб ҳисобласа бўлади. Ўқувчиларни, айниқса ўрта ва катта ўқувчиларни ўз билим ва малакаларини мустақил ошириш ва эркин фикрлашга йўллаш керак. Ўқувчилар ўқишида, тарбияда, дам олишда ўз-ўзини тарбиялаш усусларидан фойдаланадиган. Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчини ташаббускорлик ва мустақилликка ундаиди. Ўз-ўзини тарбиялаш сифатлари бола бунга тайёр бўлганда, у ўзини шахс деб англай бошлагач, амалий ишларда мустақил фаолият қўрсата бошлаган вақтда пайдо бўлиди.

Ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш.

Тарбия жараёни фақат ўқитувчи ва тарбиячи раҳбарлигига амалга оширилмайди. Тарбия жараёнида тарбияланувчиларнинг ўзлари ҳам иштирок этдилар, яъни улар ўзларини-ўзлари тарбиялайдилар. Ўз-ўзини тарбиялаш инсоннинг ўзида маълум фазилатларни устиришга қаратилган онгли интилиш ва ирода қучидир. "Ўз-ўзини тарбиялашга ундовчи тарбия ишончим комилки, бу ҳақиқий тарбиядир". В.А.Сухомлинсхий "Тарбия тўғрисида (32 – бет)

Ҳар бир шахс ижтимоий муҳит таъсирида, жамият таъсирида бир қатор сифатларни орттиради. Одамда ўз-ўзини тарбиялаш фаолият элементлари кичик ёшдан бошланади, бу ишга ўсмирилик даврида онгли равишида киришади ва йигитлик даврида янада ривожланади, чунки одамда ўз-ўзини тарбиялашга интилиш, ўз ҳатти-ҳаракатини идора этиш ва баҳо бериш қобилияти вужудга келган вақтда пайдо бўлади.

Болалардаги ўз-ўзини тарбиялаш фаолиятига албатта ўқитувчилар, тарбиячилар ва ота-оналар раҳбарлик қилиши, уларнинг ўз-ўзини тарбиялашини кўздан қочирмаслиги ва муайян мақсад йўлига солиб юбориши лозим. Болаларнинг ўз-ўзини тарбиялаш ишида ўқувчилар жамоаси, жамоатчилих фикри ҳам катта аҳамиятга эга. Болалар ўз-ўзини тарбиялашда ўзларига наъмуна деб билган сифатларни танлайдилар ва таҳлил қиласидилар.

Бола билим олишдан аввал тақлид қилишни ўрганади (Коменский) бундай ҳолатда катталар албатта ёрдам беришлари керак.

Агар ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар болаларнинг ўз-ўзини тарбиялашда қўз-қулоқ бўлиб турмасалар, болалар салбий сифатларни сингдириб олишлари мумкин.

Тарбия ишининг яна бир томони, яъни баъзи бир болаларни қайта тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор беришдир.

Айрим оиласарда болаларга ёшлиқдан нотўғри тарбия бериш натижасида улар ғоятда интизомсиз, эрка-тантик, иш ёқмас, қайсар бўлиб қоладилар. Улар қайта тарбиялашга муҳтоҷ бўладилар.

Баъзи тажрибасиз, педагогик маҳоратга эга бўлмаган ўқитувчилар болаларга таълим ва тарбия беришда бир қатор хатоликларга йул қўядилар. Бундай хато ва нуқсонлар оқибатида ўзлаштирмовчилик, интизомсизлик каби ҳоллар келиб чиқади.

Атоқли машҳур педагог А.С.Макаренко болаларга мумкин қадар жуда кичик ёшидан бошлаб тўғри тарбия беришга киришиш кераклигини, акс ҳолда кейинчалик қайта тарбиялаш оғир эканини, бу иш кўп куч ва билим талаб этишини кўрсатиб: "болани қайта тарбиялашга нисбатан уни тўғри ва нормал тарбиялаш анча осондир" деган эди. Мисол: болаларнинг салом беришлари ёки катталарнинг салом бермасликлари.

Ёш авлодни ижодкор, фаол ва фидоий комил инсонлар қилиб вояга етказиши, уларни ҳар томонлама маълумотли ва юксак ахлоқий фазилатли қилиб тарбиялаш ишлари мактабда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади. Бу жараёнда асосий масала - ўқувчилар фаолиятидир.

Тарбия жараёни одатда қайта тарбиялаш, боланинг атроф-муҳитдаги у ёки бу ҳодисалар билан салбий алоқаси натижасида вужудга келадиган муносабатлар ва ўз хусусиятларини бартараф этиш билан қўшиб олиб борилади. Энг юқори даражага эришадиган тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялашга мувофиқ бўлишдир.

Тарбия узоқ давом этадиган ва аслида узлуксиз жараён бўлиб, бу жараён бола мактабга келишидан илгариёқ бошланади ва бутун умр буйи давом этади. Тарбая кўпгина сабабларга. ўқувчиларнинг индивидуал – типологик тасаввурларига, уларнинг ҳаётий ва маънавий тажрибаси, шахсий позициясига боғлиқдир.

"Инсоннинг шундай юксак ва қимматли ҳислатлари бўладики, ...ақл кучи моддий манфаат кучидан устунлик қилади, ана ўшандагина инсон яхшиликка интилади. Аммо жамиятда бундай кишилар жуда ҳам кам, мабодо кишилар орсида бундайлари топилса ҳам, улар ёлғиздирлар. Бордию манфаат ақлни зabit этиб олса, унда инсонни албатта ёмонликка чорлайди. Бундай одамни қайта тарбияламоқ лозим", деган А.Навоий ва яна ..."Одобли ва гўзал хулқли одамлар кўпаяверса, халқнинг дўстлиги, уларнинг бир-бирига нисбатан бўлган меҳр-муҳаббати борган сари ривож топади. Агар киши одоб ва тавозеъ (хокисор. безавол) каби хулқقا эга бўлса, ўзи ҳам халқнинг иззат-хурматига сазовор бўлади", деган Махбуб ул-қулуб асарида (48-бет).

Ижтимоий онгни шакллантириш методлари

Ўқувчиларда қараашлар ва эътиқодлар тизимиши шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғулари ва иродасига ҳар томонлама таъсир кўрсатади ўз ифодасини топади. Бу методнинг моҳияти шундан иборатки, уларнинг воситаси билан ёш авлодга нисбатан қилаётган талаблар бола онгига етказилади. "Одамни тарбиялашнинг энг асосий йўли ишонтиришдир, одамнинг эътиқодига эса фақат ишонтириш билан таъсир қилиш мумкин". К.Д.Ушинский,

1. Тушунтириш - ўқувчиларда эътиқод ҳосил қилишнинг энг кенг ёйилган методидир. Тушунтиришдан мақсад - болага ҳатти-ҳаракатлар, воқеалар ва ҳодисаларга нисбатан у ёки бу талабларнинг ижтимоий, маънавий, эстетик мазмунини очиб беришдан, ўқувчига хулқ-атворга ва ижтимоий муносабатларга тўғри баҳо беришни шакллантиришда кўмаклашишдан иборат.

2. Ҳикоя ва сұхбат. Ўқитувчининг жонли сўзи орқали ҳамиша бола шахсини ғоявий ва маънавий шакллантиришнинг таъсирчан методи бўлиб келган. Ҳикоя учун мавзу танлаётганда унинг синф учун актуаллигига, у болаларда маънавий ишонч, кечинма, ҳис-туйғуни юзага келтириши шарт.

Сұхбат турли мавзуларда: этика (инсоннинг юриш турин хақида), эстетик, сиёсий билим берувчи бўлиши мумкин. Сұхбат вақтида ўқувчилар тингловчилар эмас, балки муҳокама қилинаётган воқеаларнинг фаол қатнашчилари бўлиши керак. Сұхбатда ўқитувчи болаларнинг ҳиссий тажрибасига, уларнинг конкрет билимларига таянади.

Машқ ва ўрганиш А.С.Макаренконинг таъкидлашича, тарбия - тўғри ҳатти-ҳаракатга ўргатувчи машқдан бошқа нарса эмас. Машқ - болалар ҳаётини оқилона бир мақсадга қаратилади, ҳар тарафлама фаолиятини жамиятда қабул қилинган нормалар ва қоидаларга мувофиқ, ташкил этишдир. Машқ муайян ҳаракатлар ва ишларни кўп марта такрорлашни ўз ичига олади. Бола учун машқ - онгли ижодий жараёндир. Машқлар натижасида малака ва кўникмалар, одатлар, янги билимлар ҳосил қилинади, ақлий қобилият ривожлантирилади. "Ўйин синчковлик ва қизиқувчанлик оловини ўт олдирувчи учқундир", - деган В.А Сухомлинский. Ўқувчилар ҳаётида, айниқса бошлангич синфларнинг ўқувчилари қаётида ўйин фаолияти катта ўрин тутади. "Бола учун ўйин – воқелик, - деб ёзган эди К.Д.Ушинский, - бинобарин, унинг теварак атрофидаги воқелиқдан қўра қизиқарлироқ воқелиқдир. У болага, хусусан тушунарли бўлгани учун қизиқдир, ўйин болага шунинг учун тушунарлики, унда қисман боланинг ўзи яратган нарса бор".

Бола ўйинда қандай бўлса, у катта бўлганида ишда ҳам кўп ҳолларда ўшандай бўлади, деб билдирган. Макаренконинг сўzlарида катта педагогик мазмун бор. Ўйин - болалар жамоаини жипслаштирадиган ва ривожлантирадиган фаолият турларидан биридир. Болалар ўйинига эътибор билан разм солинса, уларнинг ўйинларида катталар дунёси қандай акс этишини қандай билиб олаётганликларини кўриш мумкин.

Бола учун машқ - онгли, ижодий жараёндир. Машқлар натижасида малака ва кўникмалар, одатлар, (тажриба) билимлар ҳосил қилинади, ақлий қобилият ривожлантирилади. К.Д.Ушинский тарбиянинг вазифаси характерни шакллантиришдан ҳамда ҳаётда ҳосил қилинган эътиқод ва одатлардан таркиб

топтириш деб ҳисоблаган. Одат, Ушинскийнинг фикрича, эътиқодни майлга айлантирадиган ва фикрни ишга айлантирадиган жараёндир. Одат - одамнинг иккинчи табиати, лекин тарбия санъатига бўйсунадиган табиатдир.

Мустақкамлаш учун саволлар

1. Тарбия методлари деб нимага айтилади? Тарбия методлари хақида шарқ - гарб мутафаккирлари қандай фикрларни билдирган?
2. Ижтимоий онгни ва хулқ - авторни шакллантириш методларини қандай изоҳлайсиз?
3. Рағбатлантириш, жазолаш методларининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?
4. Ўз - ўзини тарбиялаш методини қандай тушунасиз ва у қандай таркиблардан ташкил топади?
5. Нега ўқитувчи тарбия методларини билиши шарт? Сиз уни қандай изоҳлайсиз?

МАВЗУ: ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ

Режа:

1. Ҳуқуқий тарбия – шахс эркинлигини таркиб топтириш жараёнининг таркибий қисми сифатида.
2. Мактабда ҳуқуқий тарбиянинг моҳияти, мазмуни, мақсад ва вазифалари.
3. Ўқувчиларда ҳуқуқий тарбияни таркиб топтириш услбияти.

Таянч сўз ва иборалар: ўз ҳақ-ҳуқуқи сари интилиш, қонун, ҳуқуқ, билим, тарбия, қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик бўлади, Конституциявий ҳимоя, ҳуқуқий қўникма, одат ва ҳоказо.

«Илм илиа ўз ҳақ-ҳуқуқи сари интилиш бандаси учун фарзdir ва у ҳаёт эканми, ани адо этмоғи зарур» - деб таъкидлаган М.Улуғбек.

«Ўз ҳақини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган одамнинг ўлими нақадар яхши ўлимдир. Қонунчилик ижтимоий ҳодисалардан биридир, у ҳеч қандай орқага қайтишга йўл қўймайди. Ундан ҳатто заррача орқага қайтиш ҳам қонунни бузишдир» (Ҳадис).

Буюк бобомиз А.Темур «Қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик бўлади» деган доно сўзларни олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйишга амр берган эди деб таъкидлайди И.А.Каримов «Буюк келажак сари» асарида (624-бет).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш» тұғрисидаги фармойиши асосида мамлакатимиз таълим тизимининг барча босқичларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўкув курси жорий қилинди. Фармойишига асосан 2001 йил 1 сентябдан әзтиборан республикамизда узлуксиз таълим тизимида боғчадан то олий таълимнинг юқори босқичи – магистратурагача ҳуқуқий билимларни ўрганиш аввалам бор Конституциядан бошланди.

Барча таълим турлари учун болалар ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришга қаратылған Конституцияни ўрганиш бүйіча дастурлар, дарсликлар, адабиётлар яратиш вазифалари кун тартибига қўйилди.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб умумий ўрта таълимнинг бошланғич синфларида 10 соатдан «Конституция алифбоси» ва 5-7 синфларда «Конституция оламига саёҳат» (14 соат) дарслари жорий этилди. Бошланғич синфларда она тили, атроф оламни муҳофаза қилиш ва ўқиш дарсларни ўрганиш таркибида ўрганиладиган бўлди.

Ҳаммамизга дунё ҳалқлари тарихидан маълумки, ҳар бир миллат ва элатлар фақат ўз эркинликларини қўлга киритгандан сўнгтина

Марказий Осиё ҳалқлари кўп минг йиллик бой ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданиятга эга. Ислом ҳуқуқшунослиги асосан Қуръони Карим ва суннати набавийя асосида шаклланади ва суннат негизини ташкил этувчи ҳадисларни жамлаб келажак авлодни ҳуқуқий тарбиялаш эҳтиёжи вужудга келди. Дастрасларни уринишлар натижасида Зайд ибн ал-Ҳасаннинг «Мажмаъ ул фиқҳ», Малик ибн Анаснинг «ал-Муватга» ва Аҳмад ибн Ҳанбанинг «ал-Муснад» номли ҳадислар тўпламлари вужудга келди. Лекин улар ҳадисларни саралаб тўплашни вазифа қилмай, ҳуқуқий тарбияга жавоб беришга асос бўладиган зарур ҳадисларни тўплаш билан чекланганлар. Кейинчалик бу фаолият ҳадис илми билан шуғулланувчи олимлар томонидан давом эттирилди. Улардан бутун ислом оламида эътироф этилган «Олти ишончли тўплам» (Қутуб ассиҳаҳ ас-ситта) деб юритиладиган тўпламлар алоҳида ўрин тутади. Булар имом ал-Бухорий ва имом Муслумларнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» (ишончли тўплам), ан Нассоий, Абу Довуд, ат-Термизий ва Ибн Моҳжаларнинг «Ас-сунан» номли ҳадислар тўпламидир.

Буюк ислом олими, фақиқ Бурхониддин ал-Марғиноний Қуръони Карим ва ҳадис илмини мукаммал эгаллаб, фиқҳ-ислом ҳуқуқшунослиги борасида бенихоя чуқур билимга эга бўлган ва ҳуқуқий тарбия соҳасини бекиёс дурдоналар яратган. У Самарқандга кўчиб бориб, бутун ислом оламида машҳур «Ал-ҳидоя» асарини 573 йилда ёзган (1170 йил милодий). Бу асар оврупа ҳалқлари тилларига таржима қилиниб, катта қизиқиши билан ўрганилганидан унинг кўпгина мамлакатларда ҳуқуқ илми ривожига сезиларли таъсир кўрсатганига шубҳа йўқ.

Ўзбекистон – мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат, инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатadir. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тарғибот тантана қилмаса шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириб бўлмайди. Шу жиҳатдан «Ўзбекистон Республика-

сининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси» хуқуқий тарбияда асосий дастурдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлиши муносабати билан мактаблардаги таълим-тарбия ишлари тинимсиз ривожланиб бормоқда.

Республикадаги соғлом вазият, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясининг ўсиб бораётганлиги меҳнаткашларнинг онглилик ва интизомлилик даражаси юксалганлиги туфайли хуқуқбузарлик ҳолатлари тобора камайиб бормоқда. Кишилар онгига жамият манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилиш, соғдил, ҳақгўй бўлиш, адолатсизликка, текинхўрликка, таъмагирликка қарши муросасиз бўлиш, қонун меъёrlарига ҳурмат назари билан қараш каби ҳислатлар кўпроқ сингиб бормоқда. Ўқувчилар онгига хуқуқий сифатларни сингдиришда тарбиянинг барча омил ва воситаларидан, педагогик ишнинг барча усуllаридан оқилона, мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ҳеч шубҳасиз ўзининг самарали натижаларини беради.

Ўқувчи ва ёшларга хуқуқий тарбия беришда, уларда юксак фуқаролик ҳистийғуларини, сифат ва ҳислатларини таркиб топтиришда таълим-тарбия бирлиги муҳим. Таълимий ва тарбиявий восита ва омиллар кўп. Ҳозирги вақтда давлат рамзларидан фойдаланган ҳолда ўқув-тарбия ишларини ташкид этиш муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Ҳаётта қадам қўювчи ҳар бир ўсмир ўз республикасининг Қомусини билиши, унга амал қилиши керак. Ўқувчиларда Ўзбекистон Республикаси мадхияси, Герби ва байроғига нисбатан чуқур ҳурмат-эҳтиром туйғуларини тарбиялаш ишларимизнинг узвий қисмини ташкил этади.

Хукумат қарорларида мактаблар, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари ёш авлодни ҳар томонлама етук ва маънавий баркамол тарбиялашга даъват этилган. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ўз ватанини севиши, халқига чексиз садоқатли бўлиши, Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қоидаларини, рамзларини яхши билиши ва уларга чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлиши шарт. Ўқувчи ва талабаларда ана шу ҳис-туйғуларни тарбиялаш ўқитувчининг муқаддас бурчидир.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Хуқуқий тарбия нима учун инсон эркинлигини таъминлайди?
2. Мактабда хуқуқий тарбия нима учун амалга оширилади ва қандай мақсад ва вазифаларни назарда тутади?
3. Мактабда хуқуқий тарбия қандай шаклларда олиб борилади?
4. Нима учун ўқувчиларда хуқуқий кўникма, одат ва маданият таркиб топтирилади?

МАВЗУ: МЕХНАТ ТАРБИЯСИ

Режа:

1. Инсонни шакллантиришда меҳнат тарбиясининг амалий аҳамияти.
2. Мактабда меҳнат тарбиясининг мақсад ва вазифалари.
3. Мактабда меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил этиш шакллари.
4. Ўқувчилар меҳнатига қўйиладиган талаблар.

Таянч сўз ва иборалар: меҳнат қилиш, бахтли бўлишни истаса, меҳнатсевар, меҳнат аҳли, истақ, эҳтиёж, одат, ижтимоий фойдали меҳнат, ўз-ўзидан қизиқиб қолмайди, кам ўйлайдиган киши, кўп қиррали меҳнатсиз ва ҳоказо.

Инсоннинг асосий бурчи, вазифаси меҳнат қилишдир, чунки исталган нарсага ишлаш билан, меҳнат қилиш билан эришилади. А.Беруний.

«Бола ўз меҳнати билан ўзини боқиши қурбига эга бўлгандан кейингина отанинг ўғлига (ёки қизига) берган меҳнат тарбияси якунланган ҳисобланади» деб ҳисоблаган Ибн Сино. (А.Ирисов. Ибн Сио маърифатпарвар адаб. Т: 1962 й. 10-бет).

Қайси нарсага кўп меҳнат қўшилса,
Ўша нарса севимли, ҳаммадан азиз.
Қайси нарсага киши умрини сарф қилса,

Ўша нарса ширин жон баробарида севимли бўлади.

Бирор ишни қилишга қасд қилган бўлсанг, бутун зеҳнинг, бутун вужудинг билан тиришиб, битирмагунча ундан қўл тортма, - деб ўгит қилган Амир Темур.

К.Д.Ушинский «Тарбиянинг ўзи, агар кишининг баҳтли бўлишини истаса, уни баҳт учун тарбияламаслиги, балки ҳаётдаги меҳнатга тайёrlаши керак», - деган.

Умрни зое этма, меҳнат қил,

Меҳнатни саодатнинг калити бил. (А.Навоий)

Меҳнат тарбияси тарбиянинг таркибий қисмини ташкил этади. Ҳақиқатдан ҳам, кишининг энг биринчи, зарурий эҳтиёжи – меҳнатdir. «Бунинг учун меҳнат зарур, - деб уқтиради Беруний, фақат ақл-идрок ва меҳнатнинг жонланишигина кишилар ҳаётини белгилаб беради». Инсоннинг асосий бурчи ва вазифаси – меҳнат қилишдир, чунки исталган нарсага меҳнат сарфлаш орқали эришилади.

А.Н.Форобий инсон ўз ижтимоий вазифасини бажариш учун унга, биринчидан, кундалий ҳаётда одамлар билан мулоқотда бўлиш зарурлигини, иккинчидан эса, у меҳнат ва қасб-хунар қўникмаларини ва ахлоқий фазилатларни ҳосил қилиши лозимлигини таъкидлайди. Ва яна «Ҳар бир кишига беркитилган маълум бир иш бўлиши керак, токи у киши ўзига беркитилган ишни кечиктирмасдан ўз вақтида бажарсин», - дейди. (А.Н.Форобий. Рисолалар. Т., 1975 йил, 17-бет).

Али Абу ибн Сино «Китоб уш-шифо» асарида идеал давлат тузуми қўринишини чизиб беради. Унинг фикрича, бу давлатнинг ҳар бир аъзоси жамият учун фойда келтирувчи бирон бир иш билан шуғулланиши керак. Одамни шундагина одам дейиш мумкинки, қачонки у ўз манфаати учунгина эмас, балки ҳалқ ва умумжамият манфаатлари учун фойдали меҳнат қилиши биландир. Бирорлар ҳалол меҳнат қилиб жамият учун фойда келтирса, бошқалар текинга яшаса – бу адолатсизлик, деб таъкидлайди, Ибн Сино «Тадбирал манозил» асарининг «Афсофий баҳтарин занҳо» бўлимида барча жамият аъзолари ишлаб чиқариш меҳнати билан шуғулланиши зарур, - деган ғояни илгари суради.

Кайковус «Қобуснома»нинг «Хунарнинг афзаллиги ва қадри баланд, олий табиатли бўлиш ҳақида» деган бобида фарзандларни меҳнат қилишга ундар экан, агар меҳнат қилиб баданни ўзингта бўйсндиrmасанг соғлом ва баланд мартабали бўла олмайсан. (Қобуснома. Т., 1973 й. 33-бет).

Паҳлавон Маҳмуд «Инсон юксак камолотdir, лекин у ана шу шарафга лойиқ бўлиш учун, аввало, фойдали меҳнат билан шуғулланиши ва ўз манфаатини ҳалқ манфаатидан юқори қўймаслиги лозим», - деган ғояни илгари суради.

Абдулқодир Бедилнинг фикрича «Инсонда ўз ҳаётини яхшилаш учун имконият мавжудdir. Бу имконият, унинг нуқтаи назарича, кишининг ҳафсаласида, ҳаракатчан бўлишида, илм, қасб-хунар ўрганиши ва меҳнат қилишидадир». (И.М.Мўминов. Танланган асарлар. I-том, Т., «Фан», 1969 й, 103-бет.).

Ю.Х.Хожиб «Қутабғу-билик» достонида «Инсон фақат жамиятдагина, бошқа кишилар билан мулоқатда ва ўзаро муносабатда, ижтимоий фойдали меҳнатдагина чинакам камолотга етишади», - деб таъкидлайди.

Меҳнат тарбияси ҳақида машхур педагог В.А.Сухомлинский қўйидаги фикрларни билдиради: «Ўзи яхши кўрмайдиган иш билан шуғулланмайдиган кишини ҳеч қандай маданий бойликлар, хазиналар билан шод этиб бўлмайди»,

«Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатни қўшиб олиб бориш – бу ақлий меҳнатдан кейин механик тарзда жисмоний меҳнат билан машғул бўлиш деган сўз эмас, балки ақлий меҳнатда ҳосил қилинган билимни жисмоний меҳнат вақтида муттасил қўллаб бориш демақдир», «Меҳнатдаги муваффақият – бу муваффақият қозонган кишининг фахри. Ўз меҳнатидан фахрланмайдиган ҳақиқий инсоннинг ўзи йўқ», «Кам қайғурадиган, кам ўйлайдиган киши, бирдан меҳнатсевар бўлиб қолиши мумкин эмас», «Бола меҳнатта ўз-ўзидан қизиқиб қолмайди, модомики қизиқиши бўлмас экан, демак меҳнатта муҳаббат ҳам бўлмайди, албатта. Болалар меҳнатини нотўғри уюштириш уни мантиқсиз бир ишга айлантиради ва у меҳнатдан безиб қолади».

Ислом динида меҳнат қилиш ибодат қилиш билан баробарлиги, меҳнат қилишдан уялмаслик кераклиги айтилади. Зоро меҳнат – инсон ҳаётининг кўрки, безаги. Меҳнат инсонга баҳт саодат, фаровонлик баҳш этади. Ҳалол меҳнат маънавий ҳаётнинг мезонидир. Меҳнат инсонни уч балодан: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан, муҳтоҷлиқдан сақлайди. Яна «Ишни пухта ва яхшилаб қилган кишини Аллоҳ яхши кўради» (Ҳадис) деб мусил-монарни сидқи дилдан меҳнат қилишга чорлайди.

Ш.Саъдий инсоний қадр-қимматни меҳнатда, хунарга таянишда деб тушундай деб таълим беради.

Ўз меҳнатидан нон еган киши
Хотам миннатидан озод ёш-қиши

(Гулистан. Т., Ғ.Фулом нашриёти. 1968 йил, 6-бет).

Болаларга меҳнат қувончи, ўқищдаги ютуқ қувончини бериш улар қалбида фахрланиш ҳиссини, ўз иззат-нафси ҳиссини уйғотиш – бу тарбиянинг энг асосий биринчи вазифасидир, деган Сухомлинский.

Авестода «Болалар ёш пайтданоқ дараҳт кўчати ўтқазиш, уй-рўзғор қурилмаларини ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатиш кераклигини» - таъкидлаган.

Яхшилик ва эзгулик яратиш учун киши меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий ноз-неъматлар яратиши лозим.

...Меҳнат қилмайдиган одамлар! Сен ҳақиқатдан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эгиб туражаксан! Ҳақиқатдан ҳам сенинг ёнингдан турли хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган, тўғ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қиласди. Абадул-абад шундай бўлажак!

Инсон бутун умр давомида сув, тупроқ, олов, умуман инсон, дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир.

Чорвадор тўғ бўлсин учун чорвани муттасил парвариш қилмоқ лозим, каби тоялар таъкидланган.

Ҳар қандай одамга унинг қилган ишларига қараб баҳо бериш керак, - деган Сервантес.

Агар инсон бирон касбни мукаммал эгалласа, меҳнат унга ҳузур бағишлиайди, баҳт келтиради, деган Андре Морда.

Маданий жамият шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунарда озод ҳамма баб-баробар бўлади, ҳар ким ўзи истаган

ёки танлаган касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладиган – деб таъкидлаган А.Н.Форобий.

«Меҳнатдан ташқари ва меҳнатсиз тарбия йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки мураккаб ва кўп қиррали меҳнатсиз ҳақиқий инсонни тарбиялаб бўлмайди» ва яна «Меҳнатсеварлик – бу образли қилиб айтганда, учта тушунча: зарур, қийин ва гўзал деган тушунчалар йиғиндисидан иборат».

Меҳнат кишининг ва жамиятнинг энг зарур яшаш шартидир. Инсон нима билан фахрланса ва у нима билан эъзозланса, уларнинг ҳаммаси меҳнатнинг натижасидир. Меҳнат барча бойликларнинг манбаи бўлиш билан бирга, у инсон ҳаётининг мазмуни ҳамдир. Бунинг маъноси шундаки, инсоннинг ўзини инсон сифатида шакллантирган (нарса) ҳам, инсоннинг кудрати нималарга қодир эканлигини намойиш қилган ҳам ана шу меҳнатдир.

Меҳнат – бутун моддий ва маънавий маданиятнинг, шунингдек, ижтимоий тараққиётнинг негизидир.

Меҳнат тарбиясининг вазифалари кўп қирралидир. У ўқувчиларни меҳнат фаолиятига амалий тайёрлашнинг жуда кўп томонларини қамраб олади. Меҳнат тарбиясининг энг муҳим вазифаси ёш авлодни меҳнат қилиш хоҳишини, ҳавасини, интилишини, қўникма ва маҳоратни уларда шакллантиришдан иборат. Энг муҳими меҳнат қилаётган киши ўзи бжараётган иш натижаларини кўрган тақдирдагина унинг учун меҳнат тарбиявий аҳамият касб этади. Энг зарури меҳнат унинг учун моддий ва маънавий қимматга эга бўлиши шарт. Бусиз меҳнатнинг натижаси бўлиши мумкин эмас.

Хозир меҳнат тарбиясининг мақсади мулкка муносабатни шакллантиришга қаратилмоғи зарур. Умуман меҳнат инсонни ижодий фикрлашга, фидоийликка, мустақилликка даъват этмоғи шарт. Ўқувчиларда меҳнатсеварликни тарбиялаш энг асосий муаммо. Шахснинг маънавий қиёфасини таркиб топтиришда меҳнатнинг роли ниҳоятда каттадир. Меҳнатда шахсан қатнашмай туриб, деган эди Ушинский, инсон ўзининг ахлоқий ривожланишида олға қараб боролмайди, бир жойда ҳам туролмайди, у орқага кетади.

Ўқувчиларда меҳнат тарбиясини ташкил этишда шахсий, оилавий ва жамият манфаатларини уйғун шакллантиришга ўқитувчилар алоҳида эътибони қаратишлари шарт.

Ўқувчиларни меҳнатга ахлоқий, психологияк ва амалий тайёрлаш жараёнида меҳнатсеварлик, меҳнат интизомига бўйсениш одати, мақсадни амалга оширишда ташаббускорлик, фаоллик, ижодкорлик сингари иродавий фазилатлар шакллантириб бориласа фойдали бўлади.

Ўқувчиларни меҳнатда тарбиялаш дастлаб оилада, мактабларда – ўқувтарбия ишининг тизимида, болалар ташкилоти фаолиятида, ишлаб чиқариш жамоалари меҳнатида иштишлари орқали амалга оширилади.

Мактаб ўқувчилари меҳнатнинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси олдида турган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ривожланиш истиқболлари эҳтиёжларидан, мактабнинг ички шароити, имкониятлари ва талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Бу масалада жаҳон ишлаб чиқариши, товарларнинг сифати – умумий рақобат энг асосий мезон ҳисобланади.

Фан ва техниканинг тоборо уйғуналашиб бориши, халқ хўжалиги тармоқларида амалда қўлланиши ўқувчилар меҳнат таълими ва тарбиясини такомилаштиришни, ўзгартиришни, ижтимоий ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси шакллари хилма-хилдир. Улар асосан ўқув меҳнати, синфдан ташқари ишлар жараёнидаги меҳнат, ижтимоий фойдали меҳнат, уй меҳнати ва ишлаб чиқариш меҳнатларини ташкил этади.

Ўқув меҳнати асосида барча ўқув фанлари мазмуни асосида меҳнатнинг назарий асослари ва меҳнатга муносабат, унинг амалий аҳамияти сингари вазифалар ўқувчиларга ўргатилади. Ўз-ўзига хизмат, синфдан ташқари ва оталиқ ташкilotларнинг меҳнат майдонларида, цехларда меҳнатнинг амалий кўникмалари билан қуроллантириш таъминланади.

Ижтимоий фойдали меҳнат мактаб биноси ва майдонларини озода сақлаш, боғ ва спорт майдонлари бунёд этиш, тирик бурчаклар ташкил этиш, ўқув тажриба участкаларида, иссиқхоналар, устахоналардаги машғулотларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғища, Ватан уриши қаҳрамонлари хотирасига ўрнатилган тарихий ёдгорликларга қараш, темир-терсак ва доривор ўсимликлар тўплаш сингарилар билан шуғулланади. Ҳозирги умумтаълим мактабларида меҳнат тарбияси ўқувчиларга меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш, атрофмуҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашга шакллантириш каби йўналишларни қамраб олмоғи даркор.

Академик лицейлар, касб-хунар коллежи ўқувчиларининг касб-хунарга майилиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олган ихтиососликни эгаллашга имкон беради.

Ўқувчилар меҳнатига қўйиладиган педагогик талаблар:

1. Ақлий ва жисмоний меҳнатни бир-бири билан алмашлаб туриш.
2. Оилада уй-рўзғор ишларига жалб қилиш.
3. Бола меҳнатда бевосита иштирок этса ва меҳнатга қанчалик эрта жалб этилса, унинг меҳнат тарбияси шунчалик муваффақиятли бўлади.
4. Меҳнат бола учун зарурият, бурч ва одатга айланмоғи керак. Меҳнат осон ва қўлидан келадиган бўлиши, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига, тайёргарлигига мос бўлиши керак.
5. Меҳнат дам олиш билан алмашланиб туриши керак, чунки қаттиқ меҳнат кишини, айниқса ўқувчини чарчатиб қўйиши мумкин.
6. Болаларнинг меҳнат фаолияти ижтимоий аҳамиятга ва иқтисодий-маънавий асосга эга бўлиши керак.
7. Ҳар қандай меҳнат топшириғи фойдали ва имкони борича яққол натижা билан тугалланиши лозим.
8. Меҳнат фаолиятини ташкил қилиш ақлий, эстетик, иқтисодий, экологик тарбиялар билан мустаҳкам боғланиши фойдали.
9. Меҳнат амалий характер касбэтиши, ижтимоий жиҳатдан керакли ва фойдали бўлиши, жамоанинг ва бутун жамиятнинг манфаатларига мувофиқ келиши мухим.
10. Меҳнат ўқувчилдарда ижодийликни, фаолликни, ташаббускорлик ва мустакилликни ҳамда манфаатдоликни ўстириши керак.

11. Мехнатда санитария-гигиена, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш даркор ва ҳокази.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Мехнат тарбияси нега тарбиянинг асосий таркибий қисми?
2. Мактабда меҳнат тарбиясининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Ўқувчилар меҳнат тарбиясини ташкил этишга қандай педагогик талаблар кўйилади?
4. Мактабда меҳнат тарбиясини йўлга қўйишнинг қандай шакллари мавжуд?
5. Нима учун ўқувчиларда меҳнат кўникум ва одатлари таркиб топтирилади?

МАВЗУ: АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

Режа:

1. Ахлоқ тарбияси ҳақидаги тушунча. Ахлоқ ҳақида мутафаккирлар ва машҳур педагогларнинг фикрлари.
2. Мактабда ахлоқ тарбиясининг мақсад ва вазифалари ҳамда йўналишлари.
3. Ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашнинг шакллари ва усуслари: а) дарсда; б) синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий тадбирларда; в) оммавий ахборот воситалари; радио, телвидение, газета, кино, ва ҳоказо.

Таянч сўз ва иборалар

Ўз-ўзини идора қилиш, миллий, умуминсоний қадрият, одат, яхшиликлар замини, қимматбаҳо, ахлоқ билан безанмоқ, ахлоқни ўзида барқарор қилган киши, яхшилик, ёмонлик, нафси бузулиб ўстади ва ҳ.к.

Ҳадисларда "Мўмин киши ўзининг яхши хулқи билан кечаси қоим (ибодат билан бедор) ва кундузи соим (рўзадор) даражасига эришади", "Сизларнинг

яхшиларингиз - хушхулқ ширин сұхбатларингиздир. Ёмонларингиз эса оғзини түлдириб, әзмалик ила күп гапиувчиларингиздир", "Мүмин одамларнинг афзали - яхши хулқлисидир", "Ҳаё - имондандир", "Барча бало - тилдандир" ва ҳоказо дейилган. Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак, - дбб таъкидлайди Каримов, - соғлом киши деганда фақат жисмоний соғлиқни әмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар камол топған инсонни тушунамиз".

Иймон арабча сүз бўлиб, луғавий маъноси – ишончдир. Калбида иймони бўлмаган одам ҳар қанча савоб иш қиласа ҳам, унга савоб ёғилмайди. Қисқача қилиб айтганда, уч нарсанинг бутунлигидан иймон ҳосил бўлади: эътиқод, иқрор ва амал. Эътиқоди – динга динга ичдан чуқур ишониш; иқрор – сўзда буни тан олиш; амал – яхши ишлар билан исботлаш.

А.Навоий "Махбуб-ул-қулуб" асарида ушбу сатрларни ўқиймиз: "Вафосизда хаёйўқ, хаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ - иймон йўқ ва ҳар кимда иймон йўқ - андан одамийлик қилмак имкони йўқ". Яъни иймонсиз - одам әмас".

Эътиқод – бу ўз фикр ва қарашларига маҳкам, событ қадамлик билан ишониш ва ўзгаларни ҳам ўзиdek ҳисоблаб, уларнинг лафзига самимият билан ишонишдир.

Шарм - бу ножўя ҳатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, уялиш ҳисси. Ҳадисларнинг бирида айтилишича, одам, энг аввало ўзидан уялиши керак. Ножўя қилиғи учун ўзидан уялган одам ўзгага ҳам нохўя ҳатти-ҳаракатинираво кўрмайди.

Ҳаё – бу ўзбекча уятдир. "Бир кетган уят қайтиб келмайди", "Дилда доғ кўтариб юргандан кўра бетнинг қизаргани афзал" дейди халқимиз. "Ҳаё эркак кишига нисбатан табиатан аёл кишида қўпроқ бўлади".

Андиша – бу оқибатини ўйлаб ёки юз - хотир қилиб юриладиган мулоҳаза, эҳтиёткорлик ҳиссидир.

Номус - бу иффат, бокиралиқ, маъноларндаи ташқари кишинииг ўз мавқенини сақлаш ва ардоқлаш, хижолат тортиш туйғуларини оила ва аждодлар шаънига доғ тушурмаслик маъносини ҳам ифодалайди.

Юқорида таъкидланган ахлоқий иборалар оиласида болаларни ахлоқий тарбиялашда ўзига хос услубларда ташкил этишни назарда тутади.

Бошқа одамни тарбияламоқчи ва унинг ахлоқини тузатмоқчи бўлган тарбиячи, аввало уни яхши (билиш) ўрганиши ва барча камчиликларини яхши билиб олиши керак, акс ҳолда тарбиячи ўз олдига қўйган вазифасини бажара олмайди. Тарбия тарбияланувчини ёмон ахлоқий ҳислатлардак озод қилиш, унга яхши ахлоқий фазилатларни сингдира бориши жараёнида амалга оширилади", - деган Ибн Сино.

Абу Али Ибн Сино "Ахлоқ ҳар бир киши учун ўз - ўзини идора қилиш илмиидир", - деб таърифлайди.

Ҷосуф Хожиб "Қутадғу - билик" асарида "Кимнинг одоби яхши ва ахлоқи тўғри бўлса, у киши ўз мақсадига етади ва баҳт унга кулиб боқади", яхши ахлоқ - жамиятнинг, яхшиликларнинг заминидир", деган. "Ҳалол, ҳақгўй, ахлоқ - одобли киши ҳар қандай қимматбаҳо нарсадан ҳам қимматлироқдир", - деган.

Машхур рус педагогик К.Д.Ушинский "Тарбиянинг асосий вазифаси ахлоқий жиҳатдаи таъсир этишдан иборатдир. Бу ақлни умуман ўстириш, уни билимлар билан тўлдиришдан кўра муҳимдир", деб изоҳлаган.

М.Қошғарий "Девону луғати турк" асарида олғил мендан насиҳат, ўғлим, илму адаб ўргангин, бўлиб билимли улуғ халқ ичида бошқача илму адаб ўргатгин, деб хитоб қилган.

Кексаларни этсанг азизу иззат, сени ҳам кексайгач этишар хурмат, - А.Бедил.

Билим маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим, деб таъкидлайди А.Н.Форобий. ҳақиқий инсоний ахлоқни ўзида барқарор қилган яхши кишилар ёшларга яхши таъсир қўрсатади ва уларни меҳр-шавқатли, соғдил ва мақбул бўлиб тарбияланиши учун замин ҳозирлайди (3-бет) деб таъкидланаган А.Авлоний.

Ахлоқ нима ўзи? Ахлоқ - ижтимоий онг шакли бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида инсоннинг хулқ - авторини йўлга солиб турадиган талаблар, нормалар ва қоидалардан иборатдир.

Жамиятнинг ижтимоий - иқтисодий шароитлари, ривожланиши билан биргалиқда ахлоқ ўзгариб ва ривожланиб боради. Чунки жамиятнинг ривожланиши жараёнида одамларнинг ахлоқли ва ахлоқсизлик, яхшилик ва ёмонлик,adolatcizlik ҳақидаги тасаввурлари ҳам ўзгариб боради, Абдулла Авлоний "Ахлоқ инсонларни яхшиликка чақиравчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар илиа баён қиласурган китобни ахлоқ дейилур. Агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, "Аллоҳу - акбар", бундай кишилардан яхшилик кутаман ердан туриб юлдузларга кўл узатаман кабидир.

Ўқувчиларнинг ахлоқий тарбияси мактабнинг етакчи вазифаларидан биридир. Ахлоқ тарбиянинг моҳияти ўқувчиларда ахлоқий - онгни, одоб туйғуларини; хулқ - автор қўнималари ва одобини шакллантиришдан иборат. Шахснинг ахлоқий камолоти фаолият жараёнида рўй беради. Чунки ҳар қандай фаолиятнинг ахлоқий жиҳати бўлади. Мактаб ўқувчилари фаолият жараёнида ўзлаштирилган ахлоқий нормалар ва талаблар асосига қуриладиган ва ахлоқий принциплар билан йўлга солиб туриладиган ахлоқий муомалага жалб қиласурган. Ахлоқ бизнинг ҳаётимизга ва онгимизга фаол таъсир этади, кишилик жамияти номидан яхшилик билан ёмонлик,adolatcizlik, адолат билан адолатсизлик, меҳр билан зулм ўртасидаги ва инсоний муносабатлардаги мақбул ва номақбул, ман этилмайдиган ва ман этиладиган ишларни, ҳатти - ҳаракатларни белгилаб беради. Ҳукуқ нормаларига зид ҳатти - ҳаракат ахлоқсизлик ҳаракати деб қараланади. Шуниси ҳам борки, ҳукуқ мажбурий бўлса. ахлоқ ихтиёрийдир. Шарқ мутафаккирлари ахлоқни иккига ажратишади. Ахлоқли, ахлоқсиз, яхши ёки ёмон ахлоқли сингари.

Ахлоқий муносабатлар - бу жамиятта, меҳтатта, одамларга ва қолаверса, ҳар бир кишининг ўзига муносабатидир.

Каримов таъкидлаганидек, "Ахлоқ - маънавиятнинг ўзаги". Маънавият - илм ва амал бирлиги бўлса, ахлоқ бевосита ҳар бир шахснинг ўзгаларга нисбатан маънавий муносабатини англатади. Ахлоқ маънавиятнинг амалидир. У аввало

инсоф ваadolat туйғуси, имон ва ҳалоллик каби амалий маънавиятнинг ўзак тушунчалари билан боғлиқ маънавият ўзликинг англашди. Дунёда ҳамма нарса ўзгаради, аммо фазилат қонунлари сира ҳам ўзгармайди. Оз-оз ўрганиб доно бўлур (98-бет).

Мактабнинг махсус тарбиявий фаолияти баркамол шахсни шаклантиришга қаратилган бўлиб, у ахлоқий тарбиянинг қуидаги вазифаларини ҳал этади: ахлоқий онгни, мустаҳкам ахлоқий эътиқодларни тарбиялаш; ёш авлоднинг Ватанга, жамиятга ва меҳнатга, ўзига ва одамларга муносабатини англаб олишга қаратилган ахлоқий туйғуларни тарбиялаш.

"Одатта айланмаган тарбия, қум устига қурилган бинодир". деган К.Д.Ушинский. Ахлоқ тарбиянинг асосий мақсади ва вазифаси - бу ҳар бир кишида актив ҳаётинуқтаи назарни ҳосил қилишдан иборат. Инсоннинг жамиятта муносабатини белгиловчи ахлоқий фазилатлар орасида Ватанпарварлик етакчи ўринии эгаллади.

Ватанпарварлик - Ватанга муҳаббат, мамлакат манфаатлари ҳақида ғамхўрлик, Ватан ҳимоясига тайёр туриш, ўз мамлакатининг ижтимоий ва маданий ютуқлари билан фахрланиш, Ватаннииг тарихий ўтмишига ва унинг анъаналарига ҳурмат туйғуларини ўз ичига олади. Ватанпарварлик ва байналмилаллик қарашлар, ҳис - туйғула ўқувчиларнинг Ватан ҳақида, унинг қаҳрамонлар ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти ҳақида чуқур ва ҳар томонлама тўла - тўқис билимлари асосида шакланади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Инсон шанланишида ахлоқий тарбия қандай ўрин тутади?
2. Мактабда ахлоқий тарбия қандай мақсад ва вазифаларни амалга оширади?
3. Мактабда ахлоқий тарбияни амалга оширишнинг қандай шакллари мавжуд?
4. Ўқувчиларда ахлоқий кўникма ва одатлар нима учун таркиб топтирилди?

МАВЗУ: ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

Режа:

1. Баркамол инсонни шаклантиришда эстетик тарбиянинг тутган ўрни.
2. Эстетик тарбия ҳақида тушунча.
3. Мактабда эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
4. Ўқувчиларни эстетик тарбиялашнинг шакллари, методлари ва воситалари.

Таянч сўз ва иборалар: ҳислар воситасида идрок этиш, ички ва ташқи гўзаллик, «гўз» (кўз), мафтун этувчи, тафаккур, гўзаллик қонунияти, хулқ-атвор, меҳнат, турмуш эстетикаси, бадиий шеър, мусиқа, санъат, театр, кино ва ҳоказо.

«Агар инсон чиройлини ақл ва фаросат билан кўра олса ва уни севса, бу инсонийликнинг юқори даражасидир. Бу инсоннинг буюк идеали ҳисобланади. Ана шундай одамни мард ва доно, эстетик диidi юксак деб ҳақли равишда айтиш мумкин», деган Ибн Сино «Рисолаи ишқ» асарида. Эстетика термини биринчи бўлиб адабиётчи немис олими А.Г.Баумчартен (1714-1962) томонидан киритилган. Унинг «Эстетика» (I-том) деган асари 1750 йилда эълон қилинган. Уни эстетика

фанининг асосчиси деб бўлмайди, чунки эстетика назарияси қадим замонлардан фалсафа фани доирасида ўрганилган.

Табиатни ёш авлодни тарбияловчи ажойиб мураббийдир, деган Ушинский. М.Горький: «Инсон табиатан санъаткордир. У ҳамма ерда, бирон бир ҳолда, ўз ҳаётини чиройли қилишга интилади». Инсоннинг ички ва ташқи гўзаллиги бир бўлгандагина у идеал камолотга эришади. «Озодлик ва орасталик олийжанобликнинг ўзагидир», деб таъкидлаган А.Беруний «Ўтган авлодлар обидалари асарида.

Эстетик тарбия анча кенг маънога эга бўлиб, шахсни табиат ва жамиятдаги гўзалликларни идеал назардан идрок этишга ўргатади. Эстетика бутун оламдаги гўзалликларни ҳислар воситасида идрок этишдир. Аз.Замахшарий: «Гўзал сифат ва хусну-хулқ сийратлари безанмаган кишини ҳеч қандай кийимлар қўркам қила олмас, гуноҳ ва хатолардан сақланган кимсанинг қалби сира айдан фироқ бўлмас», деб билдирган фикри бафоят қимматли. (Нозик иборалар. Т., 1992, 74-бет).

Санъат илмий – деган эди «Шарқ Аристотели» деб ном билан машхур бўлган буюк олим Абу Наср Форобий, - ўз мувозанатини йўқотган (одамлар) хулқини тартибга келтиради, мукаммалликка етмаган хулқни мукаммал қиласи ва мувозанатда бўлган (одамлар) хулқнинг мувозанатини сақлаб туради. Илм та-нанинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир. Чунки тана касал бўлса, рух ҳам сўнади, тана тўсиққа учраса, рух ҳам тўсиққа учрайди. Шунинг учун овозларнинг таъсири билан рухни соғайтириш ёрдмида тана соғайтирилади. (М.М.Хайруллаев. Форобий ва унинг фаслафий рисолалари. Тошкент, 1963, 235-бет).

Нафосат гўзалликни ҳис қилиш, идрок қилиш ҳамдир. Гўзаллик – қадим туркий сўз бўлиб, «гўз» (кўз) ва «ол» дан тузилгандир, яъни кўзи мафтун этувчи маъносини билдиради. Тилимизда яна шу маънога яқин чиройли сўзи ҳам бор. Чиройли нарсани кўз билан кўрилади. Гўзаллик эса ҳам кўз билан кўрилади, ҳам дил билан ҳис этилади, онг билн идрок қилинади. Бола ўз ҳиссиёт ва фикрларини мустақил ижод этиш – расм солиш, ашула айтиш, рақс тушишга имкон бериш керак. (А.Иброҳимов. Ватан туйғуси. 1996 йил, 123-бет).

Миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланганлиги, бой миллий, маданий-тарихий анъанала-рга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

А.П.Чехов «Инсонда ҳамма нарса: чехра ҳам, кийим ҳам, тафаккур ҳам ... гўзал бўлиши керак. Баъзан мен шу қадар яхши кийинган гўзал чехраларни учратаманки, ҳайратдан гангид қоламан, лекин уларнинг қалби ва тафаккуричи, ё рабби! Баъзан ана шундай гўзаллик билан қора қўнгил никобланган бўладики, бу қўнгилни мутлақо оқартириб бўлмайди» ва яна «Жиддий меҳнатсиз гўзаллик яратилмайди», - деган фикрларни билдирган.

Болаларда эстетик ҳис-туйғуларни ўстириш, эстетик идроқ, тушунча, тасаввур, билим, кўникма, одат ва дидни тарбиялаш мактабда эстетик тарбиянинг асосий мақсади ҳисобланади. Эстетик билим, кўникма, малака ва одатларни тарбиялаш барча предметларни ўргатиш жараёнида амалга ошириб борилади. Ёшларни табиатдаги, жамиятдаги ва кундалик турмушдаги барча фаолиятларда гўзаллик қонунияти асосида ахлоқий шарқона хулқ-атворда тадбиқ этиш энг муҳим педагогик масаладир.

Болаларни табиатдаги барча гўзалликларни фақат ҳислар воситасида идрок қилишга ўргатиш билан бирга, ана шу гўзалликларни тартиб-озодаликни ўзларининг ҳаётларида қўллашга ўргатиш муҳимdir. Демак, гўзалликларни ҳис қилишгина эмас, уларни ўз тасаввурларида кўпайтириш, тўплаш ҳамда такомилаштириб бориш ўқувчиларни эстетик тарбиялашда амалий аҳамиятга эга. Эстетик тарбияда болаларнинг бошқалар ҳатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва ўзи фаолиятига баҳо бериш қобилиятини ўстириш муҳим роль ўйнайди.

Болаларда эстетик тафаккурни ўстириш, бутун борлиқдаги гўзал нарсалар билан хунук нарсалар ўртасидаги, ташқи гўзаллик билан ички маънавий гўзалликни фарқлай билишга ўргатади, одатлантиради. Шунинг учун ёш ўқувчиларда ўzlари ҳаётининг ҳамма соҳаларида эстетик қонуниятлар, қоидалар, талаблар асосида ташкил этмоқлари талаб этилади.

Мактабда эстетик тарбия қўйидаги тузилишда амалга оширилади: эстетик ҳис-туйғулар; эстетик идрок; эстетик тасаввур, тушунча, билим; эстетик кўникма, малака ва одатларни тарбиялаш; эстетик фикрлар ва ниҳоят эстетик маданият тарбиялаш назарда тутилади.

Масалан: Ўқувчи ҳинд кинофильмларини кўриш орқали табиат, кишиларнинг эстетик тушунча, кўникма, малака ва одатларини уларнинг тўғри ёки нотўғри томонларини бевосита қўради ва уларга баҳо беради. Ўзларида катта ҳиссий кечинмаларни бошдан кечирадилар.

Мактабда эстетик тарбия тизими: оиласда эстетик тарбия; дарс жараёнида эстетик тарбия; синф ва мактабдан ташқари ишларда; тасвирий санъат орқали; мусиқа ва ашула воситасида; турмуш ва одоб эстетикаси; кийим-бош эстетикаси; хулқ-атвор эстетикаси кабилардан ташкил топади.

Эстетик тарбия – воқелиқдаги, санъатдаги, табиатдаги, кишиларнинг ижтиёмий ва меҳнат муносабатларидағи, гўзалликни идрок этиш ва тўғри тушуниш қобилиятини тарбиялаш, гўзалликка муҳаббат туйғусини ва гўзалликни ижодий равищда ҳаётга киритиш қобилиятини тарбиялашдир. Эстетиканинг икки хил: эстетик тарбия ва бадиий тарбия тушунчалари мавжуд.

Эстетик тарбия – бу анча кенг тушунчадир. Бу тушунча меҳнат ва маданий турмуш, кишиларнинг ҳатти-ҳаракати ва ўзаро муносабати, табиат воситасида тарбияланадиган гўзаллик туйғуларини ўз ичига олади. Бадиий тарбия – санъат (адабиёт, мусиқа, ашула, тасвирий санъат) воситасида тарбиялашдир.

Бадиий адабиёт, театр, мусиқа, тасвирий санъат, кино соҳасида энг яхши асарлар ўз воситалари ёрдамида ҳаётни ҳаққоний ва ёрқин акс эттириб, бу ҳаётга тўғри баҳо бериб, кишиларнинг онги, туйғуси ва хаёлларига таъсир қиласди, инсонни ҳаёт ва меҳнатнинг ҳамма соҳаларида янгилик, илғорлик учун курашда фол қатнашишига чорлаб туради.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Инсонни тарбиялашда эстетик тарбиянинг ўрнини Сиз қандай тушунасиз?
2. Мактабда эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Эстетик тарбияни амалга оширишнинг қандай шакллари мавжуд?
4. Нега ўқувчиларда эстетик кўникма ва одатлар тарбияланади?

МАВЗУ: ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

Режа:

1. Инсонни таркиб тонтиришда жисмоний тарбиянинг ўрни.
2. Мактабда жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
3. Мактабда жисмоний тарбияни ташкил этиш шакллари:
 - а) дарс
 - б) синфдан ва мактабдан ташқари ишлар
 - в) оилада
4. Жисмоний тарбиянинг ахлоқий, меҳнат, эстетик ва бошқа тарбиялар билан алоқадорлиги.

Таянч сўз ва иборалар: жисмоний машқ, жисмоний ривожланиш, чиниқтириш, чаққон, эпчил, бақувват, соғлом ўстириш, меҳнатта тарбиялаш, Ватан мудофааси, жисмоний маданият, қуёш, ҳаво, сув, чуқур ва катта нафас олиш, каёфият, иш қобилияти ва ҳоказо.

Жисмоний тарбиянинг асосий мақсади – ўқувчилар танасидаги барча аъзоларни соғлом ўстириш борасида уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, шунингдек ватан мудофаасига тайёрлашдир. Жисмоний тарбия кишиларга катта таъсир кўрсатиб, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлайди, ишлаш қобилиятини оширади, узоқ умр кўришга ёрдам беради. Спорт – хар қандай ёшда ҳам қадди-

қоматни тарбия қилиш, қуч-қувватни сақлаб туришнинг ажойиб воситасидир. Спорт дам олиш билан меҳнатни алмаштириб туриш манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади. Шу сабабдан ҳам кишилик жамиятининг энг ибтидоий ҳолатидан ҳозирги кунимизга қадар жисмоний тарбия авлодлар камолотини таъминловчи восита деб ҳисобланган. Демак, ўсиб келаётган ёш авлоднинг, катта ёшдаги кишиларнинг жисмоний баркамоллигини таъминлаш фақат ота-онанинг, мактабнинг ишигина бўлиб қолмай, балки давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий иш ҳамдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш органлари болалар ва ўқувчи ўшларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкмлаш учун зарур чораларни кўрадилар. Ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштирилишига қаратилган йўналишни рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шароитлар таъминланади», деб таъкидланган. Меҳнат жамоалари, аҳоли зич яшайдиган жойларда фуқароларнинг жисмоний ривожланишлари учун спорт комплектлари, иншоатлари, тармоқлари барпо этиш оммавий тус олди. Бу соҳага эътибор Ўзбекистон мустақиллигидан кейин ҳукуматимизнинг дикқат эътиборида бўлмоқда. Масалан, стадионлар, бассейнлар, тенис кордлари, кураш майдонлари, хоккей, футбол, шахмат ва шашка клублари ва бошқалар.

А.Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ ва маърифатга эга бўлмоқ учун баданни тарбия қилмоқ зарур. «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадир. Чунки ўқитмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз вужуд лозимдир. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларида, ишларида камчилликка йўл қўюрлар. Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордир...».

Жисмоний тарбияга бўлган эътибор, ғамхўрликнинг кун сайин ошиб бориши фикримизнинг ёрқин далилидир. 2000 йилни Президентимиз И.А.Каримов томонидан «Соғлом авлод» йили деб эълон қилиниши ижтимоий аҳамиятга эга.

Жисмоний тарбия мазмуни жисмони камолот, жисмоний ҳолат диагностикаси, жисмоний тарбия маданияти, спорт ишлари, жисмоний маълумот тушунчаларида ўз ифодасини топади. Жисмоний камолот ёш авлод ички аъзоларининг ўзгариши, ўсишидир. Биринчи навбатда юрак ва ўпка, шунингдек асаб ва ҳаракат тизими, тана шаклининг ўзгариши, тери-мускул тизими оғирлиги, тананинг мукаммал ривожланишидир. Педагогик тушунчада жисмоний камолот деганда, инсондаги жисмоний маълумотнинг ўсиши борасидаги ўзгаришлар, яъни оддийдан мураккабга, пастдан-юқорига, номукаммалликдан мукаммалликка томн ўзгаришлар тушунилади. Уч хил тушунча мавжуд: жисмоний тарбия, жисмоний ривожланиш ва жисмоний маданият.

«Жисмоний тарбия – киши организмининг морфологик ва функционал жиҳатдан такомиллашишига унинг асосий, ҳаётий муҳим ҳаракат кўникмалари ва улар билан боғлиқ бўлган билимларни ҳосил қилиш ва мукаммаллаштиришига йўналтирилган педагогик жараёндир».

Жисмоний ривожланиш – бу ҳаёт ва тарбия шароити таъсирида такомиллашиб борувчи инсон организмининг биологик шакли ва функцияларининг вужудга келиш ҳамда ўзгариш жараёнларидир. Бу ривожланишнинг муҳим, лекин ягона бўлмаган факторидир.

Жисмоний маданият – анча кенг түшүнчә. У жамоатчилик ютуқлари, восита ва методларнинг барчасини қамраб олуучи инсонларнинг жисмоний ривожланиши ва билим олишига таъсир этувчи умумий маданиятнинг бир қисми ҳисобланади. Жисмоний маданият жисмоний тарбиянинг таркибий қисмидир. Шу билан биргаликда, жисмоний маданият инсон ва жамият умумий маданиятининг ҳам ажралмас қисми. Жисмоний маданият мазмунига қуийдагилар киради:

1. Инсон аъзоларининг тузилиши ва уларнинг функционал камолоти. Ички аъзолар, асад ва ҳаракат, сүяк-мускул тизими, баданнинг уйғуналиги ва уларнинг функционал фаолиятини бошқаради.
2. Ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш.
3. Гигиена қоидаларига қўнигириш.
4. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама моҳирлигини ўстириш.
5. Бўлажак ишчиларнинг жисмоний ва физиологик сифатларини шакллантириш, иш қобилиятини ошириш.
6. Ўқувчиларнинг жинсий ва ёш хусусиятлари учун шароит яратиш.
7. Ўқувчиларнинг ирода, чидамлилик, қатъиян интизом, дўстлик ҳиссини камол топтириш.
8. Шахсий жисмоний қобилияtlарини тарбиялаш.

Шахсда юқоридаги жисмоний маданиятни шакллантириш ижтимоий аҳамиятга эга. Бу вазифаларни мактаб ўқувчиларида амалга ошириш келажакда уларни ижтимоий ҳаётга, оиласа тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

Жисмоний маданият – спорт ишлари ёки оддий спорт шўйбалари, клублари, груптар ёки оммавий мусобақаларда ва ҳоказоларда намоён бўлади. Жисмоний меҳнат тўғри ёки нотўғри ташкил этилишига қараб ёшларга ижобий ёки салбий таъсир этишини унутмаслик керак. Ҳар қандай шароитда ҳам жисмоний меҳнат турларини жисмоний тарбия мазмунига киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Жисмоний таъсир – бу инсон баданига ёки бирон бир буюм билан ё инсонлар томонидан (қўл, оёқ, бадан орқали) таъсир кўрсатишдир. Яқин вақтларгача бу ҳақда жуда оз фикрлар билдирилган ва уни педагогик таъсир деб келинган эди. Унинг қайта туғилиши Ш.А.Амонашвили номи билан боғлиқдир. У ўз тажрибасида ўқувчиларни ақлий фаолиятларини рафбатлантириш мақсадида жисмоний таъсир кўрсатишдан тез-тез фойдаланди. Масалан, болаларнинг бошини силаш, қўлинни боланинг елкасига ойиста қўйиш, уларни руҳлантириш, партадаги болалар ёни ўтириб ҳамкорлик билдириш орқали таъсир кўрсатиш воситасида тарбиялаш самарадорлигига эришади. Бунда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўсиқ бартараф этилади ва осойишталик, бир-бирига ишонч руҳи қарор топади.

А.Д.Ушинский таъкидлаб ўтганидек, меҳнат кишининг ақлий қобилиятининг ривожланишига ва ахлоқига самарали таъсир кўрсатади. Болани илк ёшидан жисмоний ва ақлий меҳнатга ўргатиб бориш ота-оналар, ўқитувчиларнинг ижтимоий вазифасидир. Жисмоний тарбия назариясининг асосчиси П.Ф.Лесгафт бу масала юзасидан пухта ва илмий асосланган фикрларни баён қилган: «Ривожланиш – жисмоний ривожланиш сингари гармоник бўлиши, ақий эстетик ва ахлоқий тарбия ҳам шунга мувофик бўлиши керак, акс ҳолда матонатли ва событқадам кишиларни етказиб бўлмайди».

Лестафтнинг фикрича: «Жисмоний тарбиянинг вазифалари ўқувчиларни ўз ҳаракатларини бошқара билишни ўргатишдан иборат, яъни энг кам меҳнат, энг қисқа вақт ичида онгли равишда энг кўп жисмоний иш бажариш ёки гўзал ва илдам ҳаракат қилишдир».

Ўқувчиларни жисмоний тарбиялашда қўйидаги асосий вазифалар ҳал этилади:

1. Соғлиқни мустаҳкамлаш, организмни чиниқтириш, жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланиш ҳамда унинг ишлаш қобилиятининг оишига таъсир этиш.
2. Ўқувчиларда янги ҳаракат турларига кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш ва уларни маҳсус билимлар билан қуроллантириш.
3. Ўқувчиларнинг ёшига, жинсига мувофиқ келадиган (куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамлиликтининг) асосий ҳаракат сифатларини ривожлантириш.
4. Ўқувчиларда ўз соғлигига онгли муностабатни тарбиялаш бўлиб, бу уларнинг гигиена қоидаларига риоя қилишларида, эрталабки гимнастика билан шуғулланишларида ҳамда спорт машғулотларида қатнашишларида ифодасини топади.

«Биз айтамизки, - дейди Ибн Сино – бадан тарбия кишини чуқур ва катта нафас олишга мажбур қилувчи ихтиёрий ҳаракатдир. Мўтадил равищда ва ўз вақтида бадан тарби билан шуғулланувчи одам, бу бузилган хилтлар (қон, сафро, балғам) туфайли келган касалликларнинг ва мижоз ҳамда илгари ўтган касалликлар туфайли келувчи касалликларга мубтало бўлмайди» (Тиб қонунлари. 1-китоб, 1953 й, 305-бет).

Киши организмини чиниқтиришда жисмоний машғулотнинг (киши организмига) роли катта эканлигини табиий-илмий томондан Ибн Сино асослаб берган. У мунтазам суратда жисмоний машқ қилиб туриш, бошқа режимларга (уйқу, овқатланиш, баданни тоза тутиш) қатъий риоя қилиш соғлиқни сақлашда энг муҳим ва асосий шартлардандир деб билди.

Ибн Сино киши организмини чиниқтириш ва тарақкий эттиришда табиат кучларидан: (куёш, сув, ҳаво) фойдаланиш катта аҳамиятга эга эканлиги, жисмоний машқнинг кишидаги сезги органларини тарақкий эттириши учун ҳам катта роль ўйнашини исбот қилиб берганлигини кўрамиз.

Сино машқларни: «Кичик ёки катта, жуда тез ёки секин, суст машқлар бўлади» - деган эди Тиб қонунлари китобида (314-315 бетларида).

Машхур рус адаби Л.Н.Тольстой «Агар мушукларимни ишсиз қолдирганимда аҳволим аллақачон ёмонлашган бўларди. Ана шу ишгина менга ширин уйғу, тетик кайфият бахш этади», - деб таъкидлаган эди.

Ўқувчиларни ижтимоий фойдали, унумли, жисмоний меҳнатга тарбиялашда жисмоний тарбия катта роль ўйнайди. Жисмоний меҳнат соғлом бўлишни талаб қиласи. Тўғри уюштирилган, яхши санитария-гигиена шароитларида қилинадиган жисмоний меҳнат сиҳат-саломатликни яхшилаш ва жисмоний ўсиш учун имкон беради.

Мактабда жисмоний тарбия ўқувчиларда асосий ҳаракат кўникмаларини (кучлилик, эпчиллик, тезкорлик, сабр-матонат) пайдо қилган ва ривожланган

холда, ишлаб чиқариш таълими учун ҳам мустаҳкам замин яратади. Жисмоний тарбиянинг тарихий тажрибаси бақувват, чидамли, эпчил киши ўзига нотаниш ишни, меҳнат операцияларини ҳаракат қилишда озроқ кўникма ҳосил қилган нимжон, суст, бесўнақай кишиларга қараганда тезроқ ўзлаштира олишини қўрсатади.

Ўқимишли, ҳар томонлама ўсган янги кишини, аъло спортчини тарбиялаб етишириш учун мактаблар кенг имкониятларга эга.

Мактабда кучли ақлий меҳнат билан фаол жисмоний ҳаракатни бир-бири билан оқилона боғлаб олиб бориш ўқиши жараёнини янада самаралироқ қиласди жисмоний тарбия дарслари бу соҳада етакчи ўрин эгаллайди. Дарснинг мазмуни мактаб режаси билан белгиланади. Бу дарсларда ҳар бир синф учун ўкув материали тегишли педагогик вазифалар билан белгиланади.

Ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва организмини чиниқтириш – мактабда жисмоний тарбия соҳасидаги асосий вазифалардан биридир. Жисмоний тарбия машқлари билан шуғуллангандагина соғлиқни мустаҳкамлаш ва организмнинг чиникишига эришиш мумкин. Нафас олиш, юрак томир ҳамда организм бошқа системалари ва функцияларининг фаолиятига кучли таъсир қиласидиган мускулларнинг кўп қисмини ишга соладиган машқлардан фойдаланиш бу ишда алоҳида аҳамиятга эга. Шундай жисмоний машқларга: югуриш, сакраш, ирғитиш, чанғида юриш, сузиш, ҳаракатли ва спорт йўйинлари киради.

Ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамалашда мактабнинг машғулот режимида кўзда тутилган оммавий соғломлаштириш тадбирлари, чунончи ҳар куни дарс бошланишидан олдин гимнастика билан шуғулланиш, дарсларда жисмоний тарбия минути ўтказиш, катта танаффус пайтида очик ҳавода ўйинлар ва жисмоний тарбия машқлари ўтказиш, ўкув йилида оммавий жисмоний маданият-соғломлаштириш тадбирлари учун 6-7 кун вақт ажратиш, барча ўқувчиларни жисмоний тарбия бўйича синфдан ташқари ишга жалб қилиш тадбирлари катта роль ўйнамоги керак.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Инсонни тарбиялашда жисмоний тарбиянинг ўрни ва амалий аҳамиятини қандай тушунасиз?
2. Мактабда жисмоний тарбия нима учун амалга оширилади?
3. Жисмоний тарбияни амалга оширишнинг қандай шакллари мавжуд?
4. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

МАВЗУ: ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Режа:

1. Экологик тарбия ҳақида тушунча.
2. Мактабда экологик тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
3. Экологик тарбияни ташкил этиш шакллари.
 - а) дарсда
 - б) синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларда
 - в) оиласи

Таянч сўз ва иборалар: табиат китоби, мувозанат, атроф-муҳит, ижтимоий муаммо, миллий ва минтақавий, умумбашарий, экология, Э.Геккељ, эҳтиёткорона муносабат, экологик онг, маданият ва ҳоказо.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумбашарий муаммосига айланган. Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча ҳалқларнинг манфаатларига мос бўлиб, ривожланишининг ҳозирги қуни ва келажаги қўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир, - деб таъкидлаган И.А.Каримов (Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. 115-бет).

Атоқли педагог В.А.Сухомлинский «Болаларга жоним фидо» асарида «Мен болалар «Алифбо»сини очиб, биринчи сўзни ҳижжалаб ўқишиларига қадар аввал дунёдаги энг ажойиб китоб – табиат китобини мутолаа этишларини истардим» - деб таъкидлаганидек, бу борада барча ишларни боланинг кичикилигиданоқ бошлиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республика «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да: «Таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг экологик ва санитария-гиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш зарур» - деб алоҳида таъкидланган.

«Экология» юнонча сўз бўлиб, тирик мавжудодларнинг яшаш шарти ва теварак атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир. «Экология» атамаси 1866 йилда немис зоолог олими Э.Геккель томонидан кашф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида: «Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» ва 55-моддасида эса: «Ер ва ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умумий бойликлардир. Улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мудофаасидадир» - деб жуда ўринли таъкидланган.

Фуқароларда экологик маданиятни таркиб топтириш, уларга табиат, атроф-муҳит билан қандай муносабатда бўлишни ўргатиш ижтимоий педагогика назарияси ва амалиётининг энг долзарб мавзусига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, шу номда Давлат дастури, «Экологик таълим-тарбия концепцияси» нинг ишлаб чиқилиши, «Экосан» жамғармасининг тузилиши ва 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» ва 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон ва давлат дастури ишлаб чиқилиши экологик тарбиянинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга қаратилганлигини кўрамиз.

Аҳоли сонининг тез ўсиб бориши натижасида экологик ижтимоий муаммолар ҳам тобора ортиб бормоқда. Айниқса, аҳолини ер, сув, энергетика, озиқовқат билан таъминлаш ҳақидаги муаммолар бутун дунё ижтимоий муаммоларига айланиб бормоқда. Ер куррасида инсоннинг фаровон яшashi энди экологик муаммоларни ечишга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Экологик муаммоларнинг илмий, иқтисодий, техник, гигиеник, юридик, эстетик, педагогик ва психологияк йўналишлари мавжуд. Педагогик йўналишда экологик таълим ва тарбия бериш кўзда тутилади. Экологик таълим деганда аҳолига берилиши лозим бўлган табиат билан инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади.

Экологик тарбия эса инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам турли ёщдаги кишиларда атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборат.

Фуқароларда экологик саводхонлик ва маданият ижтимоий таълим-тарбия муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, меҳнат жамоалари, маҳаллий бошқарув органлари, ички ишлар ходимлари, прокуратура, суд, оммавий ахборот

воситалари сингари шаклларда амалга оширилади. Экологик муаммоларни ҳал этишда аҳолининг ғалла майдонларини, мевали ва манзарали дарахтларни мудо-фаа қилиш соҳасида кўплаб муаммолар мавжуд.

Фуқароларга экологик тарбия беришда миллий хусусият ва томонларга асосий эътиборни қаратиш фойдали. Булар: сув, ер, тупроқ, ҳаво муқаддас ҳисобланган. Ота-боболаримиз: «Сув – табиат инъоми, ҳаёт манбаи», - деб бежиз айтишмаган. Маълумки ҳозир фақат 500 минг km^3 га яқин чучук сув бор холос.

Маълумки, барча ёшдаги кишиларда табиатни муҳофаза қилиш ҳақида қимматли ҳаётий ғоялар ҳалқ донишмандлигида асосланган. Масалан, «Соясидан ҳалқ фойдаланиб турган дарахтни кесиб юборган одамни тангри дўзахга маҳкум этур», «Деҳқончилик билан шуғулланинглар, деҳқончилик муборак касбидир. Унга қўриқчиларни кўпайтиргилар», «Қайси бир мусулмон экин ёки бирор дарахт ўтқазса, сўнг унинг мевасидан қуш ёки ҳвийон еса, унинг экинидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садақа савоби ёзилади», «Экмоқ ниятида қўлингизда кўчат тутқазган пайтда бехосдан қиёмат қоим бўлиш аниқ бўлганда ҳам улгурсангиз, уни экиб қўяверинг», «Ким сув тошқинини тўхтатса ёки ёнғинни ўчирса, унга шоҳидлик ажри ерилади» ва ҳоказо.

«Тафаккур буюк фазилатdir ва одамнинг донолиги ҳақиқатни айтиша, табиатга қулоқ солган ҳолда унга мувофиқ ҳаракат қилишда» - деб таъкидлаган Гераклит.

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. 1911-1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори нуқта бўлиб, 53,4 метрни, шу даражалар 1994 йилда 32,5 метрга, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни (400 куб километрни) сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни (32,5 минг квадрат километр) ва минераллашуви даражаси бир литр сувда 10-11 грамм (у икки баробар ошганлигининг гувоҳимиз) га етган.

Оролнинг қуриб қолган тубидан чанг бўронлари 1975 йилдаёқ космик тадқиқотлар натижасида аниқланган. 1980 йилларнинг бошларидан буён бундай тўфонлар бир йилда 90 кун давомида кузатилмоқда. Чанг-тўзон узунлиги 400 км ва эни 40 км майдонга етиб бормоқда. Чанг бўронларининг таъсир доираси эса 300 кмгача етмоқда. Мутахассисларнинг берган маълумотларига қараганда, бу ерда ҳар йили атмосферага 15-75 млн тоннагача чанг кўтарилади.

Орол денгизининг қуриб бориши муносабати билан ҳалқаро, кенг қўламли аҳамиятта молик бўлган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва десографик муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келди. Денгизнинг қуриб бориши ва минтақанинг чўлга айланиб бориши билан боғлиқ фожеа бу ҳавзада яшаётган барча ҳалқларнинг ижтимоий фожеасидир.

Мактабда ўқувчиларни экологик тарбиялашда бундай маълумотларни бериб бориш ўқитувчиларнинг асосий вазифаси бўлсоғи даркор.

Эндилиқда атроф-муҳитга, табиат бойликларига эътиборсиз бўлиш бутун сайдерага жиддий зарар етказиши маълумлиги аниқ бўлиб қолди. Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатлар муаммоларини ечиш зарурияти туғилди. Ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш, табиат, атроф-муҳит билан қандай муносабатда бўлишни ўргатиш педагогика назарияси ва амалиётида дол зарб муаммога айланди.

Айниқса, умумтаълим мактабларида мактаб партасиданоқ табиатта муҳаббат руҳида тарбия беришга астойдил кириши зарурлигини кўрсатади.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳозирги замоннинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолганлиги ўқувчи онгига сингдирилади. Ҳақиқатдан ҳам табиий бойликлардан ҳаддан ташқари қўп даражада фойдаланиш, янги ерларни режасиз ўзлаштириш оқибатида, экологик мувозанат кескин ўзгарди, атроф-муҳит ифлосланди. Айниқса, пахта якка ҳокимлиги, қишлоқ хўжалиги ишларининг нотўғри режалаштирилганлиги, кимёвий ўғитлардан меъёрдан ортиқ ишлатилиши табиат кушандаларининг кўпайишига сабаб бўлди. Бу ҳол ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёсига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Экологик тарбия инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир.

Экологик таълим-тарбия мактабда барча фанларни ўқитишда амалга оширилиши кўзда тутилади. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам ёш авлодда атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Бизнингча, умумий ўрта таълим ва бошқа муассасаларда экологик тарбия беришни тарбиялашнинг мазмуни қуидагиларни ўз ичига олиши керак:

- атроф-муҳит ва унинг шахс маънавий дунёсига таъсири;
- табиат ва унинг аҳамиятини англаш;
- табиатга муҳаббатни шакллантиришда мактаб ва оиланинг ҳамкорлиги;
- ўз тумани, шаҳарини, қишлоқ ва мактаб ҳовлисини кўкаламзорлаштиришда, ҳатто синф хонасидаги ўсимликларни ҳам парваришишга қизиқишиларни;
- оиласидаги, мактабдаги табиатни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини эъзозлашга ўргатиш, жонивор ва қушларни парвариш қилиш;
- табиатга онгли муносабат жараёнда ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантириш;
- ёшларни экологик тарбиялашда миллий анъана ва удумларни қайта тиклаш, уларга эътиборни кучайтириш.

«Авесто»да кишиларни экологик тарбиялаш бўйича қуидаги тадбирлар белгиланган:

- Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир.
- Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи уриш жазосига маҳкумдир.

Ота-боболаримиз азал-азалдан табиатга юксак меҳр кўрсатишган. Юртни обод этишган, кўчаларни, ҳайлиларни саришта қилишган. Халқимизнинг табиатга муносабати: уруғ қадаш, қовун сайли, сув сайли, узум сайли, ҳосил байрами, гул байрами, Наврӯз байрами каби анъана, удум ва одатларида ўз аксини топган. Мазкур анъана, урф-одат ва қадрияларни такомиллаштириш бугунги қуннинг энг асосий вазифалариданadir.

Мактаб ўқувчилари экологик тарбия жараёнида қуидагиларни билишлари зарур:

- табиат ҳақида тушунча, табиий муҳит, табиий омиллар ва улар орасидаги боғланиш;
- табиат бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш;
- атроф-муҳитни ифлослантиришдан сақлаш;
- табиатни келажак авлодлар учун табиий ҳолда қолдиришга интилиш.

Умуман умумий таълим мактаб ўқувчиларининг экологик таълим-тарбияси қуидаги тузилиш ва тизимда олиб борилса унинг самарадорлиги таъминланади: экологик ҳис-туйғу, экологик идроқ, экологик тасаввур, экологик тушунча, экологик билим, маълумот, кўникма, малака, одат, экологик маданият (маҳорат) ва ҳоказо.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Экологик тарбия нега тарбиянинг таркибий қисми бўлиб қолди?
2. Экологик тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Экологик тарбияни ташкил этишининг қандай шакллари мавжуд?
4. Нима учун экологик онг, маданият, кўникма ва одатлар тарбияланади?

МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

Режа:

1. Инсонни шакллантиришда иқтисодий тарбиянинг педагогик аҳамияти.
2. Мактабда иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
3. Ўқувчиларга иқтисодий тарбияни олиб боришнинг шакллари:
 - а) дарс жараёнда
 - б) синфдан ва мактабдан ташқари ишлар тарбиявий ишлар жараёнида
 - в) оиласда

Таянч сўз ва иборалар: иқтисодий таълим-тарбия, ҳисоб-китоб, иқтисодий тафаккур, маблағни түғри сарфлаш, хасислик, бебошлиқ, барча нарсаларни қадрлаш, қашшоқликка тушмаслик, исроф ва ҳоказо.

Бозор иқтисодиётiga ўтилаётган бир пайтда ёшларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш айниқса жуда муҳим. Аввало ўқувчилар иқтисодий тарбия ҳақида мукаммал, тўла тушунчага эга бўлмоғи даркор. Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва айни вақтда шу кабилар ҳақида фикрлай олиш қобилиятини камол топтиришидир. Иқтисодий тарбия мазмуни Шарқ мутафаккирлари томонидан асосли бойитиб келинди. Чунончи, Мухаммад Ибн Сусо Ал-Хоразмий мате-

матика фани инсон ҳаётида асосий ўрин тутишини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, киши ҳисоб илмини билиши ва ўз ишига пишиқ бўлиши керак. Шунда у ўз меҳнатининг натижаларини ўлчовлар орқали аниқлай олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да: «Таълимнинг барча даражалари таълим олувчиларнинг иқтисодий таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш», зарурлиги (45-бет) аълоҳида таъкидланган. Баркамол инсон аввало иқтисодий тарбия олмоғи шарт. Чунки иқтисодий тарбиясиз, унга боғлиқ қўникмаларсиз, одатларсиз ҳақиқий мукаммл инсон бўлиши мумкин эмас. У энг аввало ўз меҳнати ва бошқалар меҳнатини қадрлайдиган, уни ҳаётда тадбиқ қилишнинг таълимий асосларини илмий билмоғи зарурдир. Иқтисодий тарбия иқтисодий таълим негизида қурилади. Тарбия эса кундалик турмушда юқоридаги сифатларни қўллаш жараёнида ўз ифодасини топади. Бу муаммо эса бошланғич синф ўқувчиларида ўзига хос тарзда, яъни содда шаклда ташкил этилади. Чунки кичик ўқувчиларда иқтисодий маълумотни, маданиятни, онгни, қўникма ва одатларни бирданига таркиб топтириш мумкин эмас. Шунинг учук кичик ўқувчиларда дастлаб иқтисод ҳақида тасаввур, тушунча ва уларни турмушда қўллаш билан боғлиқ қўникмаларни таркиб топтириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Кичик ўқувчиларнинг баркамол инсонга хос бўлган иқтисодий билимлари босқичма-босқич улар ёшининг ортиб бориши билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этилади. Иқтисодий онг, маданият бирданига таркиб топтирилмайди. Ўқувчиларнинг бу соҳадаги тасаввурлари бевосита таълим жараёнида таркиб топтирилиб боришни талаб этади. Бундай масъулият бошланғич синф ўқитувчиси зиммасига тўғри келади. Бу иш бошланғич таълимнинг тўрт йилли даврида амалга оширилади.

Тежамкорлик. Абу Наср Форобий «Бахт-саодатга эришиш ҳақида» асарида шундай ёзади: «Инсон ўз маблағини тўғри сарфлашни билиши керак. Пул сарфлашда қизғанчилик қилиш, хасисликка олиб келади. Пулларни режасиз ишлатиш эса инсонни бебошликка етаклайди». Кўриниб турибдики Шарқ мутафаккирлари мактаб ва оила шароитида болаларнинг иқтисодий тафаккурини кенгайтириш, уларни тежамкорликка, ташаббускорликка, ишбилармонликка, иқтисодий ҳисоб-китобга ўргатишни ҳаётий тажриба асосида амалга ошириш лозимлигига асосий эътиборни қаратганлар.

«Эй фарзанд, ўзингни мол жам этмоқдан ғофил тутмағил ва лекин ҳар нарсани этмак тиласанг жаҳд қилғил, токи ҳалоллик била жам бўлсин ва ҳамиша сенга боқий ҳамда ёқимили бўлсун. Агар молинг кўп бўлса, уни тақдир ва тадбир била ишга яратғил. Нединким, тақдир ва тадбир била яратган озгина мол тақдирсиз ва тадбирсиз кўп молдин яхшидур. Агар мол оз бўлса, ҳам яхши сақламоқни вожиб билғилки, ҳар киши оз нарсани сақлай олмаса, кўп нарсани ҳам сақлай олмағувсиdir. Ҳар нарса қўлингга тушса, бир тангадин икки ҳиссани қарилиғ ва ожизлиғ вақтининг зарурий ишларига эҳтиёж учун эҳтиёт қилиб қўйғил, ва ундин кўз юмиб асло унга қўл урмағил. Қолган икки ҳиссани ўзингнинг зийнат ва асбобингта сарф этгил» (Қобуснома. 70-72 бет).

«...Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлари ила ўлчанур» - деб Абдулла Авлоний ўринли таъкидлаган. (А.Авлоний. Тошкент тонги. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрияти. Т., 1979 й, 267-бет).

Халқ онтига сингиб кетган «Иқтисод билан ишлаган кишилар фақир бўлмаслар» деган ҳадис бор, унга қўйидагича изоҳ бериш мумкин: «Киримига қараб чиқимини тута билмаган киши бор давлатини битириб, охири хўрликка тушгани ҳолда, киримига қараб чиқимини тута билган киши бой бўлмасада, ўзини фақирлиқдан сақлай олади». (Юз бир ҳадис. Т., «Меҳнат», 1991 й, 38-бет). Демак, иқтисоднинг яхши ёки ёмонлиги тежамкорлик билан бевосита боғлиқдир. Бас, шундай экан болага оиласда иқтисод, кирим-чиқим моҳияти ҳақида таълим-тарбия бериш керак.

Бу ишни ўқувчи бевосита мактаб таълими даврида олади. Шунинг учун ўқувчида илк иқтисодий тушунча асослари ва қўникмаларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор берилиши шу куннинг муҳим муаммоларидан биридир.

Мол жам этарда баҳиалик қилмағил, бу бадбаҳтиликнинг шогирдиdir. Ўзингга ранж берғил, яъни ўзинг машаққат тортғил, нединким мол қийинчилик билан йиғилади ва қоҳиалик била йўқ бўлур. Донолар дебдурларки: «Ҳаракат қилинг то ободон бўлғайсизлар ва озга қаноат қилинг, токи молларингиз кўп бўлғай, юмшоқ табиатли ва ширин сўзли бўлинг, дўстиниз кўп бўлғай». Демак, кўп ранж била топилғон ганжни (бойлик) ғафлат ва қоҳиалик била қўлдан бермоқ ақлли кишининг иши эмасдур. Қашшоқ бўлғандин сўнг ҳар қанча пушаймон бўлса, суд (фойда) қилмайдур. Демак, молинг барқарор бўлгунча машаққат устига машаққат чекғил, сен бундан баҳраманд бўлғайсан.

Бироқ мол ҳар қанча азиз бўлса ҳам, уни дўстлардин дариг тутмағил. Ҳар ҳолда молингни тўрингта олиб бормагунгдур. Аммо даромад на чоғлиқ бўлса, харжинг ҳам ул миқдор бўлсун. Шунда сенга қашшоқлик машаққати юзланмағай. Ҳар кишики харжини даҳлидин оз қилса, ҳеч вақ қашшоқ бўлмағай.

Донишманлар дебдурларким, ҳеч бир ишда исроф қилмағил, исроф қилувчи барча вақт зиёнкордур. Аммо тирикчиликни талх қилгудек қаттиқлиқ қилмағил. Рўзгорингнинг зарурий ишларида таҳсир нуқсон қўргузмағил. Жонингта жабр қилмағил: мол ҳар нечаким азиздур, аммо жонигдан азиз эмасдур. Алқисса, жаҳд этиб йиғилган молингни баҳларнинг қўлига топширмағил ва шаробхўр, қиморбозларга эътимод қилмағил. Мол жам этмақда хато қилмағил, ҳар одам ўз ишида хато қилса, саодатдин маҳрум бўлғай ва муддаоларда бебахра қолғай, нединким, роҳам меҳнатдадур. Шундоқки, бугуннинг роҳати кечаги меҳнатнинг натижасидур.

Молингдин мустаҳиқларга (муносиб, лойик) едурғил. Ўзгаларнинг молидин таъма қилмағил, токим барча халойиқнинг яхшироқ ва азизроғи бўлғайсан. Молингни ўзгаларнинг моли деб билғил, ўзгаларнинг молин ўз молингдин зиёдроғ билғил, токи омонатга хиёнат қилмаслик, тўғрилик била халқقا машҳур бўлғайсан (Қобуснома. 70-72 бет).

«... Ҳар ишнинг бир сабаби бордир. Аммо қашшоқликнинг сабаби исрофдир. Исроф фақат молни сарф қилишгагина эмас, овқатда, кишининг қизиқишилари, нутқида ҳам исроф бўлади, исроф танни алдайди, нафси ранжиради, ақлни қочиради ва тирикни ўлдиради».

Исроф сўзининг луғавий маъноси бу – молни гуноҳ ишларга сарфлаш ёки ўзи ва бола-чақаси учун ҳеч нарса қолдирмай, бор-йўғини майда-чуйда, икирчикирларга сарфлаб юбориш маъноларини англатади. Исроф – у қайси кўринишда бўлмасин кишининг бор-йўғини совуради, якson қилади, деган фикр илгари сурилган (Ал-адаб ал-муфрат. Имом Исмоил ал-Бухорий. 131-бет).

«Яхши сайрат, чиройли ҳайъот ва ҳар бир ишда иқтисодчилик етиши ҳислатлардан бир бўлагидир» (216 бет, 468 ҳадис). Яна бир ҳадисда «Сизларнинг учта ишингиз учун оллоҳ таоло рози ва учта ишингиз учун ғазабда бўлади. Молни ноўрин ерларга сарф қилиб зое қилганинг шуларнинг биттасидур, дейдилар» (206 боб, 131 бет). Марказий Осиёлик олим Розоуддин ибн Фахриддин одоб-ахлоқ тушунчасига оид «Катталарга насиҳат» асарининг сўнгги қисми «Бутун аъзоларингизни гуноҳлардан сақланг, дейилади унда, - инсоф, адолатни ўзинизга раҳбар қилиб олинг. Пул, мол дунёнгизни тежаб сарф этинг, исрофгарчиликка йўл қўйманг. Бирордан қарздор бўлсангиз, ваъда қилған кунингизда топширинг», деб таъкидланади Қобусномада. Ҳакиқатдан ҳам инсон мол, маблағ, бойлик учун ўзини хавф-хатарга қўймаслиги шарт. Албатта ҳар бир инсон учун мол, маблағ, бойлик зарур, бу ҳаётнинг талаби. Аммо уни топишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва бошқа меъёрий ҳужжатларда қўрсатилган қоидаларга риоя қилиш оиланинг, давлатнинг, жамиятнинг ривожланишига тўсиқ бўлмаслиги даркор. Бу соҳада тадбиркорлик, ташаббускорлик, ҳалоллик, адолат, ҳалқ, давлат манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилса самарали натижалар келтиради.

Ўқувчиларга иқтисодий тарбия аввало дарс жараёнида сингдирилади. Ўқитувчи қайси синфда қайси предметдан дарс беришидан қатъий назар ўрганилаётган материалнинг мазмунидан, унинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқувчиларга иқтисодий таълим, тарбия элементларини сингдириб, керакли кўникма, одатлар ҳақида маълумот беради. Масалан, адабиёт, тарих, география дарсларида бирор ёзувчининг асаридаги мазмунни баён қилишда мазкур маҳсулотни ёки бойликни ишлаб чиқарувчилар меҳнати эвазига бунёд бўлаётганилигини, улар меҳнатини қадрлаш, меҳнат аҳлларини хурматлаш ҳар бир одамнинг ўз меҳнатини қадрлашигини бадиий образлар воситасида ўқувчилар онгига сингдирилади. География курсини ўқитиш асосида табиий бойликлар, уларнинг турлари, уларнинг давлат ривожидги хиссасини уқтириш орқали мазкур бойликлар ҳар бир кишига керак эканлигини, уларсиз инсон ҳаёти фаровон бўлиши мумкин эмаслигини тушунтиради. Ўқувчи мазкур фанлардан олган билимларини қиёслаб, таққослаштириш асосида биринчи навбатда ўз меҳнатини, сўнг ўзгалар меҳнатини қадрлашга ўрганади. Шу асосда ўқувчиларда иқтисодий маълумот, кўникма ва одатлар таркиб топади. Ўқувчиларни иқтисодий тарбиялашда синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий тадбирлар самарали таъсир қўрсатади. Масалан, «Моҳир қўллар» тўғараги иштирокчилари ўқитувчи-уста раҳбарлигига турли хил буюмлар, кийим-кечаклар, ўйинчоқларни тайёрлаш билан боғлиқ кўникмаларни ўрганадилар, яъни бирор бир маҳсулот ишлаб чиқаришни ўргандилар. Ана шу маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаса одамлар уларни бозордан харид қилишлари зарур бўлади. Демак, ишлаб чиқарган буюмлар кишиларнинг шу соҳага бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиради, яъни таъминлайди. Хуллас, бу маҳсулотлар маблағ, яъни пул ҳосил бўлишига асос солади. Пул эса ўз навбатида

ўқувчиларни иқтисодий фикрлашга ва шу ҳақда тўғри хулоса чиқаришга ундейди.

Ёки мактабдан ташқари бирор завод ё фабрика ё корхонада ишлаб чиқариш жараёни билан ўқувчиларни таништириш орқали уларнинг мазкур соҳалар бўйича тасаввур, билим, маълумотларини такомиллаштиради. Қайси соҳа бўлмасин у давлатнинг, кишиларнинг қундалик турмуши, ҳаёти билан боғлиқлигини англайди. Мазкур соҳанинг иқтисодий имкониятлари ва ўз навбатида одамларнинг шу соҳага бўлган эҳтиёжини ўқувчилар ўрганиш, кўриш, кузатиш жараёнида ўзларининг иқтисодий маълумотларини ошириб боришади. Буларнинг барчаси ўқувчиларни иқтисодий тарбиялашда ижтимоий аҳамиятга эга. Ўқувчиларни иқтисодий тарбиялаш оммавий ахборот воситалари, театр, кино, саёҳатларни, кўргазмаларни ташкил қилиш сингари манбалари мавжудки, уларсиз фуқароларнинг иқтисодий маданиятини, тафаккурини, онгини ва уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш масаласини ҳал этиш мушкул.

Оилада тежамкорлик тарбияси. Пул ҳам тарбияланади. Бунгга бефарқ қарамаслик даркор. Пул муомаласига менсимай қарашиб, қўпинча икки томонлама муаммога олиб келади. Текинхўрлик ва оиланинг иқтисодий қийинчиликларини билишни истамаслик одати тарбияланади. Иккинчидан, пул очкўзлик, пул жамғаришга интилишни тарбиялаши мумкин. Илк ёшлиқданоқ болани оиланинг хўжалик ишлари билан таништириб бориш зарур. Бола оила маблагини билиши, оила ҳаётининг бир ойлик, бир қуналик «тажминий сметасини» билиши лозим. У асосий озиқ-овқатларнинг – нон, ёғ, сут, гўшт, балиқ, сабзавот ва бошқаларнинг нархини билиши керак. Бола камолга етиб борган сари уни буюмлар (кийим, пойафзал, телевизор ва ҳоказоларнинг) қиммати билан танишиб бормоги лозим. Агар ота-она қўшимча иш олиб ишлаётган бўлса, бола шуни тушуниши керакки, онаси ва отаси оилада ҳамма яхши яшashi учун меҳнат қилаётти. У шундай мантиқни тушунмоғи лозим: Ҳар ким оила ҳаётини яхшилашга ўзининг қўлидан келган ҳиссасини қўшиши керак. Бола сизга қанча эртароқ ёрдам бера бошласа, шунча яхши бўлади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Нима учун инсонни шакллантиришда иқтисодий тарбия тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади?
2. Мактабда иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Иқтисодий тарбияни амалга оширишнинг қандай шакллари мавжуд?
4. Нега ўқувчиларда иқтисодий қўникма ва одатлар тарбияланади?

МАВЗУ: ЎҚУВЧИЛАР ЖАМОАСИНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ЎҚУВЧИ ШАХСИГА ТАЪСИРИ

Режа:

1. Жамоа ҳақида тушунча ва жамоа тарбиячисининг назарий асослари.
2. Жамоанинг тузилиши ва турлари. Жамоа органлари ва уларнинг визифалари.
3. Жамоанинг ривожланиш жараёни ва босқичлари.
4. Болалар жамоасини ташкил қилиш ва тарбиялаш йўллари, жамоанинг шаклланишида фаолият ва муносабатларнинг ўрни.
5. Жамоада ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадларни қўйиш.
6. Жамоа муносабатларининг хилма - хиллиги. Ўзаро масъулиятли муносабатлар.

Таянч сўз ва иборалар:

Ўқувчилар жамоаси, ижтимоий мақсад, фаолият, орган, бошқарув, Марказий Осиёда, расмий, норасмий, масъулият, анъана, истиқбол, ривожланиш

босқичлари, параллел таъсир кўрсатиш, ривожланиш даражаси, ҳамкорлик, ўзаро ўрдам, ўйин, активлар, жамоанинг шахсга таъсири ва ҳ.к.

"Ўз табиатига кўра ҳар бир инсон шундай тузилганки, у ўзининг яшаси ва олий камолотта эришиши учун кўп буюмларга муҳтоҷ бўлиб, бу буюмларни у ёлғиз ўзи етказиб бераолмайди ва уларга эришиш учун инсон кишиларнинг қандайдир ҳамжамият бўлишга муҳтоҷки, ҳар бири алоҳида тарзда унга муҳтоҷлик сезиб турган бу кишиларнинг ҳар бири нарсаларнинг жамидан бирон - бир буюмни етказиб беради", -деб таъкидлаган А.Н.Форобий.

"Агар сизлар тарқоқ ҳолда бўлсаларингизда, душманларингиз" худди ховузга тушгандек қон дарёларингизда сувадилар". Иттифоқлиқда гап кўп. Агар фикрларингиз итфоққа келиб, орзу - ҳавасингиз бир бўлса, - деб таъкидлаган эди А.Темур бобомиз - фарзандларингиз улғайиб, душманларингиз мағлуб бўладилар", - деб таълим берган.

А.Н.Форобий ҳам, шаҳар турмуш тарзини жамоанинг етуклиқ шакли сифатида талқин қиласди. Унинг фикрича, ҳар бир киши ўз тарбиятига кўра олий даржадаги етуклика эришиши учун фақат шаҳар жамоаси орқалигини эришилади. Унгача маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамқакат) шундай бўладики, бу мамлакатда ҳар бир одам касб - ҳунарда озод, ҳамма баравардир, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб - ҳунари билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод яшайдилар.

Инсоннинг яратувчанлиги икки хил:

Моддий маданият моддий фаолиятнииг барча соҳалари - меҳнат куроллари, турар - жой, кундалик турмуш буюмлари, кийим - кечак. транспорт, алоқа воситаларини ўз ичига олади.

Маънавий - маданиятга ақлан ва маънан яратувчанлик соҳалари - билим, ахлок, таълим - тарбия, хуқук, фалсафа, нафосат, фан, санъат, адабиёт, фолклор, дин ва ҳоказолар киради.

А.Иброҳимов. "Ватан туйғуси". 1996 йил, 115- бет.

Форобий бир - бирига ўзаро ёрдам кўрсатиш ва инсоний бурчни бажариш кишиларни саховатли қиласди, инсон бошқалар ёрдамида улар билан қўшничилик алоқаларини ривожлантирган тақдирдагина камолотта эришиши мумкин деб таъкидлар экан, кишиларнинг бирлашишини, уларнинг ўзаро ёрдами ва ҳамкорлиги - бу ҳаётнинг воситаси, камолот ва саховатта эришиш эса бу ҳаётнинг мақсади деб ер юзидағи барча кишиларнинг тинч - тотув ва иноқ оиласда яшашини орзу қиласди.

Жамоанинг тузилиши

Хозирги замон мактабида тарбияловчи жамоанинг бутун бир системаси: синф жамоаи, қизиқишлиар бўйича жамоалар, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари, мактаб ўрмончилгик, меҳнат ва дам олиш лагерлари, ёшлар ташкилоти жамоалари каби шакллари мавжуд.

А.С.Макаренко ўз асарларида жамоаларнинг белгиларини баён қиласди. Унинг кўрсатишича, жамоа - омамларнинг қўйидаги асосларида бирлашувидир.

1. Ижтимоий қимматга эга бўлган мақсадлар.

2. Уларга эршип соҳасидаги биргалиқда кўрсатиладиган фаолият.
3. Жамоа аъзолари ўргасида ўзаро маъсулиятли муносабатлар.
4. Ўзини – ўзи бошқариш органларининг тузилиши.

Тарбияловчи, жамоа педагоглар учун тарбия обеъкти бўлиб, педагогик ишларнинг бутун моҳияти жамоаларни ташкилий жиҳатдан шакллантириш, тарбияланувчиларни тегишли интизом доирасида сақлашдан иборат бўлмай, балки А.С.Макаренко қайд қилганидек, болаларнинг мазмунли ҳаётини ташкил этишдан, чинакам бой ижтимоий ва жамоа муносабатларини шакллантиришдан иборат. Жамоада болалар ҳаёти қувончи, қизиқарли, меҳнат ва билим фаолияти, романтика ва ўйин жўш уриб турадиган бўлиши керак.

Жамоанинг расмий структурасидан ташқари унинг норасмий структураси ҳам мавжуд. Бошланғич жамоадати биргалиқда олиб бориладиган фаолият жараёнида муомала ва дўстлик негизида кичик гуруҳлар вужудга келади. Бундай кичик гуруҳлар кичик норасмий гуруҳлар деб аталади.

Синф жамоаида бир неча норасмий гуруҳ бўлиши мумкин. Гуруҳлардан бирортаси жамоа фаолиятининг барча турларида етакчи бўлиши, бошқа гуруҳлар эса ўзига қизиқарли ва ўз талабларига мос келадиган фаолиятидаги етакчи бўлиши мумкин. Ҳар бир гуруҳда айтгани-айтган, дегани-деган болалар бўлади. Худди шулар етакчи бўлишади.

Кичик норасмий гуруҳлар ўз таркибий қисми бўйича кўпгина барқарор бўлишмайди. Кичик гуруҳдаги муносабатлар бирор сабабга кўра бузилиб қолса, гуруҳга тарқалиб кетади ёки баъзи болалар ундан чиқиб кетади. Халқда бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар. Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер. Куч бирлиқда. Бир чўпни синдириш мумкин, кўгини ҳатто эгиб бўлмас, деган хикмат мавжуд.

Бошланғич жамоа структураси

Бошланғич жамоанинг структураси анча мураккабдир. Жамоанинг расмий ва норасмий структураси мавжуд.

Бошланғич жамоа жамоанинг расмий структурасини ташкил қиласи. Мактабда тарбияловчи жамоа структурисида синф етакчи роль ўйнайди. Бошланғич синф жамоаида: ўқувчиларнинг хилма - хил фаолияти рўй бериб, бу ерда улар фаолият ташкилотчилари ролини ҳам, ижрочилар ролини ҳам бажаради. Ҳар бир синфда бошланғич жамоалари бўлади. Мактабда қизиқишилар бўйича ишлаб чиқариш бригадаси, мактаб ўрмончилиги, спорт секциясида биргалиқда фаолият кўрсатиш бўйича бошланғич жамоалар бўлади. Мактаб ўқувчиси айни вақтда - тури жамоаларнинг аъзоси бўлиб, уларнинг ҳар бирида ижтимоий хулқ - атвон тажрибасини хилма - хил билимлар ва малакаларни эгаллаши мумкин.

А.С.Макаренко бошланғич жамоаларга биринчи даражаси аҳамият берган эди. Бошланғич жамоа - умумий жамоанинг бир қисмини ташкил қилувчи болаларнинг энг камсонни группасидир.

Мактабларда бошланғич жамоаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришта эътибор берилади.

Бошланғич жамоа ҳаётини қувноқ қилиш лозим, бироқ бу қувонч оддий кунгил очиш, хурсандчиликдан иборат бўлмай, балки жиддий меҳнат қувончи бўлмоғи лозим. Белгиланган истиқболлар ўқувчилардан маълум бир ирода кучни, ақлий ва жисмоний куч ишлатишни, ташаббус кўрсатишини талаб этиши керак.

Вазафа етарлича мураккаб ва қийин бўлиши лозим, ишлар жуда осон бажарилса, улар ўқувчиларни қийинчиликларни енгишга, ўз кучларини баҳолашга ўргатмайди; бу болалар жамоанини ривожланишига салбий таъсири этиши мумкин. Жамоа доимо фаолиятда бўлиши учун унинг олдига янги, қизиқарли истиқболлар қўйиш керак.

Ўқиши - ўқувчи фаолиятининг асосий тури. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилар жамоаи фаолиятини ўзлаштиришни юқори кўтариш учун курашга йуналтиришда иборат. Бу вазифа асосан дарсда ҳал этилади, бироқ синфдан ташқари пайтларда ҳам ўқувчилар олдига уларда фанга, санъатга, техникага, амалий ишларда қизиқиш уйғотиб бориш зарур.

Тарбияда ҳаммаси - дарс ҳам, дарсдан ташқари вақтда болаларнинг ҳар томонлама қизиқишлигини ўстириш ҳам, жамоада тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабати ҳам асосий масаладир.

"Жамоани тарбиялаш ишини самимий очик кўнгиллик ва қатъий ишонч билан қўйиладиган талабларсиз ҳал қилиб бўлмайди, бу иш ҳамиша талаблардан бошланади" - деган эди А.С.Макаренко.

Жамоани ташкил этиши ва жинслаштиришда таянч ядро - активни тузиш ва у билан ишлашни йўлга қўйиш катта аҳамиятта эга. Бу тўғрида А.С.Макаренко бундай деган эди: "Мен ана шу ўғил болалар ва қизларда жуда кўп камчилик борлигига қарамас этим, тезроқ менинг талабларимни ўз талаблари билан қўллаб - қувватлаб, умумий йиғишлари, гуруҳларда ўз фикри билан баён этувчи активистлар гуруҳини тўплашга интилар эдим".

"Ўйин ўйнамайдиган болалар жамоаи чинакам болалар жамоаи бўлмайди".

Қуи синф ўқувчилардан ташкил топган коллективда ишни яқин истиқболларни қўйишдан бошлаган маъқул. Масалан: синф хонасини тартибга келтириш, шаҳар ташқарига сайр, заводга экспурсияга бориш, кино, спектакл кўриш.

Ўқувчиларда жамоаизмни тарбиялаш - бу аввало синф бошланғич колективини тарбиялаш, ўқувчилар ҳамда синф жамоаи ўртасида тўғри ўзаро алоқаларни ўрнатишдан иборат.

Кўп ўқитувчилар ўқувчилар жамоаида ташаббускорлик йўқлигидан, ҳамма нарсани зўрма - зўраки бажартириш керак, деб зорланадилар. Бироқ чинаккам ташаббускорлик бирданига юзага келмайди. Бунинг учун аввало болаларни қазиқтирадиган коллектив фаолият умумий мақсадга эришиш учун курашиш тажрибаси, шахсий манфатларни жамоа манфаатларига бўйсундириш тажрибаси лозим. Ўқувчилар олдига қўйилган талабларнинг мураккаблашиб бориши, бу талаблар характерининг ўзгаришиб бориши. ўқувчиларнинг бир - бирига қўядиган талаблари билан уларнинг ўзлари қўядиган талаблари билан ўзгариб бориши ётади, ўқувчилар жамоаси тараққиёти босқичлари бир неча босқичдан иборатдир. Биринчи босқич. Бу босқичда ҳали жамоа тузилмаган, ҳали (жамоа) актив ажralиб чиқмаган, таркиб топмаган бўлиб, бу даврда жамоанинг

шахс олдига қўядиган талаби ҳам мавжуд бўлмайди, ҳар бир ўқувчи фақат ўзи учун жавоб беради, ўқувчилар ҳали ўз ўртоқларига талаб қўя олмайдилар. Шунинг учун жамоа тараққийсини бу босқичида ўқитувчининг талаблари қатъий, мустаҳкам, изчил, принципиал бўлмоғи лозим. Ўқитувчи ўқувчилар олдига юксак талаблар қўйиб бориш билан бирга, ўз атрофига актив ҳам тўплаб боради. Шундай қилиб, биринчи босқичда педагогларнинг асосий вазифаси келгусида жамоа ядроси бўла оладиган активни аниқлаш ва тузишдан иборат бўлмаги керак.

Актив - ўқишига қизиқувчи, синф, мактаб обрўйини сақлаб қолишга ҳаракат килувчи, ўқитувчининг талабларини қўллаб - қувватловчи ўқувчилардир.

Иккинчи босқич. Бу босқичда ўқитувчиларнинг актив билан иш олиб бориши, уларни жипслаштира олиши, уларни ишлашга, жамоа ишининг ташкилотчилари бўлишга ўргатиш билан характерланади. Бунинг учун тез - тез актив йиғилишларини ўтказиб туриш, айрим муҳим масалалар юзасидан семинарлар ўтказиш ва активлар ичидан раҳбарлик ишларига баъзи ўқувчиларни ажратиш зарур, активистлар олдига доимий суратда иш ва интизомга доир даражадаги талаблар қўйиб бориш зарур, бошқаларга нисбатан улардан кўпроқ талаб қилиш керак.

Педагог активлар эътиборни уларнинг жамоа органлари билан иш олиб боришилари қаратиши лозим. Бошланғич жамоалар ҳар бир шахсга таъсир ўтказувчи сифатида мустаҳкамланган тақдирдагина, актив жамоалар барча аъзолари билан муваффақиятли иш олиб бора олади. Бу босқичда ўқитувчининг асосий вазифаси активни жамоа органлари билан ишлашга ўргантиш, бошланғич жамоаларни мустаҳкамлашдан иборат бўлади.

Учинчи босқич. Жамоа ҳаётининг юксалиши, жамоа муносабатларининг таркиб топиши, жамоанинг шахсга таъсир курсатиш даври бўлади. Бу босқичда ўқувчилар жамоа бўлиб турли хил жамоатчилик фаолиятлари таъсирида кучаяди. Учинчи босқичда ўқитувчи ва активларнинг талабларини қўпчилик ўқувчилар қувватлайдилар. Ўқитувчи талаблари олдинги босқичлардагидек бўлади Ўқитувчи шахсга бошланғич жамоа орқали таъсир кўрсатади. Бу хилда таъсир кўрсатиш натижасида ҳам шахс, ҳам жамоа тарбияланади. Бундай методни А.С.Макаренко параллел таъсир кўрсатиш деб атаган.

Ҳар бир шахсга алоҳида - алоҳида қўйилган талаб ўқитувчининг ўқувчиларга қўядиган умумий талабларидан ҳам сезиларлироқ, таъсирилироқ бўлади.

'Гўртингчи' босқич учинчи босқичнинг давоми ҳисобланади. Бу босқичда педагогик вазифалар мураккаблашади. Жамоанинг алоҳида шахсга таъсир курсатиш доираси анча кенгаяди. Бу босқичда жамоа муҳокамасига барча масалаларни, жумладан интизом, ўзлаштириш турмуш масалаларини қўйиши мумкин.

Болалар жамоанини тараққий эттиришнинг бу юксак босқичида бутун жамоа айрим - айрим шахсга талаблар қўяди. Бунда ўқувчиларнинг ўзларига қўядиган талаблари бошқаларга қўядиган талабларига нисбатан юқори бўлади. Жамоа ва шахс фақат тарбия субъектигина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга

тарбия объекти ҳам ҳисобланади. Бу босқичлар жараёни билан жамоани тараққий эттириш ва жамоа аъзоларига тарбия бериш тутамайди.

Жамоанинг босқичлари билан тараққий эттирилиши жуда мураккаб, зиддиятли чинакам диалектик процессидир. Жамоадаги айрим шахслар жамоа тараққиётидай ўтиб кетиши ёки ундан орқада қолиши мумкин. Жамоани тараққий эттиришнинг бу босқичлари ўртасига чегара қўйиш, ажратиш мумкин эмас. Жамоани тараққий эттиришда ўқитувчининг роли жуда катта. У жамоа тараққиётини қонунларини яхши билса, унинг ҳаракатини тезлаштириши, билмаса уни сусайтириши мумкин. Жамоани тараққий эттиришнинг ҳар бир босқичи ўзининг бошқа босқичларидан фарқ қиласиган хусусиятларига эга. Масалан: Жамоани тараққий килдиришнинг иккинчи босқичида ўқитувчининг асосий вазифаси актив билан ишлаш бўлса, ундан кейинги босқичларда эса ўқитувчи "ўртача" ўқуйдиган ўқувчиларни актив ўқувчилар қаторига ўтказиш учун улар билан кўп иш олиб боради. Тараққиёт босқичларининг ҳар бирида ўқитувчи шу босқичга мос бўлган иш методикасини қўллаши керак бўлади. Масалан: у биринчи босқичда жамоани бевосита бошқриб боради, кейинги босқичларда эса актив ва ўз - ўзини бошқариш орқали таъсир қиласи.

А.С.Махаренxo "Педагогик тажрибаларимдан баъзи бир холосалар" деган мақоласида: "Тарбиянинг вазифаси кишиларни жамоа қилиб тарбиялашдан иборатдир", - дейди.

Фаолият ўз - ўзидан жамоани ривожлантиришда етакчи даражада тарбиявий аҳамиятга эга бўлмайди, бунинг учун унга событқадам раҳбарлик керак. Жамоа фаолиятини таҳлил этишда болаларнинг ёш хусусиятларини ва жамоанинг ривожланиш даражасини ҳисобга олиш лозим. Ҳар қандай фаолият ҳам уюшган жамоани вужудга келтиришда кутилган натижаларни бермайди. Аввало, фаолият мақсадлари барча ўқувчиларга тушунарли ва қизиқарли бўлиши керак. Қуви синф ўқувчиларига фаолият мақсадларини ўқитувчилар тушунтиришлари зарур.

Ижтимоий фойдали аҳамиятга эга бўлган натижалар берадиган фаолият болалар жамоанинг ривожлантиришга энг кўп даражада ўрдам беради. Бошланғич синф ўқувчилари кутубхонада китобларни таъмирлаш ва мактаб участкасида экинларни парвариш қилишга қизиқадилар ва уларда бажонидил қатнашадилар. Ҳозирги мактабда ўқувчилар таълим жараёнида жамоа фаолиятини ташкил этиш учун жамоанинг фронтал ишидан, ўқувчиларнинг групкалар бўйича ишларидан фойдаланадилар. Дарсда жамоа фаолиятининг умумий мақсадини қўяди ва билиш жараёнини бир ўқувчининг иштирокига боғлиқ бўладиган қилиб кўради.

Ўйин болалар жамоанинг жипслаштирадиган ва ривожлантирадиган фаолият турларидан биридир. Болалар ўйинига разм солинса, уларнинг ўйинлари катталар дунёси қандай акс этишини, улар ўйинида кўриш мумкин. Бошланғич синфларда болалар жамоанинг вужудга келтиришида ўзига хос формасида бўлган – ролларга бўлиб ўйналадиган ёки ижодий ўйинларга алоҳида ўрин ажратилиди. Масалан: "Космик саёҳат қиласидилар", "Янги шаҳар қурадилиар".

Ўйин фаолиятининг қиммати шундаки, ўйин жараёнида ўқувчилар кўпинча турли қийинчиликларни енгадилар, ўз ҳатти-ҳаракатларини бошқаришни ўрганадилар. Ўйин фаолияти болаларнинг тенгдошлари жамоайдаги, ҳаёт мактаби, меҳнат мактаби ва муомала мактабидир.

Ўйин жамоаизм туйгусини мустаҳкамлашга ёрдам беради, ташаббус ва мустақиликни ривожлантиради, ўқувчилар жамоа ҳаётини ташкил этишнинг, жамоачилик фазилатларини шакллантиришнинг ажойиб шакли бўлади.

Перспектив истиқболли системасини яратиш ўқувчилар жамоани шакллантириш йўлларидан биридир. Жамоани анъанадек мустаҳкамлайдиган ҳеч нарса йўқ, деган А.С.Макаренко.

Жамоанинг ўқувчи шахсига таъсири аввало, фаолият жараёнида амалга оширилади. Жамоа мактаб ўқувчисига фаолиятнинг муайян турида ўз ўрнини топиб олишга кўмаклашади, ҳар бир ўқувчига ўз кучини сарфлайдиган соҳани топиш имконини беради. Жамоани тарбиялашнинг аҳамияти шундан иборат бўладики, у жамоанинг мазмунли ҳаётини ташкил этиш ёрдамида ҳар бир ўқувчи қобилияти ва истеъодини намоён этиш учун шарт-шароит яратади.

Коллективнинг шахста мнособати жамоатчилик фикри ёрдамида ҳам амалга оширилади. Жамоатчилик фикрининг ўзи аста-секин шаклланади. Мактабнинг бошланғич синфлариданоқ ўқитувчилар ўқувчиларни ўз фаолиятларини таҳлил қилишга, жамоадаги ўртоқлари хулқ-авторига баҳо беришга жалб этадилар, болаларни топшириқларни қандай бажарилганлигини баҳолашга ўргатадилар. Синфда вужудга келтириладиган соғлом жамоатчилик фикри ўқувчилар жамоада айрим болаларга ёки ўқувчиларнинг бутун-бутун гуруҳларда таъсир қўрсатишга ёрдам беради. Жамоатчилик фикри ёрдамида болалар ижтимоий муносабатларнинг бутун тизимини эгаллайдилар, ўз хулқ-авторини бошқаришга ўрганадилар.

Жамоанинг шахста таъсир қўрсатиш шакллари хилма-хилдир: ўқувчилар ийғилишлари ҳам, деворий газета, ўзаро муносабат ва бошқалар ҳам шулар жумласига киради. Ўқувчи шахси доимо ўзгариб ва такомиллашиб боради, шу сабабли шахста таъсир усуслари доимий бўлиши мумкин эмас, улар ўзгариб туради.

Жамоани вужудга келтириш узоқ давом этадиган жараёнидир. "...Жамоа ҳамда шахснинг маънавий дунёси ўзаро таъсир туфайли шаклланади. Инсон қоллективдан жуда кўп нарса олади, лекин уни ташкил этувчи кишиларнинг кўп қиррали, маънавий бой дунёси бўлмас экан, жамоа ҳам йўқдир". Сухомлинский.

...Ўқув меҳнати манфаатлари ўқувчиларнинг ягона манфаатлари бўлиб қолмаслиги керак. Болаларни қуршаб олган ҳамма нарса уларни жинслаштира олиши керак. Фақат ўқиш фаолияти асосида жамоаизмни тарбияламоқчи бўлган ўқитувчилар, шубҳасиз муваффақиятсизликка учрайдилар, - деган Сухомлинский

"Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай яратилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди. Уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж сезади", - деб таъкидлаган А.Н.Фаробий.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўқувчилар жамоаи қандай шакллантирилади?
2. Жамоанинг тузилиши ва турларини гапириб беринг.
3. Жамоанинг ривожланиш жараёни ва босқичлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Болалар жамоасининг фаолияти ва унинг ўқувчилар таълим-тарбиясини шакллантиришдаги ўрни.
5. Жамоада қандай ижтимоий аҳамиятлар кўзланади?.

МАВЗУ: СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИШЛАР

Режа:

1. Ўқувчи шахсини шакллантиришда синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг педагогик аҳамияти.
2. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг мақсад ва вазифалари.
3. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилиш шакллари ва мазмуни.

Таянч сўз ва иборалар: якка тартибдаги эҳтиёж, бўш вақт, дам олиш, ихтиёрий, оғзаки, кўргазмали, амалий, касб, қобилият ва ҳоказо.

Таълим тўғрисидаги Қонуннинг 17 моддасида «Мактабдан ташқари таълимда болалар ва ўсмирларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қодириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий эс-

тетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин. Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар ўсмирлар ижодиёт саройлари, уйлари, клублари, марказлари, болалар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради» - деб таъкидланган.

Миллий дастурда «Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тизилмаси ва мазмун-мундарижасини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун қуидагиларни амалга ошириш керак:

Таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;

Миллий педагогик қадриятларга асосланган жаҳондаги илғор тажрибани инобатта оловчи дастурлар ва услубий материалларни ишлаб чиқиш;

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этишнинг, шу жумладан, оммавий спорт ва жисмоний соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмининг, ҳалқ ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шаклларини такомиллаштириш, миллий турларини тиклаш ҳамда амалиётта жорий этиш», - алоҳида таъкидданади.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб қуидаги тарбиявий ишлар олиб борилади:

Синфдан ташқари вақтларда ўқитувчилар ёки четдан таклиф қилинган мутахассислар ўқувчилар билан турли хил таълим-тарбия ишларини олиб борадилар. Бундай ишлар синфдан ташқари ишлар деб аталади. Синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган ишлар мактабда ёшларни тарбиялаш тизимининг ажralmas қисми ҳисобланади. Бу ишлардан ўқувчилар шахсини камол топтириш мақсадида кент фойдаланилади.

Мактабдан ташқари ишлар маҳсус ташкил этилган муассасалар томонидан уюштирилган таълим-тарбия ва маданий оқартув ишларидан иборатdir. Булар икки типга бўлинади: биринчиси, кўп тармоқли, ўни кўп хил ишларни ўз ичита олади. Ўқувчи ва ўсмирлар саройлари, уйлари, болалар клублари, маданият уйларидағи болалар секторлари, болаларнинг истироҳат боғлари, майдончалари, ёзги лагерлари ва бошқалар.

Иккинчиси тор тармоқли муассасалар, яъни бир соҳа бўйича таълим-тарбия ва маданий ишлар олиб бориладиган муассасалар. Болалар кутубхоналари, ёш табиатшунослик станциялари, болалар техника станциялари, болалар театрлари, болалар ижодий уйлари, болалар экспурсия туристик базалари, болалар темир йўллари, стадионлари кабилар.

Синфдан ва мактабдан ташқариш ишлар ўзига хос хусусиятлари билан ўқиши машғулотларидан фарқ қиласи. Бу иш ихтиёрий асосда ташкил қилинади. Ўқувчилар ўз қизиқиши ва лаёқатларига қараб турли тўгаракларга ёзиладилар, дарсдан ташқари вақтда ўтказилаётган оммавий ва якка тартибдаги ишларда ҳам ўз истаклари билан қатнашадилар.

Синфдан ва мактабдан ташқариш ишларнинг яна бир хусусияти шундаки, бу ишда ўқувчиларнинг мустақил ишлари асосий ўрин тутади. Тўгаракларда,

спорт жамоаларида, болалар лагерларида, мактаб майдончаларида мустақил ишлар учун имкониятлар яратилади.

Синфдан ва мактабдан ташқариш ишлар дарсда олиб бориладиган ўқувтарбия ишларини мустаҳкамлади ва тўлдиради, ўқувчиларни педагогик таъсирга тўла жалб этишга, дарс учун ажратилган вақт ичида амалга ошириш қийин бўлган ишлар амалга оширилади.

Синфдан ва мактабдан ташқариш тарбиявий ишлар жараёнида меҳнат ва ўқув машғулотлари билан ўйин кулгу, ҳордиқ чиқариш тадбирлари ўзаро мувофиқлаштирилиши керак.

Синфдан ва мактабдан ташқариш ишлардан кўзда тутилган мақсад болаларда турли соҳалар бўйича қизиқишлиарни юзага келтириш, уларни ривожлантириш ва тарбиялашдир. Болаларнинг ҳаётини чинакамига маданий қилиш уларни жамоа бўлиб яшашга ўргатишдан иборатдир.

Синфдан ва мактабдан ташқариш ишларни ташкил қилиш шакллари қўйидагича:

а) оғзаки иш усуллари (сиёсий ахборотлар, мажлислар, линейкалар, лекциилар, докладлар, китобхонликлар, конференциялар, мунозаралар, учрашувчи);

б) кўргазмали иш усуллари (мактаб музейлари, турли соҳага оид альбомлар мажмуаси, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари бадиий ижод кўргазмалари);

в) амалий иш усуллари (походлар, экспедициялар, спартакиадалар, олимпиадалар ва конкурслар, қизил изтопарлар ҳаракати, техника ижоди, ёш натуралистлар тўгараклари, шанбаликлар ва темурчилар ҳаракати) ва бошқалар.

Синфдан ва мактабдан ташқариш тарбиявий ишлар шакллари шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга қаратилганилиги билан ифодаланади. Бу муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун синфдан ва мактабдан ташқари, тарбиявий ишлар тизимида қўйидагилар бўлиши мумкин:

- улғаяёттан инсон шахсини тарбияда олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ёки ёшнинг бетакрор ва ўзига хослигини хурматлаш;
- миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш;
- педагоглар ва ўқувчилар орасидаги ўзаро ҳурмат муносабатларини шакллантириш.

Ўқувчиларни ақлий, ахлоқий, меҳнат, жисмоний, нафосат, экологик, хуқуқий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан шаклланган кишилар қилиб тарбиялаш дарс жараёнида бошланади. Бироқ ўқувчиларнинг қундалик ўсиб бораётган эҳтиёжлари, қизиқишлиарни фақат дарс жараёнида олиб бориб бўлмайди. Бундай қўп қиррали қизиқишлиарни синфдан ва мактабдан ташқариш тарбиявий ишлар билан узвий боғлаш асосидагиина қондириш мумкин.

Синфдан ва мактабдан ташқариш ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунёқарашини тўғри шакллантиришга, ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт, ишлаб чиқариш билан боғлашга замин яратади.

Синфдан ташқариш ишларнинг тарбиявий таъсири ўқувчилар жамоасининг хилма-хил ишларини қандай йўлга қўйишиларига боғлиқдир. Синфдан ташқари фаолият мажбурий дастур билан чегараланмайди, балки ёшларни ҳар

хил ўқувчиларни ихтиёрий равища бирлаштиради. Уларнинг қизиқишилари, майиллари, ташаббуси асосида ишларни амалга оширади, фанга қизиқтиради, уларни халқнинг маданий ҳаёти муҳитига олиб киради. Синфдан ташқари ишлар шахсдаги ижтимоий фаоллик, ижтимоий онг ва ахлоқ одатларини таркиб топтиришнинг энг муҳим омилидир. Бу фаолият илмий жамоа, клуб, адабий ва мактаб театрларининг ишлари, турли мавзуларда ўтказиладиган китобхонликлар конференциялари ва мунозаралари, сиёсий, ахлоқий, маънавий, маданий, илмий-оммабоп ва меҳнат мавзуларидаги маъруза ва сұхбатлар, ижтимоий фойдали меҳнат, сиёсий ахборот, байрам кечалари ва эртаклари, тұғарал машғулотларини ўз ичига олади.

Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишлари ўз мазмунига кўра тафаккур фаолияти ва муносабат воситаси ҳисобланади. Чунки синфдан ташқари ишларда олинган ахборот идрок этилади, қайта ишланади ва шу асосда янги билимлар ҳосил қилинади.

Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар болаларни ижодкорликка даъват этувчи тарбиявий маскандир. Педагогик тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳозирги шароитда мактабдан ташқари тарбиявий ишларни олиб борувчи болалар уйлари, болалар ва ёшлар саройлари, ёш техниклар уйлари, ёш табиатшунослар уйлари мактаб тарбиясининг давоми бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Синфдан ва мактабдан ташқариш тарбиявий ишлар концепцияси» бу ишларни режалаштири, амалга оширишда асос бўлди. Ўқувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб турли кишилар билан муносабатга киришадилар, турли вазиятларга дуч келадилар. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилма-хил бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик бой, муносабат домраси кенг ва маънавий ўсиш самараси юқори бўлади. Улар орқали ўқувчилар жамоада ишлашни ўрганидилар, ижтимоий меҳнат қувончини ҳис қиласидилар, ишлаб чиқариш меҳнатига қўшиладилар, жамоатчилик фикрига бўйсенишга, жамоа шарафи учун курашишга одатланадилар. Мактабдан ташқари фаолият унда қатнашувчиларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши ҳамда ёш хусусиятларига кўра белгиланди.

Сиёсий ахборот. Бу тадбир ўқувчиларга мамлакатимиз ва чет элларда муҳим сиёсий-ижтимоий воқеалар билан танишириб бориш имконини беради. Бу ахборот ҳар ҳафтада ўтказилади. Сиёсий ахборотлар ўтказиш учун аввало мавзулар танлаш катта аҳамиятга эга. Календар саналари бўйича режалаштирилган тадбирлар, масалан, 1 сентябр мустақиллик куни, Наврӯз, 8-март хотин-қизлар куни, касб байрамлари, алломаларнинг юбилейлари ва ҳоказо.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш илгорлари, атоқли кишилар билан учрашувлари. Ўқувчилар бирор воқеани унинг ўз иштирокчилари оғзидан эшитсалар, бу воқеа уларга ғоят катта таасурот қолдиради. Ватан уурши, афғон урушининг ва Ўзбекистон қахрамонлари, ишлаб чиқариш илгорлари, олимлар, ёзувчилар, дехқон-фермер тадбиркорлари билан учрашувлар ташкил этиш ахлоқий-сиёсий тарбиянинг энг самарали шаклларидир.

Клублар – ёшларнинг турли хил қизиқиши, истак ва хоҳишлиарии қондириши, қобилиятларини ўстиришни қўзда тутувчи оммавий-ихтиёрий бирлашмадир.

Уларнинг тўгараклардан фарқи фаолият даражасининг кенглиги ва кўп қиррали-гиdir. Бир клубда 10-15 та тўгаракни ва оммавий маданий ишларни ташкил этиш мумкин.

Идмий жамиятларнинг клубларга нисбатан иш кўлами янада кенг, фаолияти хилма-хилдир. Илмий жамиятлар ҳам ўқувчиларнинг қизиқиши ва истаклари асосида ташкил қилинади. Асосий мақсад, вазифа ўқувчиларнинг фан, техника ва санъатга бўлган қизиқишлиарини қондириш, мустақил фикрлаш қобилияtlарини ўстириш, назарий билимларини чуқурлаштириш ва амалда синааб қўриш, ўқувчилар эътиборини илмий тадқиқот ишларига жалб қилишдан иборат.

Клуб ва жамиятларда «Физика-математика», «Астрономия», «Химия», «Тарих», «Биология», «Экология», «Хукуқ», Иқтисод жамиятлари, шунингдек, «Мактаб адио клуби» (бунда радиоконструкторлик, кузатувчилик, операторлик: «оммавий ишлар клуби»да – кечалар-эрталиклар, учрашувларни тайёрлаш ва ўtkазиш, КВН ларни тайёрлаш каби секциялар) бўлиши мумкин.

Илмий тўгараклар – уларнинг асосий мақсади тўгарак аъзоларининг маълум ўқув фанига бўлган қизиқишлиарига таянган ҳолда, улар билимини кенгайтириш, чуқурлаштириш, уларнинг билиш қобилияtlарини ўстириш, мустақил ишларни ўргатиш ҳамда амалий кўникмалар ҳосил қилишдан иборатdir.

Ўлкани ўрганиш тўгараги – ўқувчилар ўз ўлкасига, шахри, қишлоғи, тарихига, халқ оғзаки ижодига оид материалларни тўплайдилар, тегишли ахборот ва докладлар тайёрлайдилар.

Махсус тўгараклар – ўқувчиларни амалий кўникма ва билимлар билан куроллантиради, касб танлашга бевосита ёрдам беради.

Бадиий тўгараклар – адабиёт, мусиқа, драма, тасвирий санъат, ганчкорлик, каштачилик, зардўзлик, дўпписозлик кабилар ўқувчилар ўртасида бадиий ҳаваскорликни ўстириш, эстетик диidi ва ижодий қобилияtlарини тарбиялашдан иборат.

Жисмоний тарбия спортларининг турлари жуда кўп. Уларнинг мақсади ўқувчиларни жисмоний чиниқтириш, соғлигини муҳофаза қилиш, соҳалар бўйича қобилияtlарини ривожлантириш, меҳнат ва Ватан мудофаасига амалий тайёрлашдан иборат.

МАВЗУ: ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Режа:

1. Таълим методлари ҳақидаги тушунча. Шарқ мутаффаккирлари ва буюк педагоглар таълим методлари ҳақида.
2. Таълим методларига қўйилидиган педагогик талаблар ва уларни гурухлаш.
3. Таълимнинг оғзаки методлари: тушунтириш, ҳикоя қилиш, сухбат, мактаб маърузаси, китоб билан ишлаш методлари.
4. Таълимнинг кўрсатмали методлари: намойиш этиш, иллюстрация ва экскурсия.
5. Таълимнинг амалий методлари.

Таянч сўз ва иборалар: Метод, усул йўл, икки йўл, илҳомлаштирувчи сўзлар, мажбур этиш, оғзаки, кўргазмали, амалий, мустақил, мантиқий, назорат

ва ўз - ўзини назорат қилиш, муаммоли, дастурлаш методлари, Амалий, машқ, лаборатория, тажриба, фронтал, гурухли, индивидуал, муаммоли ўқитиш, фикрлаш, қидиришга ўргатиш мустақил ва ҳ.к.

Кенг маънода метод юонча "Методост" сўзидан олинган бўлиб, "йул", "усул" иш услуби деган маънони англатади. Қўлланиладиган (ўқитиш) "метод" - термини кишиларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш, маълум объектни ўзлаштириш борасидаги назарий ва амалий фаолиятлари усулларини англатади. Ўқитиш методи деганда таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кугилган мақсадга эришишга қаратилган биргалиқдаги усуллари тушунилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида: "Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб боради. Таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мақсади ошиб боради, телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланади", деб таъкидланган.

Амалий фазилатлар ва амалий санъат (касб - хунар)лар ва уларни бажаришга одатлантириш масалага келганда, бу одатда икки йўл билан ҳосил қилинади: буларда биринчиси - қаноатбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади, одамдаги ғайрат, қасд - интилиш - ҳаракатга айлантирилади.

Иккинчи (усул) йўл - мажбур этиш йўли, бу усул гапга кўнмовчи қайсар шаҳарликлар ва бошқа сахрои халқларга нисбатан ишитилади. Чунки улар ўз истакларича сўз билан ғайратга киришадиганлардан эмас деб таъкидлаган А.Н.Форобий.

Ю.К.Бабинский таҳрири остида нашр қилинган "Ҳозирги замон умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш методлари (1990 йил) китобида ўқитиш методлари қуидагича туркумланади".

6. Ўқитишнинг оғзаки методлари.
7. Ўқитишнинг кўргазмали методлари.
8. Ўқитишнинг муаммоли - изланишлар ва репродуктив методлари.
9. Ўқитишнинг мантиқий методлари: индуктив, дедиктив ва асослаш мантиқий методлари.
10. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини рағбатлантириш ва асослаш методлари:
 - а) Бўлимга бўлган қизиқиши шакллантараш методлари.
 - б) Билим беришдаги бурч ва масъулиятни рағбатлантириш методлари.
7. Ўқитишдаги назорат ва ўз - ўзини назорат қилиш методлари:
 - а) Оғзаки ва ёзма назорат методлари.
 - б) Ўқувчиларнинг тайёргарликларини лаборатория, лабаратория амалий йўллари билан назорат қилиш методлари.
 - в) Машина воситасида назорат қилиш методлари.
 - г) Ўз - ўзини назорат қилиш методлари ва ҳ.к.

Я.А.Коменский "Ўқитиш методларининг ўчи болада қизиқиши уйғотиши учун уни жонли қизиқарли қилиш зарур, ўқитиш ҳар қанча жиддий иш бўлса

ҳам, дарсни дўстона, қизиқарли вазиятда, сухбат мусобақа, топшириқларни топшириш шаклида ёки ҳикоя ва масала шаклида ўтиш лозим" 1. Ўқитиш методи санъат даражасига кўтарилиши учун уни шундай пухта асосларга қўйиш керак, "ўқитиш ҳеч оғишмай олға қадам ташласин ва ўз натижаларида алданмасин" - деб ёзганди.

И.Г.Песталоцци методик танлашда боланинг ўз ички табиатини ҳисобга олган ҳолда табиатнинг адабий қонунларига асосланиши керак деб ҳисоблади. "Фақат битта метод, яъни табиатнинг абадий қонунларига тўла асосланадиган методгина яхшидир".

А.Дистервег ўқитишнинг икки асосий методини баён қилувчи ва ўстирувчи методларини ажратади: "Ташқи томондан фарқ икки метод мавжуддир. Бири шундан иборатки, унда ўқувчиларга предмет айтиб берилади: иккинчиси шундан иборатки, унда ўқувчилар предметнинг ўзини яратишга ва шу билан бир қаторда ўқитишнинг догматик ва ўстирувчи (эвристик) методларини яратишга мажбур қиласди".

У таълим методларига таалуқли икки қоидани, яъни: "Метод танлашда предмет хусусияти билан ҳисоблашмоқ керак" ва ўқитиш, жетоди ўқитувчи шахсииинг ўзи билан боғланган", - деган қоидаларни ифодалайди. Ҳозир ўқитиш методларининг самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан биридир.

Ўқитиш методларининг муваффақияти, самараси, натижаси кўпроқ, ўқувчилар фаолиятинииг фаоллиги ва мустақиллигини таркиб топтиришга қўп жиҳатдан боғлиқ. Бу йўл ўқитиш методларини такомиллаштиришнинг энг самарали шаклидир. Метод шундай вақтда самарали бўлиши мумкинки, ўқитувчи дарсда шундай вазият, шароит яратиши керакки, уларнинг мустақиллигини ошириш билан бирга, олаётган билимларни ўзлаштиришда ва фикрлашга ўргатиши зарур.

Ўқитиш методларини такомиллаштириш ўқувчи шахсини, унинг дунё қарашига, унинг педагогик - психологих методик ва маҳсус илмий жиҳатидан тайёргарлигига боғлиқ. Ана шундай омиллар ўқитиш методларининг самарадорлигини ошириш омиллари ҳисобланади.

Яхши тайёргарлик кўрган ўқитувчида маълум танланган методларнинг устуналигини кўринади. Тайёргарлиги кам ўқитувчида бунинг акси бўлиши мумкин.

Мактаб таълим тизимида ўқитиш методлари билан бирга "методик усул" ва "восита"лар ҳам ишлатилади. Усул - методнинг бир қисми бўлгадидир. Масалан, ўқувчининг билимини ёзма текшириш методига хатоларни тузатиш усули киради.

Восита - маълум бўлган ёрдамчи ўқув материали - асбоб, қурол ва аппаратлардан фойдаланишдир. Ўқитиш методлари дарс характерига қараб турли - туман бўлиши мумкин. Лекин ҳар бир фанни ўқитишда ўзига хос умумий талабларни ҳисобга олиши керак. Масалан, физика, химия, биология фанларини лаборатория машғулотисиз ўқитиш мумкин бўлмаганидек, математика, она тили грамматикасини машқ қилмай, мисол ва масалалар ечмай туриб кутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Аксинча тарих, география дарсларида мисол ва масалалар ечишга ҳеч қандай зарурият йўқ.

Ўқитиши методларига қуидаги педагогик талаблар қўйилади:

8. Тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширилишга қаратилиши.
9. Методнинг илмийлиги.
10. Методнинг оммабоплиги, метод ўқувчилар ривожланишининг психологик - педагогик имкониятларига мувофиқ бўлиши.
11. Ўкув материалини мустаҳкам эгаллашга қаратилганлиги.
12. Ўз ишида илғор методларни мунтазам ўрганиш, бошқалар тажрибасидан фойдаланиш зарурлигидан иборат.
13. Ўқитиши методлари ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига ва уларнинг самарали ўзлаштира олишиларига имкон бериси.
14. Ўқитиши методлари бутун синф ўқувчилар фаоллиги ва мустақиллигини оширишга қаратилмоғи керак ва ҳ.к.

Мактабларда қўлланилаётган ўқитиши методлари хилма - хил бўлиб, уларнинг кенг тарқалганлари қуидагилар:

1. Ўкув материалларини оғзаки баён қилиш методи.

Ўкув материалини оғзаки баён қилиш методи мактаб таълими тизимида энг кўп қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, уни ҳамма фанлардан, ҳамма синфларда қўллаш мумкин. Бу методда ўқитувчи билимларни тўғридан - тўғри жонли нутқи билан баён қиласи ва ўқувчилар эса идрок қилиши билан характерланади.

Ҳикоя қилиш - ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга доир ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит қисмларга бўлиб, изчил баён қилинишидир. Ҳикоя қилиш давомида ўқувчилар фаоллигини ошириш, диққатини бир ерга тўплаш, уларнинг воқеа устида фикр юритиш ва алмашинишларига эришиши учун айрим саволлар берип бориш кўрсатма материаллардан фойдаланиш керак. Ҳикоя қилишнинг муваффақиятли бўлиши ўқитувчи нутқининг равонлиги, тушунарли ва эмоционал бўлишига боғлиқ.

Тушунгириш - ўқитишининг ўқитувчи томонидан ўтилаётган мавзунинг мазмунини характерлайдиган тушунча, қонун ва қоидаларнинг баён қилинишидир. Ўқувчи маълум бир фаннинг бирор мавзусига доир қонун-қоидаларни қанчалик асосли эканлигини фактлар, мисол ва масалалар ечиш билан исботлаб беради.

Мактаб лекцияси методи - асосан ўрта мактабнинг VII - IX синфларида қўлланилади. Ўқитувчи маъруза методи билан иш кўрар экан, мавзунинг ҳар бир қисм албатта тугалланган бўлиши керак. Бу методда дарс олиб борган ўқитувчи мактаб таълим олдида турган умумий талабларга, тарбиявий қоидаларга, нутқининг тушунарли ҳамда эмоционал бўлишига эътибор бериши керак. Мактабда ўқувчиларни қисқача конспект олишига ўргатиш керак.

Суҳбат методи - бу метод кўп қўлланиладиган самарали методлардан биридир. Бу метод савол - жавоб методи деб ҳам юритилади. Чунки дарс жараёнида саволлар билан бутун синфга мурожаат қиласи, ўқувчилар жавоб қайтарадилар. Ўқитувчи томонидан берилаётган таълим мазмуни ҳажми ва шаклига боғлиқ.

Дарслик ва китоб билан ишлаш методи. Бу метод ҳам мактабда муҳим ўрин тутади. Китобсиз ундан фойдаланиш маданиятига эга бўлмай туриб, фан-техника сирларини эгаллаб бўлмайди. Ўқув амалиёти билан ишлаш психик жараённи ўз ичига олади. Ўқитиши жараёнида ўқитувчининг баён қилаётган билимларини ўқувчилар фақатгина эшитиб қолмасдан, шу билан бирга уни китоб матнидан кўриб, онгли идрок қилиши муҳим рол тутади. Дарслик ва китоб билан ишлаш методи икки шаклда олиб борилади:

3. Дарс жараёнида дарслик ва ўқув адабиёти билан ишлаш;
4. Синф ва мактабдан ташқари дарслик ва ўқув адабиёти билан мустақил ишлаш.

Намойиш қилиш ва иллюстрация ўқувчилар томонидан материалларни аниқ образлар орқали бевосита идрок этиш жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчилар ўрганаётган буюм ва ҳодисаларни конкрет ва аниқ тасаввур этган тақдирдагина уларнинг олган билимлари чуқур ва пухта бўлади.

Таълимда намойиш қилиш методи кенг қўлланилади. Бу методдан дарсда кўпинча физика, химия, биология фанларига алоҳида табиий нарса ва буюм кўрсатилади. Таълим жараёнида намойиш қилиш методидан фойдаланиш жуда кўп жиҳатдан намойиш қилиш материалларининг характеристига, мазмунига, шакли ва ҳажмига боғлиқдир. Кўрсатма материаллардан ўз мазмуни ва характеристига кўра 2 турга бўлинади:

3. Табиий кўрсатмали материаллар: ўсимлик, ҳайвонлар, фойдали қазилмалар, уларнинг коллекциялари ва бошқалар.
4. Тасвирий кўрсатма материаллар. Тасвирий кўрсатма материаллари ҳам мазмуни ва тизими шаклига қараб 2 турга бўлинади.

а) Буюм, нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг тасвирини ифодаловчи расмлар – расм, сурат, фотосурот, диафильм, кинофильм ва ҳ.к.

б) Буюм, нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг бирор шартли белгиси орқали символик ёки график материаллар – география ва тарих карталари ва чизмалар, жадваллар ва бошқалар. Тасвирий кўрсатма материалларини ҳар икки шакли иллюстрация материаллари деб юритилади.

Ўқувчилар томонидан ўрганилаётган буюм ва ҳодисаларни жонли кузатиб, идрок этиш йўли билан илм асосларини эгаллашга экскурсия методи дейилади. Саъдийнинг “Гулистан” асарида “сафарнинг фойдаси кўпдир: бағри дилинг очилади, фойда топасан, ажойиботларни ткўрасан, ғойиботларни эшитасан, шаҳарларни томоша қиласан, дўстлар билан сұхбатда бўласан, билим орттирасан, молу-мулқ, давлатингни кўпайтирасан, дўстларингни яқиндан таниб, тақдирни имтихон қиласан” дейилган. Экскурсия заводларга, фабрика, қўшма корхона кабиларда ўтказилади. Экскурсия ўтказища бир қанча талабларга амал қилиш лозим. Экскурсия тўрт йўналишда бўлмоғи лозим:

5. Табиатни кузатиш ва ўрганиш мақсадида;
6. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига доир;
7. Ижтимоий ва майший мазмундаги;
8. Санъат ва адабиёт материаллари билан танишишга оид экскурсиялар.

Экскурсия қуйидаги тартибда олиб борилади:

4. Экскурсия хақида экскурсоводнинг муқаддама сұхбати;
5. Маршрут бўйича объектни кузатиш;

6. Экскурсия давомида ёки охирида зарур материалларни тўплаш.

5. Оғзаки, ёзма машқ ва график ишлари методи.
6. Амалий, лаборатория машғулоти методи.
7. Тажриба ер участкасида машғулот.
8. Муаммоли ўқитиш методи.

Бу методлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳамма синфларда, ўқув фанлари бўйича кенг қўлланилади. Машқ методи ўқувчилар ўзлаштирган билим ҳосил қилинган кўникмаларни мустаҳкамлаш ва уларни ҳаётда қўллай олиш қобилиятини ўргатиш мақсадида ташкил этилади. Ўқувчилар мустақил ишларнинг хусусиятлари ва мазмунига қараб оғзаки, ёзма, график ва амалий турларда олиб борилади:

5. оғзаки машқ;
6. ёзма машқ;
7. график ишлар (метод);
8. амалий ишлари.

Ёзма ишлар: она тили ва адабиёт, математика, шунингдек, тарих ва география фанларини ўқитишда қўлланилади. Ўқувчиларнинг ёзма машқлари асосан кўчириб олиш, баён, ёзма иш қоғозлари, математикадан мисол ва масалалар ечиш кабилардан иборат.

График ишлар: ёзма ишлар жумласига кириб, ўқувчиларнинг ўзлаштирган ёки ўзлаштирмаган, билимларни онгли ва мустаҳкам эсда сақлаб қолишларига ҳамда шу соҳада кўникма, малакалар ҳосил қилишларига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг график ишлари қуидагиларни ўз ичига олади: расм чизиш (ёки аслига қараб чизиш), география ва тарих фанларидан унчалик мураккаб бўлмаган карталар чизиш, чизма ва схемалар чизиш, жадвал, диаграмма ва графиклар, плакат, альбом, стендлар тайёрлаш ва бошқалар. График ишларни ўқувчилар бажарганда, ўқитувчилар камчиликларни ўз вақтида кўрсатишлари керак.

Лаборатория машғулотлари методи. Лаборатория ишлари деб ўқувчилар томонидан мактаб шароитида нарса ва ҳодисаларни маҳсус жиҳозлар воситасида (микроскоп, ўлчов асбоблари, тажриба жиҳозлари ва шунингдек кабиларда) бевосита ўрганишга айтилади. Бу метод асосан V-IX синфларда физика, химия, биология ва табиий география фанларини ўқитишда қўлланилади. Лаборатория машғулотлари маҳсус жиҳозланган лаборатория, кабинет ҳамда тегишли аппарат, микроскоп, лупа, колба, ўлчов асбоблари ёрдамида оддий синф хоналарида, мактабларнинг ер участкаларида олиб борилади. Лаборатория машғулотлари ўқитувчи томонидан илгари баён қилинган материалларни аниқлаш, исбот қилиш ва мустаҳкамлаш мақсадида олиб борилади. Юқори синфларда янги билимларни беришда ҳам ишлатиш мумкин. Лаборатория дарси машғулотлари кўпинча 3 турда бўлади:

4. Кузатиш;
5. Тажриба ёки эксперимент ўтказиш;

6. Тегишли асбоб-ускуналар ёрдамида, воситада маълум объектни ўлчаб, кўришда ишлатилади.

Лаборатория машғулотлари характерига қараб турли типда ташкил қилинади: 1. Синф ўқувчилари билан фронтал равища олиб бориладиган машғулотлар. 2. Синф ўқувчисининг алоҳида-алоҳида олиб бориладиган тажриба машғулотлари.

Амалий ишлар методи – умумий ўрта таълим мактабларида техника ва меҳнат малакалари билан қуроллантириш мақсадида амалий ишлар олиб борилади. Физика, химия, биология, чизмачилик фанлари ўқувчиларга техника таълимини беришда муҳим роль ўйнайди. Техник таълими ўқувчилардан бевосита ишлаб чиқаришнинг дастлабки меҳнат кўнижмалари билан қуролланишни ҳам талаб қиласди. Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синфларида ўқув устахонаси ва тажриба ер участкасида бир қанча амалий тажриба ишлари олиб борилади. Масалан: ёғоч ва материаллар билан ишлаш.

Юқори синфларда мактаб ер участкасида амалий тажриба олиб борилади. Амалий машғулотларни олиб бориша шу машғулотларнинг характерига қараб хилма-хил метод ва усуслар қўлланилади. Амалий ишлар охирида ўқитувчи ўқувчилар ишини текширади, баҳолайди, амалий ишларга якун ясади.

Тажриба ер участкасида амалий машғулотлар. Ўқувчиларнинг амалий тажриба машғулотлари мактаб жонли бурчаги ва тажриба ер участкасида олиб борилади. Амалий ишлар ўқув фанлари, физика, химия, биология, табиатни ўрганиш дарсларида илмий билимлар асосида олиб борилади. Мактаб ер участкасида ишларни асосан ўқувчилар жамоалари амалга оширади. Мактаб ер участкасида асосан иш тури экин майдонларини ҳайдаш, экиш, ўғитлаш, суғориш кабилар ҳамда оталиқ ташкилотлари иш участкаларида, паррандачилик, суттовор фермаларида ҳам ўтказишлари мумкин.

«Тарбиячи ўз шогирдларининг мустақил ишлашига кўпроқ имконият яратиб бермоғи лозим. Ўқувчини тайёр хulosалар билан қуроллантиришдан кўра унинг ўзига тўғри хulosалар чиқаришни ўргатмоғи лозим», - деб таъкидлаган К.Д.Ушинский. Швейцария педагоги И.Г.Пестоложка: «Менинг ўқувчиларим янгиликтни мендан олмайди: улар бу янгиликни ўзлари кашф этадилар. Менинг асосий вазифам – уларни ўзларини намойиш этишга, мустақил ғояларини ривожлантиришга ёрдам беришдан иборат» деган.

Мактабда таълимнинг муаммоли ўқитишиз тасавуур этиш мушкул. Унинг асосий мақсади ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш орқали билиш қобиляйтларини ривожлантиришдан иборат. Ҳар қайси фанни ўқитишида муаммоли таълим шу фаннинг ўзига хос хусусият ва мазмунидан келиб чиқиб ташкил этилади. Муаммоли таълимда муаммоли вазиятни юзага келтириш, ўқувчиларни мазкур вазиятни қидириб топишга, ихтиро қилишга ўргатишни вазифа қилиб олади. Албатта, ўқитувчи йўналтирувчи шахс хисобланади. Бунда ўқувчиларнинг ўзлари мавжуд бўлган билимларга таяниб иш тутади. Энг муҳими ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ва уларни амалда қўллашга ўргатади. Масалан, бошланғич синфларда табиатшунослик фанидан қуйидагича ташкил этиш мумкин.

Табиатшуносликдан муаммоли ўқитишни ташкил қилиш

Илдиз, поя, япроқ, гул сингари тушунчалар ўқувчиларга илгаридан маълум. Синфда қўргазмали қуроллар: турли ўсимликларнинг ҳосил ва мевалари бор. Ўқитувчи ўқувчиларга тирик ўсимликларда илгари ўрганиб чиқилган ҳамма қисмларини қўрсатиши талаб талаб этади. Ўқитувчи яна, болалар поя, илдиз, япроқ, гул ва бошқалардан ташқари нимаси бор деб сўрайди.

Ўқувчи: яна помидор ҳам бор (ҳосилни кўрсатади).

Ўқитувчи: бу ўсимликнинг қандай қисми? (болалар билишмайди). Булар ҳосили. Энди стол олдига келиб бодринг ҳосилини қўрсат. Энди бу мевалар қандай рангда эканлигини айт. (Ўқувчи уларни рангини айтади)

Ўқитувчи: бу меваларнинг мазаси бир хилми?

Ўқувчи: йўқ, ҳар хил.

Ўқитувчи: бундан чиқди ҳамма мевалар бир-бирига ўхшамас эканда, нега бўлмаса уларни бир хилда «мевалар» деб аталади?

Эҳтимол, улар ҳар ҳолда бир нарсаси билан бир-бирига ўхшаса керак, эҳтимол уларда бирор бир умумий нарса ҳам бордир?

Ўқувчи: булар мевалар, чунки уларни биз еймиз, уларнинг маъзаси яхши.

Ўқитувчи: конфетни ҳам ейсан, унинг ҳам маъзаси яхши. Сенинг-ча бу ҳам мевами?

Ўқувчи: конфет мева эмас, у ўсмайди. Мевалар ўсимликда ўсади.

Ўқитувчи: тўғри, мевалар ўсимликда ўсади. Япроқ ва гуллар ҳам ўсимликларда ўсади-ку. Уларни мевалардан қандай фарқлаш керак? (Ўқувчилар жавоб берса олмайди). Майли. Мен сизларга ёрдам бераман. Келинг меваларни кесиб кўрайлик-чи, ичида нимаси бор экан. Бунда умумий муаммо бир қанча якка муаммоларга бўлинади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

8. Таълим методлари нима ва улар қандай туркумланади?
9. Таълим методларига қандай педагогик талаблар қўйилади ва уларни изоҳланг?
10. Таълимнинг оғзаки методлари нима ва уларга қайсилар мансуб?
11. Таълимнинг кўрсатмали методларига қайсилар мансуб ва уларни педагогик асосланг?
12. Таълимнинг амалий методлари нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
13. Муаммоли таълим методи нима ва унинг мазмунини асосланг.
14. Таълимнинг яна қандай методлари мавжуд ва нима учун турли номлар билан айтилади?

МАВЗУ: ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ШАКЛЛАРИ

Режа:

7. Таълим жараёнининг шакллари ҳақида тушунча.
8. Я.А.Коменский синф - дарс тизимининг назарий асослари.
9. Дарс - мактабда таълимни йўлга қўйишнинг асосий шакли.
10. Дарсга бўлган ҳозирги замон педагогик талаблар.
11. Мактабда дарсларнинг таълимий, тарбияловчи ва ривожлантирувчи вазифалари.
12. Дарс типлари ва тузилиши.

Таянч сўз ва иборалар:

Таълим шакли, синф - дарс тизими, белланкастр, Далътан - план, Транп - план, лаборатория - бригада, асосий шакли, таълимий, тарбияловчи, ривожланувчи, дарс типлари, ўз мутахассислиги, дарсни режалаштириш, дарс

режаси, амалий машғулот, экскеурсиялар, синфдан ташқари ўқиши, мустақил иш ва ҳқ.

Кишилик жамиятининг тарих тараққиётида (дастлабки даврда) ўқитиши иши одамларнинг меҳнат фаолияти билан узвий боғланган эди. Болалар катта ёшдагиларга тақлид қилиб, уларнинг иш усулларидан намуна олиб, қўлларидан келадиган унумли меҳнатда ва уй ишларида қатнашиб, шу йўл билан катталар тажрибасини ўрганар эдилар.

Меҳнат фаолияти ва билимлар мураккаблаша бориши билан болаларнинг ўтмиш аждодлар тажрибасини ўзлаштириш вазифаси ўқитишининг маҳсус ташкилий шаклларини тақозо қиласди. Натижада мактаб вужудга келди. Болаларни гурӯҳ қилиб ўқитиши (тўплаб) пайдо бўлади. Қадимги Хитой, Миср, Юнонистон мактабларида, ўрта аср мактабларида болалар гурӯҳлаб ўқитилади. Бу гурӯҳлаб ўқитишининг дастлабки шакли эди. Гурӯҳлар ўзгарувчан эди, билим даражаси, ёши ва ақли ҳар хил даражада ўстган болалар бир гурӯҳда ўқитилар эди.

Қадимги дунёда ва ўрта асрда ўқитиши кўпроқ индивидуал шакли кенг ривожланган эди. Бу кейинчалик ўзини оқламади.

Мактаб таълим ишлари ҳар хил шаклларда олиб борилади. Мактабнинг тарихий тараққиёти билан таълимни йўлга қўйиш шакллари ҳам ўзгариб боради. Я.А.Каменский тарихда биринчи бўлиб мактаб таълим тизимида синф - дарс тизимини яратди. Левин синф - дарс тизими Ўрта Осиёдаги, жумладан эски ўзбек мактабларига инқиlobгача таъсир қилмади. Бу мактабларда ўқишига ўқувчилар қабул қилишининг маълум вақти йўқ эди. Шунинг учун 20 - 30 ўқувчининг билим даражалари ҳам турлича бўлар эди.

Мактаб барпо қилинишининг дастлабки қунларидан бошлабоқ синф- дарс тизими янги тараққиёт даражасига ўтди. Мактабнинг душманлари XX асрнинг бошларида АҚШда пайдо бўлган Дальтон - план асосидаги таълимни ҳеч ўзгаришсиз, фақат номини ўзгартириб, "лаборатория - биргада методи" деб атаб, уни мактабга тадбиқ қила бошладилар.

Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш

Миллий дастур "Таълим ўз ичига мактабгача тарбия, умумий, ўрта, ўрта маҳсус, касб - хунар таълимини қамраб олувчи янги узлуксиз изчил тизими барпо этилади ва яна илғор педагогик технологиялар, таълимнинг янги шакллари ва услублари амалиётга жорий этилади", - деб таъкидланган.

Дарс – ўқув ишларининг асосий ташкилий шаклидир. Синф – ёши ва билим жиҳатдан бир хил бўлган, маълум микдордаги ўқувчилар гурӯҳидир. Дарс – ўқитувчининг раҳбарлигида муаймян вақтда синф ўқувчилари билан олиб бориладиган машғулот. Ҳозир мактабларимизда синф - дарс тизими асосан қуйидаги шаклларда олиб борилади:

1. Ёши ва савиаси бир хил бўлган болаларнинг доимий гурӯҳи билан;
2. Дарс машғулоти 45 дақиқага мўлжалланган бўлиб, қатъий жадвал асосида ўтада;
3. Дарс ўқитувчи ва ўқувчилар активлигида асосланиб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида ўтади;

4. Ўтиладиган материалнинг мазмунига қараб турли методлар қўлланилади. Дарсда бир нарса ҳақида тутал билим берилиши ва навбатдаги билимларни ўзлаштиришга замин яратиши керак.

Бироқ мактабларда ҳозир фақат машғулотлар синф - дарс тизимида олиб борилмайди. Шунинг учун мактабда таълммни йўлга қўйиш шакллари икки турга ажратилади:

1. Синф - дарс тизимида олиб бориладиган машғулотлар;
2. Амалий ва тажриба ишлар шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

Ҳозирги замон дарсига қўйилган талаблар қўйидагилардир:

1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни назарда тутиши ва пухта режадаштирилган бўлиши лозим.

2. Ҳар бир дарсда мустаҳкам ғоявий - сиёсий йўналиш бўлиши лозим. Дарс ўқувчиларни сиёсий тарбиялашни, жамият ва табиатнинг тараққиёт қонуниятларини, билимнинг турлари билан боғланишини таъминлаши даркор.

3. Ҳар бир дарсда хилма - хил метод, методик усул, воситалардан, кенг ва унумли фойдаланиш лозим.

4. Дарсга ажратилган ҳар бир соатни тежаш, ундан самарали фойдаланиш керак.

5. Дарслиқда юксак даражада интизом бўлиши керак.

6. Ҳар бир дарсда халқнинг бой педагогик мероси, урф - одати ва қадрияларидан кенг фойдаланмоқ керак.

7. Дарс назарий билимларни амалиётида тадбиқ қилишга ўргатиши керак.

8. Ҳар бир дарс ўқитувчин ва ўқувчиларнинг актив фаолият бирлигини таъминламоғи керак.

9. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолияти бирлашгандагина қўйилган мақсадга эришиши мумкин. Бунинг учун: ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланган бўлиши билан бирга, уни амалга ошириш учун қандай дарс типи ва ўқитиши методларидан фойдаланишни аниқ белгилаш;

воситаларни тўғрн танлаши ва ишлатиши;

синф жамоаи ва ҳар бир ўқувчи билан мос муамолада бўлиши;

синф ўқувчиларининг дарсдаги активлиги ва мустақиллигини таъминлаш чораларини режалаштириш (оғзаки, ёзма, график шаклидан) унумли ва самарали фойдаланиш ва ҳ.к.

10. Дарс машғулоти бутун бир синф ўқувчилари диққатини, бир ерга тўплаган ҳолда олиб борилиши ва айни вақтда ҳар бир ўқувчининг индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиши керак ва ҳ.к. Ҳозирги мактабларда дарслар учта вазифани бажаради: Биринчи вазифаси қанақа фан бўлишидан қатъий назар ўқувчиларга таълим беради. Яъни мазкур фанга мос илмий билимлар, сабоқлар беради. Иккинчи вазифаси мазкур фаннинг ўз мазмуни ва хусусиятларидан келиб чиқиб ўқувчиларни тарбиялайди. Яъни ўқувчининг мафкураси, дунёқараси, маънавий ахлоқий, ватанпарвар, инсонпарвар каби фазилатларини шакллантирилади. Учинчи вазифаси биринчи ва иккинчи вазифалари натижаси ҳисобланиб ўқувчи шахсини ривожлантириш. Соддороқ қилиб изоҳласак,

ўқувчининг олган таълим – тарбияларини амалда қўллашга ўргатиш вазифасидир. Таълимнинг умумий вазифаси ўқувчи шахсini шакллантиришидир.

Дарс типлари ва структураси. Ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда машғулотларнинг асосий қисми дарс типини ташкил қилади. Мактаб таълими тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс типлари қуийдагилардир:

6. Янги билимларни бериш дарси.
7. Ўтилган материални мустаҳкамлаш дарси.
8. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш дарси.
9. Такрорлаш – умумлаштириш дарси.
10. Аралаш дарс (юқоридаги дарс типларининг бир нечтаси бир вақтда қўлланилади).

Мактабдаги энг кўп қўлланиладиган дарс типларидан бири – янги билимлар бериш дарсидир. Одатда бу дарс типи қуийдагича тузилади:

- янги билимларни баён қилиш;
- янги билимларни мустаҳкамлаш;
- янги билимлар устида машқ қилиш;
- янги билимларга боғлиқ ҳолда уй вазифалари топшириш ва ҳ.к.

Ҳар бир синфда ҳар бир фанга оид дарс турлича тузилади. Дарс қанчалик хилма-хил тузилмасин, унда умумийлик шунчалик кўп бўлади. Ўрта мактаблардаги дарснинг тузилиши асосан қуийдагилардир:

5. Ўтган дарсда ўтилган материалларни сўраш, ўқувчилар билимини текшириб қўриш дарслари.
6. Янги материални баён қилиш дарслари.
7. Янги материални мустаҳкамлаш ва такрорлаш.
8. Текшириш дарслари ва ҳ.к.

Дарс типлари. Билимларни мустаҳкамлаш дарсининг тузилиши:

5. Ташкилий қисм.
6. Дарснинг мақсадини белгилаш.
7. Уйга берилган топшириқларнинг бажарилишини текшириш ва ўрганилган материални машқлар, амалий лаборатория ва бошқалар ёрдамида эсда яхши қолдириш.
8. Дарсни якунлаш ва уйга бажариш учун топшириқ бериш.

Текшириш дарсларининг тузилиши:

5. Ташкилий қисм.
6. Дарснинг мақсадини тушунтириш.
7. Назорат ишлари.
8. Дарсни якунлаш.

Дарс жараёни фронтал, гуруҳли, индивидуал ташкил этилади. Лаборатория ишлари машғулотнинг характеристига қараб турли типда ташкил қилинади:

4. Синф ўқувчилари билан фронтал равища олиб бориладиган машғулот.

5. Гурух, яъни 6-7 ўқувчи билан олиб борилади.
6. Синф ўқувчиларининг ҳар қайсиси билан алоҳида-алоҳида олиб бориладиган тажриба машғулотлари.

Фронтал равища олиб бориладиган машғулот типи ўқитувчининг раҳбарлигидаги синфдаги ҳамма ўқувчиларнинг бир хил асбоблардан фойдаланган ҳолда бир турдаги тажриба устида ишлашдири. Лекин ҳамма вақт ҳам ўқувчиларни зарур бўлган асбоблар билан таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун ронтал равища олиб бориладиган лаборатория машғулотлари икки шаклда индивидуал ва бригада (гурухли) шаклида йўлга қўйилади. Бунда ўқитувчи ўзига ёрдамчилар тайинлаб олиши мумкин. Ўқитувчи тажрибани бошлишдан олдин ўқувчиларга йўл-йўриқлар бериши керак.

Юқори сирфларда ўқувчиларнинг индивидуал олиб бориладиган мустақил тажрибалари фаолият тарзда ўtkазиладиган машғулотлардан фарқ қиласди. Индивидул машғулотлар экспериментал тажриба масалаларни ечишга қаратилган амалий ишлардан иборат бўлиб, бунда машғулотларда ҳар қандай ўқувчи алоҳида-алоҳида тажриба устида иш олиб боради.

Ўқувчиларнинг индивидуал тажрибаларининг натижалари ёзма равища якунланади.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги. Ўқув машғулотининг муваффақияти асосан ўқитувчиларнинг дарсга тайёргарлигига боғлиқдир. Ўқитувчининг тайёргарлиги асосан икки йўл билан олиб борилади:

3. Ўз мутахассислиги бўйича олиб бориладиган умумий тайёргарлик;
4. Кундалик дарс режаси, яъни дарс конспекти.

Календар режа ҳар бир фан юзасидан ҳар бир ўқитувчи томонидан тузилади. Календар режа биринчи ва икkinchi ярим йиллар учун тузилади. Кундалик дарсга тайёргарлик кўришда дастур билан танишади. Дарсликлар, хрестоматия материаллари, шу мавзуга доир журнал материаллари билан танишиши ва кўрсатма материалларни тайёрлаш керак.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлари. Ўқувчи уй вазифасини бажариш натижасида ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлади. Ўзлаштирган материаллар юзасидан онгли фикр юритишга, ҳосил қилинган кўникма ва малакаларни турмушда қўллай олишга ўргата боради. Мактаб ўқувчиларига бериладиган уй вазифаларнинг турлари жуда ҳам хилма-хилдир. Дарслик ва китоб билан ишлаш, қоида ва қонунларни ёд олиш, ёзма ва оғзаки машқлар бажариш, иншо ва баён ёзиш, мактаб тажриба-ер участкаси ва жонли бурчакларда ўсимлик ва ҳайвонларни кузатиш юзасидан олиб бориладиган мустақил ишлардир. Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, баъзан уй вазифаларини топширишда қўпол ҳолатларга йўл қўйилади. Уй вазифаларининг муваффақиятли бажарилиши қўп жиҳатдан ўқитувчининг пухта ўқтиришига боғлиқ. Уй вазифаларини дарс охирида шошма-шошарлик билан топшириш ярамайди.

Мактабда ўқувчиларнинг меҳнатдан, биологиядан, жисмоний тарбия фанларидан машғулотлар ўқув устахоналарида, ер участкасида, спорт

майдончаларида ташкил этилади. Бу машғулотларни ўтказишдан мақсад ўқувчиларни олган назарий билимларини амалиётта қўллаш кўникмасини шакллантиришдан иборат. Бундай машғулотлар ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб ташкил этилади ва маълум педагог талаблар асосида ўтказилади.

Мактабда ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашда ва билиш қобилияtlарини ривожлантиришда синфдан ташқари ўқишини ташкил этиш муҳим роль ўйнайди. Синфдан ташқари ўқиш барча фан ўқитувчилари ва кутубхоначилар томонидан ташкил этмоқлари зарур. Унда кўзда тутилган мақсад дастурда кўзда тутилмаган кенг ҳажмдаги қўшимча материаллар ўқувчиларнинг ўзлаштириши учун тавсия этилади. Дарсдан ташқари мунозаралар, конференциялар уюштирилиши ҳам мумкин. Энг асосий ўқувчиларнинг қизиққан соҳалари бўйича билишини ривожлантириш, ўқишга иштиёқини тарбиялаш, китоб билан ишлашга ўргатишдан иборат. “Одамлар ўқишдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар”, - деган Дини Дидро. Таълимни ёдга қўйишининг дарс, лаборатория, экскурсия, амалий машғулот, коллеквиум, уй вазифалари, қўшимча консультация, назорат ишлар, топшириқ ва ҳоказо шакллари мавжуд.

Экскурсияни ташкил қилиш таълимнинг бошқа шаклларидан тубдан фарқ қиласди. Экскурсия 4 йўналишда уюштирилади:

5. Табиатни кузатиш ва ўрганиш мақсадида олиб бориладиган экскурсиялар.
6. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид экскурсиялар.
7. Ижтимоий ва майший мазмундаги материаллар билан таништиришга оид экскурсиялар.
8. Санъат ва адабиёт материаллари билан таништиришга қаратилган экскурсиялар.

Экскурсиянинг муваффақиятли чиқиши уни ўтказиш учун кўрилган тайёргарликка боғлиқ. Экскурсия ўқувчиларни режа билан таништириш ҳамда обьект устида қисқача маълумот бериш билан бошланади. Экскурсия қўйидаги тузилишда олиб борилади.

5. Экскурсия ҳақида экскурсияводнинг дастлабки кириш сухбати.
6. Маршрут бўйича обьектни кузатиш.
7. Экскурсиялар давомида керакли материалларни тўплаш.
8. Экскурсияни якунаш.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

11. Нима учун ўқитувчи таълим жараёнининг шаклларини ўрганади?
12. Я.А.Каменскийнинг синф - дарс тизими мазмунини изоҳланг?
13. Нима учун дарс таълимни йўлга қўйишининг асосий шакли?
14. Ҳозирги замон дарсига қандай педагогик талаблар қўйилади?
15. Дарс қандай вазифани бажаради?
16. Дарс типлари нима ва унинг қандай типлари мавжуд? Уларни бир-биридан қандай фарқлайсиз?
17. Нима учун ўқитувчи дарсга тайёрланади ва унинг қандай турлари мавжуд?

18. Ўқитувчининг қандай режалари мавзу ва улар мазмунини қай тарзда изоҳлайсиз?
19. Амалий машғулотлар ва экспедициялар нима мақсадда ташкил этилади?
20. Ўқувчилар мустақил ишларининг қандай шакллари мавжуд ва қайси мақсадда ўтказилади?

МАВЗУ: ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ, КҮНИКМА, МАЛАКАЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛИШ ВА БАҲОЛАШ

Режа:

4. Ўқувчилар ўқув фаолиятига раҳбарлик, бошқарув ўқув жараёнида назорат эканлиги.
5. Ўқувчилар билим, кўникмаларини текширишнинг мақсади, мазмуни ва турлари.
6. Ўқувчилар билим, кўникмаларининг сифат мезонлари.

Таянч сўз ва иборалар:

Билим, кўникма, малака, баҳолаш тизими, рейтинг, жорий, оралиқ, босқичли, якуний назорат, сифат мезонлари, давлат таълим стандартлари ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомнинг (1995 йил 5 январ) 4 ўқув тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни

бўлими 4,4 бандида ўқувчилар билими сифатини ва ўқитиш натижаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини назорат қилишни таъминлаш учун шу қуйидаги назорат тартиботларини ўтказиш назарда тутилади:

Жорий назорат – сўровлар, коллеквиумлар, семинарлар, назорат ишлар, тестлар тарзида ўқувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмалари мунтазам назорат қилинади;

Оралиқ назорат – чорак тамом бўлганда ва ўқув дастурларининг тегишли бўлимлари, малака ва кўникмаларини баҳолаш учун амалга оширилади. У имтиҳонлар, тестлар, синовлар ва малакага доир ишлар шаклида ўтказилади;

Босқичли назорат – ўқув йили тамом бўлганидан кейин имтиҳонлари, тест синовлари шаклида амалга оширилади. Унинг асосида рейтинг аниқланади ва ўқувчини навбатдаги синфга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

Якуний назорат – ўқиши тутатилганидан кейин давлат аттестацияси шаклида ўтказилади.

4,5 умумий таълим дастурларини давлат таълим стандартларини доирасидан мустақил ўзлаштирган ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Экстернат тўғрисидаги Низом асосида, экстернат тартибида аттестациядан ўтиш хуқуқи берилади.

Имтиёзли аттестация 5-9 синфларда ўқиши даврида ўзлаштириш (рейтинг) бўйича фақат аъло кўрсатгичларга эга бўлган битирувчиларга берилади.

Ўрта маҳсус қасб-хунар коллежларида босқичли назорат ўтказилмайди. Оралиқ баҳолашда курс иши ва босқичли назоратда у имтиҳонлар, тестлар, малака ишлар ва диплом ҳимояларини ҳимоя қилиш шаклида амалга оширилади.

Мактабда ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ҳисобга олиш, текшириш ва уларга баҳо қўйиш таълим тарбиянинг зарур ва муҳим қисмидир. Бу ишнинг тўғри йўлга қўйилиши давлат учун, мактаб, ўқувчилар ва ота-оналар учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш асосида давлат таълим-тарбия сифатини, бу соҳада юз берган камчиликларга ўз вақтида барҳам бериш, мактаб, ўқитувчи ва ўқувчи ишини ҳар томонлама яхшилашга керакли тадбирлар белгилайди. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиш, ўқув методларининг ва заиф томонларини ўқувчиларнинг дарс материалларини қандай ўзлаштираётганлигини аниқлаб олишга имкон беради. Ҳар бир ўқувчини ҳар томонлама яхши билишга ёрдам қиласи. Ўқитувчи ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини текшириш асосида ўқувчиларнинг ўқув дастури ҳажмида билим, кўникма, малакаларини пухта ўрганиб олишларини таъмин этиш учун дарс материали устида яна қандай ишлар кераклигини кўрсатади, дарсдан улгурмаётган ўқувчиларни ўз вақтида тезда тегишли чоралар кўради. Шу билан бирга текшириш ўқитувчининг ҳам ўқучининг ҳам ўзига талабчанлигини кучайтиради. Ҳар бир ўқувчининг ўқишида ўзининг ютуқ ва камчиликларини, ўқув материалининг қайси қисми пухта, қайси қисмини бўш ўзлаштирганинги аниқлашга ёрдам беради. Ўз-ўзини текшириб боришга ўзи ўзини танқид қилишга одатлантиради, интизомликка ва қунт билан

ўқишига ўқишига ўргатади, уларда кучли иродада ҳамда ижобий характер вужудга келтиради ва тарбиялайди. Мактаб, ота-оналарни эса давлат олдида ўз масъулияти ва виждан бурчини тушунтиришига ўргатади.

Ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиш ва текшириш ота-оналарнинг ўз болалари қандай ўқиётганликларини, дарсдан улгуриш ултурмасликларидан хабардор бўлиб туришларига ёрдам беради. Уларнинг ўз болаларининг ўқишилари ва тарбияси учун жавобгарлигини оширади. Масалан, айrim ота-оналар болаларининг ўқишиларидан хабардор бўладилар. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиш ва текшириш иши аввало ўқувчиларни кунсайин ўрганиб бориш ва уларнинг дарсдан улгуришларини текширишни ўз ичига олади. Ўқитувчи ўқитиш жараёнида ҳар бир ўқувчини дикқат билан ўрганиб бориши лозим. Ўқитувчи ана шу ўрганиши асосида ҳар чорак охирида, ҳар бир ўқувчининг маълум бир фанни қанчалик ўзлаштирганилиги ҳақида характеристка беришга мажбур.

4. Ўқитувчи ўқувчиларни режали ва тизимили суратда кузатиш йўли билан ўрганилади, ўқитувчи ўқувчиларни дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда кузатиб боради. Кузатиш унга ўқувчининг ишига, ўқишига муносабатини, ўқувчининг қизиқишилари ва нималарга мойил бўлганлигини унинг индивидуал хусусиятларини ва қобилиятини билиб олишга ёрдам беради.

5. Ўқувчилар сухбат йўли билан ҳам ўрганилади. Сухбат синф жамоаси ёки айrim ўқувчилар грухи билан, шунингдек якка-якка ҳам ўтказилиши мумкин. Ўқувчилар ҳақида тўлароқ маълумотга эга бўлиш учун ўқитувчилар, мактаб врачи, айниқса, ота-оналар билан фикр алмасиши катта аҳамиятга эга.

6. Яна уларнинг шахсий ҳужжатларини дикқат билан қўриб чиқиш орқали ҳам ўрганилади. Ўқитувчи ўз ўқувчиларини қанча аниқ ва ҳар томонлама яхши билса, таълим-тарбия ишлари шунча муваффақиятли бўлади. Ўқувчиларни билиш ўқитувчининг бутун синфга, ҳар бир ўқувчига таълим ва тарбия беришининг энг яхши усул ва воситаларини танлаб олиб, улардан самарали фойдаланишга имкон беради. Ўқувчиларнинг заиф томонлари ва нуқсонларини йўқотишга ижобий томонларини ўстириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ўқувчилар билимлари, кўникмаларини ҳисобга олишнинг энг муҳим қисми уларнинг билимни ўзлаштиришларини текширишdir. Мактабда ўқувчиларнинг билимни текширишнинг қўйидаги турлари – дастлабки тахминий текшириш, кундалик текшириш, мавзулар бўйича текшириш ва якуний текширишдан иборат.

IV. Дастлабки тахминий текширишнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг янги ўқув материалини онгли идрок қилиши ва муваффақиятли эгаллаш учун керак бўлган тайёргарлик даражасини аниқлашдан иборат. Одатда текширишнинг бу хили ўқув йилининг бошида ёки ўқув дастурининг навбатдаги бобини ўтишига киришиш олдидан ўтказилади.

V. Кундалик текшириш – ҳар куни, ҳар дарса мунтазам равища, режали тарзда ўтказиладиган текширишdir. Бу текширишнинг асосий вазифаси ўтилган материални қайтариш билан бирга, янги ўқув материалини ўзлаштирилиш дарласини аниқлашdir. Кундалик текшириш катта тарбиявий аҳамиятга эга. Дарсда

ҳар куни ўтказиладиган бу текшириш, ўқувчиларни тизимли пухта ишлашга ўргатади. Шунингдек, бу текшириш ўқувчиларга билим, кўникма ва малакаларни сингдириб боришга ва иродасини ўстиришга ёрдам беради.

VI. Якуний текшириш – ўқув чораги ва ўқув йилининг лхирида ўтказилади. Унинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ўқув чорагида ёки ўқув йилидаги материалининг эгаллаш даражасини аниқлашдан иборат. Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини текширишда мактабда қўлланиладиган асосий усуллар – ўқувчиларнинг ишларини кузатиш, дарсда ва дарсдан сўнг кузатиш, оғзаки сўраш, назорат ишлар ўтказишидир.

Оғзаки сўраш текширишнинг энг кўп қўлланиладиган усулларидан биридир, унинг қўйидаги турлари бор:

- а) Ўқувчини синф доскаси ёки ўқитувчи столи ёнига чақириб сўраш.
- б) Синфдаги ўқувчиларнинг қўпчиликдан сидирасига сўраш.
- в) Айрим ўқувчилардан доскага ёки стол ёнига чақирмасдан сўраш.

Айрим ўқитувчилар ўқувчиларнинг билимларини текширишда мавзулар юзасидан текшириш усулини қўллайди. Бу усулнинг яхши томони бунда ҳар бир ўтилган мавзудан шу мавзуни ўзлаштириш даражаси синфдаги ўқувчиларнинг ҳар бирига нисбатан текширилади. Мавзу материалини ўзлаштирмаган ўқувчилар аниқланади ва улардан шу материални ўзлаштириш талаб қилинади.

Назорат ишлар – ёзма ишлар (диктант, иншо, масалалар ечиш, график ишлар, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини тадбиқ қилишни талаб этадиган ам алий вазифаларни (лабораторияда анализ қилиш, устахонада тегишли буюмлар ясаш) бажариш кабилар киради. Назорат иш бир вакт ичида синфдаги ҳамма ўқувчиларни текширишга имкон беради. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ишлари қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим. Синфдаги ҳамма ўқувчиларнинг билимларини текшириш керак. Текширишда ўқитувчида режа бўлиши керак. Режа асосида ўрта, кучли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билимлари текширилиши керак. Текширишни шундай олиб бориш керакки, синфдаги ҳамма ўқувчилар ўқитувчи саволига жавоб бера олсин.

Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларига баҳо қўйиш баҳо ўқувчиларнинг ўқув дастурларида кўзда тутган билим, кўникма ва малакаларниңдай эгаллаганлигини қўрсатади. Баҳо қўйиш катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эга, чунки ўқувчиларни у қунт билан ўқишига мажбур этади. Мактаб ўқувчиларга баҳо қўйишида қўйидаги асосий талаблар қўйилади.

4. Билимларга объектив ва ҳаққоний баҳо қўйилиши лозим.
5. Баҳолашда кўзбўямачиликка мутлоқа йўл қўймаслик керак.
6. Ўқувчининг билимига ўқув дастурининг талаблари асосида баҳо қўйилиши лозим.

Бу талабларни таъмин этиш учун билимга баҳо беришнинг умумий мезони бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Конунининг 7-моддасида “Давлат таълим стандартлари умумий ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди”, - деб

таъкидланган. Бу талаблар жамиятнинг объектив ривожланишини тамиnlайдиган эҳтиёжлар ва бозор муносабатлари умумий рақобатидан келиб чиқади. Мазкур талаблар умумий ўрта таълим ўқув дастурлари, дарслкларида ўз ифодасини топмоғи даркор. Булар ҳар бир фаннинг ўзига хос таълим мазмуни, хусусиятларидан келиб чиқади. Мактабларда ўқувчилар билими, кўникмаларига баҳо беришнинг қуидаги умумий мезонлари қўлланилади:

5. Билимнинг илмий бўлиши.
6. Билимнинг онгли ўзлаштирилиши.
7. Билимнинг ҳажми.
8. Билимнинг мустаҳкам ўзлаштирилиши.

Ўқувчи нутқининг мазмуни ва бажарган ишининг сифати ва ҳ.к.

Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини текширишда ва баҳолашда ўқувчи ўқув дастури материалини тўла биладими, уларни тушунадими ёки уни қуруқ ёдлаб олганми, билимларни амалий масалаларни ечишга ва ишларни бажаришга тадбиқ қила оладими ва бошқалар.

Ҳамма ўқув фанлари ва барча синфларда ана шу мезон қўлланилади. Бироқ айрим ўқув фанларидан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ва баҳо қўйишида шу фанларнинг хусусиятини ҳисобга олиши керак. Масалан, меҳнат дарсларида ўқувчиларнинг бажарган буюмларни текшириш ва баҳо қўйишида мустақиллик, буюмнинг техник талабларга мувофиқлик даражаси ва сифати ҳисобга олиниши лозим. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига баҳо қўйиш учун умумий таълим мактабларида беш даражали рақамли баҳо тизими қўлланилади.

Ўқувчи дастур материалини тўла ва муфассал билган, уни чуқур тушунган ва пухта эгаллаган, дастурга киритилган ҳамма масалаларни тўғри, онгли ва далиллар билан сўзлаб берган, амалий ишларни бажаришда ва масалалар ечишида эгаллаган билимларни мустақил тадбиқ қилган, оғзаки жавобларда ва ёзиш ишларида тўғри адабий тилдан фойдалана билган ва хатоларга йўл қўймаган ҳолда “5” баҳо қўйилади.

Ўқувчи дастур материалининг ҳаммасини билган, уни яхши тушунган ва пухта эгаллаган, дастур ҳажмидаги саволларга қийналмасдан жавоб берган, билимларни амалий ишда тадбиқ қила билган, оғзаки жавобларда тўғри тилдан фойдалана олган, ёзма ишларда эса кичкина, аҳамиятсиз хатоларгатина йўл қўйган тақдирда “4” баҳо қўйилади.

Ўқув дастурига киритилган асосий ўқув материалини билган, эгаллаган билимларни амалий ишларда бир мунча қийналиб ва ўқитувчининг бир оз ёрдамида бажара олган, оғзаки жавобларида материални баён қилганда, ёзма ишларда бир мунча хатоларга йўл қўйилган тақдирда “3” баҳо қўйилади.

Ўқувчи ўтилаётган ўқув материалининг қўпчилик қисмини билмаган, ўқитувчининг ёрдамчи саволлари орқалигина жавоб берган, ёзма ишларида қўп ва қўпол хатоларга йўл қўйган тақдирда “2” баҳо қўйилади.

Ўқувчи ўтилган материални бутунлай билмаган тақдирда “1” баҳо қўйилади.

Ўқувчиларга қўйилган баҳоларни уларга изоҳлаб тушунтириш керак. Бу эса билимга баҳо қўйишининг аҳамиятини ошириш ҳамда ўқувчининг ўқишдаги ютуқ ва камчиликларини билиб олишга ёрдам беради. Ҳар бир чоракда ўқувчига бир нечта баҳо қўйилиши керак. Акс ҳолда чорак охирида ўқитувчи қийналиб қолади. Чорак ва йиллик баҳони қўйишда ўрта арифметик усул биалн баҳо қўйиш мутлақо ярамайди, чунки бундай якуний баҳо ўқувчининг билим, қўникма ва малакаларини тўғри акс эттиrmайди.

Баъзи бир ўқитувчилар дарсга тартиб-интизом бузган ўқувчиларга ўз фанларидан ёмон баҳо қўядилар. Бундай баҳолаш бутунлай ярамайди, чунки баҳо ўқувчининг билим, қўникма ва малакаларига қўйилади, шунинг учун уни ўқувчининг хулқига қўйиладиган баҳога аралаштириш нотўғридир.

Машхур рус педагоги Острогорский шундай ёзади “Жавобга балл олган инсон аввало ўзидан-ўзи унга ҳаққоний баҳо қўйищдими деб сўрайди, агар у бунга ноҳақдек туюлса, у ранжийди, гўё унга тегишли нарса тортиб олингандек ёки берилмагандек бўлади.

Дангаса хафа бўлмайди, у меҳнат қилгани йўқ, меҳнат қилган эса меҳнатнинг қадрини билади ва меҳнатнинг натижаларини истайди”.

Шунинг учун барча ўқитувчилар ўқувчиларнинг билим, қўникма ва малакаларини баҳолашда, уларнинг рейтингини аниқлашда объектив асосларга таяниши шарт. Сир эмас баъзи ўқитувчилар баҳолашнинг моҳияти, мазмунини ўзлари яхши ўзлаштирганлар. Ўқитувчининг бундай нуқсонлари мактаб амалиётида ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ўқитувчилар рейтинг тизимини мукаммал ўзлаштириб, амалиётда хатоларсиз тадбиқ этишлари баркамол ўқувчиларни тайёрлашнинг зарур шарти эканлигини англашлари жуда муҳим.

Хозирги даврда ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштиришда тест усули қўлланилмоқда. “Тест” инглизча сўз бўлиб, “топшириқ”, “тажриба” деган маъноларни англатади. Билиш хусусиятини ўлчаш усули сифатида унга инглиз психологи Д.Каттел асос солган. Бошқача айтганда тест қисқа муддат ичида билимни синашнинг энг мақбул усули бўлиб, бир қатор ривожланган давлатларда халқ таълими билан бир қаторда турли соҳаларда ҳам тест синовидан фойдаланган.

Жумхуриятимизда илк бор 1992 йилда бир қатор олий ўқув юртларига қабул имтиҳонлари шу асосда ўтказилди. Эндиликда тест синови таълим-тарбия тизимининг барча соҳаларига кириб бормоқда.

“Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг билим даражаларини назорат қилишнинг рейтинг усули тўғрисидаги Низом” лойиҳасида алоҳида ўқтирганидек, бу усул давлат таълим стандартларининг таркибий қисми бўлиб, уни барча таълим муассасаларида (мактабларда) бажариши мажбурийдир.

Хозирда фанлар бўйича рейтинг баллари қуйидаги тартибда белгиланади:

4. Кундалик назорат (КН) – 50 балл. Жумладан, а) кундалик сўров (КС) – 40 балл, б) эркин фаолият (ЭФ) – 10 балл.
5. Оралиқ назорат (ОН) – 20 балл.
6. Якуний назорат (ЯН) – 30 балл.

Рейтинг натижаси беш балли баҳога қўчирилганда қўйидагича бўлади:

- | | |
|-----------------|-----------------|
| 100 – 85 балл | - "аъло"; |
| 84 – 75 балл | - "яхши"; |
| 74 – 55 балл | - "қониқарли"; |
| 54 баллдан паст | - "қониқарсиз". |

Мустаҳкамлаш учун саволлар

9. Нима учун ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳисобга олиб баҳолаб борилади?
10. Ҳозирги даврда ўқувчилар билим, кўникмаларини рейтинг тизимида баҳолашнинг қандай йўналишлари мавжуд?
11. Ўқувчилар билим, кўникмаларини назорат қилишнинг қандай турлари ва шакллари мавжуд ва уларни қандай изоҳлайсиз?
12. Мактабларда ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг қандай мезонлари мавжуд?
13. Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларининг мезонларини қандай изоҳлайси?
14. Мактабда баҳолашнинг қандай тизими мавжуд?
15. Баҳонинг таълим-тарбиявий, амалий аҳамиятини қандай тушунасиз?
16. Ўқувчилар ўзлаштиришининг рейтинг тизими ҳақида нималарни биласиз?

МАВЗУ: ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ МОҲИЯТИ

Режа:

5. Тарбия ўқувчи шахсини шаклланишини бошқариш жараёнидир. Тарбиянинг ижтимоий воқеаликни ўзлаштиришга йўналтирилганлиги.
6. Тарбай жараёнидаги зиддиятлар ва унинг ҳаракатлантирувчи кучлари.
7. Мактаб ўқувчисини тарбиялаш жараёнининг ўзига хослиги, тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш масалалари.
8. Тарбия жараёнининг қоидалари ва қонуниятлари.

Таянч сўз ва иборалар:

Асосий мақсад, баркамол, шарқона ахлоқ, одоб, маънавий камалот, нажод, халокат, ҳаёт, янгича фикрлайдиган, узок, узлуксиз жараён, ҳоким, тобе, ички ташқи зиддиятга, ўз-ўзини тарбиялаш, қайта тарбиялаш, ақл қути моддий манфаат қути, ташкилотчи, қоида, қонуният, талаблар, мажмуи, миллий тарбия,

миллий онг, ўзликни англаш, инсонпарварлик, демократия, инсон шахсини хурматлаш, миллий, умуммиллий қадрият, жамоа, меҳнат ва ҳоказо.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топтириш ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитлари ва таъсиран маханизмларини яратиш эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-авторнинг андозаларини ўзгартириш мамлакатимиизда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралмоқда.

Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги (таянчи) бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқишини ва сўнгра эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилисн! (Аввесто).

Аввалом бор, тарбия назарияси Марказий Осиё файласуфларининг ва халқ педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади, тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, социология, этика, эстетика хуқуқшунослик, психология фанлари маълумотларидан фойдаланади. (Тарбия назарияси ўз навбатида педагогика фанининг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, педагогика тарихи, таълим назарияси, мактабшунослик билан узвий боғлангандир).

Ҳозирги замон педагогикасида тарбия тарбиячининг тарбияланувчи шахсига оддий шунчалик таъсир кўрсатиши эмас, балки тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг аниқ бир мақсадга қаратилган, бир-бири билан ҳамкорликда қиласидан муносабатлари ва ўзаро таъсир кўрсатиши эканлиги алоҳида таъкидланади.

Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури "Таълим тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ тайёрланган бўлиб, унинг "Асосий мақсади - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш юксак маънавий ва ахлоқий тарбияларга жавоб берувчи малакали кадрлар тайёрлаш", зарурлиги (39 бет) ва "Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши учун шарт-шароитлар яратади" (43 бет) деб, таъкидланиши бежиз эмас албатта.

"Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак" - деб таъкидлайди И.Каримов - соғлом киши деганда, фақат жисмоний соғликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар камол топган инсонни тушунамиз".

Бугунги кунда XXI аср бўсағасида шунчаки билим эгаси бўлган инсонни эмас, балки ижодкор, ўз истеъоди билан ажралиб турувчи инсонни тарбиялаш замон тақозосидир.

Тарбия жараёнида кишининг қобилияtlари ривожланади, ғоявий-ахлоқий, иродавий, эстетик ҳислатлари шаклланади, табиатга, жамиятга илмий қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч-қудратлари мустаҳкамланади.

Ҳамма даврнинг илфор кишилари тарбияга юқори баҳо берганлар. Халқ донишманлари ва мутафаккирларидан Зардушт, Муҳаммад ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Яссавий, Махмуд Кошғарий, Шайх

Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Бурхониддин Зарнужий, Бурхониддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Захириддин Бобур, Завқий, Фурқат, Аваз Ўтар, Ҳамза, Абдулла Авлонийлар инсон камолотини илм-фан ва тарбаяда деб билганлар.

Тарбия жараёни шахснинг ижтимоий қимматли фазилатларини шакллантиришга, унинг атрофдаги дунёга, жамиятга, одамларга, ўзига нисбатан муносабатлари доирасинн вужудга келтиришга ва кенгайтиришга қаратилган.

Шахснинг турмушдаги турли жиҳатларга муносабатлари тизими кенг, хилма-хил ва чуқур бўлса, унинг маънавий дунёси шунчалик бой бўлади. Тарбия шахсни ижтимоийлаштириш, унинг аниқ ҳаётий мавқенини шакллантириш жараёнидир. Тарбая шахснинг онглилиги, фаоллиги, фидоийлиги, ватанпарварлиги, инсонпарварлиги ва бошқа фазилатларини шакллантирадиган жараёндир. Тарбия ўз табиатига кўра кўп факторли характерга эга. Бунинг маъноси шуки, бола шахсининг қарор топиши мактаб, оила, жамоатчилик, ижтимоий муҳит ва яқин атрофдаги вазиятга бевосита ёки билвосита таъсири остида рўй беради. Ҳамма нарса: одамлар, ашёлар, ҳодисалар, воқеалар, аввало ота-оналар ва педагоглар тарбиялайлилар. (А.С.Макаренко)

Тарбия жараёнини машҳур педагог А.Авлоний "Ал-хосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт, - ё мамот, ё нажот, - ё ҳалокат, ё саодат, - ё фалокат масаласидир" деб таърифлаган ва яна "Ҳар мамлакатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиячига боғлиқ" Х.Х.Ниёзий "Агар яхши тарбия кишининг қимматбаҳо бойлиги бўлса, ёмон тарбия унинг учун ҳаққоний баҳтсизлик хисобланади ва қўшимча уни ҳалоҳ этади", - деб тушунган.

Таълим орқали назарий камолотга эришилади. Тарбия эса Фаробий фикрича "бу кишилар мулоқотда этник қадр-қимматни ва амалий фаолиятни яратишга олиб борадиган йўлдир", деб таърифлайди ҳамда "Инсоний мақсад - олий баҳт саодатга эришувни ўзига ғоя ва олий мақсад қилиб олиш керак".

А.С.Макаренко "Тарбия бу нисбатан кексароқ авлоднинг ўз тажрибаси, ўз эҳтироси, ўз эътиқодини ёш авлодга топшириш демакдир ", деб таърифлаган.

Юқоридаги таърифларнинг барчаси шахс тарбиясининг у ёки бу қирраларини илмий жиҳатдан асослашга қаратилгандир.

Пировард натижада ҳар томонлама камол топган, етук, баркамол шахсни шакллантиришга қаратилгандир. Тарбия жараёнининг энг асосий мақсади ҳар томонлама ва уйғун камол топган янгича фикрлайдиган шахсни шакллантиришдир. Бу қийин жараён икки томонлама бўлиб, уюштиришни ва раҳбарликни, бошқаришни ҳам, тарбияланувчи шахснинг фаоллик кўрсатишини ҳам талаб қиласиди. Аммо бу жараёнда педагог етакчи роль ўйнайди ва тарбиянинг умумий мақсадини амалга оширади.

Тарбия узоқ давом этадиган ва аслида узлуксиз жараён бўлиб, бу жараён бола мактабга келишидан илгарироқ бошланади ва бутун умр бўйи давом этади. Тарбия кўпгина сабабларга, ўқувчиларнинг индивидуал-типологик тафовутларга, уларнинг ҳаётий ва маънавий тажрибасига, шахсий фаоллигига боғлиқ.

Тарбия жараёнидаги зиддиятлар ва уни ҳаракатлантирувчи кучлар.

Ички қарама-қаршиликлар, масалан: ўқувчига қўйиладиган талаблар билан унинг етуклилиги, боодобилилиги ўртасидаги қарама-қаршиликлар ёки ташқи таъсирлар билан тарбияланувчининг ички позицияси, яъни унинг бу таъсирларга бўлган муносабати ўртасидаги қарама-қаршилик тарбия жараёнининг манбаи, ҳаракатлантирувчи кучи бўлади. Масалан: агар тарбиячи болаларга янги фаолият турини тавсия қилган тақдирда унинг одобилилиги, бу ишга киришиб кетишга тайёргарлигини ҳисобга олмаган бўлса, у қанчалик қўп ҳаракат қилмасин, тарбияланувчилар пассив бўладилар, шунинг учун бу ишнинг ўқувчиларга таъсир этиш даражаси самарали бўлмайди.

Тарбия жараёнининг диалектикаси унинг зиддиятли эканлигига намоён бўлади. Аслида бу нарса тарбияланувчиларга нисбатан қўйиладиган талаблар билан уларнинг тайёргарлик даражаси, ривожланиш даражаси ўртасидаги қарама-қаршиликтин ҳал этишга қаратилгандир.

Ташқи зиддиятлар объектив мавжуд бўлган нормалар билан атрофдаги кишилар юриш-туриши ўртасидаги номувофиқликда тафоввутда намоён бўлади. Ташқи зиддиятлардан бири - ташқи талаблар билан ўқувчининг хулқ-автори ўртасидаги зиддиятдир.

Мактаб ўқувчиларининг даъволари билан унинг шахсий имкониятлари ўртасидаги зиддият ҳам ички зиддиятлар жумласига киради. Бу зиддиятлар хулқ-авторда равshan ифодаланади. Ваъда бериб - ваъдасини бажармайди, бирор ишни бошлаб қўйиб, охирига етказмайди.

Инсоннинг шахс сифатида камол топишидаги асосий манбалардан бири: талаблар билан уларни қондириш усуллари (шароитлари) ўртасидаги зиддиятлардир. Агар мактаб ўқувчисининг талаблари тегишли ашё ёки ҳаракат билан ва зарур хажмда кондирилса, зиддият илк босқичдаёқ бартараф этилади.

Ёш авлодни тарбиялаш кишилик жамиятининг яшashi ва давом этишининг энг зарур шартидир. Жамиятнинг одамга тарбивий таъсири унинг илк болалик давридан бошланади. Бу таъсир оила, мактаб, жамоатчилик ва халқ таълими тизими орқали амалга оширилади. Тарбия жараёни тарбиячиларининг системали ва режали таъсирини ҳамда тарбияланувчиларнинг хилма-хил фаолиятини ўз ичига олади. Тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёт ва фаолиятини педагогик жихатдан тўғри уюштириш жуда муҳимдир.

Тарбия жараёнининг муҳим хусусиятларидан бири унинг системали олиб борилиши ва бир мақсадга қаратилганипдир. Масалан: мамлакатимизда комил инсонни тарбиялаш учун барча имконият ва шароит вужудга келтирилган бўлиб, ёш авлод илк болалиқдан то вояга етгунгача ясли, боғча ҳамда мактабларда моҳир тарбиячи ва ўқитувчилар қўлида тарбияланади. Тарбия жараёнининг самараси ҳам тарбиячига, ҳам тарбияланувчига боғлиқдир.

Ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш.

Тарбия жараёни фақат ўқитувчи ва тарбиячи раҳбарлигига амалга оширилмайди. Тарбия жараёнида тарбияланувчиларнинг ўзлари ҳам иштирок этдилар, яъни улар ўзларини-ўзлари тарбиялайдилар. Ўз-ўзини тарбиялаш инсоннинг ўзида маълум фазилатларни устиришга қаратилган онгли интилиш ва

ирода кучидир. "Ўз-ўзини тарбиялашга ундовчи тарбия ишончим комилки, бу ҳақиқий тарбиядир". В.А.Сухомлинский "Тарбия тұғрисида (32 – бет)

Ҳар бир шахс ижтимоий мұхит таъсирида, жамият таъсирида бир қатор сифатларни орттиради. Одамда ўз-ўзини тарбиялаш фаолият элементлари кичик ёшдан бошланади, бу ишга ўсмирилек даврида онгли равища киришади ва йигитлик даврида янада ривожланади, чунки одамда ўз-ўзини тарбиялашта интилиш, ўз ҳатты-харакатини идора этиш ва баҳо бериш қобилияти вужуда келган вақтда пайдо бўлади.

Болалардаги ўз-ўзини тарбиялаш фаолиятига албатта ўқитувчилар, тарбиячилар ва ота-оналар раҳбарлик қилиши, уларнинг ўз-ўзини тарбиялашини кўздан қочирмаслиги ва муайян мақсад йўлига солиб юбориши лозим. Болаларнинг ўз-ўзини тарбиялаш ишида ўқувчилар жамоаси, жамоатчилик фикри ҳам катта аҳамиятга эга. Болалар ўз-ўзини тарбиялашда ўзларига наъмуна деб билган сифатларни танлайдилар ва таҳлил қиласидар.

Бола билим олишдан аввал тақлид қилишни ўрганади (Коменский) бундай ҳолатда катталар албатта ёрдам беришлари керак.

Агар ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар болаларнинг ўз-ўзини тарбиялашда қўз-қулоқ бўлиб турмасалар, болалар салбий сифатларни сингдириб олишлари мумкин.

Тарбия ишининг яна бир томони, яъни баъзи бир болаларни қайта тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор беришдир.

Айрим оиласарда болаларга ёшлидан нотўғри тарбия бериш натижасида улар ғоятда интизомсиз, эрка-тантис, иш ёқмас, қайсар бўлиб қоладилар. Улар қайта тарбиялашга муҳтож бўладилар.

Баъзи тажрибасиз, педагогик маҳоратга эга бўлмаган ўқитувчилар болаларга таълим ва тарбия беришда бир қатор хатоликларга йул қўядилар. Бундай хато ва нуқсонлар оқибатида ўзлаштиrmовчилик, интизомсизлик каби ҳоллар келиб чиқади.

Атоқли машҳур педагог А.С.Макаренко болаларга мумкин қадар жуда кичик ёшидан бошлаб тўғри тарбия беришга киришиш кераклигини, акс ҳолда кейинчалик қайта тарбиялаш оғир эканини, бу иш кўп куч ва билим талаб этишини кўрсатиб: "болани қайта тарбиялашга нисбатан уни тўғри ва нормал тарбиялаш анча осондир" деган эди. Мисол: болаларнинг салом беришлари ёки катталарнинг салом бермасликлари.

Ёш авлодни ижодкор, фаол ва фидоий комил инсонлар қилиб вояга етказиш, уларни ҳар томонлама маълумотли ва юксак ахлоқий фазилатли қилиб тарбиялаш ишлари мактабда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади. Бу жараёнда асосий масала - ўқувчилар фаолиятидир.

Тарбия жараёни одатда қайта тарбиялаш, боланинг атроф-муҳитдаги у ёки бу ҳодисалар билан салбий алоқаси натижасида вужудга келадиган муносабатлар ва ўз хусусиятларини бартараф этиш билан қўшиб олиб борилади. Энг юқори даражага эришадиган тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялашга мувофик бўлишидир.

Тарбия узоқ давом этадиган ва аслида узлуксиз жараён бўлиб, бу жараён бола мактабга келишидан илгариёқ бошланади ва бутун умр буйи давом этади.

Тарбая кўпгина сабабларга. ўқувчиларнинг индивидуал – типологик тасаввурларига, уларнинг ҳәётий ва маънавий тажрибаси, шахсий позициясига боғлиқдир.

"Инсоннинг шундай юксак ва қимматли ҳислатлари бўладики, ...ақл кучи моддий манфаат кучидан устунлик қиласди, ана ўшандагина инсон яхшиликка интилади. Аммо жамиятда бундай кишилар жуда ҳам кам, мабодо кишилар орсида бундайлари топилса ҳам, улар ёлғиздирлар. Бордию манфаат ақлни зabit этиб олса, унда инсонни албатта ёмонликка чорлайди. Бундай одамни қайта тарбияламоқ лозим", деган А.Навоий ва яна ..."Одобли ва гўзал хулқли одамлар кўпаяверса, халқнинг дўстлиги, уларнинг бир-бирига нисбатан бўлган меҳр-муҳаббати борган сари ривож топади. Агар киши одоб ва тавозеъ (хокисор. безавол) каби хулқقا эга бўлса, ўзи ҳам халқнинг иззат-хурматига сазовор бўлади", деган Махбуб ул-кулуб асарида (48-бет).

Тарбиянинг хусусиятлари

Шуни назарда тутиш керакки таълим ва тарбия ягона жараёндир. Аммо уларни айнан бир жараён деб ўйлаш мумкин эмас.

Чунки ҳар бир инсоннинг ўзига хос хусусиятлари ва белгилари бор. А.С.Макренконинг фикрича тарбия мантиқи таълим мантиқини такрорламайди.

Болаларни тарбиялаш ишлари (ижтимоий муҳит, оила, болалар доимо дуч келадиган хилма - хил одамлар, болалар ва ўсмирлар ташкилотларида ишлар, радио, телевидение, адабиёт ва санъат) каби таъсирлар билан қўшилиб кетади. Шунинг учун ҳам тарбияни кўп қиррали жараён дейиш мумкин. Таълимда эса ўқитувчига ҳеч ким қаршилик кўрсатмайди. Тарбая жараёнининг биринчи хусусияти - унинг кўп қиррали жараён эканлигидир. Тарбия жараёнининг иккинчи хусусияти - унинг узоқ муддат давом этишидир. Бунинг учун ойлар ва йиллар мобайнида қунт билан ишлаш талаб этилади.

Тарбия масаласи мураккаб, қийин масала эканини, у мактаб доираси билан чекланиб қолмаганини, балки болаларни тарбиялаш учун ҳамма масъулдир. Унда болалар узлуксиз тарбияланиб борадилар.

Тарбиянинг таълимдан фарқлантирувчи яна бир хусусияти шундаки, у яхлит ҳолда ва концентрик асосда амалга оширилади. Тарбиянинг турли томонлари бир-бири билан узвий боғлангандир. Таълимда бирор предметга доир билимлар, бўлимлар, мавзулар, дастурларга бўлинниб, маълум бир вақтда берилади.

Тарбия жараёнида эса доимо такрорланишга дуч келамиз. Мактабдаги бошланғич, ўрта ва юқори синфларда: жамоатчилик, дўстлик, ўртоқлик, меҳнатта ва ижтимоий муҳитга онгли муносабат ва бошқа сифатларни тарбиялаш қўзда тутилади. Лекин уларнинг мазмуни болаларнинг ёши ва ҳәётий тажрибасига мувофиқ кенгайиб ва чуқурлашиб боради.

Тарбиянинг яна бир хусусияти шундаки, бу жараён икки томонлама хусусиятта эга бўлиб, унда боланинг ўзи ҳам фаол иштирок этади. Ўқувчи тарбиянинг фақат обьектигина эмас, балки атрофдаги воқеаларга таъсир этувчи субъект ҳамдир. Шунинг учун тарбиячи боланинг имкониятларини, истак ва хохишларини, интилишларини, унга бўлаётган бошқа таъсирларни ташки ахборотлар манбаини ҳисобга олиши лозим. Агар булар унутиб қуйилса

тарбиялаш қийинлашади. Мана шуларда тарбия жараёнининг яна бир асосий хусусияти - тарбияда қарама-қаршиликлар ғоят кўплиги келиб чиқади. Бу қарама-қаршиликлар болаларда ўз тушунчаларига мувофиқ дастлабки пайдо бўлган сифатлар балан тарбиячи томонидан таркиб топтириладиган сифатлар ўртасида, яъни қўйиладиган талаблар билан уни бажариш имкониятлари ўртасидаги курашда намоён бўлади. Ундан ташқари, бундай қарама-қаршиликлар кўпинча боланинг онги билан хулқи бир-бири билан мувофиқ бўлмаслигига, ўқитувчининг болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, феълатвори, қизиқиш ва интилишларини яхши билмасдан муносабатда бўлишида содир бўлади.

Агар тарбияланувчи суст бўлса, фаолиятсиз бўлса, ҳар қандай тарбиянинг таъсири кучсиз бўлади, ўқитувчиларнинг урушишлари етарли даражада самара бермайди.

Тарбиянинг яна бир хусусияти - яъни унинг натижаси келажакка қаратилганлигини қўрсатади. Шунинг учун болаларнинг тарбияланганлик даражасини дарҳол тезда аниқлаш қийин. Тарбиячи ўз фаолиятида келажак мақсадларни қўзда тутиб иш куриши керак. Тария жараёнида шу кун талабининг келажах мақсадлар билан уйғунаштирилиши ишимизнинг муваффақиятини таъминлайди. "Эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади" - деган хитойлих Конфуций.

Тарбия қоидалари

Тарбия қоидалари ўқитувчи, тарбиячиларга йўл-йўриқ қўрсатувчи қоидалар йиғиндиси ҳисобланади. Етук, баркамол инсонни шакллантириши вазифалари ва мақсади билан белгиланади. Буни янада тушунарлироқ тарзда ифодалаш мумкин.

Тарбия жараёнлари ўқитувчининг, ўқувчини ҳозирги замон учун фойдали фазилатларни шакллантиришга, тарбиянинг мазмуни, шакли, методларига қўйиладиган талабларни белгилаб берадиган қоидалар йиғиндисига айтилади. Тарбия қонуналари Шарқ, Farb, Марказий Осиё ва бошқа халқлар файласуфлари, донишманлари фикрлари ҳамда миллий педагогикада эришган ютуқларига асосланган. Тарбиянинг ҳар бир қоидаси мустақил бир педагогик мақсадни назарда тутмоғи, бошқа қоидалар билан ўзаро алоқада ягона умумий педагогик мақсадни амалга оширишга, яъни баркамол, етук инсонни шакллантириши даркор. Бу вазифани рўёбга чиқаришда тарбиянинг хусусиятларини ҳисобга олиш ва қонуниятларига риоя қилиши талаб этилади. Тарбия жараёнида бу қоидаларга амал қилиш унинг самарасини оширади. Тарбиянинг мазмуни, ташкил этилиши, усуллари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар тарбия қонуналарида ўз аксини топади.

Тарбиянинг моҳияти, мазмуни, қоидалари Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" талабларидан келиб чиқади. Ана шу кадрлар сифати, маҳорати, миллий ва умумбашарий фазилатларини шакллантиришга қаратилган.

Тарбия қонуналари қўйидагилардан ташкил топади: тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги, тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги, меҳнат асосида

тарбиялаш, жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш, ўқувчи шахсини хурмат қилиш ва талабчаник, ўқувчига қўйиладиган талабларнинг бирлиги, тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик ғояларда амалга ошириоши, тарбияни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ташкил қилиш, тарбияда ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш, тарбияда тизимлилик, изчилилк ва юшқалар.

Инсонпарварлик ва демократия қоидалари "Таълим тўғрисида" ги Қонунда "Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик демократик характерда эканлиги" алоҳида таъкидланган (20 бет). Ўқитувчининг билим савияси, маънавияти жамиятни ҳаракатга келтирувчи етакчи омиллардан бири саналади. Шунинг учун тарбияни амалга оширувчи ўқитувчининг инсонпарварлик ва демократия моҳиятини билиши ҳамда шу қоида асосида кишини тарбиялаши муҳим. Тарбияни демократиялаш - бу тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасида ўзаро ишонч, ҳамкорлих асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. Бу тарбия ишига жамоатчиликни жалб қилим унинг ривожланишига жамоат омилларини киритиш демакдир.

Ўқитувчи педагогик фаолиятда инсонпарварлик ғояларига риоя қилиб иш тутиши даркор. Ўқитувчи ўқувчига аввалгидек, тарбия обьекти эмас, балки ўзи каби субъект деб қараши даркор. Яъни ўқувчига фақат унинг буйруғини бажарувчи эмас, балки менинг ўзим билан тенг хуқуқли, бирга ишловчи, ишончли, ҳамкорлик қилувчи деб қараши лозим.

Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигида ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш муҳим. Шунинг учун уларга қадриятларнинг моҳияти, мазмуни ва шакли билан таништириб, улarda миллий онг, ғуур, ўзликни англаш, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш керак. Бунинг учун халқнинг қўп йиллик маданий ва маънавий меъросини ўрганиш қодасига риоя этиш катта фойда беради. Маънавий меърос халқ оғзаки ижодида, мутафаккирлар қарашларида ва халқ тажрибаси каби йўналишлар орқали амалга оширилади.

Мехнатда тарбиялаш қоидалари.

Инсонни меҳнат қоидалари асосида тарбиялаш тарбиянинг асосий қоидаларидандир. Ўқувчини меҳнат қоидаси асосида тарбиялашнинг мақсади меҳнатнинг мазмуни, моҳиятини англатишдан иборатдир. Ўқувчи ўзи бажараётган меҳнатнинг натижаларини кўрса, ундан манфаат олса, ундан қониқса, роҳатлансагина меҳнат тарбиялайди. Мехнат жараёнида одамда дўстлик, ахиллик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, жамоа бўлиб ишлаш, маданият, маънавият сингари сифатлар шаклланади. А.Н.Фаробий "Ҳар бир ўқувчига бекитилган маълум бир иш бўлиши керак, токи у киши ўзига бекитилган ишни кечикирмасдан ўз вақтида бажарсин" деган талабни қўяди (Рисолалар 117-бет). Энг муҳими меҳнат кишини муҳтоjлиқдан, бекорчилиқдан, юрак сиқилишидан ва ахлоқнинг бузулишидан сақлайди. А.Р.Беруний "Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати унинг бажарадиган меҳнати билан ўлчанади", деб таъкидлаган.

Жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш қоидаси

Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да "таълим олувчиларни меҳнат жамоаларида тарбиялаш" зарурлиги алоҳида таъкидланган. А.Навоий фақат "Махбуб-ул-қулуб" асарида эмас, балки бошқа

асарларида ҳам "инсон фақат жамиятдагина камолотта етиши мумкин, бошқалардан ажралган эса, қисмати қоридир... дунёда у роҳат-фароғат кўрмайди", зеро "замон кишиларни тарбиялайди ва яратади" деган аниқ ва равшан фикрни ўтказиб келган (313-319 бет).

А.С.Макаренко педагогик тажрибаларидан баъзи бир хуносалар номли мақоласида "Тарбиянинг асосий мақсади колективчилар қилиб тарбиялашдан иборатдир", дуб таъкидлаган. Жамоада тарбиялаш ўз шахсий манфаатларини ва орзуларини жамоанинг умумий манфаатлари билан боғлаш билан аввало инсон бирга ўқиши ва меҳнат қилиш жараёнида ўсади, улғаяди, камол топади. Энг муҳими ўқувчиларда ижтимоий бурчни англаш топширилган ишга масъулиятни тарбиялайди.

Ўқувчиларни ҳурмат қилиш ва талабчанлик қоидаси

Ўқувчиларни тарбиялашнинг муҳим қоидаларидан бири болаларга нисбатан қаттақ талабчан бўлиш ва улар шахсини ҳурмат қилишдир. Ажойиб педагог А.С.Макаренко: "Менинг асосий педагогик принципим ҳамиша одамга мумкин қадар қўпроқ талаб қўйиш, шу билан бирга уни мумкин қадар қўпроқ ҳурмат қилиш бўлиб қолсин" – деб таъкидлаган.

Ўқувчилар ғамхўр, меҳрибон ва талабчан ўқитувчини севадилар, ҳурмат қиладилар ва унга тўлиқ ишонадилар. Мана шундай ўқитувчиларнинг болаларга тарбиявий таъсири қўпроқ бўлади. Ўқитувчи ўқувчига нисбатан қаттиқ талабчан бўлиши ва қўйган талабларининг ўқувчилар томонидан сўзсиз бажарилишига эришилмоғи лозим.

Тарбияда тизимлилик қоидаси

Болаларга билим беришда маълум тартиб, мунтазамлилик қанчалик муҳим бўлса, тарбия ишларида ҳам шунчалик муҳимдир. Болаларга инсонийлик фазилатларининг ҳаммасини бирданига, бир йўла ва бир вақтда сингдириб бўлмайди. Шунинг учун болаларда инсонийлик фазилатларини тарбиялаш ишида мунтазамлилик жуда муҳимдир. Мактабнинг бир синфида дўстлик, иккинчи бир синфда бошқа тарбия амалга оширилмайди.

Ўқувчиларни тарбиялашда уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш қоидаси

Ўқувчиларни тарбиялашда уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга ага. Тарбиянинг мазмуни, шакли ҳамма ёшдаги болалар учун бир хилда бўлавермайди. Турли синфдаги болаларнинг ёши ва савиясини ҳисобга олиш асосида тарбиянинг вазифалари амалга оширилиб борилади. Болаларга бериладиган тарбия мазмуни уларнинг ёшига, кучига, тушунчасига ва имкониятларига мос бўлиши лозим. Тарбияда болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишдан ташқари уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Чунки маълум ёшдаги болалар хусусиятида умумийлик бўлиши билан бирга ҳар қайси боланинг ўзига хос хусусияти ҳам бор.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

10. Инсонни шакллантиришда тарбиянинг ўрни қандай? Тарбия нима?

11. Тарбия жараёнидаги зиддиятлар ва ҳаракатлантирувчи кучларни ўқитувчи нима учун билиши даркор?
12. Тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялашни қандай тушунасиз?
13. Тарбия қандай хусусиятларга эга?
14. Тарбия қоидалари ва қонуниятлари деб нимага айтилади?
15. Тарбиянинг қандай қоидалари мавжуд ва улар мазмунини сиз қандай тушунасиз?
16. Бўлажак ўқитувчи нима учун тарбия қоидаларини ўрганади?
17. Сизнингча тарбияда яна қандай қоидалар бўлиши мумкин?
18. Тарбия қоидаларининг ўзаро алоқадорлиги ва бирлитини қандай тушунасиз?

МАВЗУ: ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИ

Режа:

7. Тарбия методлари ҳақида тушунча. Марказий Осиё халқлари томонидан қўлланиладиган тарбиявий таъсир усуллари, уларнинг хусусиятлари, Тарбиявий ишни ташкил этишда улардан фойдаланиш.
8. Тарбия методларининг таснифи. Ижтимоий онтни шакллантириш методлари: тушунтириш, ҳикоя, сухбат, ўтит-насиҳат, маъруза, конференция, наъмуна тарбия усули сифатида.
9. Ижтимоий хулқ-автор тажрибасини шакллантириш усуллари.
10. Рағбатлантириш, жазолаш ва унинг турлари.
11. Ўз-ўзини тарбиялаш. Мактаб ёшидаги ўқувчилар ўз-ўзини тарбиялашнинг хусусиятлари.

12. Тарбия методларининг ўзаро алоқадорлиги ва бирлиги.

Таянч сўз ва иборалар.

Метод, таъсир этиш қуроли, онгни шакллантириш, хулқ-автор, тажриба, ривожлантириш, жазолаш, ўз-ўзини тарбиялаш, наъмуна, ибрат, тақлид ва ҳоказо.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида “ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий, тарихий анъаналарига, урфодатларига ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалар ишлаб чиқилиб, амалиётта тадбиқ этилади”, - (55-бет) деб алоҳида таъкидланган. “Ноқобил адамни тарбия қиласлиқ – зулмкор ва ноқобил одамга тарбияни беҳуда сарф қилиш хайфdir. Тарбиянгни аяб унисини нобуд қилма, тарбиянгни бунисига зоя кеткизма”, - деб таъкидлайди А.Навоий.

“Қаерда рағбатлантириш бўлса, умид шу томонга йўл олади, қаерга дон сепилса, шу ерга қуш қўнади”, - деган Ал-Бухорий (Ал-жомъе ас-саҳих 114-бет).

Фаробий дейди: Муаллим шогирдига нисбатан ўта ҳокимликка ҳам йўл қўймаслиги лозим, чунки ўта ҳокимлик шогирдда муаллимга нисбатан нафрат уйғотади. Агар шогирд муаллимнинг бўшлиғини сезса, унда муаллимга ва унинг ўқиётган илмига нисбатан совиш ва менсимаслик пайдо бўлади, - деб таъкидлайди.

Ж.Ж.Руссо “Агар сиз болалардаги шўхликни ўлдирсангиз, ҳеч қачон доно одамларни вояга етказа олмайсиз”, - деган фикрни билдирган.

А.С.Макаренко “...Мен таъсир қилишнинг жисмоний методига қаршиман... Умуман жисмоний жазони метод сифатида тан олмайман. Мен жисмоний жазо фойда келтирган бирор бир оилани кўрмадим”, - деган.

Тарбия методларида инсонни ҳар томонлама камол топтириш мақсадида бола онги, ҳис-туйғулари, иродаси ва хулқ-авторига таъсир қўрсатишга айтилади. А.С.Макаренко тарбия методларини инсонга таъсир қўрсатишни қуроли деб таърифлаган.

Қимматбаҳо марварид доначасини охиригача пармалашда ҳадиксираб, усталар унинг баҳосини тушуниб етмаган шогирдларига беришади. Шогирдлари бутун борлиғи билан ишга киришиб кетади. Бунда улар қўллари қалтирамай, қўрқмасдан пармалашни давом эттирган. Агар бу ишда хавфсираш бўлса, пармалаш давомида бирон бир тасодиф билан дур майдаланиб кетса, уста шогирдини шапалоқ билан тушурган. Тарсаки зарби уларни яхшироқ, сифатлироқ ишлашга кўниктирган. Дур тирмаланиб бўлгандан сўнг хавфли вазият ўтиб кетган.

А.Р.Беруний тарбиячи болаларга фақат насиҳатгўйлик қиласлий, балки ўз ҳатти-ҳаракати билан наъмуна бўлиб таъсир қўрсатиши зарур”, деб ҳисобланган.

Тарбия методлари асосан қуидагилардан ташкил топади.

Рағбатлантириш.

Ўқувчиларни тарбиялашда рағбатлантиришнинг ўрни катта. Рағбатлантириш ўқувчининг рухини, кайфиятини қўтаради, уларни тетиклантиради, ғайратига ғайрат қўшади, ўз кучига ишончини орттиради.

Мактаб тажрибасида рағбатлантиришнинг тури шакллари қўлланилади: маъқуллаш, кўнгилни кўтариш, ишонч билдириш, мақташ, ёзма ташаккур, мукофотлаш. Бундан ташқари жамоат ташкилотлари фаолиятида рағбатлантириш шакллари мавжуд,

Маъқуллаш: бошни қимирлатиб маъқуллаш юв ва қўл ҳаракатлари билан "балли", "баракалло", "раҳмат", "жуда соз" каби сўзлар орқали.

Кўнгилни кўтариш, далда бериш баъзан ўқишида ва ишда муваффақиятсизликка учраган пайтда ўқувчилар кўнглини кўтариш ва далда бериш керак бўлади.

Ишонч билдириш. Ўқувчи кучи етадиган бирор вазифани топшириш. Масалан, назорат ишини йиғишишириш ва ҳ.к.

Қайд этиши. Ўқувчилар хулқиннинг яхшиланиб бораётганлигини қайд этиш. Деворий газета, мактаб узелида ва ҳ.к.

Мақташ. Кишини мақташ жуда фойдали дейди М.Горький, - чунки бу нарса унинг ўзига бўлган ҳурматини оширади, ўз кучига ишончни орттиради. Синф йиғилиши, ҳурмат дафтарига, мактаб ҳурмат тахтасига ёзиш, расмини қўйиш шакллари ҳам мавжуд.

Мукофотлаш. Ёшма ташаккур ва миннатдорчилик хатлари.

Жазолаш

Ўқувчиларни тарбиялаш методлари орқали мажбур этиш, жазолаш тадбирлари ҳам мавжуд. Турли одобсизлик, жаҳолатлардан ўзини тийиш, ўзини тута билиш фақат ишонтириш йўли билан эмас, балки мажбур этиш ва турли жазо чораларини қўллаш йўли билан ҳам тарбияланади.

Мактабда қўлланадиган жазо чоралари: ўқитувчи, синф раҳбари, мактаб директори ва ўринbosарларининг танбеҳи, парта синф доскаси ёнига тикка туркизисиб қўйиш, бажарилмаган топшириқ ёки уй ишини дарсдан сўнг бажартириш учун олиб қолиш, педагогика кенгашига чиқариш хулқига қўйилган баҳони пасайтириш, синфни ифлос қилгани учун уни тозалашга мажбур этиш, бир синфдан бошқа синфга ва мактабга ўтказиш ва ҳ.к.

Бундан ташқари дўйқ-пўписа қилиш, уялтириш-қизартириш, қоралаш йуллари ҳам қўлланилади.

Ўз-ўзини тарбиялаш методлари

Педагогика дарслигида 1990 йил олимларидан В.А.Сластёчин, С.П.Баранов, Л.Р.Болотиналар ўз-ўзини тарбиялаш методлари таркибига ўқувчиларнинг шахсий мажбурият олишлари, ўз ишлари ҳақида ҳисобот беришлари, ўз ҳаракатларини таҳдил эта билишлари, ўз-ўзини назорат эта олишлари ҳамда ўз-ўзига баҳо бера олиш каби усусларни тавсия этганлар.

Инсон инсонни ва инсонийликни қанчалик қўп тушунса, шунча қўп даражада ўз-ўзининг тарбиячиси бўлиб етишади. Ўз-ўзини тарбиялашга ундовчи тарбия ишончим комилки - деган эди моҳир педагог В.А.Сухомлинский - бу ҳаҳиқий тарбиядир.

Ўқувчидаги ўз-ўзини тарбиялашга, яъни ўзи устида онгли, батартиб ишлашга эҳтиёж пайдо бўлганда тарбия жараёнини самарали деб ҳисобласа бўлади. Ўқувчиларни, айниқса ўрта ва катта ўқувчиларни ўз билим ва малакаларини

мустақил ошириш ва эркин фикрлашга йўллаш керак. Ўқувчилар ўқища, тарбияда, дам олишда ўз-ўзини тарбиялаш усулларидан фойдаланадиган. Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчини ташаббускорлик ва мустақилликка ундаиди. Ўз-ўзини тарбиялаш сифатлари бола бунга тайёр бўлганда, у ўзини шахс деб англай бошлагач, амалий ишларда мустақил фаолият кўрсата бошлаган вақтда пайдо бўлиди.

Ижтимоий онгни шакллантириш методлари

Ўқувчиларда қарашлар ва эътиқодлар тизимини шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғулари ва иродасига ҳар томонлама таъсир кўрсатади ўз ифодасини топади. Бу методнинг моҳияти шундан иборатки, уларнинг воситаси билан ёш авлодга нисбатан қилаётган талаблар бола онгига етказилади. "Одамни тарбиялашнинг энг асосий йўли ишонтиришдир, одамнинг эътиқодига эса фақат ишонтириш билан таъсир қилиш мумкин". К.Д.Ушинский,

1. Тушунтириш - ўқувчиларда эътиқод ҳосил қилишнинг энг кенг ёйилган методидир. Тушунтиришдан мақсад - болага ҳатти-ҳаракатлар, воқеалар ва ҳодисаларга нисбатан у ёки бу талабарнинг ижтимоий, маънавий, эстетик мазмунини очиб беришдан, ўқувчига хулқ-атворга ва ижтимоий муносабатларга тўғри баҳо беришни шакллантиришда қўмаклашишдан иборат.

2. Ҳикоя ва сухбат. Ўқитувчининг жонли сўзи орқали ҳамиша бола шахсини ғоявий ва маънавий шакллантиришнинг таъсирчан методи бўлиб келган. Ҳикоя учун мавзу танлаётганда унинг синф учун актуаллигига, у болаларда маънавий ишонч, кечинма, ҳис-туйғуни юзага келтириши шарт.

Сухбат турли мавзуларда: этика (инсоннинг юриш турин хақида), эстетик, сиёсий билим берувчи бўлиши мумкин. Сухбат вақтида ўқувчилар тингловчилар эмас, балки муҳокама қилинаётган воқеаларнинг фаол қатнашчилари бўлиши керак. Сухбатда ўқитувчи болаларнинг ҳиссий тажрибасига, уларнинг конкрет билимларига таянади.

Машқ ва ўрганиш А.С.Макаренконинг таъкидашича, тарбия - тўғри ҳатти-ҳаракатга ўргатувчи машқдан бошқа нарса эмас. Машқ - болалар ҳаётини оқилона бир мақсадга қаратилади, ҳар тарафлама фаолиятини жамиятда қабул қилинган нормалар ва қоидаларга мувофиқ, ташкил этишдир. Машқ муайян ҳаракатлар ва ишларни кўп марта такрорлашни ўз ичига олади. Бола учун машқ - онгли ижодий жараёндир. Машқлар натижасида малака ва кўникмалар, одатлар, янги билимлар ҳосил қилинади, ақлий қобилият ривожлантирилади. "Ўйин синчковлик ва қизиқувчанлик оловини ўт олдирувчи учқундир", - деган В.А Сухомлинский. Ўқувчилар хаётида, айниқса бошлангич синфларнинг ўқувчилари қаётида ўйин фаолияти катта ўрин тутади. "Бола учун ўйин – воқелик, - деб ёзган эди К.Д.Ушинский, - бинобарин, унинг теварак атрофидаги воқеликдан кўра қизиқарлироқ воқеликдир. У болага, хусусан тушунарли бўлгани учун қизиқдир, ўйин болага шунинг учун тушунарлики, унда қисман боланинг ўзи яратган нарса бор".

Бола ўйинда қандай бўлса, у катта бўлганида ишда ҳам кўп ҳолларда ўшандай бўлади, деб билдирган. Макаренконинг сўзларида катта педагогик мазмун бор. Ўйин - болалар жамоаини жипслаштирадиган ва ривожлантирадиган фаолият турларидан биридир. Болалар ўйинига эътибор билан разм

солинса, уларнинг ўйинларида катталар дунёси қандай акс этишини қандай билиб олаётганликларини кўриш мумкин.

Бола учун машқ - онгли, ижодий жараёндир. Машқлар натижасида малака ва кўникмалар, одатлар, (тажриба) билимлар ҳосил килинади, ақлий қобилият ривожлантирилади. К.Д.Ушинский тарбиянинг вазифаси характерни шакллантиришдан ҳамда ҳаётда ҳосил қилинган эътиқод ва одатлардан таркиб топтириш деб ҳисоблаган. Одат, Ушинскийнинг фикрича, эътиқодни майлга айлантирадиган ва фикрни ишга айлантирадиган жараёндир. Одат - одамнинг иккинчи табиати, лекин тарбия санъатига бўйсунадиган табиатdir.

Мустақкамлаш учун саволлар

1. Тарбия методлари деб нимага айтилади? Тарбия методлари хақида шарқ - ғарб мутафаккирлари қандай фикрларни билдирган?
2. Ижтимоий онгни ва хулқ - авторни шакллантириш методларини қандай изоҳлайсиз?
3. Рағбатлантириш, жазолаш методларининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?
4. Ўз - ўзини тарбиялаш методини қандай тушунасиз ва у қандай таркиблардан ташкил топади?
5. Нега ўқитувчи тарбия методларини билиши шарт? Сиз уни қандай изоҳлайсиз?

МАВЗУ: ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ

Режа:

4. Ҳуқуқий тарбия – шахс эркинлигини таркиб топтириш жараёнининг таркибий қисми сифатида.
5. Мактабда ҳуқуқий тарбиянинг моҳияти, мазмуни, мақсад ва вазифалари.
6. Ўқувчиларда ҳуқуқий тарбияни таркиб топтириш услбияти.

Таянч сўз ва иборалар: ўз ҳақ-ҳуқуқи сари интилиш, қонун, ҳуқуқ, билим, тарбия, қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик бўлади, Конституциявий ҳимоя, ҳуқуқий кўникма, одат ва ҳоказо.

«Илм илиа ўз ҳақ-ҳуқуқи сари интилиш бандаси учун фарзdir ва у ҳаёт эканми, ани адo этмоғи зарур» - деб таъкидлаган М.Улуғбек.

«Ўз ҳақини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган одамнинг ўлими нақадар яхши ўлимдир. Қонунчилик ижтимоий ҳодисалардан биридир, у ҳеч қандай орқага қайтишга йўл қўймайди. Ундан ҳатто заррача орқага қайтиш ҳам қонунни бузишдир» (Ҳадис).

Буюк бобомиз А.Темур «Қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик бўлади» деган доно сўзларни олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйишга амр берган эди деб таъкидлайди И.А.Каримов «Буюк келажак сари» асарида (624-бет).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш» тўғрисидаги фармойиши асосида мамлакатимиз таълим тизимининг барча босқичларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув курси жорий қилинди. Фармойишга асосан 2001 йил 1 сентябдан эътиборан республикамизда узлуксиз таълим тизимида боғчадан то олий таълимнинг юқори босқичи – магистратурагача ҳуқуқий билимларни ўрганиш аввалам бор Конституциядан бошланди.

Барча таълим турлари учун болалар ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш бўйича дастурлар, дарсликлар, адабиётлар яратиш вазифалари кун тартибига қўйилди.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб умумий ўрта таълимнинг бошланғич синфларида 10 соатдан «Конституция алифбоси» ва 5-7 синфларда «Конституция оламига саёҳат» (14 соат) дарслари жорий этилди. Бошланғич синфларда она тили, атроф оламни муҳофаза қилиш ва ўқиш дарсларни ўрганиш таркибида ўрганиладиган бўлди.

Ҳаммамизга дунё ҳалқлари тарихидан маълумки, ҳар бир миллат ва әлатлар фақат ўз эркинликларини қўлга киритгандан сўнгтина

Марказий Осиё ҳалқлари кўп минг ийллик бой ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданиятга эга. Ислом ҳуқуқшунослиги асосан Қуръони Карим ва суннати набавийя асосида шаклланади ва суннат негизини ташкил этувчи ҳадисларни жамлаб келажак авлодни ҳуқуқий тарбиялаш эҳтиёжи вужудга келди. Дастраси үринишлар натижасида Зайд ибн ал-Ҳасаннинг «Мажмаъ ул фиқҳ», Малик ибн Анаснинг «ал-Муватта» ва Аҳмад ибн Ҳанбанинг «ал-Муснад» номли ҳадислар тўпламлари вужудга келди. Лекин улар ҳадисларни саралаб тўплашни вазифа қилмай, ҳуқуқий тарбияяга жавоб беришга асос бўладиган зарур ҳадисларни тўплаш билан чекланганлар. Кейинчалик бу фаолият ҳадис илми билан шуғулланувчи олимлар томонидан давом эттирилди. Улардан бутун ислом оламида эътироф этилган «Олти ишончли тўплам» (Қутуб ассиҳаҳ ас-ситта) деб юритиладиган тўпламлар алоҳида ўрин тутади. Булар имом ал-Бухорий ва имом Муслумларнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» (ишончли тўплам), ан Нассоий, Абу Довуд, ат-Термизий ва Ибн Моҳжаларнинг «Ас-сунан» номли ҳадислар тўпламидир.

Буюк ислом олими, фақиқ Бурхониддин ал-Марғиноний Қуръони Карим ва ҳадис илмини мукаммал эгаллаб, фиқҳ-ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур билимга эга бўлган ва ҳуқуқий тарбия соҳасини бекиёс дурданалар яратган. У Самарқандга кўчиб бориб, бутун ислом оламида машҳур «Ал-ҳидоя» асарини 573 йилда ёзган (1170 йил милодий). Бу асар оврупа ҳалқлари тилларига таржима

қилиниб, катта қизиқиши билан ўрганилганидан унинг кўпгина мамлакатларда хукуқ илми ривожига сезиларли таъсир кўрсатганига шубҳа йўқ.

Ўзбекистон – мустақил, демократик, хукуқий давлат, инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Қонунийлик ва хукуқ-тарғибот тантана қилмаса шахснинг хукуқ ва эркинликларини амалга ошириб бўлмайди. Шу жиҳатдан «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси» хукуқий тарбияда асосий дастурдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлиши муносабати билан мактаблардаги таълим-тарбия ишлари тинимсиз ривожланиб бормоқда.

Республикадаги соғлом вазият, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясьининг ўсиб бораётганилиги меҳнаткашларнинг онглилик ва интизомлилик даражаси юксалганлиги туфайли хукуқбузарлик ҳолатлари тобора камайиб бормоқда. Кишилар онгига жамият манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилиш, соғдил, ҳақтўй бўлиш,adolatcizlikka, текинхўрликка, таъмагирликка қарши муросасиз бўлиш, қонун меъёрларига хурмат назари билан қараш каби ҳислатлар кўпроқ сингиб бормоқда. Ўқувчилар онгига хукуқий сифатларни сингдиришда тарбиянинг барча омил ва воситаларидан, педагогик ишнинг барча усуllibаридан оқилона, мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ҳеч шубҳасиз ўзининг самарали натижаларини беради.

Ўқувчи ва ёшларга хукуқий тарбия беришда, уларда юксак фуқаролик ҳистийғуларини, сифат ва ҳислатларини таркиб топтиришда таълим-тарбия бирлиги муҳим. Таълимий ва тарбиявий восита ва омиллар кўп. Ҳозирги вақтда давлат рамзларидан фойдаланган ҳолда ўқув-тарбия ишларини ташкид этиш муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Ҳаётга қадам қўювчи ҳар бир ўсмир ўз республикасининг Қомусини билиши, унга амал қилиши керак. Ўқувчиларда Ўзбекистон Республикаси мадҳияси, Герби ва байроғига нисбатан чуқур хурмат-эҳтиром туйғуларини тарбиялаш ишларимизнинг узвий қисмини ташкил этади.

Хукумат қарорларида мактаблар, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари ёш авлодни ҳар томонлама етук ва маънавий баркамол тарбиялашга даъват этилган. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ўз ватанини севиши, халқига чексиз садоқатли бўлиши, Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қоидаларини, рамзларини яхши билиши ва уларга чуқур хурмат билан муносабатда бўлиши шарт. Ўқувчи ва талабаларда ана шу ҳис-туйғуларни тарбиялаш ўқитувчининг муқаддас бурчиdir.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

5. Хукуқий тарбия нима учун инсон эркинлигини таъминлайди?
6. Мактабда хукуқий тарбия нима учун амалга оширилади ва қандай мақсад ва вазифаларни назарда тутади?
7. Мактабда хукуқий тарбия қандай шаклларда олиб борилади?
8. Нима учун ўқувчиларда хукуқий кўникма, одат ва маданият таркиб топтирилади?

МАВЗУ: МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

Режа:

5. Инсонни шакллантиришда меҳнат тарбиясининг амалий аҳамияти.
6. Мактабда меҳнат тарбиясининг мақсад ва вазифалари.
7. Мактабда меҳнат таълими ва тарбияси ташкил этиш шакллари.
8. Ўқувчилар меҳнатига қўйиладиган талаблар.

Таянч сўз ва иборалар: меҳнат қилиш, баҳтли бўлишни истаса, меҳнатсевар, меҳнат аҳли, истак, эҳтиёж, одат, ижтимоий фойдали меҳнат, ўз-ўзидан қизиқиб қолмайди, кам ўйлайдиган киши, кўп қиррали меҳнатсиз ва ҳоказо.

Инсоннинг асосий бурчи, вазифаси меҳнат қилишdir, чунки исталган нарсага ишлаш билан, меҳнат қилиш билан эришилади. А.Беруний.

«Бола ўз меҳнати билан ўзини боқиши қурбига эга бўлгандан кейингина отанинг ўғлига (ёки қизига) берган меҳнат тарбияси якунланган ҳисобланади» деб ҳисоблаган Ибн Сино. (А.Ирисов. Ибн Сио маърифатпарвар адаб. Т: 1962 й. 10-бет).

Қайси нарсага кўп меҳнат қўшилса,
Ўша нарса севимли, ҳаммадан азиз.
Қайси нарсага киши умрини сарф қилса,
Ўша нарса ширин жон баробарида севимли бўлади.

Бирор ишни қилишга қасд қилган бўлсанг, бутун зеҳнинг, бутун вужудинг билан тиришиб, битирмагунча ундан қўл тортма, - деб ўгит қилган Амир Темур.

К.Д.Ушинский «Тарбиянинг ўзи, агар кишининг баҳтли бўлишини истаса, уни баҳт учун тарбияламаслиги, балки ҳаётдаги меҳнатта тайёрлаши керак», - деган.

Умрни зое этма, меҳнат қил,
Меҳнатни саодатнинг калити бил. (А.Навоий)

Меҳнат тарбияси тарбиянинг таркибий қисмини ташкил этади. Ҳақиқатдан ҳам, кишининг энг биринчи, зарурий эҳтиёжи – меҳнатдир. «Бунинг учун меҳнат зарур, - деб уқтиради Беруний, фақат ақл-идрок ва меҳнатнинг жонланишигина кишилар ҳаётини белгилаб беради». Инсоннинг асосий бурчи ва вазифаси – меҳнат қилишdir, чунки исталган нарсага меҳнат сарфлаш орқали эришилади.

А.Н.Форобий инсон ўз ижтимоий вазифасини бажариш учун унга, биринчидан, кундалий ҳаётда одамлар билан мулоқотда бўлиш зарурлигини, иккинчидан эса, у меҳнат ва қасб-хунар қўникмаларини ва ахлоқий фазилатларни ҳосил қилиши лозимлигини таъкидлайди. Ва яна «Ҳар бир кишига беркитилган маълум бир иш бўлиши керак, токи у киши ўзига беркитилган ишни кечиктирмасдан ўз вақтида бажарсин», - дейди. (А.Н.Форобий. Рисолалар. Т., 1975 йил, 17-бет).

Али Абу ибн Сино «Китоб уш-шифо» асарида идеал давлат тузуми кўринишини чизиб беради. Унинг фикрича, бу давлатнинг ҳар бир аъзоси жамият учун фойда келтирувчи бирон бир иш билан шугулланиши керак. Одамни шундагина одам дейиш мумкинки, қачонки у ўз манфаати учунгина эмас, балки халқ ва умумжамият манфаатлари учун фойдали меҳнат қилиши биландир. Бирорлар ҳалол меҳнат қилиб жамият учун фойда келтирса, бошқалар текинга яшаса – бу адолатсизлик, деб таъкидлайди, Ибн Сино «Тадбиral манозил» асарининг

«Афсофий баҳтарин занҳо» бўлимида барча жамият аъзолари ишлаб чиқариш меҳнати билан шуғулланиши зарур, - деган ғояни илгари суради.

Кайковус «Қобуснома»нинг «Хунарнинг афзаллиги ва қадри баланд, олий табиатли бўлиш ҳақида» деган бобида фарзандларни меҳнат қилишга ундар экан, агар меҳнат қилиб баданни ўзингта бўйсундирмасанг соғлом ва баланд мартабали бўла олмайсан. (Қобуснома. Т., 1973 й. 33-бет).

Паҳлавон Маҳмуд «Инсон юксак камолотдир, лекин у ана шу шарафга лойиқ бўлиш учун, аввало, фойдали меҳнат билан шуғулланиши ва ўз манфаатини халқ манфаатидан юқори қўймаслиги лозим», - деган ғояни илгари суради.

Абдулқодир Бедилнинг фикрича «Инсонда ўз ҳаётини яхшилаш учун имконият мавжуддир. Бу имконият, унинг нуқтаи назарича, кишининг ҳафсаласида, ҳаракатчан бўлишида, илм, касб-хунар ўрганиши ва меҳнат қилишидадир». (И.М.Мўминов. Танланган асарлар. I-том, Т., «Фан», 1969 й, 103-бет.).

Ю.Х.Хожиб «Қутабғу-билик» достонида «Инсон фақат жамиятдагина, бошқа кишилар билан мулоқатда ва ўзаро муносабатда, ижтимоий фойдали меҳнатдагина чинакам камолотга етишади», - деб таъкидлайди.

Меҳнат тарбияси ҳақида машҳур педагог В.А.Сухомлинский қуидаги фикрларни билдиради: «Ўзи яхши кўрмайдиган иш билан шуғулланмайдиган кишини ҳеч қандай маданий бойликлар, хазиналар билан шод этиб бўлмайди», «Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатни қўшиб олиб бориш – бу ақлий меҳнатдан кейин механик тарзда жисмоний меҳнат билан машғул бўлиш деган сўз эмас, балки ақлий меҳнатда ҳосил қилинган билимни жисмоний меҳнат вақтида муттасил қўллаб бориш демакдир», «Меҳнатдаги муваффақият – бу муваффақият қозонган кишининг фахри. Ўз меҳнатидан фахрланмайдиган ҳақиқий инсоннинг ўзи йўқ», «Кам қайғурадиган, кам ўйлайдиган киши, бирдан меҳнатсевар бўлиб қолиши мумкин эмас», «Бола меҳнаттага ўз-ўзидан қизиқиб қолмайди, модомики қизиқиши бўлмас экан, демак меҳнаттага муҳаббат ҳам бўлмайди, албатта. Болалар меҳнатини нотўғри уюштириш уни мантиқиз бир ишга айлантиради ва у меҳнатдан безиб қолади».

Ислом динида меҳнат қилиш ибодат қилиш билан баробарлиги, меҳнат қилишдан уялмаслик кераклиги айтилади. Зоро меҳнат – инсон ҳаётининг кўрки, безаги. Меҳнат инсонга баҳт саодат, фаровонлик баҳш этади. Ҳалол меҳнат маънавий ҳаётнинг мезонидир. Меҳнат инсонни уч балодан: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан, муҳтоҗлиқдан сақлайди. Яна «Ишни пухта ва яхшилаб қилган кишини Аллоҳ яхши кўради» (Ҳадис) деб мусилмонларни сидқи дилдан меҳнат қилишга чорлайди.

Ш.Саъдий инсоний қадр-қимматни меҳнатда, хунарга таянишда деб тушувнади ва шундай деб таълим беради.

Ўз меҳнатидан нон еган киши

Хотам миннатидан озод ёш-қиши

(Гулистон. Т., Ғ.Ғулом нашриёти. 1968 йил, 6-бет).

Болаларга меҳнат қувончи, ўқищдаги ютуқ қувончини бериш улар қалбида фахрланиш ҳиссини, ўз иззат-нафси ҳиссини уйғотиш – бу тарбиянинг энг асосий биринчи вазифасидир, деган Сухомлинский.

Авестода «Болалар ёш пайтданоқ дараҳт құчати үтқазиши, уй-рұзғор қурил-маларини ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга үргатиши керак-лигини» - таъкидлаган.

Яхшилик ва әзгулик яратиши учун киши мөхнат қилиши, ўз құллари билан моддий ноз-неъматлар яратиши лозим.

...Мөхнат қылмайдиган одамлар! Сен ҳақиқатдан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош әгиб туражаксан! Ҳақиқатдан ҳам сенинг ёнингдан турли хил зироатларни олиб үтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси мөхнат қилаётган, түғ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қиласи. Абадул-абад шундай бўлажак!

Инсон бутун умр давомида сув, тупроқ, олов, умуман инсон, дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрарашга бурчлидир.

Чорвадор түғ бўлсин учун чорвани муттасил парвариш қилмоқ лозим, каби ғоялар таъкидланган.

Хар қандай одамга унинг қилган ишларига қараб баҳо бериши керак, - деган Сервантес.

Агар инсон бирон касбни мукаммал эгалласа, мөхнат унга ҳузур бағи-шлайди, баҳт келтиради, деган Андре Морда.

Маданий жамият шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунарда озод ҳамма баб-баробар бўлади, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладиган – деб таъкидлаган А.Н.Форобий.

«Мөхнатдан ташқари ва мөхнатсиз тарбия йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки мураккаб ва кўп қиррали мөхнатсиз ҳақиқий инсонни тарбиялаб бўлмайди» ва яна «Мөхнатсеварлик – бу образли қилиб айтганда, учта тушунча: зарур, қийин ва гўзал деган тушунчалар йиғиндишидан иборат».

Мөхнат кишининг ва жамиятнинг энг зарур яшаш шартидир. Инсон нима билан фаҳрланса ва у нима билан эъзозланса, уларнинг ҳаммаси мөхнатнинг натижасидир. Мөхнат барча бойликларнинг манбаи бўлиш билан бирга, у инсон ҳаётининг мазмуни ҳамдир. Бунинг маъноси шундаки, инсоннинг ўзини инсон сифатида шакллантирган (нарса) ҳам, инсоннинг кудрати нималарга қодир эканлигини намойиш қиласи ҳам ана шу мөхнатдир.

Мөхнат – бутун моддий ва маънавий маданиятнинг, шунингдек, ижтимоий тараққиётнинг негизидир.

Мөхнат тарбиясининг вазифалари кўп қирралидир. У ўқувчиларни мөхнат фаолиятига амалий тайёрлашнинг жуда кўп томонларини қамраб олади. Мөхнат тарбиясининг энг муҳим вазифаси ёш авлодни мөхнат қилиш хоҳишини, ҳавасини, интилишини, кўникма ва маҳоратни уларда шакллантиришдан иборат. Энг муҳими мөхнат қилаётган киши ўзи бжараётган иш натижаларини кўрган тақдирдагина унинг учун мөхнат тарбиявий аҳамият касб этади. Энг зарури мөхнат унинг учун моддий ва маънавий қимматга эга бўлиши шарт. Бусиз мөхнатнинг натижаси бўлиши мумкин эмас.

Хозир мөхнат тарбиясининг мақсади мулкка муносабатни шакллантиришга қаратилмоғи зарур. Умуман мөхнат инсонни ижодий фикрлашга, фидоийликка, мустақилликка даъват этмоғи шарт. Ўқувчиларда мөхнатсеварликни тарбиялаш

Энг асосий муаммо. Шахснинг маънавий қиёфасини таркиб топтиришда меҳнатнинг роли нихоятда каттадир. Меҳнатда шахсан қатнашмай туриб, деган эди Ушинский, инсон ўзининг ахлоқий ривожланишида олға қараб боролмайди, бир жойда ҳам туролмайди, у орқага кетади.

Ўқувчиларда меҳнат тарбиясини ташкил этишда шахсий, оиласий ва жамият манфаатларини уйғун шакллантиришга ўқитувчилар алоҳида эътибони қаратишлари шарт.

Ўқувчиларни меҳнатта ахлоқий, психологияк ва амалий тайёрлаш жараёнида меҳнатсеварлик, меҳнат интизомига бўйсениш одати, мақсадни амалга оширишда ташаббускорлик, фаоллик, ижодкорлик сингари иродавий фазилатлар шакллантириб борилса фойдали бўлади.

Ўқувчиларни меҳнатда тарбиялаш дастлаб оиласада, мактабларда – ўқувтарбия ишининг тизимида, болалар ташкилоти фаолиятида, ишлаб чиқариш жамоалари меҳнатида иштирок этишлари орқали амалга оширилади.

Мактаб ўқувчилари меҳнатнинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси олдида турган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ривожланиш истиқболлари эҳтиёжларидан, мактабнинг ички шароити, имкониятлари ва талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Бу масалада жаҳон ишлаб чиқариши, товарларнинг сифати – умумий рақобат энг асосий мезон ҳисобланади.

Фан ва техниканинг тоборо уйғунлашиб бориши, халқ ҳўжалиги тармоқларида амалда қўлланиши ўқувчилар меҳнат таълими ва тарбиясини такомиллаштиришни, ўзгартиришни, ижтимоий ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси шакллари хилма-хилдир. Улар асосан ўқув меҳнати, синфдан ташқари ишлар жараёнидаги меҳнат, ижтимоий фойдали меҳнат, уй меҳнати ва ишлаб чиқариш меҳнатларини ташкил этади.

Ўқув меҳнати асосида барча ўқув фанлари мазмуни асосида меҳнатнинг назарий асослари ва меҳнатга муносабат, унинг амалий аҳамияти сингари вазифалар ўқувчиларга ўргатилади. Ўз-ўзига хизмат, синфдан ташқари ва оталиқ ташкилотларнинг меҳнат майдонларида, цехларда меҳнатнинг амалий кўникмалари билан қуроллантириш таъминланади.

Ижтимоий фойдали меҳнат мактаб биноси ва майдонларини озода сақлаш, боғ ва спорт майдонлари бунёд этиш, тирик бурчаклар ташкил этиш, ўқув тажриба участкаларида, иссиқхоналар, устахоналардаги машғулотларда, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини йиғища, Ватан уриши қаҳрамонлари хотирасига ўрнатилган тарихий ёдгорликларга қараш, темир-терсак ва доривор ўсимликлар тўплаш сингарилар билан шуғулланади. Ҳозирги умумтаълим мактабларида меҳнат тарбияси ўқувчиларга меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш, атрофмуҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашга шакллантириш каби йўналишларни қамраб олмоги даркор.

Академик лицейлар, касб-хунар коллежи ўқувчиларининг касб-хунарга майилиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олган ихтиососликни эгаллашга имкон беради.

Ўқувчилар меҳнатига қўйиладиган педагогик талаблар:

12. Ақлий ва жисмоний меҳнатни бир-бири билан алмашлаб туриш.
13. Оиласада уй-рўзғор ишларига жалб қилиш.

14. Бола меҳнатда бевосита иштирок этса ва меҳнатга қанчалик эрта жалб этилса, унинг меҳнат тарбияси шунчалик муваффақиятли бўлади.
15. Меҳнат бола учун зарурият, бурч ва одатга айланмоғи керак. Меҳнат осон ва қўлидан келадиган бўлиши, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига, тайёргарлигига мос бўлиши керак.
16. Меҳнат дам олиш билан алмашланиб туриши керак, чунки қаттиқ меҳнат кишини, айниқса ўқувчини чарчатиб қўйиши мумкин.
17. Болаларнинг меҳнат фаолияти ижтимоий аҳамиятга ва иқтисодий-маънавий асосга эга бўлиши керак.
18. Ҳар қандай меҳнат топшириғи фойдали ва имкони борича яққол натижা билан тугалланиши лозим.
19. Меҳнат фаолиятини ташкил қилиш ақлий, эстетик, иқтисодий, экологик тарбиялар билан мустаҳкам боғланиши фойдали.
20. Меҳнат амалий характер касбётиши, ижтимоий жиҳатдан керакли ва фойдали бўлиши, жамоанинг ва бутун жамиятнинг манфаатларига мувоғик келиши мухим.
21. Меҳнат ўқувчиларда ижодийликни, фаолликни, ташаббускорлик ва мустақилликни ҳамда манфаатдоликни ўстириши керак.
22. Меҳнатда санитария-гиgiene, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш даркор ва ҳокази.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

6. Меҳнат тарбияси нега тарбиянинг асосий таркибий қисми?
7. Мактабда меҳнат тарбиясининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
8. Ўқувчилар меҳнат тарбиясини ташкил этишга қандай педагогик талаблар қўйилади?
9. Мактабда меҳнат тарбиясини йўлга қўйишнинг қандай шакллари мавжуд?
10. Нима учун ўқувчиларда меҳнат кўникма ва одатлари таркиб топтирилади?

МАВЗУ: АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

Режа:

1. Ахлоқ тарбияси ҳақидаги тушунча. Ахлоқ ҳақида мутафаккирлар ва машҳур педагогларнинг фикрлари.
2. Мактабда ахлоқ тарбиясининг мақсад ва вазифалари ҳамда йўналишлари.

3. Ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашнинг шакллари ва усуллари: а) дарсда; б) синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий тадбирларда; в) оммавий ахборот воситалари; радио, телвидение, газета, кино, ва ҳоказо.

Таянч сўз ва иборалар

Ўз-ўзини идора қилиш, миллий, умуминсоний қадрият, одат, яхшиликлар замини, қимматбаҳо, ахлоқ билан безанмоқ, ахлоқни ўзида барқарор қилган киши, яхшилик, ёмонлик, нафси бузулиб ўстади ва ҳ.к.

Ҳадисларда "Мўмин киши ўзининг яхши хулқи билан кечаси қоим (ибодат билан бедор) ва кундузи соим (рўзадор) даражасига эришади", "Сизларнинг яхшиларингиз - хушхулқ ширин суҳбатларингиздир. Ёмонларингиз эса оғзини тўлдириб, эзмалик илингиздир", "Мўмин одамларнинг афзали - яхши хулқлисиидир", "Ҳаё - имондандир", "Барча бало - тилдандир" ва ҳоказо дейилган. Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак, - дбб таъкидлайди Каримов, - соғлом киши деганда факат жисмоний соғлиқни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар камол топган инсонни тушунамиз".

Иймон арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси – ишончдир. Калбида иймони бўлмаган одам ҳар қанча савоб иш қиласа ҳам, унга савоб ёғилмайди. Қисқача қилиб айтганда, уч нарсанинг бутунилигидан иймон ҳосил бўлади: эътиқод, иқрор ва амал. Эътиқоди – динга динга ичдан чуқур ишониш; иқрор – сўзда буни тан олиш; амал – яхши ишлар билан исботлаш.

А.Навоий "Махбуб-ул-қулуб" асарида ушбу сатрларни ўқиймиз: "Вафосизда хаёй йўқ, хаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ - иймон йўқ ва ҳар кимда иймон йўқ - андан одамийлик қилмак имкони йўқ". Яъни иймонсиз - одам эмас".

Эътиқод – бу ўз фикр ва қарашларига маҳкам, собит қадамлик билан ишониш ва ўзгаларни ҳам ўзидек ҳисоблаб, уларнинг лафзига самимият билан ишонищдир.

Шарм - бу ножӯя ҳатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, уялиш ҳисси. Ҳадисларнинг бирида айтилишича, одам, энг аввало ўзидан уялиши керак. Ножӯя қилиғи учун ўзидан уялган одам ўзгага ҳам нохӯя ҳатти-ҳаракатини раво кўрмайди.

Ҳаё – бу ўзбекча уятдир. "Бир кетган уят қайтиб келмайди", "Дилда доғ кўтариб юргандан кўра бетнинг қизаргани афзал" дейди халқимиз. "Ҳаё эркак кишига нисбатан табиатан аёл кишида қўпроқ бўлади".

Андиша – бу оқибатини ўйлаб ёки юз - хотир қилиб юриладиган мулоҳаза, эҳтиёткорлик ҳиссиидир.

Номус - бу иффат, бокиралиқ, маъноларндаи ташқари кишининг ўз мавқеини сақлаш ва ардоқлаш, хижолат тортиш туйғуларини оила ва аждодлар шаъннига доғ тушурмаслик маъносини ҳам ифодалайди.

Юқорида таъкидланган ахлоқий иборалар оиласида болаларни ахлоқий тарбиялашда ўзига хос услубларда ташкил этишни назарда тутади.

Бошқа одамни тарбияламоқчи ва унинг ахлоқини тузатмоқчи бўлган тарбиячи, аввало уни яхши (билиш) ўрганиши ва барча камчиликларини яхши

билиб олиши керак, акс ҳолда тарбиячи ўз олдига қўйган вазифасини бажара олмайди. Тарбия тарбияланувчини ёмон ахлоқий ҳислатлардак озод қилиш, унга яхши ахлоқий фазилатларни сингдира бориши жараёнида амалга оширилади", - деган Ибн Сино.

Абу Али Ибн Сино "Ахлоқ ҳар бир киши учун ўз - ўзини идора қилиш илмиди", - деб таърифлайди.

Юсуф Хос Xожиб "Кутадғу - билик" асарида "Кимнинг одоби яхши ва ахлоқи түғри бўлса, у киши ўз мақсадига етади ва баҳт унга қулиб боқади", яхши ахлоқ - жамиятнинг, яхшиликларнинг заминидир", деган. "Ҳалол, ҳақгўй, ахлоқ - одобли киши ҳар қандай қимматбаҳо нарсадан ҳам қимматлироқдир", - деган.

Машҳур рус педагогик К.Д.Ушинский "Тарбиянинг асосий вазифаси ахлоқий жиҳатдаи таъсир этишдан иборатдир. Бу ақлни умуман ўстириш, уни билимлар билан тўлдиришдан кўра муҳимдир", деб изоҳлаган.

М.Қошғарий "Девону луғати турк" асарида олғил мендан насиҳат, ўғлим, илму адаб ўргангин, бўлиб билимли улуғ ҳалқ ичида бошқача илму адаб ўргатгин, деб хитоб қилган.

Кексаларни этсанг азизу иззат, сени ҳам кексайгач этишар ҳурмат, - А.Бедил.

Билим маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим, деб таъкидлайди А.Н.Форобий. ҳақиқий инсоний ахлоқни ўзида барқарор қилган яхши кишилар ёшларга яхши таъсир қўрсатади ва уларни меҳр-шавқатли, соғдил ва мақбул бўлиб тарбияланиши учун замин ҳозирлайди (3-бет) деб таъкидланаган А.Авлоний.

Ахлоқ нима ўзи? Ахлоқ - ижтимоий онг шакли бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида инсоннинг хулқ - авторини йўлга солиб турадиган талаблар, нормалар ва қоидалардан иборатдир.

Жамиятнинг ижтимоий - иқтисодий шароитлари, ривожланиши билан биргаликда ахлоқ ўзгариб ва ривожланиб боради. Чунки жамиятнинг ривожланиши жараёнида одамларнинг ахлоқли ва ахлоқсизлик, яхшилик ва ёмонлик,adolat ваadolatsizlik ҳақидаги тасаввурлари ҳам ўзгариб боради, Абдулла Авлоний "Ахлоқ инсонларни яхшиликка чақиравчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур. Агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, "Аллоҳу - акбар", бундай кишилардан яхшилик кутаман ердан туриб юлдузларга қўл узатаман кабидир.

Ўқувчиларнинг ахлоқий тарбияси мактабнинг етакчи вазифаларидан биридир. Ахлоқ тарбиянинг моҳияти ўқувчиларда ахлоқий - онгни, одоб туйғуларини; хулқ - автор кўникмалари ва одобини шакллантиришдан иборат. Шахснинг ахлоқий камолоти фаолият жараёнида рўй беради. Чунки ҳар қандай фаолиятнинг ахлоқий жиҳати бўлади. Мактаб ўқувчилари фаолият жараёнида ўзлаштирилган ахлоқий нормалар ва талаблар асосига қуриладиган ва ахлоқий принциплар билан йўлга солиб туриладиган ахлоқий муомалага жалб қиладилар. Ахлоқ бизнинг ҳаётимизга ва онгимизга фаол таъсир этади, кишилик жамияти

номидан яхшилик билан ёмонлик, адолат билан адолатсизлик, меҳр билан зулм ўртасидаги ва инсоний муносабатлардаги мақбул ва номақбул, ман этилмайдиган ва ман этиладиган ишларни, ҳатти - ҳаракатларни белгилаб беради. Ҳуқуқ нормаларига зид ҳатти - ҳаракат ахлоқсизлик ҳаракати деб қараланади. Шуниси ҳам борки, ҳуқуқ мажбурий бўлса. ахлоқ ихтиёрийдир. Шарқ мутафаккирлари ахлоқни иккига ажратишади. Ахлоқли, ахлоқсиз, яхши ёки ёмон ахлоқли сингари.

Ахлоқий муносабатлар - бу жамиятга, меҳнатга, одамларга ва қолаверса, ҳар бир кишининг ўзига муносабатидир.

Каримов таъкидлаганидек, "Ахлоқ - маънавиятнинг ўзаги". Маънавият - илм ва амал бирлиги бўлса, ахлоқ бевосита ҳар бир шахснинг ўзгаларга нисбатан маънавий муносабатини англатади. Ахлоқ маънавиятнинг амалидир. У аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон ва ҳалоллик каби амалий маънавиятнинг ўзак тушунчалари билан боғлиқ маънавият ўзликни англашдир. Дунёда ҳамма нарса ўзгаради, аммо фазилат қонунлари сира ҳам ўзгармайди. Оз-оз ўрганиб доно бўлур (98-бет).

Мактабнинг махсус тарбиявий фаолияти баркамол шахсни шакллантиришга қаратилган бўлиб, у ахлоқий тарбиянинг қўйидаги вазифаларини ҳал этади: ахлоқий онгни, мустаҳкам ахлоқий эътиқодларни тарбиялаш; ёш авлоднинг Ватанга, жамиятга ва меҳнатга, ўзига ва одамларга муносабатини англаб олишга қаратилган ахлоқий туйғуларни тарбиялаш.

"Одатта айланмаган тарбия, қум устига қурилган бинодир". деган К.Д.Ушинский. Ахлоқ тарбиянинг асосий мақсади ва вазифаси - бу ҳар бир кишида актив ҳаётий нуқтаи назарни ҳосил қилишдан иборат. Инсоннинг жамиятта муносабатини белгиловчи ахлоқий фазилатлар орасида Ватанпарварлик етакчи ўринии эгаллайди.

Ватанпарварлик - Ватанга муҳаббат, мамлакат манфаатлари хақида ғамхўрлик, Ватан ҳимоясига тайёр туриш, ўз мамлакатининг ижтимоий ва маданий ютуқлари билан фахрланиш, Ватаннииг тарихий ўтмишига ва унинг анъаналарига ҳурмат туйғуларини ўз ичига олади. Ватанпарварлик ва байналмилаллик қарашлар, ҳис - туйғула ўқувчиларнинг Ватан ҳақидаги, унинг қаҳрамонлар ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти ҳақидаги чуқур ва ҳар томонлама тўла - тўқис билимлари асосида шаклланади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

5. Инсон шанланишида ахлоқий тарбия қандай ўрин тутади?
6. Мактабда ахлоқий тарбия қандай мақсад ва вазифаларни амалга оширади?
7. Мактабда ахлоқий тарбияни амалга оширишнинг қандай шакллари мавжуд?
8. Ўқувчиларда ахлоқий кўникма ва одатлар нима учун таркиб топтирилди?

МАВЗУ: ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

Режа:

5. Баркамол инсонни шакллантиришда эстетик тарбиянинг тутган ўрни.
6. Эстетик тарбия ҳақида тушунча.

7. Мактабда эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
8. Ўқувчиларни эстетик тарбиялашнинг шакллари, методлари ва воситалари.

Таянч сўз ва иборалар: ҳислар воситасида идрок этиш, ички ва ташқи гўзаллик, «гўз» (кўз), мафтун этувчи, тафаккур, гўзаллик қонунияти, хулқ-атвор, меҳнат, турмуш эстетикаси, бадиий шеър, мусиқа, санъат, театр, кино ва ҳоказо.

«Агар инсон чиройлини ақл ва фаросат билан кўра олса ва уни севса, бу инсонийликнинг юқори даражасидир. Бу инсоннинг буюк идеали ҳисобланади. Ана шундай одамни мард ва доно, эстетик диди юксак деб ҳақли равишда айтиш мумкин», деган Ибн Сино «Рисолаи ишқ» асарида. Эстетика термини биринчи бўлиб адабиётчи немис олими А.Г.Баумчартен (1714-1962) томонидан киритилган. Унинг «Эстетика» (I-том) деган асари 1750 йилда эълон қилинган. Уни эстетика фанининг асосчиси деб бўлмайди, чунки эстетика назарияси қадим замонлардан фалсафа фани доирасида ўрганилган.

Табиатни ёш авлодни тарбияловчи ажойиб мураббийдир, деган Ушинский. М.Горький: «Инсон табиатан санъаткордир. У ҳамма ерда, бирон бир ҳолда, ўз ҳаётини чиройли қилишга интилади». Инсоннинг ички ва ташқи гўзаллиги бир бўлгандагина у идеал камолотга эришади. «Озодлик ва орасталик олийжанобликнинг ўзагидир», деб таъкидлаган А.Беруний «Ўтган авлодлар обидалари асарида.

Эстетик тарбия анча кенг маънога эга бўлиб, шахсни табиат ва жамиятдаги гўзалликларни идеал назардан идрок этишга ўргатади. Эстетика бутун оламдаги гўзалликларни ҳислар воситасида идрок этишдир. Аз.Замахшарий: «Гўзал сифат ва ҳусну-хулқ сийратлари безанмаган кишини ҳеч қандай кийимлар қўрқам қила олмас, гуноҳ ва хатолардан сақланган кимсанинг қалби сира айдан фироқ бўлмас», деб билдирган фикри бағоят қимматли. (Нозик иборалар. Т., 1992, 74-бет).

Санъат илмий – деган эди «Шарқ Аристотели» деб ном билан машҳур бўлган буюк олим Абу Наср Форобий, - ўз мувозанатини йўқотган (одамлар) ҳулқини тартибга келтиради, мукаммалликка етмаган ҳулқни мукаммал қиласи ва мувозанатда бўлган (одамлар) ҳулқнинг мувозанатини сақлаб туради. Илм тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир. Чунки тана касал бўлса, рух ҳам сўнади, тана тўсиққа учраса, рух ҳам тўсиққа учрайди. Шунинг учун овозларнинг таъсири билан рухни соғайтириш ёрдмида тана соғайтирилади. (М.М.Хайруллаев. Форобий ва унинг фаслафий рисолалари. Тошкент, 1963, 235-бет).

Нафосат гўзалликни ҳис қилиш, идрок қилиш ҳамдир. Гўзаллик – қадим туркий сўз бўлиб, «гўз» (кўз) ва «ол» дан тузилгандир, яъни кўзи мафтун этувчи маъносини билдиради. Тилимизда яна шу маънога яқин чиройли сўзи ҳам бор. Чиройли нарсани кўз билан кўрилади. Гўзаллик эса ҳам кўз билан кўрилади, ҳам дил билан ҳис этилади, онг билн идрок қилинади. Бола ўз ҳиссиёт ва фикрларини мустақил ижод этиш – расм солиш, ашула айтиш, рақс тушишга имкон бериш керак. (А.Иброҳимов. Ватан туйғуси. 1996 йил, 123-бет).

Миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланганлиги, бой миллий, маданий-тарихий анъаналярга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

А.П.Чехов «Инсонда ҳамма нарса: чехра ҳам, кийим ҳам, тафаккур ҳам ... гўзал бўлиши керак. Баъзан мен шу қадар яхши кийинган гўзал чехраларни учратаманки, ҳайратдан гангид қоламан, лекин уларнинг қалби ва тафаккуричи, ё раб-

би! Баъзан ана шундай гўзаллик билан қора қўнгил никобланган бўладики, бу қўнгилини мутлақо оқартириб бўлмайди» ва яна «Жиддий меҳнатсиз гўзаллик яратилмайди», - деган фикрларни билдирган.

Болаларда эстетик ҳис-туйғуларни ўстириш, эстетик идрок, тушунча, тасаввур, билим, кўникма, одат ва дидни тарбиялаш мактабда эстетик тарбиянинг асосий мақсади ҳисобланади. Эстетик билим, кўникма, малака ва одатларни тарбиялаш барча предметларни ўргатиш жараёнида амалга ошириб борилади. Ёшларни табиатдаги, жамиятдаги ва кундалик турмушдаги барча фаолиятларда гўзаллик қонунияти асосида ахлоқий шарқона хулқ-атворда тадбиқ этиш энг муҳим педагогик масаладир.

Болаларни табиатдаги барча гўзалликларни фақат ҳислар воситасида идрок қилишга ўргатиш билан бирга, ана шу гўзалликларни тартиб-озодаликни ўзларининг ҳаётларида қўллашга ўргатиш муҳимдир. Демак, гўзалликларни ҳис қилишгина эмас, уларни ўз тасаввурларида қўпайтириш, тўплаш ҳамда такомиллаштириб бориш ўқувчиларни эстетик тарбиялашда амалий аҳамиятга эга. Эстетик тарбияда болаларнинг бошқалар ҳатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва ўзи фаолиятига баҳо бериш қобилиятини ўстириш муҳим роль ўйнайди.

Болаларда эстетик тафаккурни ўстириш, бутун борлиқдаги гўзал нарсалар билан хунук нарсалар ўртасидаги, ташқи гўзаллик билан ички маънавий гўзаликни фарқлай билишга ўргатади, одатлантиради. Шунинг учун ёш ўқувчиларда ўzlари ҳаётининг ҳамма соҳаларида эстетик қонуниятлар, қоидалар, талаблар асосида ташкил этмоқлари талаб этилади.

Мактабда эстетик тарбия қўйидаги тузилишда амалга оширилади: эстетик ҳис-туйғулар; эстетик идрок; эстетик тасаввур, тушунча, билим; эстетик кўникма, малака ва одатларни тарбиялаш; эстетик фикрлар ва ниҳоят эстетик маданият тарбиялаш назарда тутилади.

Масалан: Ўқувчи хинд кинофильмларини кўриш орқали табиат, кишиларнинг эстетик тушунча, кўникма, малака ва одатларини уларнинг тўғри ёки нотўғри томонларини бевосита кўради ва уларга баҳо беради. Ўзларида катта ҳиссий кечинмаларни бошдан кечирадилар.

Мактабда эстетик тарбия тизими: оиласда эстетик тарбия; дарс жараёнида эстетик тарбия; синф ва мактабдан ташқари ишларда; тасвирий санъат орқали; мусиқа ва ашула воситасида; турмуш ва одоб эстетикаси; кийим-бош эстетикаси; хулқ-атвор эстетикаси кабилардан ташкил топади.

Эстетик тарбия – воқелиқдаги, санъатдаги, табиатдаги, кишиларнинг ижтиёмий ва меҳнат муносабатларидағи, гўзалликни идрок этиш ва тўғри тушуниш қобилиятини тарбиялаш, гўзалликка муҳаббат туйғусини ва гўзалликни ижодий равищда ҳаётга киритиш қобилиятини тарбиялашдир. Эстетиканинг икки хил: эстетик тарбия ва бадиий тарбия тушунчалари мавжуд.

Эстетик тарбия – бу анча кенг тушунчадир. Бу тушунча меҳнат ва маданий турмуш, кишиларнинг ҳатти-ҳаракати ва ўзаро муносабати, табиат воситасида тарбияланадиган гўзаллик туйғуларини ўз ичига олади. Бадиий тарбия – санъат (адабиёт, мусиқа, ашула, тасвирий санъат) воситасида тарбиялашдир.

Бадиий адабиёт, театр, мусиқа, тасвирий санъат, кино соҳасида энг яхши асарлар ўз воситалари ёрдамида ҳаётни ҳаққоний ва ёрқин акс эттириб, бу ҳаётта

тўғри баҳо бериб, кишиларнинг онги, туйғуси ва хаёлларига таъсир қилади, инсонни ҳаёт ва меҳнатнинг ҳамма соҳаларида янгилик, илғорлик учун курашда фол қатнашишига чорлаб туради.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

5. Инсонни тарбиялашда эстетик тарбиянинг ўрнини Сиз қандай тушунасиз?
6. Мактабда эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
7. Эстетик тарбияни амалга оширишнинг қандай шакллари мавжуд?
8. Нега ўқувчиларда эстетик кўникма ва одатлар тарбияланади?

МАВЗУ: ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

Режа:

5. Инсонни таркиб тонтиришда жисмоний тарбиянинг ўрни.
6. Мактабда жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
7. Мактабда жисмоний тарбияни ташкил этиш шакллари:
 - а) дарс
 - б) синфдан ва мактабдан ташқари ишлар
 - в) оиласда

8. Жисмоний тарбиянинг ахлоқий, меҳнат, эстетик ва бошқа тарбиялар билан алоқадорлиги.

Таянч сўз ва иборалар: жисмоний машқ, жисмоний ривожланиш, чиниқтириш, чаққон, эпчил, бақувват, соғлом ўстириш, меҳнатта тарбиялаш, Ватан мудофааси, жисмоний маданият, қуёш, ҳаво, сув, чуқур ва катта нафас олиш, каёфият, иш қобилияти ва ҳоказо.

Жисмоний тарбиянинг асосий мақсади – ўқувчилар танасидаги барча аъзоларни соғлом ўстириш борасида уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, шунингдек ватан мудофаасига тайёрлашдир. Жисмоний тарбия кишиларга катта таъсир кўрсатиб, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлайди, ишлаш қобилиятини оширади, узоқ умр кўришга ёрдам беради. Спорт – ҳар қандай ёшда ҳам қаддиқоматни тарбия қилиш, куч-кувватни сақлаб туришнинг ажойиб воситасидир. Спорт дам олиш билан меҳнатни алмаштириб туриш манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади. Шу сабабдан ҳам кишилик жамиятининг энг ибтидоий ҳолатидан ҳозирги кунимизга қадар жисмоний тарбия авлодлар қамолотини таъминловчи восита деб ҳисобланган. Демак, ўсиб келаётган ёш авлоднинг, катта ёшдаги кишиларнинг жисмоний баркамоллигини таъминлаш фақат ота-онанинг, мактабнинг ишигина бўлиб қолмай, балки давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий иш ҳамдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш орғанлари болалар ва ўқувчи ёшларнинг соғломлаштирилишига қаратилган йўналишни рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шароитлар таъминланади», деб таъкидланган. Меҳнат жамоалари, аҳоли зич яшайдиган жойларда фуқароларнинг жисмоний ривожланишлари учун спорт комплектлари, иншоатлари, тармоқлари барпо этиш оммавий тус олди. Бу соҳага эътибор Ўзбекистон мустақиллигидан кейин ҳукуматимизнинг диққат эътиборида бўлмоқда. Масалан, стадионлар, бассейнлар, тенис кордлари, кураш майдонлари, хоккей, футбол, шахмат ва шашка клублари ва бошқалар.

А.Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ ва маърифатга эга бўлмоқ учун баданни тарбия қилмоқ зарур. «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадир. Чунки ўқитмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз вужуд лозимдир. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларида, ишларида камчиликка йўл қўюрлар. Бадан тарбиясининг фикр тарбиясчига ҳам ёрдами бордир...».

Жисмоний тарбияга бўлган эътибор, ғамхўрликнинг кун сайин ошиб бориши фикримизнинг ёрқин далилидир. 2000 йилни Президентимиз И.А.Каримов томонидан «Соғлом авлод» иили деб эълон қилиниши ижтимоий аҳамиятга эга.

Жисмоний тарбия мазмуни жисмони камолот, жисмоний ҳолат диагностикаси, жисмоний тарбия маданияти, спорт ишлари, жисмоний маълумот тушунчаларида ўз ифодасини топади. Жисмоний камолот ёш авлод ички аъзоларининг ўзгариши, ўсишидир. Биринчи навбатда юрак ва ўпка, шунингдек асаб ва ҳаракат тизими, тана шаклининг ўзгариши, тери-мускул тизими оғирлиги, тананинг мукаммал ривожланишидир. Педагогик тушунчада жисмоний камолот деганда, инсондаги жисмоний маълумотнинг ўсиши борасидаги ўзгаришлар, яъни оддийдан мураккабга, пастдан-юқорига, номукаммалликдан мукаммалликка томн ўзгари-

шлар тушунилади. Уч хил тушунча мавжуд: жисмоний тарбия, жисмоний ривожланиш ва жисмоний маданият.

«Жисмоний тарбия – киши организмининг морфологик ва функционал жиҳатдан такомиллашишига унинг асосий, ҳаётий муҳим ҳаракат кўнилмалари ва улар билан боғлиқ бўлган билимларни ҳосил қилиш ва мукаммалаштиришга йўналтирилган педагогик жараёндир».

Жисмоний ривожланиш – бу ҳаёт ва тарбия шароити таъсирида такомиллашиб борувчи инсон организмининг биологик шакли ва функцияларининг вужудга келиш ҳамда ўзгариш жараёнлариdir. Бу ривожланишнинг муҳим, лекин ягона бўлмаган факторидир.

Жисмоний маданият – анча кенг тушунча. У жамоатчилик ютуқлари, восита ва методларнинг барчасини қамраб оловчи инсонларнинг жисмоний ривожланиши ва билим олишига таъсир этувчи умумий маданиятнинг бир қисми ҳисобланади. Жисмоний маданият жисмоний тарбиянинг таркибий қисмидир. Шу билан биргалиқда, жисмоний маданият инсон ва жамият умумий маданиятининг ҳам ажралмас қисми. Жисмоний маданият мазмунига қўйидагилар киради:

9. Инсон аъзоларининг тузилиши ва уларнинг функционал камолоти. Ички аъзолар, асаб ва ҳаракат, суюк-мускул тизими, баданнинг уйғуностиги ва уларнинг функционал фаолиятини бошқаради.
10. Ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш.
11. Гигиена қоидаларига кўнилтириш.
12. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама моҳирлигини ўстириш.
13. Бўлажак ишчиларнинг жисмоний ва физиологик сифатларини шакллантириш, иш қобилиятини ошириш.
14. Ўқувчиларнинг жинсий ва ёш хусусиятлари учун шароит яратиш.
15. Ўқувчиларнинг ирода, чидамлилик, қатъиян интизом, дўстлик ҳиссини камол топтириш.
16. Шахсий жисмоний қобилиятларини тарбиялаш.

Шахсда юқоридаги жисмоний маданиятни шакллантириш ижтимоий аҳамиятга эга. Бу вазифаларни мактаб ўқувчиларида амалга ошириш келажакда уларни ижтимоий ҳаётга, оиласа тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

Жисмоний маданият – спорт ишлари ёки оддий спорт шўйбалари, клублари, гурӯҳлар ёки оммавий мусобақаларда ва ҳоказоларда намоён бўлади. Жисмоний меҳнат тўғри ёки нотўғри ташкил этилишига қараб ёшларга ижобий ёки салбий таъсир этишини унутмаслик керак. Ҳар қандай шароитда ҳам жисмоний меҳнат турларини жисмоний тарбия мазмунига киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Жисмоний таъсир – бу инсон баданига ёки бирон бир буюм билан ё инсонлар томонидан (қўл, оёқ, бадан орқали) таъсир кўрсатиши. Яқин вақтларгача бу ҳақда жуда оз фикрлар билдирилган ва уни педагогик таъсир деб келинган эди. Унинг қайта туғилиши Ш.А.Амонашвили номи билан боғлиқдир. У ўз тажрибасида ўқувчиларни ақлий фаолиятларини рагбатлантириш мақсадида жисмоний таъсир кўрсатишдан тез-тез фойдаланди. Масалан, болаларнинг бошини силаш, қўлинни боланинг елкасига ойиста қўйиш, уларни руҳлантириш, партадаги болалар ёни ўтириб ҳамкорлик билдириш орқали таъсир кўрсатиш воситасида тарби-

ялаш самарадорлигига эришади. Бунда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги түсиқ бартарап этилади ва осойишталик, бир-бирига ишонч рухи қарор топади.

А.Д.Ушинский таъкидлаб ўтганидек, меҳнат кишининг ақлий қобилияти-нинг ривожланишига ва ахлоқига самарали таъсир кўрсатади. Болани илк ёшидан жисмоний ва ақлий меҳнатга ўргатиб бориш ота-оналар, ўқитувчиларнинг ижти-моий вазифасидир. Жисмоний тарбия назариясининг асосчиси П.Ф.Лесгафт бу масала юзасидан пухта ва илмий асосланган фикрларни баён қилган: «Ривожла-ниш – жисмоний ривожланиш сингари гармоник бўлиши, ақий эстетик ва ахлоқий тарбия ҳам шунга мувофиқ бўлиши керак, акс ҳолда матонатли ва событ қадам кишиларни етказиб бўлмайди».

Лесгафтнинг фикрича: «Жисмоний тарбиянинг вазифалари ўқувчиларни ўз ҳаракатларини бошқара билишни ўргатишдан иборат, яъни энг кам меҳнат, энг қисқа вақт ичида онгли равишда энг кўп жисмоний иш бажариш ёки гўзал ва ил-дам ҳаракат қилишдир».

Ўқувчиларни жисмоний тарбиялашда қуиидаги асосий вазифалар ҳал этилади:

5. Соғлиқни мустаҳкамлаш, организмни чиниқтириш, жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланиш ҳамда унинг ишлаш қобилиятининг оишига таъсир этиш.
6. Ўқувчиларда янги ҳаракат турларига қўникма ва малакаларни ҳосил қилиш ва уларни маҳсус билимлар билан қуроллантириш.
7. Ўқувчиларнинг ёшига, жинсига мувофиқ келадиган (куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамлиликнинг) асосий ҳаракат сифатларини ривожланти-риш.
8. Ўқувчиларда ўз соғлигига онгли муностабатни тарбиялаш бўлиб, бу улар-нинг гигиена қоидаларига риоя қилишларида, эрталабки гимнастика би-лан шуғулланишларида ҳамда спорт машғулотларида қатнашишларида ифодасини топади.

«Биз айтамизки, - дейди Ибн Сино – бадан тарбия кишини чуқур ва катта нафас олишга мажбур қилувчи ихтиёрий ҳаракатдир. Мўтадил равишда ва ўз вақтида бадан тарби билан шуғулланувчи одам, бу бузилган хилтиар (қон, сафро, балғам) туфайли келган касалликларнинг ва мижоз ҳамда илгари ўтган касал-ликлар туфайли келувчи касалликларга мубтало бўлмайди» (Тиб қонунлари. 1-китоб, 1953 й, 305-бет).

Киши организмини чиниқтиришда жисмоний машғулотнинг (киши орга-низмiga) роли катта эканлигини табиий-илмий томондан Ибн Сино асослаб бер-ган. У мунтазам суратда жисмоний машқ қилиб туриш, бошқа режимларга (уйқу, овқатланиш, баданни тоза тутиш) қатъий риоя қилиш соғлиқни сақлашда энг муҳим ва асосий шартлардандир деб билди.

Ибн Сино киши организмини чиниқтириш ва тараққий эттиришда табиат кучларидан: (куёш, сув, ҳаво) фойдаланиш катта аҳамиятга эга эканлиги, жисмо-ний машқнинг кишидаги сезги органларини тараққий эттириши учун ҳам катта роль ўйнашини исбот қилиб берганлигини кўрамиз.

Сино машқларни: «Кичик ёки катта, жуда тез ёки секин, суст машқлар бўлади» - деган эди Тиб қонунлари китобида (314-315 бетларида).

Машхур рус адиби Л.Н.Толстой «Агар мушукларимни ишсиз қолдирганимда ахволим аллақачон ёмонлашган бўларди. Ана шу ишгина менга ширин уйғу, тетик кайфият бахш этади», - деб таъкидлаган эди.

Ўқувчиларни ижтимоий фойдали, унумли, жисмоний меҳнатга тарбиялашда жисмоний тарбия катта роль ўйнайди. Жисмоний меҳнат соғлом бўлишни талаб қиласди. Тўғри уюштирилган, яхши санитария-тигиена шароитларида қилинадиган жисмоний меҳнат сиҳат-саломатликни яхшилаш ва жисмоний ўсиш учун имкон беради.

Мактабда жисмоний тарбия ўқувчиларда асосий ҳаракат кўникмаларини (кучлилик, эпчиллик, тезкорлик, сабр-матонат) пайдо қиласди ва ривожланган ҳолда, ишлаб чиқариш таълими учун ҳам мустаҳкам замин яратади. Жисмоний тарбиянинг тарихий тажрибаси бақувват, чидамли, эпчил киши ўзига нотаниш ишни, меҳнат операцияларини ҳаракат қилишда озроқ кўникма ҳосил қиласди. Нимжон, суст, бесўнақай кишиларга қараганда тезроқ ўзлаштира олишини қўрсатади.

Ўқимишли, ҳар томонлама ўстган янги кишини, аъло спортчини тарбиялаб этиштириш учун мактаблар кенг имкониятларга эга.

Мактабда кучли ақлий меҳнат билан фаол жисмоний ҳаракатни бир-бiri билан оқилона боғлаб олиб бориш ўқиши жараёнини янада самаралироқ қиласди жисмоний тарбия дарслари бу соҳада етакчи ўрин эгаллайди. Дарснинг мазмуни мактаб режаси билан белгиланади. Бу дарсларда ҳар бир синф учун ўқув материали тегишли педагогик вазифалар билан белгиланади.

Ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва организмини чиниқтириш – мактабда жисмоний тарбия соҳасидаги асосий вазифалардан биридир. Жисмоний тарбия машқлари билан шуғуллангандагина соғлиқни мустаҳкамлаш ва организмнинг чиниқишига эришиш мумкин. Нафас олиш, юрак томир ҳамда организм бошқа системалари ва функцияларининг фаолиятига кучли таъсир қиласди. Мускуларнинг кўп қисмини ишга соладиган машқлардан фойдаланиш бу ишда алоҳида аҳамиятга эга. Шундай жисмоний машқларга: югуриш, сакраш, ирғитиш, чанғида юриш, сузиш, ҳаракатли ва спорт йўйинлари киради.

Ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамалашда мактабнинг машғулот режимида қўзда тутилган оммавий соғломлаштириш тадбирлари, чунончи ҳар қуни дарс бошланишидан олдин гимнастикা билан шуғулланиш, дарсларда жисмоний тарбия минути ўтказиш, катта танаффус пайтида очиқ ҳавода ўйинлар ва жисмоний тарбия машқлари ўтказиш, ўқув йилида оммавий жисмоний маданият-соғломлаштириш тадбирлари учун 6-7 кун вақт ажратиш, барча ўқувчиларни жисмоний тарбия бўйича синфдан ташқари ишга жалб қилиш тадбирлари катта роль ўйнамоғи керак.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

5. Инсонни тарбиялашда жисмоний тарбиянинг ўрни ва амалий аҳамиятини қандай тушунасиз?
6. Мактабда жисмоний тарбия нима учун амалга оширилади?
7. Жисмоний тарбияни амалга оширишнинг қандай шакллари мавжуд?
8. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

МАВЗУ: ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Режа:

4. Экологик тарбия ҳақида тушунча.
5. Мактабда экологик тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
6. Экологик тарбияни ташкил этиш шакллари.
 - а) дарсда
 - б) синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларда
 - в) оиласи

Таянч сўз ва иборалар: табиат китоби, мувозанат, атроф-муҳит, ижтимоий муаммо, миллий ва минтақавий, умумбашарий, экология, Э.Геккель, эҳтиёткорона муносабат, экологик онг, маданият ва ҳоказо.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумбашарий муаммосига айланган. Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча ҳалқларнинг манфаатларига мос бўлиб, ривожланишнинг ҳозирги қуни ва келажаги қўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир, - деб таъкидлаган И.А.Каримов (Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. 115-бет).

Атоқли педагог В.А.Сухомлинский «Болаларга жоним фидо» асарида «Мен болалар «Алифбо»сини очиб, биринчи сўзни ҳижжалаб ўқишлирага қадар аввал дунёдаги энг ажойиб китоб – табиат китобини мутолаа этишлигини истардим» - деб таъкидлаганидек, бу борада барча ишларни боланинг кичикилигиданоқ бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республика «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да: «Таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг экологик ва санитария-гиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш зарур» - деб алоҳида таъкидланган.

«Экология» юнонча сўз бўлиб, тирик мавжудодларнинг яшаш шарти ва теварак атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир. «Экология» атамаси 1866 йилда немис зоолог олими Э.Геккель томонидан кашф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида: «Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» ва 55-моддасида эса: «Ер ва ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умумий бойликлардир. Улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мудофаасидадир» - деб жуда ўринли таъкидланган.

Фуқароларда экологик маданиятни таркиб топтириш, уларга табиат, атроф-муҳит билан қандай муносабатда бўлишни ўргатиш ижтимоий педагогика назарияси ва амалиётининг энг долзарб мавзусига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, шу номда Давлат дастури, «Экологик таълим-тарбия концепцияси» нинг ишлаб чиқилиши, «Экосан» жамғармасининг тузилиши ва 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» ва 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон ва давлат дастури ишлаб чиқилиши экологик тарбиянинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга қаратилганлигини кўрамиз.

Аҳоли сонининг тез ўсиб бориши натижасида экологик ижтимоий муаммолар ҳам тобора ортиб бормоқда. Айниқса, аҳолини ер, сув, энергетика, озиқовқат билан таъминлаш ҳақидаги муаммолар бутун дунё ижтимоий муаммоларига айланаб бормоқда. Ер куррасида инсонинг фаровон яшashi энди экологик муаммоларни ечишга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Экологик муаммоларнинг илмий, иқтисодий, техник, гигиеник, юридик, эстетик, педагогик ва психологияк йўнали-

шлари мавжуд. Педагогик йўналишда экологик таълим ва тарбия бериш қўзда тутилади. Экологик таълим деганда аҳолига берилиши лозим бўлган табиат билан инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади.

Экологик тарбия эса инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам турли ёшдаги кишиларда атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборат.

Фуқароларда экологик саводхонлик ва маданият ижтимоий таълим-тарбия муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, меҳнат жамоалари, маҳаллий бошқарув органлари, ички ишлар ходимлари, прокуратура, суд, оммавий ахборот воситалари сингари шаклларда амалга оширилади. Экологик муаммоларни ҳал этишда аҳолининг ғалла майдонларини, мевали ва манзарали дарахtlарни мудофаа қилиш соҳасида қўплаб муаммолар мавжуд.

Фуқароларга экологик тарбия беришда миллий хусусият ва томонларга асосий эътиборни қартиш фойдали. Булар: сув, ер, тупроқ, ҳаво муқаддас хисобланган. Ота-боболаримиз: «Сув – табиат инъоми, ҳаёт манбаи», - деб бежиз айтишмаган. Маълумки ҳозир фақат 500 минг км³ га яқин чучук сув бор холос.

Маълумки, барча ёшдаги кишиларда табиатни муҳофаза қилиш ҳақида қимматли ҳаётий ғоялар халқ донишмандлигида асосланган. Масалан, «Соясида халқ фойдаланиб турган дарахтни кесиб юборган одамни тангри дўзахга маҳкум этур», «Деҳқончилик билан шуғулланинглар, деҳқончилик муборак касбдир. Унга қўриқчиларни қўпайтирганлар», «Қайси бир мусулмон экин экса ёки бирор дарахт ўтқазса, сўнг унинг мевасидан қуш ёки ҳвайвон еса, унинг экинидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садақа савоби ёзилади», «Экмоқ ниятида қўлингизда кўчат тутқазган пайтда бехосдан қиёмат қоим бўлиш аниқ бўлганда ҳам улгурсангиз, уни экиб қўяверинг», «Ким сув тошқинини тўхтатса ёки ёнгинни ўчирса, унга шоҳидлик ажри ерилади» ва ҳоказо.

«Тафаккур буюк фазилатdir ва одамнинг донолиги ҳақиқатни айтиша, табиатга қулоқ солган ҳолда унга мувофиқ ҳаракат қилишда» - деб таъкидлаган Гераклит.

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. 1911-1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори нуқта бўлиб, 53,4 метрни, шу даражалар 1994 йилда 32,5 метрга, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни (400 куб километрни) сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни (32,5 минг квадрат километр) ва минераллашуви даражаси бир литр сувда 10-11 грамм (у икки баробар ошганилигининг гувоҳимиз) га етган.

Оролнинг қуриб қолган тубидан чанг бўронлари 1975 йилдаёқ космик тадқиқотлар натижасида аниқланган. 1980 йилларнинг бошларидан буён бундай тўғонлар бир йилда 90 қун давомида кузатилмоқда. Чанг-тўзон узунилиги 400 км ва эни 40 км майдонга етиб бормоқда. Чанг бўронларининг таъсир доираси эса 300 кмгacha етмоқда. Мутахассисларнинг берган маълумотларига қараганда, бу ерда ҳар йили атмосферага 15-75 млн тоннагача чанг кўтарилади.

Орол денгизининг қуриб бориши муносабати билан халқаро, кенг кўламли аҳамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий-иктисодий ва десографик муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келди. Денгизнинг қуриб бориши ва мин-

тақанинг чўлга айланиб бориши билан боғлиқ фожеа бу ҳавзада яшаётган барча халқларнинг ижтимоий фожеасидир.

Мактабда ўқувчиларни экологик тарбиялашда бундай маълумотларни берабр бориш ўқитувчиларнинг асосий вазифаси бўлсоғи даркор.

Эндиликда атроф-муҳитга, табиат бойликларига эътиборсиз бўлиш бутун сайдерага жиддий зарар етказиши маълумлиги аниқ бўлиб қолди. Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатлар муаммоларини ечиш зарурияти туғилди. Ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш, табиат, атроф-муҳит билан қандай муносабатда бўлишни ўргатиш педагогика назарияси ва амалиётида дол зарб муаммога айланди.

Айниқса, умумтаълим мактабларида мактаб партасиданоқ табиатта муҳаббат руҳида тарбия беришга астойдил кириши зарурлигини кўрсатади.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳозирги замоннинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолганлиги ўқувчи онгига сингдирилади. Ҳақиқатдан ҳам табиий бойликлардан ҳаддан ташқари қўп даражада фойдаланиш, янги ерларни режасиз ўзлаштириш оқибатида, экологик мувозанат кескин ўзгарди, атроф-муҳит ифлосланди. Айниқса, пахта якка ҳокимилиги, қишлоқ ҳўжалиги ишларининг нотўғри режалаштирилганлиги, кимёвий ўғитлардан меъёрдан ортиқ ишлатилиши табиат кушандаларининг қўпайишига сабаб бўлди. Бу ҳол ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёсига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Экологик тарбия инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялаштириш.

Экологик таълим-тарбия мактабда барча фанларни ўқитишида амалга оширилиши қўзда тутилади. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам ёш авлодда атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Бизнингча, умумий ўрта таълим ва бошқа муассасаларда экологик тарбия беришни тарбиялашнинг мазмуни қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- атроф-муҳит ва унинг шахс маънавий дунёсига таъсири;
- табиат ва унинг аҳамиятини англаш;
- табиатта муҳаббатни шакллантиришда мактаб ва оиланинг ҳамкорлиги;
- ўз тумани, шаҳарини, қишлоқ ва мактаб ҳовлисини қўкаламзорлаштиришда, ҳатто синф хонасидаги ўсимликларни ҳам парваришлашга қизиқишларни;
- оиладаги, мактабдаги табиатни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини эъзозлашга ўргатиш, жонивор ва қушларни парвариш қилиш;
- табиатта онгли муносабат жараёнда ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантириш;
- ёшлини экологик тарбиялашда миллий анъана ва удумларни қайта тиклаш, уларга эътиборни кучайтириш.

«Авесто»да кишиларни экологик тарбиялаш бўйича қўйидаги тадбирлар белгиланган:

- Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир.

- Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи уриш жа- зосига маҳкумдир.

Ота-боболаримиз азал-азалдан табиатта юксак меҳр кўрсатишган. Юртни обод этишган, кўчаларни, ҳайлиларни саришта қилишган. Халқимизнинг табиатга муносабати: уруғ қадаш, қовун сайли, сув сайли, узум сайли, ҳосил байрами, гул байрами, Наврӯз байрами каби анъана, удум ва одатларида ўз аксини топган. Мазкур анъана, урф-одат ва қадрияларни такомиллаштириш бугунги қуннинг энг асосий вазифаларидандир.

Мактаб ўқувчилари экологик тарбия жараёнида қўйидагиларни билишлари зарур:

- табиат ҳақида тушунча, табиий муҳит, табиий омиллар ва улар орасидаги боғланиш;
- табиат бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш;
- атроф-муҳитни ифлослантиришдан сақлаш;
- табиатни келажак авлодлар учун табиий ҳолда қолдиришга интилиш.

Умуман умумий таълим мактаб ўқувчиларининг экологик таълим-тарбияси қўйидаги тузилиш ва тизимда олиб борилса унинг самарадорлиги таъминланади: экологик ҳис-туйғу, экологик идрок, экологик тасаввур, экологик тушунча, экологик билим, маълумот, кўникма, малака, одат, экологик маданият (маҳорат) ва ҳоказо.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

5. Экологик тарбия нега тарбиянинг таркибий қисми бўлиб қолди?
6. Экологик тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
7. Экологик тарбияни ташкил этишининг қандай шакллари мавжуд?
8. Нима учун экологик онг, маданият, кўникма ва одатлар тарбияланади?

МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

Режа:

4. Инсонни шакллантиришда иқтисодий тарбиянинг педагогик аҳамияти.
5. Мактабда иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
6. Ўқувчиларга иқтисодий тарбияни олиб боришнинг шакллари:
 - а) дарс жараёнда
 - б) синфдан ва мактабдан ташқари ишлар тарбиявий ишлар жараёнида
 - в) оиласда

Таянч сўз ва иборалар: иқтисодий таълим-тарбия, ҳисоб-китоб, иқтисодий тафаккур, маблағни тўғри сарфлаш, хасислик, бебошлиқ, барча нарсаларни қадрлаш, қашшоқликка тушмаслик, исроф ва ҳоказо.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда ёшларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш айниқса жуда муҳим. Аввало ўқувчилар иқтисодий тарбия ҳақида мукаммал, тўла тушунчага эга бўлмоғи даркор. Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва айни вақтда шу кабилар ҳақида фикрлай олиш қобилиятини камол топтиришдир. Иқтисодий тарбия мазмуни Шарқ мутафаккирлари томонидан асосли бойитиб келинди. Чунончи, Муҳаммад Ибн Сусо Ал-Хоразмий математика фани инсон ҳаётида асосий ўрин тутишини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, киши ҳисоб илмини билиши ва ўз ишига пишиқ бўлиши керак. Шунда у ўз меҳнатининг натижаларини ўлчовлар орқали аниқлай олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да: «Таълимнинг барча даражалари таълим олувчиларнинг иқтисодий таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш», зарурлиги (45-бет) аълоҳида таъкидланган. Баркамол инсон аввало иқтисодий тарбия олмоғи шарт. Чунки иқтисодий тарбиясиз, унга боғлиқ қўникмаларсиз, одатларсиз ҳақиқий мукаммл инсон бўлиши мумкин эмас. У энг аввало ўз меҳнати ва бошқалар меҳнатини қадрлайдиган, уни ҳаётда тадбиқ қилишнинг таълимий асосларини илмий билмоғи зарурдир. Иқтисодий тарбия иқтисодий таълим негизида қурилади. Тарбия эса кундалик турмушда юқоридаги сифатларни қўллаш жараёнида ўз ифодасини топади. Бу муаммо эса бошланғич синф ўқувчиларида ўзига хос тарзда, яъни содда шаклда ташкил этилади. Чунки кичик ўқувчиларда иқтисодий маълумотни, маданиятни, онгни, қўникма ва одатларни бирданига таркиб топтириш мумкин эмас. Шунинг учук кичик ўқувчиларда дастлаб иқтисод ҳақида тасаввур, тушунча ва уларни турмушда қўллаш билан боғлиқ қўникмаларни таркиб топтириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Кичик ўқувчиларнинг баркамол инсонга хос бўлган иқтисодий билимлари босқичма-босқич улар ёшининг ортиб бориши билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этилади. Иқтисодий онг, маданият бирданига таркиб топтирилмайди. Ўқувчиларнинг бу соҳадаги тасаввурлари бевосита таълим жараёнида таркиб топтирилиб боришни талаб этади. Бундай масъулият бошланғич синф ўқитувчиси зиммасига тўғри келади. Бу иш бошланғич таълимнинг тўрт йилли даврида амалга оширилади.

Тежамкорлик. Абу Наср Форобий «Баҳт-саодатга эришиш ҳақида» асарида шундай ёзади: «Инсон ўз маблағини тўғри сарфлашни билиши керак. Пул сарфлашда қизғанчиқлик қилиш, хасисликка олиб келади. Пулларни режасиз ишлатиш эса инсонни бебошлиқка етаклайди». Кўриниб турибдики Шарқ мутафаккирлари мактаб ва оила шароитида болаларнинг иқтисодий тафаккурини кенгайтириш, уларни тежамкорликка, ташаббускорликка, ишбилармонликка, иқтисодий ҳисоб-китобга ўргатишни ҳаётий тажриба асосида амалга ошириш лозимлигига асосий эътиборни қаратгандар.

«Эй фарзанд, ўзингни мол жам этмоқдан ғофил тутмагил ва лекин ҳар нарсанни этмак тиласанг жаҳд қилғил, токи ҳалоллик била жам бўлсин ва ҳамиша сен-

га боқий ҳамда ёқимли бўлсун. Агар молинг кўп бўлса, уни тақдир ва тадбир била ишга яратғил. Нединким, тақдир ва тадбир била яратган озгина мол тақдирсиз ва тадбирсиз кўп молдин яхшидур. Агар мол оз бўлса, ҳам яхши сақламоқни вожиб билғилки, ҳар киши оз нарсани сақлай олмаса, кўп нарсани ҳам сақлай олмағувсидир. Ҳар нарса қўлингта тушса, бир тангадин икки ҳиссани қарилиғ ва ожизлиғ вақтининг зарурий ишларига эҳтиёж учун эҳтиёт қилиб қўйғил, ва ундин кўз юмиб асло унга қўл урмагил. Қолган икки ҳиссани ўзингнинг зийнат ва асбобингта сарф этгил» (Қобуснома. 70-72 бет).

«...Оlamдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлари илиа ўлчанур» - деб Абдулла Авлоний ўринли таъкидлаган. (А.Авлоний. Тошкент тонги. F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрияти. Т., 1979 й, 267-бет).

Халқ онтига сингиб кетган «Иқтисод билан ишлаган кишилар фақир бўлмаслар» деган ҳадис бор, унга қуийдагича изоҳ бериш мумкин: «Кишимига қараб чиқимини тута билмаган киши бор давлатини битириб, охири хўрликка тушгани ҳолда, кишимига қараб чиқимини тута билган киши бой бўлмасада, ўзини фақирликдан сақлай олади». (Юз бир ҳадис. Т., «Мехнат», 1991 й, 38-бет). Демак, иқтисоднинг яхши ёки ёмонлиги тежамкорлик билан бевосита боғлиқдир. Бас, шундай экан болага оиласда иқтисод, кишим-чиқим моҳияти ҳақида таълим-тарбия бериш керак.

Бу ишни ўқувчи бевосита мактаб таълими даврида олади. Шунинг учун ўқувчида илк иқтисодий тушунча асослари ва кўникмаларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор берилиши шу қуннинг муҳим муаммоларидан биридир.

Мол жам этарда баҳиллик қилмағил, бу бадбаҳтликнинг шогирдиdir. Ўзингта ранж берғил, яъни ўзинг машаққат тортғил, нединким мол қийинчилик билан йифилади ва қоҳиллик била йўқ бўлур. Донолар дебдурларки: «Ҳаракат қилинг то ободон бўлғайсизлар ва озга қаноат қилинг, токи молларингиз кўп бўлғай, юмшоқ табиатли ва ширин сўзли бўлинг, дўстиниз кўп бўлғай». Демак, кўп ранж била топилғон ганжни (бойлик) ғафлат ва қоҳиллик била қўлдан бермоқ ақлли кишининг иши эмасдур. Қашшоқ бўлғандин сўнг ҳар қанча пушаймон бўлса, суд (фойда) қилмайдур. Демак, молинг барқарор бўлгунча машаққат устига машаққат чекғил, сен бундан баҳраманд бўлғайсан.

Бироқ мол ҳар қанча азиз бўлса ҳам, уни дўстлардин дариг тутмағил. Ҳар ҳолда молингни гўрингта олиб бормагунгдур. Аммо даромад на ҷоғлиқ бўлса, харжинг ҳам ул миқдор бўлсун. Шунда сенга қашшоқлик машаққати юзланмағай. Ҳар кишики харжини даҳлидин оз қилса, ҳеч вақ қашшоқ бўлмағай.

Донишманлар дебдурларким, ҳеч бир ишда исроф қилмағил, исроф қилувчи барча вақт зиёнкордур. Аммо тирикчиликни талх қилгудек қаттиқлиқ қилмағил. Рўзгорингнинг зарурий ишларида таҳсир нуқсон кўргузмағил. Жонингга жабр қилмағил: мол ҳар нечаким азиздур, аммо жонигдан азиз эмасдур. Алқисса, жаҳд этиб йифилган молингни баҳларнинг қўлига топширмағил ва шаробхўр, қиморбозларга эътимод қилмағил. Мол жам этмақда хато қилмағил, ҳар одам ўз ишида хато қилса, саодатдин маҳрум бўлғай ва муддаоларда бебаҳра қолғай, нединким, роҳам меҳнатдадур. Шундоқки, бугуннинг роҳати кечаги меҳнатнинг натижасидур.

Молингдин мустаҳиқларга (муносиб, лойик) едурғил. Ўзгаларнинг молидин таъма қилмағил, токим барча халойиқнинг яхшироқ ва азизроғи бўлғайсан. Молингни ўзгаларнинг моли деб билғил, ўзгаларнинг молин ўз молингдин зиёдроғ билғил, токи омонатга хиёнат қиласлиқ, тўғрилик била халққа машхур бўлғайсан (Қобуснома. 70-72 бет).

«... Ҳар ишнинг бир сабаби бордир. Аммо қашшоқликнинг сабаби исрофдир. Исроф фақат молни сарф қилишгагина эмас, овқатда, кишининг қизиқишилари, нутқида ҳам исроф бўлади, исроф танни алдайди, нафсни ранжиради, ақлни қочиради ва тирикни ўлдиради».

Исроф сўзининг лугавий маъноси бу – молни гуноҳ ишларга сарфлаш ёки ўзи ва бола-чақаси учун ҳеч нарса қолдирмай, бор-йўғини майдада-чуйда, икирчикирларга сарфлаб юбориш маъноларини англатади. Исроф – у қайси кўринишда бўлмасин кишининг бор-йўғини совуради, яксон қиласи, деган фикр илгари сурилган (Ал-адаб ал-муфрат. Имом Исмоил ал-Бухорий. 131-бет).

«Яхши сайрат, чиройли ҳайъот ва ҳар бир ишда иқтисодчилик етиши ҳислатлардан бир бўлагидир» (216 бет, 468 ҳадис). Яна бир ҳадисда «Сизларнинг учта ишингиз учун оллоҳ таоло рози ва учта ишингиз учун ғазабда бўлади. Молни ноўрин ерларга сарф қилиб зое қилганинг шуларнинг биттасидур, дейдилар» (206 боб, 131 бет). Марказий Осиёлик олим Розоуддин ибн Фахриддин одоб-ахлоқ тушунчасига оид «Катталарга насиҳат» асарининг сўнгги қисми «Бутун аъзоларингизни гуноҳлардан сақланг, дейилади унда, - инсоф, адолатни ўзинизга раҳбар қилиб олинг. Пул, мол дунёнгизни тежаб сарф этинг, исрофгарчиликка йўл қўйманг. Бирордан қарздор бўлсангиз, ваъда қилған кунингизда топширинг», деб таъкидланади Қобусномада. Ҳақиқатдан ҳам инсон мол, маблағ, бойлик учун ўзини хавф-хатарга қўймаслиги шарт. Албатта ҳар бир инсон учун мол, маблағ, бойлик зарур, бу ҳаётнинг талаби. Аммо уни топишида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган қоидаларга риоя қилиш оиланинг, давлатнинг, жамиятнинг ривожланишига тўсиқ бўлмаслиги даркор. Бу соҳада тадбиркорлик, ташаббускорлик, ҳалоллик, адолат, ҳалқ, давлат манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилса самарали натижалар келтиради.

Ўқувчиларга иқтисодий тарбия аввало дарс жараёнида сингдирилади. Ўқитувчи қайси синфда қайси предметдан дарс беришидан қатъий назар ўрганилаётган материалнинг мазмунидан, унинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқувчиларга иқтисодий таълим, тарбия элементларини сингдириб, керакли кўникма, одатлар ҳақида маълумот беради. Масалан, адабиёт, тарих, география дарсларида бирор ёзувчининг асаридаги мазмунни баён қилишда мазкур маҳсулотни ёки бойликни ишлаб чиқарувчилар меҳнати эвазига бунёд бўлаётганлигини, улар меҳнатини қадрлаш, меҳнат аҳларини хурматлаш ҳар бир одамнинг ўз меҳнатини қадрлашлигини бадиий образлар воситасида ўқувчилар онгига сингдирилади. География курсини ўқитиши асосида табиий бойликлар, уларнинг турлари, уларнинг давлат ривожидги ҳиссасини уқтириш орқали мазкур бойликлар ҳар бир кишига керак эканлигини, уларсиз инсон ҳаёти фаровон бўлиши мумкин эмаслигини тушунтиради. Ўқувчи мазкур фанлардан олган билимларини қиёслаб, таққослаштириш аасосида биринчи навбатда ўз меҳнатини, сўнг ўзгалар меҳнатини қадрлашга ўрганади. Шу асосда ўқувчиларда иқтисодий маълумот,

кўникма ва одатлар таркиб топади. Ўқувчиларни иқтисодий тарбиялашда синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий тадбирлар самарали таъсир кўрсатади. Масалан, «Моҳир қўллар» тўгараги иштирокчилари ўқитувчи-уста раҳбарлигига турли хил буюмлар, кийим-кечаклар, ўйинchoқларни тайёрлаш билан боғлиқ кўникмаларни ўрганадилар, яъни бирор бир маҳсулот ишлаб чиқаришни ўрганадилар. Ана шу маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаса одамлар уларни бозордан харид қилишлари зарур бўлади. Демак, ишлаб чиқарган буюмлар кишиларнинг шу соҳага бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиради, яъни таъминлайди. Хуллас, бу маҳсулотлар маблағ, яъни пул ҳосил бўлишига асос солади. Пул эса ўз навбатида ўқувчиларни иқтисодий фикрлашга ва шу ҳақда тўғри холоса чиқаришга ундайди.

Ёки мактабдан ташқари бирор завод ё фабрика ё корхонада ишлаб чиқариш жараёни билан ўқувчиларни танишириш орқали уларнинг мазкур соҳалар бўйича тасаввур, билим, маълумотларини такомиллаштиради. Қайси соҳа бўлмасин у давлатнинг, кишиларнинг қундалик турмуши, ҳаёти билан боғлиқлигини англайди. Мазкур соҳанинг иқтисодий имкониятлари ва ўз навбатида одамларнинг шу соҳага бўлган эҳтиёжини ўқувчилар ўрганиш, кўриш, кузатиш жараёнида ўзларининг иқтисодий маълумотларини ошириб боришади. Буларнинг барчаси ўқувчиларни иқтисодий тарбиялашда ижтимоий аҳамиятта эга. Ўқувчиларни иқтисодий тарбиялаш оммавий ахборот воситалари, театр, кино, саёҳатларни, кўргазмаларни ташкил қилиш сингари манбалари мавжудки, уларсиз фуқароларнинг иқтисодий маданиятини, тафаккурини, онгини ва уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш масаласини ҳал этиш мушкул.

Оилада тежамкорлик тарбияси. Пул ҳам тарбиялайди. Бунгта бефарқ қарамаслик даркор. Пул муомаласига менсимай қараш, кўпинча икки томонлама муаммога олиб келади. Текинхўрлик ва оиланинг иқтисодий қийинчиликларини билишни истамаслик одати тарбияланади. Иккинчидан, пул очкўзлик, пул жамғаришга интилишни тарбиялаши мумкин. Илк ёшлиданоқ болани оиланинг хўжалик ишлари билан танишириб бориш зарур. Бола оила маблағини билиши, оила ҳаётининг бир ойлик, бир кунлик «тахминий сметасини» билиши лозим. У асосий озиқ-овқатларнинг – нон, ёғ, сут, гўшт, балиқ, сабзавот ва бошқаларнинг нархини билиши керак. Бола камолга етиб борган сари уни буюмлар (кийим, пойафзал, телевизор ва ҳоказоларнинг) қиммати билан танишиб бормоғи лозим. Агар ота-она қўшимча иш олиб ишлаетган бўлса, бола шуни тушуниши керакки, онаси ва отаси оилада ҳамма яхши яшаши учун меҳнат қилаётти. У шундай мантиқни тушунмоғи лозим: Ҳар ким оила ҳаётини яхшилашга ўзининг қўлидан келган ҳиссасини қўшиши керак. Бола сизга қанча эртароқ ёрдам бера бошласа, шунчак яхши бўлади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар.

5. Нима учун инсонни шакллантиришда иқтисодий тарбия тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади?
6. Мактабда иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
7. Иқтисодий тарбияни амалга оширишнинг қандай шакллари мавжуд?
8. Нега ўқувчиларда иқтисодий кўникма ва одатлар тарбияланади?

МАВЗУ: ЎҚУВЧИЛАР ЖАМОАСИНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ЎҚУВЧИ ШАХСИГА ТАЪСИРИ

Режа:

1. Жамоа ҳақида тушунча ва жамоа тарбиячисининг назарий асослари.
2. Жамоанинг тузилиши ва турлари. Жамоа органлари ва уларнинг визифалари.
3. Жамоанинг ривожланиш жараёни ва босқичлари.

4. Болалар жамоасини ташкил қилиш ва тарбиялаш йўллари, жамоанинг шаклланишида фаолият ва муносабатларнинг ўрни.
5. Жамоада ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадларни қўйиш.
6. Жамоа муносабатларининг хилма - хиллиги. Ўзаро масъулиятли муносабатлар.

Таянч сўз ва иборалар:

Ўқувчилар жамоаси, ижтимоий мақсад, фаолият, орган, бошқарув, Марказий Осиёда, расмий, норасмий, масъулият, анъана, истиқбол, ривожланиш босқичлари, параллел таъсир қўрсатиш, ривожланиш даражаси, ҳамкорлик, ўзаро ўрдам, ўйин, активлар, жамоанинг шахсга таъсири ва х.к.

"Ўз табиатига қўра ҳар бир инсон шундай тузилганки, у ўзининг яшапи ва олий камолотта эришиши учун кўп буюмларга муҳтож бўлиб, бу буюмларни у ёлғиз ўзи етказиб бераолмайди ва уларга эришиш учун инсон кишиларнинг қандайдир ҳамжамият бўлишга муҳтожки, ҳар бири алоҳида тарзда унга муҳтожлик сезиб турган бу кишиларнинг ҳар бири нарсаларнинг жамидан бирон - бир буюмни етказиб беради", -деб таъкидлаган А.Н.Форобий.

"Агар сизлар тарқоқ ҳолда бўлсаларингизда, душманларингиз" худди ховузга тушгандек қон дарёларингизда сузадилар". Иттифоқлиқда гап кўп. Агар фикрларингиз итфоққа келиб, орзу - ҳавасингиз бир бўлса, - деб таъкидлаган эди А.Темур бобомиз - фарзандларингиз улгайиб, душманларингиз мағлуб бўладилар", - деб таълим берган.

А.Н.Форобий ҳам, шаҳар турмуш тарзини жамоанинг етуклик шакли сифатида талқин қиласи. Унинг фикрича, ҳар бир киши ўз тарбиятига қўра олий даржадаги етукликка эришиши учун фақат шаҳар жамоаси орқалигина эришилади. Унгача маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамқакат) шундай бўладики, бу мамлакатда ҳар бир одам касб - хунарда озод, ҳамма баравардир, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб - хунари билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод яшайдилар.

Инсоннинг яратувчанлиги икки хил:

Моддий маданият моддий фаолиятнииг барча соҳалари - меҳнат қуроллари, тураг - жой, қундалик турмуш буюмлари, кийим - кечак. транспорт, алоқа воситаларини ўз ичига олади.

Маънавий - маданиятга ақлан ва маънан яратувчанлик соҳалари - билим, ахлоқ, таълим - тарбия, хуқуқ, фалсафа, нафосат, фан, санъат, адабиёт, фолклор, дин ва ҳоказолар киради.

А.Иброҳимов. "Ватан туйғуси". 1996 йил, 115- бет.

Форобий бир - бирига ўзаро ёрдам қўрсатиш ва инсоний бурчни бажариш кишиларни саховатли қиласи, инсон бошқалар ёрдамида улар билан қўшничилик алоқаларини ривожлантирган тақдирдагина камолотта эришиши мумкин деб таъкидлар экан, кишиларнинг бирлашишини, уларнинг ўзаро ёрдами ва ҳамкорлиги - бу ҳаётнинг воситаси, камолот ва саховатта эришиш эса бу ҳаётнинг мақсади деб ер юзидағи барча кишиларнинг тинч - тотув ва иноқ оилада яшашини орзу қиласи эди.

Жамоанинг тузилиши

Хозирги замон мактабида тарбияловчи жамоанинг бутун бир системаси: синф жамоаи, қизиқишилар бўйича жамоалар, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари, мактаб ўрмончилгик, меҳнат ва дам олиш лагерлари, ёшлар ташкилоти жамоалари каби шакллари мавжуд.

А.С.Макаренко ўз асарларида жамоаларнинг белгиларини баён қиласди. Унинг кўрсатишича, жамоа - омамларнинг қуийдаги асосларида бирлашувиdir.

5. Ижтимоий қимматга эга бўлган мақсадлар.
6. Уларга эршипиш соҳасидаги биргалиқда кўрсатиладиган фаолият.
7. Жамоа аъзолари ўртасида ўзаро маъсулиятли муносабатлар.
8. Ўзини – ўзи бошқариш органларининг тузилиши.

Тарбияловчи, жамоа педагоглар учун тарбия обеъкти бўлиб, педагогик ишларнинг бутун моҳияти жамоаларни ташкилий жиҳатдан шакллантириш, тарбияланувчиларни тегишли интизом доирасида сақлашдан иборат бўлмай, балки А.С.Макаренко қайд қилганидек, болаларнинг мазмунли ҳаётини ташкил этишдан, чинакам бой ижтимоий ва жамоа муносабатларини шакллантиришдан иборат. Жамоада болалар ҳаёти қувончи, қизиқарли, меҳнат ва билим фаолияти, романтика ва ўйин жўш уриб турадиган бўлиши керак.

Жамоанинг расмий структурасидан ташқари унинг норасмий структураси ҳам мавжуд. Бошланғич жамоадаги биргалиқда олиб бориладиган фаолият жараёнида муомала ва дўстлик негизида кичик гурухлар вужудга келади. Бундай кичик гурухлар кичик норасмий гурухлар деб аталади.

Синф жамоаида бир неча норасмий гурух бўлиши мумкин. Гурухлардан бирортаси жамоа фаолиятининг барча турларида етакчи бўлиши, бошқа гурухлар эса ўзига қизиқарли ва ўз талабларига мос келадиган фаолиятидаги етакчи бўлиши мумкин. Ҳар бир гурухда айтгани-айтган, дегани-деган болалар бўлади. Худди шулар етакчи бўлишади.

Кичик норасмий гурухлар ўз таркибий қисми бўйича кўпгина барқарор бўлишмайди. Кичик гурухдаги муносабатлар бирор сабабга кўра бузилиб қолса, гурухга тарқалиб кетади ёки бაъзи болалар ундан чиқиб кетади. Халқда бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар. Айрилганни айик ер, бўлинганни бўри ер. Куч бирлиқда. Бир чўпни синдириш мумкин, қўпини ҳатто эгиб бўлмас, деган хикмат мавжуд.

Бошланғич жамоа структураси

Бошланғич жамоанинг структураси анча мураккабдир. Жамоанинг расмий ва норасмий структураси мавжуд.

Бошланғич жамоа жамоанинг расмий структурасини ташкил қиласди. Мактабда тарбияловчи жамоа структурисида синф етакчи роль ўйнайди. Бошланғич синф жамоаида: ўқувчиларнинг хилма - хил фаолияти рўй бериб, бу ерда улар фаолият ташкилотчилари ролини ҳам, ижрочилар ролини ҳам бажаради. Ҳар бир синфда бошланғич жамоалари бўлади. Мактабда қизиқишилар бўйича ишлаб чиқариш бригадаси, мактаб ўрмончиллари, спорт секциясида биргалиқда фаолият кўрсатиш бўйича бошланғич жамоалар бўлади. Мактаб ўқувчиси айни вақтда - турии жамоаларнинг аъзоси бўлиб, уларнинг ҳар бирида

ижтимоий хулқ - атворт тажрибасини хилма - хил билимлар ва малакаларни эгаллаши мумкин.

А.С.Макаренко бошланғич жамоаларга биринчи даражаси аҳамият берган әди. Бошланғич жамоа - умумий жамоанинг бир қисмини ташкил қилувчи болаларнинг ёнг камсонни группасидир.

Мактабларда бошланғич жамоаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришта эътибор берилади.

Бошланғич жамоа ҳаётини қувноқ қилиш лозим, бироқ бу қувонч оддий кунгил очиш, хурсандчиликдан иборат бўлмай, балки жиддий меҳнат қувончи бўлмоғи лозим. Белгиланган истиқболлар ўқувчилардан маълум бир ирода кучни, ақлий ва жисмоний куч ишлатишни, ташаббус кўрсатишини талаб этиши керак.

Вазафа етарлича мураккаб ва қийин бўлиши лозим, ишлар жуда осон бажарилса, улар ўқувчиларни қийинчиликларни енгишга, ўз кучларини баҳолашга ўргатмайди; бу болалар жамоанини ривожланишига салбий таъсири этиши мумкин. Жамоа доимо фаолиятда бўлиши учун унинг олдига янги, қизиқарли истиқболлар қўйиш керак.

Ўқиши - ўқувчи фаолиятининг асосий тури. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилар жамоаи фаолиятини ўзлаштиришни юқори кўтариш учун курашга йуналтиришда иборат. Бу вазифа асосан дарсда ҳал этилади, бироқ синфдан ташқари пайтларда ҳам ўқувчилар олдига уларда фанга, санъатга, техникага, амалий ишларда қизиқишиш уйғотиб бориш зарур.

Тарбияда ҳаммаси - дарс ҳам, дарсдан ташқари вақтда болаларнинг ҳар томонлама қизиқишлигини ўстириш ҳам, жамоада тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабати ҳам асосий масаладир.

"Жамоани тарбиялаш ишини самимий очик қўнгиллик ва қатъий ишонч билан қўйиладиган талабларсиз ҳал қилиб бўлмайди, бу иш ҳамиша талаблардан бошланади" - деган әди А.С.Макаренко.

Жамоани ташкил этиши ва жинслаштиришда таянч ядро - активни тузиш ва у билан ишлашни йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга. Бу тўғрида А.С.Макаренко бундай деган әди: "Мен ана шу ўғил болалар ва қизларда жуда қўп камчилик борлигига қарамас этим, тезроқ менинг талабларимни ўз талаблари билан қўллаб - қувватлаб, умумий йиғишлари, гуруҳларда ўз фикри билан баён этувчи активистлар гуруҳини тўплашга интилар эдим".

"Ўйин ўйнамайдиган болалар жамоаи чинакам болалар жамоаи бўлмайди".

Куйи синф ўқувчилардан ташкил топган колективда ишни яқин истиқболларни қўйишдан бошлаган маъқул. Масалан: синф хонасини тартибга келтириш, шаҳар ташқарига сайр, заводга экскурсияга бориш, кино, спектакл кўриш.

Ўқувчиларда жамоаизмни тарбиялаш - бу аввало синф бошланғич колективини тарбиялаш, ўқувчилар ҳамда синф жамоаи ўртасида тўғри ўзаро алоқаларни ўрнатишдан иборат.

Қўп ўқитувчилар ўқувчилар жамоаида ташаббускорлик йўқлигидан, ҳамма нарсани зўрма - зўраки бажартириш керак, деб зорланадилар. Бироқ чинаккам ташаббускорлик бирданига юзага келмайди. Бунинг учун аввало болаларни қазиқтирадиган колектив фаолият умумий мақсадга эришиш учун курашиш

тажрибаси, шахсий манфатларни жамоа манфаатларига бўйсундириш тажрибаси лозим. Ўқувчилар олдига қўйилган талабларнинг мураккаблашиб бориши, бу талаблар характерининг ўзгаришиб бориши. ўқувчиларнинг бир - бирига қўядиган талаблари билан уларнинг ўзлари қўядиган талаблари билан ўзгариб бориши ётади, ўқувчилар жамоаси тараққиёти босқичлари бир неча босқичдан иборатdir. Биринчи босқич. Бу босқичда ҳали жамоа тузилмаган, ҳали (жамоа) актив ажралиб чиқмаган, таркиб топмаган бўлиб, бу даврда жамоанинг шахс олдига қўядиган талаби ҳам мавжуд бўлмайди, ҳар бир ўқувчи фақат ўзи учун жавоб беради, ўқувчилар ҳали ўз ўртоқларига талаб қўя олмайдилар. Шунинг учун жамоа тараққийсини бу босқичида ўқитувчининг талаблари қатъий, мустаҳкам, изчил, принципиал бўлмоғи лозим. Ўқитувчи ўқувчилар олдига юксак талаблар қўйиб бориш билан бирга, ўз атрофига актив ҳам тўплаб боради. Шундай қилиб, биринчи босқичда педагогларнинг асосий вазифаси келгусида жамоа ядроси бўла оладиган активни аниқлаш ва тузишдан иборат бўлмағи керак.

Актив - ўқишига қизиқувчи, синф, мактаб обрўйини сақлаб қолишга ҳаракат қилувчи, ўқитувчининг талабларини қўллаб - қувватловчи ўқувчиларdir.

Иккинчи босқич. Бу босқичда ўқитувчиларнинг актив билан иш олиб бориши, уларни жипслаштира олиши, уларни ишлашга, жамоа ишининг ташкилотчилари бўлишга ўргатиш билан характерланади. Бунинг учун тез - тез актив йиғилишларини ўтказиб туриш, айрим муҳим масалалар юзасидан семинарлар ўтказиш ва активлар ичидан раҳбарлик ишларига баъзи ўқувчиларни ажратиш зарур, активистлар олдига доимий суратда иш ва интизомга доир даражадаги талаблар қўйиб бориш зарур, бошқаларга нисбатан улардан қўпроқ талаб қилиш керак.

Педагог активлар эътиборни уларнинг жамоа органлари билан иш олиб боришларига қаратиши лозим. Бошланғич жамоалар ҳар бир шахсга таъсир ўтказувчи сифатида мустаҳкамланган тақдирдагина, актив жамоалар барча аъзолари билан муваффакиятли иш олиб бора олади. Бу босқичда ўқитувчининг асосий вазифаси активни жамоа органлари билан ишлашга ўргантиш, бошланғич жамоаларни мустаҳкамлашдан иборат бўлади.

Учинчи босқич. Жамоа ҳаётининг юксалиши, жамоа муносабатларининг таркиб топиши, жамоанинг шахста таъсир курсатиш даври бўлади. Бу босқичда ўқувчилар жамоа бўлиб турли хил жамоатчилик фаолиятлари таъсирида кучаяди. Учинчи босқичда ўқитувчи ва активларнинг талабларини қўпчилик ўқувчилар қувватлайдилар. Ўқитувчи талаблари олдинги босқичлардагидек бўлади Ўқитувчи шахста бошланғич жамоа орқали таъсир кўрсатади. Бу хilda таъсир кўрсатиш натижасида ҳам шахс, ҳам жамоа тарбияланади. Бундай методни А.С.Макаренко параллел таъсир кўрсатиш деб атаган.

Ҳар бир шахсга алоҳида - алоҳида қўйилган талаб ўқитувчининг ўқувчиларга қўядиган умумий талабларидан ҳам сезиларлироқ, таъсирироқ бўлади.

Гўртингчи босқич учинчи босқичнинг давоми ҳисобланади. Бу босқичда педагогик вазифалар мураккаблашади. Жамоанинг алоҳида шахста таъсир курсатиш доираси анча кенгаяди. Бу босқичда жамоа муҳокамасига барча

масалаларни, жумладан интизом, ўзлаштириш турмуш масалаларини қўйиш мумкин.

Болалар жамоаини тараққий эттиришнинг бу юксак босқичида бутун жамоа айрим - айрим шахста талаблар қўяди. Бунда ўқувчиларнинг ўзларига кўядиган талаблари бошқаларга қўядиган талабларига нисбатан юқори бўлади. Жамоа ва шахс фақат тарбия субъектигина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга тарбия обьекти ҳам ҳисобланади. Бу босқичлар жараёни билан жамоани тараққий эттириш ва жамоа аъзоларига тарбия бериш тугамайди.

Жамоанинг босқичлари билан тараққий эттирилиши жуда мураккаб, зиддиятли чинакам диалектик процессдир. Жамоадаги айрим шахслар жамоа тараққиётидаи ўтиб кетиши ёки ундан орқада қолиши мумкин. Жамоани тараққий эттиришнинг бу босқичлари ўртасига чегара қўйиш, ажратиш мумкин эмас. Жамоани тараққий эттиришда ўқитувчининг роли жуда катта. У жамоа тараққиёти қонунларини яхши билса, унинг ҳаракатини тезлаштириши, билмас уни сусайтириши мумкин. Жамоани тараққий эттиришнинг ҳар бир босқичи ўзининг бошқа босқичларидан фарқ қиласидан хусусиятларига эга. Масалан: Жамоани тараққий килдиришнинг иккинчи босқичида ўқитувчининг асосий вазифаси актив билан ишлаш бўлса, ундан кейинги босқичларда эса ўқитувчи "ўртача" ўқуйдиган ўқувчиларни актив ўқувчилар қаторига ўтказиш учун улар билан кўп иш олиб боради. Тараққиёт босқичларининг ҳар бирида ўқитувчи шу босқичга мос бўлган иш методикасини қўллаши керак бўлади. Масалан: у биринчи босқичда жамоани бевосита бошқриб боради, кейинги босқичларда эса актив ва ўз - ўзини бошқариш орқали таъсир қиласи.

А.С.Махаренxo "Педагогик тажрибаларимдан баъзи бир хулосалар" деган мақоласида: "Тарбиянинг вазифаси кишиларни жамоа қилиб тарбиялашдан иборатдир", - дейди.

Фаолият ўз - ўзидан жамоани ривожлантиришда етакчи даражада тарбиявий аҳамиятга эга бўлмайди, бунинг учун унга сабитқадам раҳбарлик керак. Жамоа фаолиятини таҳлил этишда болаларнинг ёш хусусиятларини ва жамоанинг ривожланиш даражасини ҳисобга олиш лозим. Ҳар қандай фаолият ҳам уюшган жамоани вужудга келтиришда кутилган натижаларни бермайди. Аввало, фаолият мақсадлари барча ўқувчиларга тушунарли ва қизиқарли бўлиши керак. Куйи синф ўқувчиларига фаолият мақсадларини ўқитувчилар тушунтиришлари зарур.

Ижтимоий фойдали аҳамиятга эга бўлган натижалар берадиган фаолият болалар жамоаини ривожлантиришга энг кўп даражада ўрдам беради. Бошланғич синф ўқувчилари кутубхонада китобларни таъмирлаш ва мактаб участкасида экинларни парвариш қилишга қизиқадилар ва уларда бажонидил қатнашадилар. Ҳозирги мактабда ўқувчилар таълим жараёнида жамоа фаолиятини ташкил этиш учун жамоанинг фронтал ишидан, ўқувчиларнинг гуруҳлар бўйича ишларидан фойдаланадилар. Дарсда жамоа фаолиятининг умумий мақсадини қўяди ва билиш жараёнини бир ўқувчининг иштирокига боғлиқ бўладиган қилиб кўради.

Ўйин болалар жамоаини жипслаштирадиган ва ривожлантирадиган фаолият турларидан биридир. Болалар ўйинига разм солинса, уларнинг

ўйинлари катталар дунёси қандай акс этишини, улар ўйинида кўриш мумкин. Бошланғич синфларда болалар жамоанини вужудга келтиришида ўзига хос формасида бўлган – ролларга бўлиб ўйналадиган ёки ижодий ўйинларга алоҳида ўрин ажратилади. Масалан: “Космик саёҳат қиласидилар”, “Янги шаҳар қурадилиар”.

Ўйин фаолиятининг қиммати шундаки, ўйин жараёнида ўқувчилар кўпинча турли қийинчиликларни енгадилар, ўз ҳатти-ҳаракатларини бошқаришни ўрганадилар. Ўйин фаолияти болаларнинг тенгдошлари жамоайдаги, ҳаёт мактаби, меҳнат мактаби ва муомала мактабидир.

Ўйин жамоаизм туйғусини мустаҳкамлашга ёрдам беради, ташаббус ва мустақилликни ривожлантиради, ўқувчилар жамоа ҳаётини ташкил этишнинг, жамоачилик фазилатларини шакллантиришнинг ажойиб шакли бўлади.

Перспектив истиқболли системасини яратиш ўқувчилар жамоанини шакллантириш йўлларидан биридир. Жамоани анъанадек мустаҳкамлайдиган ҳеч нарса йўқ, деган А.С.Макаренко.

Жамоанинг ўқувчи шахсига таъсири аввало, фаолият жараёнида амалга оширилади. Жамоа мактаб ўқувчисига фаолиятнинг муайян турида ўз ўрнини топиб олишга қўмаклашади, ҳар бир ўқувчига ўз кучини сарфлайдиган соҳани топиш имконини беради. Жамоани тарбиялашнинг аҳамияти шундан иборат бўладики, у жамоанинг мазмунли ҳаётини ташкил этиш ёрдамида ҳар бир ўқувчи қобилияти ва истеъодини намоён этиш учун шарт-шароит яратади.

Коллективнинг шахста мнособати жамоатчилик фикри ёрдамида ҳам амалга оширилади. Жамоатчилик фикрининг ўзи аста-секин шаклланади. Мактабнинг бошланғич синфлариданоқ ўқитувчилар ўқувчиларни ўз фаолиятларини таҳлил қилишга, жамоадаги ўртоқлари хулқ-авторига баҳо беришга жалб этадилар, болаларни топшириқларни қандай бажарилганлигини баҳолашга ўргатадилар. Синфда вужудга келтириладиган соғлом жамоатчилик фикри ўқувчилар жамоада айрим болаларга ёки ўқувчиларнинг бутун-бутун гуруҳларда таъсир кўрсатишга ёрдам беради. Жамоатчилик фикри ёрдамида болалар ижтимоий муносабатларнинг бутун тизимини эгаллайдилар, ўз хулқ-авторини бошқаришга ўрганадилар.

Жамоанинг шахсга таъсир кўрсатиш шакллари хилма-хилдир: ўқувчилар ийғилишлари ҳам, деворий газета, ўзаро муносабат ва бошқалар ҳам шулар жумласига киради. Ўқувчи шахси доимо ўзгариб ва такомиллашиб боради, шу сабабли шахсга таъсир усувлари доимий бўлиши мумкин эмас, улар ўзгариб туради.

Жамоани вужудга келтириш узоқ давом этадиган жараёнидир. "...Жамоа ҳамда шахснинг маънавий дунёси ўзаро таъсир туфайли шаклланади. Инсон колективдан жуда кўп нарса олади, лекин уни ташкил этувчи кишиларнинг кўп киррали, маънавий бой дунёси бўлмас экан, жамоа ҳам йўқдир". Сухомлинский.

...Ўқув меҳнати манфаатлари ўқувчиларнинг ягона манфаатлари бўлиб қолмаслиги керак. Болаларни қуршаб олган ҳамма нарса уларни жинслаштира олиши керак. Фақат ўқиш фаолияти асосида жамоаизмни тарбияламоқчи бўлган ўқитувчилар, шубҳасиз муваффақиятсизликка учрайдилар, - деган Сухомлинский .

"Хар бир инсон ўз табиати билан шундай яратилганки, у яшаш ва олий даражадаги етуклилкка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди. Уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж сезади", - деб таъкидлаган А.Н.Фаробий.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

6. Ўқувчилар жамоаи қандай шакллантирилади?
7. Жамоанинг тузилиши ва турларини гапириб беринг.
8. Жамоанинг ривожланиш жараёни ва босқичлари хақида нималарни биласиз?
9. Болалар жамоасининг фаолияти ва унинг ўқувчилар таълим-тарбиясини шакллантиришдаги ўрни.
10. Жамоада қандай ижтимоий аҳамиятлар кўзланади?.

МАВЗУ: СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИШЛАР

Режа:

4. Ўқувчи шахсини шакллантиришда синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг педагогик аҳамияти.
5. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг мақсад ва вазифалари.
6. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилиш шакллари ва мазмуни.

Таянч сўз ва иборалар: якка тартибдаги эҳтиёж, бўш вақт, дам олиш, ихтиёрий, оғзаки, кўргазмали, амалий, касб, қобилият ва ҳоказо.

Таълим тўғрисидаги Қонуннинг 17 моддасида «Мактабдан ташқари таълимда болалар ва ўсмирларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қодириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамомат бирлашмалари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин. Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар ўсмирлар ижодиёт саройлари, уйлари, клублари, марказлари, болалар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради» - деб таъкидланган.

Миллий дастурда «Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тизилмаси ва мазмун-мундарижасини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун қуийдагиларни амалга ошириш керак:

Таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;

Миллий педагогик қадриятларга асосланган жаҳондаги илғор тажрибани инобатта олувчи дастурлар ва услубий материалларни ишлаб чиқиш;

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этишнинг, шу жумладан, оммавий спорт ва жисмоний соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмининг, ҳалқ ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шаклларини такомиллаштириш, миллий турларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш», - алоҳида таъкидланади.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб қуийдаги тарбиявий ишлар олиб борилади:

Синфдан ташқари вақтларда ўқитувчилар ёки четдан таклиф қилинган мутахассислар ўқувчилар билан турли хил таълим-тарбия ишларини олиб борадилар. Бундай ишлар синфдан ташқари ишлар деб аталади. Синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган ишлар мактабда ёшларни тарбиялаш тизимининг ажralmas қисми ҳисобланади. Бу ишлардан ўқувчилар шахсини камол топтириш мақсадида кенг фойдаланилади.

Мактабдан ташқари ишлар маҳсус ташкил этилган муассасалар томонидан уюштирилган таълим-тарбия ва маданий оқартув ишларидан иборатdir. Булар икки типга бўлинади: биринчиси, кўп тармоқли, ъни кўп хил ишларни ўз ичига олади. Ўқувчи ва ўсмирлар саройлари, уйлари, болалар клублари, маданият уйларидағи болалар секторлари, болаларнинг истироҳат боғлари, майдончалари, ёзги лагерлари ва бошқалар.

Иккинчиси тор тармоқли муассасалар, яъни бир соҳа бўйича таълим-тарбия ва маданий ишлар олиб бориладиган муассасалар. Болалар кутубхоналари, ёш табиатшунослик станциялари, болалар техника станциялари, болалар театрлари, болалар ижодий уйлари, болалар экспурсия туристик базалари, болалар темир йўллари, стадионлари кабилар.

Синфдан ва мактабдан ташқариш ишлар ўзига хос хусусиятлари билан ўқиши машғулотларидан фарқ қиласи. Бу иш ихтиёрий асосда ташкил қилинади.

Ўқувчилар ўз қизиқиши ва лаёқатларига қараб турли тўгаракларга ёзиладилар, дарсдан ташқари вақтда ўтказилаётган оммавий ва якка тартибдаги ишларда ҳам ўз истаклари билан қатнашадилар.

Синфдан ва мактабдан ташқариш ишларнинг яна бир хусусияти шундаки, бу ишда ўқувчиларни мустақил ишлари асосий ўрин тутади. Тўгаракларда, спорт жамоаларида, болалар лагерларида, мактаб майдончаларида мустақил ишлар учун имкониятлар яратилади.

Синфдан ва мактабдан ташқариш ишлар дарсда олиб бориладиган ўқувтарбия ишларини мустахкамлайди ва тўлдиради, ўқувчиларни педагогик таъсирга тўла жалб этишга, дарс учун ажратилган вақт ичида амалга ошириш қийин бўлган ишлар амалга оширилади.

Синфдан ва мактабдан ташқариш тарбиявий ишлар жараёнида меҳнат ва ўқув машғулотлари билан ўйин кулгу, ҳордик чиқариш тадбирлари ўзаро мувофиқлаштирилиши керак.

Синфдан ва мактабдан ташқариш ишлардан қўзда тутилган мақсад болаларда турли соҳалар бўйича қизиқишлиарни юзага келтириш, уларни ривожлантириш ва тарбиялашдир. Болаларнинг ҳаётини чинакамига маданий қилиш уларни жамоа бўлиб яшашга ўргатишдан иборатдир.

Синфдан ва мактабдан ташқариш ишларни ташкил қилиш шакллари қуйидагича:

а) оғзаки иш усуллари (сиёсий ахборотлар, мажлислар, линейкалар, лекциилар, докладлар, китобхонликлар, конференциялар, мунозаралар, учрашувчи);

б) кўргазмали иш усуллари (мактаб музейлари, турли соҳага оид альбомлар мажмуаси, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари бадиий ижод кўргазмалари);

в) амалий иш усуллари (походлар, экспедициялар, спартакиадалар, олимпиадалар ва конкурслар, қизил изтопарлар ҳаракати, техника ижоди, ёш натуралистлар тўгараклари, шанбаликлар ва темурчилар ҳаракати) ва бошқалар.

Синфдан ва мактабдан ташқариш тарбиявий ишлар шакллари шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга қаратилганлиги билан ифодаланади. Бу муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун синфдан ва мактабдан ташқари, тарбиявий ишлар тизимида қуйидагилар бўлиши мумкин:

- улғаяётган инсон шахсини тарбияда олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ёки ёшнинг бетакрор ва ўзига хослигини хурматлаш;
- миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш;
- педагоглар ва ўқувчилар орасидаги ўзаро ҳурмат муносабатларини шакллантириш.

Ўқувчиларни ақлий, ахлоқий, меҳнат, жисмоний, нафосат, экологик, хуқуқий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан шаклланган кишилар қилиб тарбиялаш дарс жараёнида бошланади. Бироқ ўқувчиларнинг қундалик ўсиб бораётган эҳтиёжлари, қизиқишлиарни фақат дарс жараёнида олиб бориб бўлмайди. Бундай кўп қиррали қизиқишлиарни синфдан ва мактабдан ташқариш тарбиявий ишлар билан узвий боғлаш асосидаги иш мумкин.

Синфдан ва мактабдан ташқариш ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунёқарашини тўғри шакллантиришга, ахлоқий

камол топишига қўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт, ишлаб чиқариш билан боғлашга замин яратади.

Синфдан ташқариш ишларнинг тарбиявий таъсири ўқувчилар жамоасининг хилма-хил ишларини қандай йўлга қўйишиларига боғлиқдир. Синфдан ташқари фаолият мажбурий дастур билан чегараланмайди, балки ёшлиарни ҳар хил ўқувчиларни ихтиёрий равишда бирлаштиради. Уларнинг қизиқишилари, майиллари, ташаббуси асосида ишларни амалга оширади, фанга қизиқтиради, уларни халқнинг маданий ҳаёти муҳитига олиб киради. Синфдан ташқари ишлар шахсдаги ижтимоий фаоллик, ижтимоий онг ва ахлоқ одатларини таркиб топтиришнинг энг муҳим омилидир. Бу фаолият илмий жамоа, клуб, адабий ва мактаб театрларининг ишлари, турли мавзуларда ўтказиладиган китобхониклар конференциялари ва мунозаралари, сиёсий, ахлоқий, маънавий, маданий, илмий-оммабоп ва меҳнат мавзуларидағи маъруза ва сұхбатлар, ижтимоий фойдалы меҳнат, сиёсий ахборот, байрам кечалари ва эртаклари, тўгарак машғулотларини ўз ичига олади.

Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишлари ўз мазмунига қўра тафаккур фаолияти ва муносабат воситаси ҳисобланади. Чунки синфдан ташқари ишларда олинган ахборот идрок этилади, қайта ишланади ва шу асосда янги билимлар ҳосил қилинади.

Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар болаларни ижодкорликка даъват этувчи тарбиявий маскандир. Педагогик тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳозирги шароитда мактабдан ташқари тарбиявий ишларни олиб борувчи болалар уйлари, болалар ва ёшлиар саройлари, ёш техниклар уйлари, ёш табиатшунослар уйлари мактаб тарбиясининг давоми бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Синфдан ва мактабдан ташқариш тарбиявий ишлар концепцияси» бу ишларни режалаштири, амалга оширишда асос бўлди. Ўқувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб турли кишилар билан муносабатга киришадилар, турли вазиятларга дуч келадилар. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилма-хил бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик бой, муносабат домраси кенг ва маънавий ўсиш самараси юқори бўлади. Улар орқали ўқувчилар жамоада ишлашни ўрганидилар, ижтимоий меҳнат қувончини ҳис қиласидилар, ишлаб чиқариш меҳнатига қўшиладилар, жамоатчилик фикрига бўйисинишга, жамоа шарафи учун курашишга одатланадилар. Мактабдан ташқари фаолият унда қатнашувчиларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши ҳамда ёш хусусиятларига қўра белгиланади.

Сиёсий ахборот. Бу тадбир ўқувчиларга мамлакатимиз ва чет элларда муҳим сиёсий-ижтимоий воқеалар билан таништириб бориш имконини беради. Бу ахборот ҳар ҳафтада ўтказилади. Сиёсий ахборотлар ўтказиш учун аввало мавзулар танлаш катта аҳамиятга эга. Календар саналари бўйича режалаштирилган тадбирлар, масалан, 1 сентябр мустақиллик куни, Наврӯз, 8-март хотин-қизлар куни, касб байрамлари, алломаларнинг юбилейлари ва ҳоказо.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш илғорлари, атоқли кишилар билан учрашувлари. Ўқувчилар бирор воқеани унинг ўз иштирокчилари оғзидан эшитсалар, бу воқеа уларга ғоят катта таасурот қолдиради. Ватан уурши, афғон урушининг ва

Ўзбекистон қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари, олимлар, ёзувчилар, дәхқон-фермер тадбиркорлари билан учрашувлар ташкил этиш ахлоқий-сиёсий тарбиянинг энг самарали шакллариdir.

Клублар – ёшларнинг турли хил қизиқиши, истак ва хоҳишиларии қондириши, қобилияtlарини ўстиришни кўзда тутувчи оммавий-ихтиёрий бирлашмадир. Уларнинг тўгараклардан фарқи фаолият даражасининг кенглиги ва кўп қирралигидир. Бир клубда 10-15 та тўгаракни ва оммавий маданий ишларни ташкил этиш мумкин.

Идмий жамиятларнинг клубларга нисбатан иш кўлами янада кенг, фаолияти хилма-хилдир. Илмий жамиятлар ҳам ўқувчиларнинг қизиқиши ва истаклари асосида ташкил қилинади. Асосий мақсад, вазифа ўқувчиларнинг фан, техника ва санъатга бўлган қизиқишиларини қондириши, мустақил фикрлаш қобилияtlарини ўстириши, назарий билимларини чуқурлаштириши ва амалда синааб қўриши, ўқувчилар эътиборини илмий тадқиқот ишларига жалб қилишдан иборат.

Клуб ва жамиятларда «Физика-математика», «Астрономия», «Химия», «Тарих», «Биология», «Экология», «Хуқуқ», Иқтисод жамиятлари, шунингдек, «Мактаб адио клуби» (бунда радиоконструкторлик, кузатувчилик, операторлик: «оммавий ишлар клуби»да – кечалар-эрталиклар, учрашувларни тайёрлаш ва ўтказиш, КВН ларни тайёрлаш каби секциялар) бўлиши мумкин.

Илмий тўгараклар – уларнинг асосий мақсади тўгарак аъзоларининг маълум ўқув фанига бўлган қизиқишиларига таянган ҳолда, улар билимини кенгайтиши, чуқурлаштиши, уларнинг билиш қобилияtlарини ўстириши, мустақил ишларни ўргатиш ҳамда амалий қўникмалар ҳосил қилишдан иборатdir.

Ўлкани ўрганиш тўгараги – ўқувчилар ўз ўлкасига, шахри, қишлоғи, тарихига, халқ оғзаки ижодига оид материалларни тўплайдилар, тегишли ахборот ва докладлар тайёрлайдилар. Махсус тўгараклар – ўқувчиларни амалий қўникма ва билимлар билан қуроллантиради, касб танлашга бевосита ёрдам беради.

Бадиий тўгараклар – адабиёт, мусиқа, драма, тасвирий санъат, ганчкорлик, каштачилик, зардўзлик, дўпписозлик кабилар ўқувчилар ўртасида бадиий ҳаваскорликни ўстириши, эстетик диidi ва ижодий қобилияtlарини тарбиялашдан иборат. Жисмоний тарбия спортларининг турлари жуда кўп. Уларнинг мақсади ўқувчиларни жисмоний чиниқтириши, соғлигини муҳофаза қилиши, соҳалар бўйича қобилияtlарини ривожлантиши, меҳнат ва Ватан мудофаасига амалий тайёрлашдан иборат.